

АИВАР  
ҲОЖИАҲМЕДОВ

МУМТОЗ  
БАДИИЯТ  
МАЛОҲАТИ



FF0000017500

Х 59



А. ҲОЖИАҲМЕДОВ

МУМТОЗ БАДИЯТ  
МАЛОҲАТИ



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ—1999

Тақризчилар:  
академик АЛИБЕК РУСТАМИЙ,  
филология фанлари доктори  
БОТИРБЕК ҲАСАНОВ



Хожиахмедов А.

Мумтоз бадиият малоҳати. — Т.: Шарқ, 1998.— 2406.

Мумтоз адабиёт асарларининг нафосату назокатини теран англаб этиш, улуг шоирларимизнинг бадиий салоҳиятлари сеҳрини муфассалроқ урганиш учун шеърий санъатлар, аруз ва қоғия илмларидан атрофлича хабардор булиш талаб этилади. Кўлингиздаги китобчада ана шу уч илмнинг асосий хусусиятлари ёритилган. Мактабларнинг адабиёт ўқитувчилари, филолог талабалар, мумтоз адабиёт мухлислари рисоладан баҳраманд булиб, шеъриятимизнинг нодир асарларига хос гўзалликни янада тулароқ кашф этадилар, деб умид қиласиз.

ББК 83.3У3

## МУАЛЛИФДАН

Мактабларимизда адабиётни сўз санъати сифатида ўрганишга ўтишни дарслар давомида, шунингдек, дарсдан ва синфдан ташқаридағи машгулотлар жараёнда бадий маҳорат масалаларини кенгроқ ва чуқурроқ таҳлил қилишини тақозо этади. Кўп асрли мумтоз адабиётимизнинг беъзавол ҳазинасини яратган атоқли шоир ва носирларимизнинг санъаткорлик салоҳиятлари сеҳрини кашф этиши учун уларнинг барчалариға замин бўлиб хизмат қилган бадиият асослари — шеърий санъатлар, аruz вазни, мумтоз қоғия назарияси ва амалиётидан атрофлича маълумотга эга бўлиши талаб қилинади. Бу, айниқса, мактабларнинг тил ва адабиёт ўқитувчилари, қолаверса, ўқувчилар учун ниҳоятда зарур. Аруз илмидан бехабар ўқитувчи ёки ўқувчи минг ийлилк адабиётимиз тарихида яратилган иодир асарларни ифодали ўқий олмаганидек, шеърий санъатлар ва қоғия илмидан узоқ кишилар буюк бобокалон шоирларимизга хос юксак бадиий салоҳият мөҳиятини англаб етишлари маҳол. Шунинг учун ҳам қўлингиздаги китобча воситасида шеърий санъатлар, аruz ва қоғия илмлари асослари билан сизларни таништиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Маълумки, амалдаги адабиёт дастурларига кўра мактабларда муболага, ташбиҳ, истиора, ийҳом, таносуб, тазод, талмех, тазмин, тажоҳули орифона, ҳусни таълил, ташхис, ирсоли масал, тажнис, радди матлаъ каби шеърий санъатлар ўрганилади. Китобда ана шу санъатлар ҳақида атрофлича маълумот берилади. Айни вақтда дарслардан ташқари вақтда, жумладан, адабиёт тўғаракларида ўрганилиши мумкин бўлган бир қатор бошқа шеърий санъатлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтишини лозим топдик. Зоро, тамсил, ружуъ, лафф ва нашр, раддул ажуз ал-ас-садр, тарду акс, иштиқоқ, таъдил, жамъ, тақсим, тафриқ каби санъатлардан ҳам хабардор бўлиш мумтоз адабиёт намуналарини бадиий жиҳатдан муфасалроқ таҳлил қилишига имкон бериши шубҳасиз.

Китобчада аruz илми, мумтоз қоғия тузилиши, турлари, қоғия санъатлари ҳақидағи назарий маълумотлар ҳам ўрин олган. Улар шеърий асарларнинг оҳангдорлик сирлари, шоирларимизнинг вазн ва қоғия устида ишлаш маҳоратларини ўрганиша қўл келиши аниқ.

Қўлингиздаги рисолада шеърий санъатлар, аruz илми ва мумтоз қоғия ҳақидағи дастлабки назарий маълумотлар берилган. Шеъриятимиздаги бадиият масалаларини чуқурроқ ва мукаммалроқ ўрганишни истаган адабиёт муҳлислари ушбу соҳаларга багишланган илмий асарлар, ҳусусан, Атоулоҳ Ҳусайнййнинг «Бадойибӯ-с-санойиб» (1981), академик Алибек Рустамовнинг «Қоғия нима?» (1976), «Навоиййнинг бадиий маҳорати», (1979), Ё. Исҳоқовнинг «Алишер Навоиййнинг илк лирикаси» (1965), «Навоий поэтикаси» (1983), В. Раҳмоновнинг «Шеърий санъатлар» (1962), ушбу сатрлар муаллифининг «Ўзбек арузи лугати» (1998) каби қатор китоб ва рисолаларга мурожаат қилишлари мумкин.

Китобчани мутолаа қилган азиз ўқувчилар ўз танқидий мулоҳазалари билдириб, кейинги нашрларнинг мукаммаллашиб боришига ёрдам берадилар, деб умид қиласиз.

# БИРИНЧИ БҮЛİM

## ШЕЪРИЙ САНЬАТЛАР НАФОСАТИ

Минг йиллик тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимизда бадиият масаласи ҳамиша шеър аҳлиниң диққат марказида бўлиб келган. У ёки бу ижодкор салоҳияти ҳақида сўз боргандা, унинг нималарни тасвирлагани эмас, асосан, қандай тасвирлаганига эътибор қаратилган. Жумладан, адабий асарларда шеърий санъатлардан фойдаланиш маҳорати ҳамма асрларда бадиий санъаткорликнинг асосий қирраларидан бири сифатида баҳоланган.

Маълумки, шеърий санъатлар бадиий асардан ўрин олган гояларнинг ҳаётийроқ, таъсиричанроқ ифодаланишига, лирик ва эпик тимсолларнинг ёрқинроқ гавдалантирилишига, мисралар, байтлар, бандларнинг лафзий назокати, мусиқийлиги, жозибадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

У ёки бу шоир ижодига, у ёки бу бадиий асарга баҳо берилар экан, ижодкор ифодалаётган foя ўз аксини топган ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, маърифий-тарбиявий муаммолар моҳияти ва қўлами, бадиий тимсоллар жилоси билан бир вақтда қўлланган шеърий санъатларнинг ранг-баранглиги, мантиқий асосланиши, асар мазмунини очишдаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларга ҳам алоҳида диққат қилинган.

Адабиётимиз тарихи яна шундан далолат берадики, шеърий санъатлар шоир бадиий салоҳиятини қўз-қўз қилиш, унинг хилма-хил санъатлардан моҳирона фойдаланиш усулларини на-мойиш этиш эмас, балки ижодкор бадиий тафаккур даҳосининг қўлами, юксак ижтимоий-ахлоқий foяларни жилолантириш санъаткорлиги ифодаси бўлиб келган.

Шеърий санъатлар муайян бадиий тамоийларга асосланган. Булардан энг муҳими шеърий санъатларнинг асар мазмуни билан узвий боғлиқлиги саналади.

Шеърий санъатларни қўллашда **меъёр масаласи** ҳам муҳимдир. Яъни шеърда ҳаддан ташқари санъат қўллаш мақбул бўлмаганидек, уларга эътиборсизлик билан қараб, асардаги foяларни, фикрларни бадиий безакларсиз ифодалаш ҳам шеър қимматига салбий таъсири кўрсатиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам буюк соҳиби каломлар ўз асарларида шеърий санъатларни ўрни ва меъёри билан қўллаганлар. Мавлоно Атоий ва Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий ва Заҳиридин Бобур, Машраб ва Огаҳий, Нодира ва Увайсий, Фурқат ва Муқимий каби етук шоирларнинг foявий-бадиий баркамол асарлари фикримиз далилидир. Шеърий санъатларнинг ҳар бири муайян **foявий-бадиий ниятга** хизмат қилиши лозимлигини улар яхши англағанлар. Буюк

ижодкорлар құллаган ҳар қайси шеърий санъат ғояни бадий ифодалаш, лирик ва эпик тимсолларни ёрқин гавдалантириш, асарға жозиба, жило, таъсирчанлик багишлаш вазифасини бажаралы.

Шеърий санъатнинг құммати байтда яратилған бадий лавҳалар, тимсолларнинг янгилиги, **бетакрорлығы** билан ҳам белгиланылған. Адабиётшунослигимизда бу масалага ҳамиша алоҳида нытібор берилған. Яшаб үтган ёки ижод қилаёттан бошқа шоирлар тасвирлаган лавҳалар, тимсолларни тақрорламаслик мақсадында үша ижодкорларнинг ифодалари махсус түпламларга жамғылаб борилған.

Адабиёттегі тарихини шу жиҳатдан кузатсақ, ҳар қайси ижодкор аңғанавий тасвирларни мутлақо янги бадий тимсол ва ғашалар воситасыда бетакрор бир тарзда мужассамлантириш йүндан борғанлигини кузатамиз. Масалан, Шарқ шеъриятыда маҳбуба лабининг шириналыгын тасвирлаш орқали унинг латофату назокатини таъкидлаш аңғана бўлиб келган. Аммо ана шу бадий ҳақиқатни ҳар қайси шоир янгича ифодалashi зарур эди. Алишер Навоий ўзининг бир ғазалида ҳусни таълил санъатига асосланиб, маҳбуба лабининг шириналыгы ҳақида ҳайратомуз бадий лавҳа яратганди:

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб,  
Қўп чучукликтин ёпишишлар магар ул икки лаб

Байтида маҳбубанинг лаблари шириналыгидан бир-бирига ёпишиб қолғани туфайли у гўзал ўз ошиғининг аҳволини сўраш учун оғзини очолмаяпти деган тарздаги лавҳа мутлақо янги тасвир намунасиdir. Адабиёттегінда бунга ўхшаш мисолларни минглаб келтириш мумкин.

Шеърий санъатлар, аввало, мантиқий заминга эга бўлиши, яъни қўлланыткан санъат ҳаёт мантиқига мос келиши, унга зид бормаслиги шарт. Масалан, шеърда қўлланган ташбиҳ тасвирланаётган икки нарса — мушаббиҳ ва мушаббиҳун биҳ, яъни ўхшатилувчи ва ўхшатилған икки нарса ўртасидаги мантиқий муносабат заминига қурилиши зарур. Жумладан, Хоразмий, маҳбубани

Қадинг сарву санобардек, белинг — қил,  
Вафо қилғон кишиларга вафо қил

леб тасвирлар экан, қаднинг сарву санобарга қиёсланиши мантиқан асосланған, яъни ёр қаддининг тўғрилиги билан сарв ва санобар дараҳтларининг тиклиги ўртасидаги ўхшашлик ҳаёт ҳақиқатига тўғри келади. Шоир маҳбуба қоматини мажнунтолга ўхшатса, ана шу ҳақиқат бузилған бўларди, зеро тиклик жиҳатидан тасвирланаётган икки нарса ўртасидаги мувофиқлик сақланмаган бўлурди. Ижодкор севимли маъшуқа белини нозиклик жиҳатидан қилға қиёслаганды ҳам ҳаёт ҳақи-

қатига зид бормайди. Чунки ушбу муболағали тасвирида ҳам бел ва қыл тушунчалари ўртасидаги мантиқий мувофиқликка риоя қилинган.

Адабиётшунослигимиз тарихига мурожаат қилсақ, ҳамма асрларда шеърий санъатларни қўллаш борасидаги ушбу меъёр шеър ва илм аҳлиниң дикқат марказида бўлиб келганига ишонч ҳосил қиласмиз. Жумладан, Алишер Навоий қаламига мансуб «Мажолисун нафоис» асарида Ҳусайн Бойқаронинг ушбу соҳадаги салоҳияти ҳақида сўз юритилар экан, бир воқеа ҳикоя қилинади. Унда айтилишича, баҳор кунларидан бирида Мавлоно Лутфий билан Алишер Навоий учрашиб қолишади. Лутфий ёғаётган ёмғирга ишора қилиб, Амир Хисрав ўз фазалларидан бирида шу хусусда нафис бир лавҳа чизганини эслатади: маҳбуба баҳор айёми бир томон борар экан, ёмғир туфайли ерга йиқилай дебдию, нозиклигидан ёмғир риштасини ушлаб туриб олибди. Навоий тасвиридан ҳайратга тушиб, сарой аҳлига ҳам сўзлаб берибди. Аммо ҳаммани лол қолдирган бу лавҳага Ҳусайн Бойқаро эътиroz билдирибди. Навоий бунинг боисини сўраганида, ҳукмдор «ул эътиroz будурким, ул ёғин қатраси юқоридин қуи иниб келадур, муқаррардурким, риштага даги ҳамул ҳоллур. Риштаиким, майли қуий бўлғай, аниң мадади била йиқиладургон узин асраромги маҳоллур» деб жавоб берибди. Демак, Хисрав Деҳлавий тасвирида қўлланган муболағада шеърий санъат билан ҳаёт ҳақиқати ўртасидаги мувофиқлик, мантиқий асос бузилган. Шундай экан, ҳар қайси ижодкор шеърий санъатлардан фойдаланишда ушбу қоидага изчил амал қилиши зарур ҳисобланган. Бинобарин, мумтоз шеъриятдаги санъаткорлик муаммоларини ўрганаётган тадқиқотчи ҳамиша бу жиҳатга эътибор бериши лозим.

Шеърий санъатларга қўйиладиган талабларнинг яна бири уларда ифодаланган **тимсолларнинг ўқувчилар оммасига тушунарли бўлишиди**. Бу тимсолларни ўқувчи англаб етмаса, улар ўз моҳиятини йўқотиши муқаррар.

Масалан, ижодкор ўзи тасвирилаётган шахс, буюм, туйфу ва бошқаларни бирон нарсага қиёс қиласидиган бўлса, уша нарса ўқувчига таниш бўлиши, уни ўқиганда, кўз олдидаги ўзига таниш муайян бир тасвир, қиёфа гавдаланиши шарт. Алишер Навоийнинг

Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач қуёш

байтидаги санъатга дикқат қилсақ, унда маҳбуба рухсорини яширгандан сўнг ошиқ кўзидан ёшлар оқиши манзараси қуёш ботгач, юлдузларнинг пайдо бўлишига қиёс қилинган. Ушбу табиий манзара ўқувчига яхши таниш бўлгани учун ҳам тасвир ўз мақсадига эришган.

Талмек санъати қўлланганда ҳам бу масалага алоҳида диққат қиратиш лозим бўлади. Чунки шоир ишора қиласидиган афсона, тарихий воқеалар қаҳрамонлари, номлари кўрсатилаётган шахслар албатта кенг ўқувчи оммасига яхши таниш бўлиши зарур. Мунис Хоразмий

Бало кўҳсорининг фарҳоди менмен,  
Жунун тасвирининг беҳзоди менмен

Леб ёзар экан, байтда келтирилган Фарҳод ва Беҳзод исмлари ўқувчига яхши таниш бўлгани учун ҳам шоирнинг бадиий нияти рўебга чиқади.

Шеърий санъатлар ўқувчиларнинг билим даражасига мувофиқ бўлиши зарур. Ўқувчи ўз ҳалқининг тарихи, маданияти, урф-олатлари, оғзаки ва ёзма адабиёти билан қанчалик яхши таниш бўлса, шеърий санъатлар моҳиятини ҳам шунчалик осонлиглаб етади ва шоир айтмоқчи бўлган фикрлар мағзини чақа олади. Масалан, Алишер Навоий қаламига мансуб бир газалнинг қўнидаги байтига назар ташлайлик:

Равзада кавсар қироғинда хаёл эттим Билол,  
Юз аро лаб, лаб уза шабранг холингни кўруб.

Диққат қилсак, шоир маҳбуба юзини жаннат боғи — равзага, табини жаннатдаги кавсар булогига, холини эса Билолга қиёстаб, гўзал бир лавҳа яратганинг гувоҳи бўламиз. Равза, кавсар сузлари маъноси кўпчиликка аён. Аммо нега шоир маҳбуба холини Билолга қиёслаяпти? Бунга қандай мантикий асос бор? Яъни Билолнинг ўзи ким? Бу саволга жавоб топа олмаган ўқувчи шоирнинг гоявий ниятини ҳам, бадиий санъат нафосатини ҳам тушуниб етмаслиги аниқ. Маълумки, ҳазрати Билол Муҳаммад расуулulloҳ саллолдоҳи алайҳи ва салламнинг энг содик саҳбалиаридан бири бўлиб, ҳабашлардан эди. Ислом дини йўлидаги фидокорона хизматлари туфайли у зотнинг жаннат висолига мусассар бўлишларини пайгамбаримиз бир неча бор таъкидлаган ҳиллар. Демак, ана шу ҳақиқатга асосланган шоир маҳбуба холини ҳазрати Билолга ўхшатган эди.

Ушбу маълумотга эга бўлган ўқувчигина Алишер Навоий қўллаган санъат моҳиятини англаб етиши ҳамда унинг бадиий салоҳиятидан ҳайратланиши мумкин.

Яна бир талаб шеърий санъатларнинг нафосат қоидасига ҳам мувофиқлиги, ҳар қайси бадиий лавҳа, тимсолнинг ўқувчидаги гўзал ҳис-туйғулар, тасаввурлар уйготиши зарурлигидир. Мумтоз шеъриятимизнинг безавол обидаларини кўздан кечириш эканмиз, ижодкорлар қўллаган ҳар қайси шеърий санъат ҳаётий манзаралар воситасида ижобий хислатларни камол топтиришга ҳам хизмат қилганини кўрамиз. Айни вақтда ушбу санъатлар бадиий сўзнинг буюк қурдатини ҳис этиш, тили-

мизнинг беқиёс бойлиги ва гўзаллигини теранроқ англаб, ватанпарварлик, элсеварлик туйгуларини тарбиялаш вазифасини ҳам бажарган.

Бир байтнинг ўзида бир неча хил шеърий санъатнинг қўлланниши ҳам шеъриятимизда кўп учрайди. Масалан, Огаҳийнинг

Юзинг авжи сабоҳатда маҳи анварға ўхшойдир,  
Сўзинг хони малоҳатда тузу шаккарға ўхшойдир

байтини кўздан кечирсак, аввало, унда **ташибиҳи мутлақ** санъати қўлланганини кўрамиз: маҳбуба юзи маҳи анвар — нурли ойга, сўзи эса туз билан шакарга ўхшатилган. **Авжи сабоҳат** ва **хони малоҳат** иборалари **истиора**, маъно жиҳатидан яқин хон, туз, шакар сўzlари **таносуб** санъатини юзага чиқарган. Байт мисраларидаги юзунг — сўзинг, сабоҳат — малоҳат, анвар — шаккар сўzlари шоирнинг **зулқавофи** санъатига мурожаат қилгани, мисралардаги барча сўzlарнинг ўлчов жиҳатидан тенглиги эса **мувозана** санъатини ҳосил қилгани ҳам кўзга ташланиб туради. Бундай мисолларни жуда кўп келтиришимиз мумкин.

Шеърий санъатларни моҳирона қўллаш, албатта, шоирнинг бадиий тафаккур салоҳияти, она тилининг чексиз гўзалликларидан фойдаланиш иқтидорига боғлиқдир.

Адабиётшунослигимизда шеърий санъатларни маънавий ва лафзий санъатларга ажратиш анъана бўлиб келган. Маънавий санъатлар асардаги foяларни ёрқин ифодалаш, лирик ва эпик тимсолларни ҳаётийроқ гавдалантириш, уларнинг маънавий қиёфалари, ҳис-туйгуларини таъсирчанроқ акс эттиришга хизмат қилган бўлса, лафзий санъатлар асарнинг тил жиҳатдан жозибадорлигини, оҳангдорлигини таъминлашга ёрдам берган. Маънавий ва лафзий санъатлардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, ўзига хос имконият қўлами мавжуд. Буни ҳар бир санъат моҳияти билан чуқурроқ танишганда яққол ҳис этиш мумкин.

# I б о б

## МАЬНАВИЙ САНЪАТЛАР

### МУБОЛАГА

Муболага араб тилида «катталаштириш», «кучайтириш» маныосини билдириб, адабий асарда тасвиirlанаётган бадий тимсол ҳолати ёки ҳаракатини бўрттириб, кучайтириб ифодалашсаннаги демакдир. Бу хил тасвиирда бадий тимсол хусусиятлари ўқорроқ намоён бўлади, ўқувчи кўзи олдидага ёрқинроқ гавдаланаиди. Алишер Навоийнинг

Меҳр эмас, оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шаар,  
Айб эмастур гар десам: «Дам урсам афлок ўртанур»

байтида ошиқнинг севгилиси ҳажрида чеккан изтироблари фоятла кучайтириб тасвиirlанган: кўклини қўёш ошиқ ерда чеккан оҳ утининг бир учқуни эмиш. Бу хил бўрттирилган тасвиир туфайли ошиқ қиёфаси, ички ҳолати, ички олами, қалбида мавж урган ўтирослари таъсирчан, жозибали ифодаланган. Ўқувчи албатта бу хил тасвиирнинг шартли эканини ҳис этади, унинг воситасида ёридан айрилган инсон кечинмаларининг энг юқори даражасини ақдан англайди ҳамда ошиқ қалбининг изтироблари ҳақиқати ҳам ниҳоят даражада кучли эканига ишонч ҳосил қиласди.

Муболага ўқувчининг тасаввур оламига асосланади, тимсол ҳолати ёки ҳаракати белгиси ана шу тасаввур олами сифдирганичлик бўрттирилиши мумкин. Ўқувчининг тасаввур доирасига сизмаган муболага ўз аҳамиятини йўқотади. Алишер Навоий қатамига мансуб:

Гул юзунг ҳажрида чиқса ўтлуг оҳим гоҳлар,  
Кўкта гулнорий булатлардек кезар ул оҳлар

байтини ўқиган ўқувчи тасаввурида аввало кўкда аста сузид бораётган оқ булатлар пайдо бўлади, сўнг улар гулнори — қизғиш булатларга айланади. Ўқувчи ушбу қизғиш булатларнинг ошиқ оҳлари эканига диққат қиласди ва бу тасвиирнинг шартли эканини аниглаб етади. Шоир қўллаган муболага лирик тимсол кечинмаларининг кучайтирилган ифодаси эканига ишонч ҳосил қиласди. Тасвиирнинг янгилиги, гўзаллиги унинг дилига завқ багишлийді, ўқувчи беихтиёр буюк шоирнинг бадий кашфиёти олдидага лол қолади, ҳайратланади, маҳоратига таҳсин айтади.

Оғаҳийнинг

Оҳимдан учуб ҳавога тоғлар  
Ер юзи саросар ўлди ҳомун

байтидаги муболаға үқувчининг тасаввур доирасига сиғиши шубхалироқ, чунки ҳеч қайси инсон тоғларнинг ҳавога учишини кузодига келтиролмайди. Бинобарин, бу хил тасвириңнинг таъсир кучи ҳам заиф бўлади.

Муболаға таблиғ, ифроқ, ғулувв деб аталган уч турга булинали.

Таблиғ ақлан ишониш мумкин бўлган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлган муболағадир. Алишер Навоийнинг «Келмади» радиофлиғазалидаги

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯ келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади

байгининг иккинчи мисрасида шу хилдаги муболаға қўлланган. Зоро, висол ваъдасини берган гўзалнинг келмагани оқибатида ошиқнинг кечаси билан ухламай чиқиши оддий ҳаётий воқеа бўлмай, муболағали тасвири, чунки шундай ҳолларда ҳамма ошиқлар ҳам ухламай чиқадилар дейиш хато бўлурди. Лекин бу муболағали тасвири, яъни ошиқнинг туни билан ухламай чиқишини ақлан тасаввур ҳам қилиш мумкин, бундай ҳодисалар оз бўлса-да, ҳаётда юз бериб туради. Ҳаёт воқелигини шу тарзда бироз бўрттириб тасвирилаш муболағанинг таблиғ деб аталмиш биринчи даражаси ҳисобланади.

«Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Ўпуб ул бодполарнинг аёгин,  
Тушуб йўлга тутуб икки қулоғин

байтида Шириннинг ўзи қурган ариққа сув очилишини кўрмоқ учун келишидан хабар топган Фарҳод ҳолати тасвиранган. Шоир ёзишича, Фарҳод ўз севгилиси оти туёқлари овозини эшитиш учун йўлга қулоқ тутади. Бу ҳолатда муболағали тасвири кўриш қийин эмас. Аммо бу хил бўрттириш ҳам ҳаёт ҳақиқатига зид бормайди. Бирорни орзиқиб кутган кишининг йўлга қулоқ тутиши ҳаётий воқелик. Шу туфайли бу тасвири ҳам таблиғга нисбат бериш мумкин.

«Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳоднинг қароқчилар билан жанг манзаралари тасвиранган лавҳаларда ҳам муболағанинг шу туридан фойдаланилган. Зоро, Фарҳоднинг хатти-ҳаракати кучайтирироқ тасвиранганига қарамай (чунки унинг жасоратига ҳар қандай йигит ҳам журъат қиласкермайди), унинг мардлиги бизни ишонтиради, ёй ўқи билан қароқчиларнинг кемаларини ёндириб юборишига ақлимиз ҳам бовар қиласиди, бу иш ҳақиқатан ҳам инсон қўлидан келади.

Муболағанинг иккинчи даражаси **ифроқ** деб аталади. Ифроқ белги ёки ҳаракатни ақлан ишониш мумкин бўлса ҳам, ҳаётда юз бериши мумкин бўлмаган тарзда кучайтириб тасвирилаш демакдир. «Фарҳод ва Ширин» достонида Шириннинг оти оёқлари чирмасиб йиқилай деганда, Фарҳод бориб отни кўтариб олиши воқеаси тасвиранади. Шоир ёзишича:

Чу ошиқ онглали қылғоч тааммул,  
Ки елдин түшкүдекдур ер уза гул.  
Ер үпмакликка мажнундек хам ўлди,  
Қүёш остида гардундек хам ўлди.  
Кутарди орқасига бодпони,  
Нечукким бодпо ул дилрабони.  
...Чу икки-уч йиғоч ғом урди шайдо,  
Бұлуб олинда қасру ҳавз пайдо,  
Қадамни қўйди қаср айвони сори,  
Саломат рахши бирла шаҳсувори.

Фарҳоднинг 1,5—2 км йўлни от ва Ширинни кўтарган ҳолда босиб ўтишини ақдан қабул қилиш мумкин бўлса ҳам, бундай ишсаннинг ҳаётда юз бериши мумкин эмаслиги кўзга ташланиб турибди. Бинобарин, Навоий бу ўринда муболаганинг ифроқ деб иштаги иккинчи даражасига мурожаат қилган экан.

Муболаганинг учинчи даражаси **гулувв** деб аталади. Ақл ҳам бонид қилмайдиган, ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлмайдиган тарзи тасвирлаш шундай санаъат саналади.

Шоир муайян белги, ҳолат ёки ҳаракатларни шу хил тасвирлар экан, уларга ишонтириш мақсадини кўзламайди, албатта. Аммо бу хил бадиий манзаралар тасвирланаётган белги, ҳолат ёки ҳаракатнинг энг юқори даражаси ҳақида тасаввур ҳосил қила олади. Тасвирнинг ноёблиги эса ўқувчига эстетик завқ бағишланади. Шунинг учун шоирлар бу хил муболагадан кенг фойдалангандар.

### Алишер Навоийнинг

Хар қизил гулким, юзунг шавқида олиб исладим,  
Етқач оҳим шуъласи они сариф гул айладим

Байтига диққат этсак, унда ғулувв қўлланганига ишонч ҳосил қиласиз. Зоро, шоир тасвирича, ошиқ ўз севгилисининг қизил югини соғиниб қизил гулни олиб ҳидлар экан, оҳи шуъласидан у сариг гулга айланибди. Тасвирланаётган ушбу ҳодисани ақдан ҳам қабул қилолмаймиз, яъни қизил гулнинг инсон оҳи билан сариг гулга айланишига ақлимиз бовар қилмайди ҳам, бу хил ҳодиса ҳаётда юз бериши мумкин ҳам эмас. Аммо лирик қаҳрамон ҳолатини шу тарзда бўрттириб тасвирлаган шоир ўқувчини ошиқ кечинмаларининг нақадар кучли эканига ишонтира олади, ҳаётий бўлмаган ҳодиса ҳам унинг тасаввuriда ҳақиқатга айлангандек бўлади.

### Навоий қаламига мансуб бўлган:

Ишқинг ўтин гар Навоий десаким айлай рақам,  
Сўзидин куяр қалам, қурир қаро, эрур давот

Байтини кўздан кечирсак, ушбу мисралар ҳам ғулувв асосига қурилганини кўрамиз. Зоро, сўздан қаламнинг куйиб, сиёҳ қу-

риб, сиёҳдоннинг эришига ақлимииз ҳам бовар қилмайди, бундай ҳолатлар ҳаётда ҳам юз бермайди. Лекин ўкувчи бундай ҳолатларни фаразан тасавур эта олади, шу туфайли бу хил тасвиридан таъсирланади, роҳатланади.

Муболага белгини кичрайтириб кўрсатишни ҳам назарда тулади. Чунончи, Навоийнинг

Бўлубтур заъфим ул янглиғки, боссам мўрни ўлмас,  
Вале ул жисмим узра чиқса, дардидин чиқар жоним

байтида шу хил муболага қўлланган.

Мисоллар:

Юзинг нури қуёшнинг нурин ўртар,  
Сақоқинг шуъласи оламни ўртар.

(Хоразмий)

Жаҳонни ўртади ишқинг балоси,  
Қамуғ олам қароқинг мубталоси

(Ҳўжандий)

Лабинг шавқинда ҳар хатким битирмен,  
Ўқурда қон томар мактублардин.

(Атойй)

Кузларим ёшиндин андоқ мавжи тӯфон қўптиким,  
Мунфаил бўлди Фироту Дажлаю Уммону Нил.

(Гадоий)

Жоним кўрган жафонинг мингда бирин  
Бўлур гар кўрса сандон пора-пора.

(Саккокий)

Меҳрингдин, аё, ою фалакка етар оҳим,  
Килмас, нетайин, кўнглунга бир зарра сироят.

(Лутфий)

Фироқ иситмаси андоқ танимдин ўт чиқорур,  
Ки гар табиб илигим тутса, бармоғи қабарур.

(Навоий)

Ўртанур эл фурқатингдин навҳа бунёд айласам,  
Қўзғолур олам ўкурмак бирла фарёд айласам.

(Навоий)

Не ўтдуур буки, етмас экач эриб оқти,  
Урарға күксума ердин не тошким олдим.

(Навоий)

Ул пари ҳажринда мен девона чексам ўтлуғ ох,  
Эй малак, гар бўлмасанғ воқиф, қанотинг чурканур.

(Навоий)

Кўзумдин ёшуниб, эй баҳри алтоф,  
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсан.

(Бобур)

Ўйла тўфон хез бўлди ашку оҳимдин бори,  
Ер юзин фарқ айлаб эмди мавж урагунда сув.

(Оғаҳий)

Муболага айниқса ҳажвий асарларда кенг Қўлланилади.  
Ҳажви унинг воситасида ҳажвий тимсолнинг ташқи қўриниши, матнавий қиёфаси, хатти-ҳаракати, нутқини бўрттириб тасвирлар экан, асар таъсиричанинги ниҳоятда кучайтириш, ўкувчидаги ҳажвий тимсол қиёфасига номувофиқлиги, номутаносиблиги кулни яратувчи асос бўлиб хизмат қиласи. Чунончи, Махмурнинг «Авсофи қози Муҳаммад Ражаб Авж» ҳажвиясидаги қозининг қиёфасини тасвирловчи

Чиқиб ар-ари қадди чандон узун,  
Бўлур сақфи гардунга қилсанг сутун.  
Бузиб барча дарвозани салласи,  
Эшикларни вайрон қилур калласи

Каби байтларда Қўлланган муболага лирик асарлардагига қарангиди бошқачароқ гоявий-бадиий мақсадни кўзлаши, муболаганинг кулгили йўналиши билан фарқланади. Бу ҳолатда ҳам муболаганинг шартлилик хусусияти сақлансанда, у салбий тамойил туғайли ҳажв даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Ҳазил (юмор) жанрига мансуб асарлардаги муболага ҳам култи уйғотиш мақсадини кўзлайди. Махмурнинг «Авсофи Карим-кул меҳтар» ҳазилида қирчанғи от тасвирига бағишлиланган

Сув ҳам ичса томогига тиқилур,  
Пашша гар қўнса ёлиға йиқилур

блитидаги белгини кичрайтиришга қаратилган муболага шулар жумласидандир. Муқимиининг «Танобчилар» ва «Тўй» ҳажвия-тиридаги

Бир-бирисига солишурлар ўрун,  
Эртаю кеч ўпишиб оғиз-бурун.

...Сузди ош бир ликавда уч кишидин,  
Кетти ошни күриб ҳама ҳушидин

байтларидаги каби муболағалар ҳам ҳажвий тимсолнинг кулгили  
қиёфасини тасвираш мақсадига хизмат қилади.

Замонавий ҳажвиётда ҳам муболағадан кенг фойдаланиб ке-  
линмоқда. Эркин Воҳидовнинг «Бошиндадир» ҳажвий шеърида  
олифта йигитча тасвирига бағишлиланган

Най мисол шим кийган ул  
Сандиқдайин туфли билан,  
Хурпайиб турган саватдек  
Соч анинг бошиндадир

байтларидаги муболағали тасвир шулар жумласидандир.

Муболага замонавий латифалар, лофлар, ҳажвий саҳна асар-  
ларида ҳам кенг қўлланиб келинмоқда.

## ТАШБИҲ

**Ташбиҳ** — Шарқ адабиётида кенг тарқалган санъатлардан би-  
ри бўлиб, «ўхшатиш» маъносини ифодалайди. Икки нарса ёки  
тушунчани улар ўртасидаги ҳақиқий (реал) ёки мажозий муносабатларга қўра ўхшатиш санъатидир. Ташбиҳ санъати тасвира-  
наётган шахс, буюм ёки тушунчани ўқувчи кўз ўнгида аниқроқ,  
жозибалироқ гавдалантиришга хизмат қилиб, асар тимсоллари  
маънавий қиёфасини ёрқинроқ очиш, бинобарин, шоир фоясини  
ўқувчи онгига тўлароқ етказишга имкон беради.

Шарқ адабиётшунослигига ташбиҳлар ҳақиқий (реал) ва ма-  
жозий ташбиҳларга бўлинган. Аниқ, ҳаётӣ буюмлар, ўхшатиш  
учун танланган бўлса, ҳақиқий ташбиҳ, ноаниқ, мавхумий ту-  
шунчалар танланган бўлса мажозий ташбиҳ ҳисобланган.

Масалан, Фурқатнинг

Лабинг фунча, юзинг икки қизил гул,  
Қадинг сарву, сочинг гўёки сунбул

байтида маъшуқанинг аъзолари аниқ нарсаларга: лаби фунчага,  
юзи қизил гулга, қадди сарвга, сочи эса сунбулга ўхшатилади.  
Бинобарин, бу ўринда ҳақиқий ташбиҳ қўлланилган.

Ташбиҳ санъати қўйидаги тўрт жузв асосида қўлланилади:

1. Мушаббиҳ — нима ўхшатилган бўлса, ўша нарса ё тушунча.
2. Мушаббиҳун биҳ — нимага ўхшатилган бўлса, ўша нарса ёки тушунча.
3. Важҳи шабиҳ — мушаббиҳ билан мушаббиҳун биҳ орасида-  
ти муносабат.
4. Воситай ташбиҳ — ўхшатилиш белгиси.

Масалан: «Севгилим гүзәлликда Шириң кабидир» деб тасвир-фина, «севгилим» сүзи мушаббиҳ, «Шириң» — мушаббиҳун биҳ, «гүзәлликда» — важҳи шабиҳ, «кабидир» — воситай ташбиҳдир.

Хамма жузви мавжуд бўлган ўхшатиш «ташбиҳи муфассал» оббигаради.

Шеъриятда важҳи ташбиҳ жузви қўлланмаслиги ҳам мумкин. Масалан, Муқимийнинг

**Кўзларинг чўлпона ўхшар, қоралигда соchlаринг  
Оразинг ойдин мунаvvар, осмондир қошларинг**

Бантишти «кўзларинг чўлпона ўхшар» деган тасвирда «кўзларинг» — мушаббиҳ, «чўлпона» — мушаббиҳун биҳ, «ўхшар» сүзи юзни воситай ташбиҳ бўлиб, важҳи ташбиҳ тушириб қолдирилган. Бу чил ўхшатиш «ташбиҳи мужмал» саналади.

Шеъриятда кўпинча важҳи шабиҳ ва воситай ташбиҳнинг ҳар иккиси тушириб қолдирилади. Бу ҳолда фақат мушаббиҳ ва мушаббиҳун биҳдан ташкил топган ўхшатиш «ташбиҳи муяққад» оббигаради.

Ташбиҳи муяққад ташбиҳи муфассалга қараганда ўхшатиш ботисининг кучлилиги билан ажралиб туради. Масалан,

Гул юзинг ҳажринда ўздин кетгай эрдим дам-бадам,  
Гар бу сориф юз уза кўз урмаса ҳар дам гулоб

мисраларида Лутфий «гўзәлликда гулга ўхшаш юзинг» жумласи ўрининг «гул юзинг» тарзидаги қисқа, аниқ ташбиҳни қўлларни, у муфассал ҳолдаги ўхшатишга қараганда маъшуқа латофанини ёрқинроқ гавдалантиради.

### Алишер Навоийнинг

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт,

### Атойининг

Эй менглари мушку, энги лола, кўзи оҳу,  
Зулфинг фамида тутти кўнгулни қора қайгу,

### Фурқатнинг

Орази гул, зулфи сунбул, кўйлаги барги суман,  
Хилъати раъно, бўйи зебо гулистоним менинг.

### Муқимийнинг

Муддате бу боғ аро бир-бир юриб солдим назар,  
Бир юзи гул, зулфи сунбул, хатти райхонсан ўзинг

каби мисраларида ҳам ана шу хилдаги ташбиҳ қўлланган.

Мазкур санъат құлланилар экан, мушаббиҳ ва мушаббиҳүн биҳ жузвлари бирдан ортиқ келиши мумкин, албаттa.

## Муқимийнинг

Лаъли лабинг қанду асал, қилди таманноси касал,  
Ком олмаганда фильмасал, мен мубтало қайга борай

мисраларida маъшуқа лаби (мушаббиҳ) бир вақтнинг ўзида лаълга, қандга ва асал (мушаббиҳүн биҳлар)га ўхшатилган. Бу каби ҳолларда, яъни мушаббиҳ битта бўлиб, мушаббиҳүн биҳ бирдан ортиқ бўлса, бу хил ўхшатиш «ташбиҳи жамъ» деб аталади.

Баъзан мушаббиҳүн биҳ битта бўлган ҳолда мушаббиҳ бирдан зиёд келтирилиши мумкин. Масалан, Фурқатнинг

Лаб—гул, ораз—гул, бадан—гул, жабча—гул, бир наҳлдин  
Эй вужудинг гулшанида бор бу миқдор гул

байтида ана шу ҳолни қўрамиз. Яъни маъшуқанинг лаби ҳам, юзи ҳам, бадани ҳам, жабҳаси ҳам (мушаббиҳлар) битта нарсага — гул (мушаббиҳүн биҳ)га ўхшатилган. Бу хил ўхшатиш «ташбиҳи тасвия» номи билан юритилади.

Шарқ шеъриятида мушаббиҳ ва мушаббиҳүн биҳнинг ҳар иккиси бирдан ортиқ қўлланган ҳоллар ҳам кўп учрайди.

Баъзан мушаббиҳ ва мушаббиҳүн биҳлар жуфт-жуфт бўлиб келиши ҳам мумкин. Жумладан, Бобурнинг

Энги менги ою, доғи, юзи, сўзи — гулу мул,  
Қади равону тани жону эрни маржондур

байтининг биринчи мисрасида мушаббиҳлар — «энги, менги» ва «юзи, сўзи» сўzlари ҳамда уларнинг мушаббиҳүн биҳлари — «ою доғи», «гулу мул» сўzlари жуфт-жуфт бўлиб келган.

Бу хил ташбиҳлар ҳам икки турлидир. Баъзан шеър мисраларida мушаббиҳ ва мушаббиҳүн биҳлар кетма-кет, яъни бир мушаббиҳ ва мушаббиҳүн биҳдан сўнг иккинчи, кейин учинчиси саналади. Бу хил ўхшатишлар «ташбиҳи мафруқ» («ажратилган ташбиҳ») дейилади. Масалан:

Пари рухсораларнинг кўркка бойи,  
Юзунг наврўзу, қошининг байрам ойи  
...Бўюнг сарву санубартек, белинг қил,  
Вафо қилғон кишиларга вафо қил.  
...Фалак ишқинг йўлида бесару пой,  
Исирғанг донаси Зуҳра, юзунг ой.

(Хоразмий)

Оң қомати сарву, құзи наргис, әнги лола  
Түліпұнғ әрүр ул лола уза мушк кулола.

(Саккокий)

Сочинг сунбул, қадинг сарви санувбар  
Күнинг наргис, янгоғинг аргувондур.

(Атоиій)

Юғу гулу, қади шамшод, құзлари наргис,  
Ішхори ёсуманимни тушимда күрсам әди.

(Нодира)

Хитингдур сабзаи райхон, лабингдур кавсар андоми,  
Мижанг бүстон, юзинг гул, мисли гулзори чаман нозик

(Уваисий)

Хити бинафша, хади лола, зулфи райхондур,  
Ішхори ҳуснида юзи ажаб гулистондур.

(Бобур)

Байрии мисрада мушаббиҳлар, иккинчисида мушаббиҳун  
саналса, бу хил ўхшатиш «ташибиҳи малфуф» дейилади.  
Алишер Навоийнинг

Юғи зулфу қади раъносини күрганда дермишман  
Ҳам ул гулдур, ҳам ул сунбул, ҳам ул бир нахли шамшоди.

Байтилдиги биринчи мисрасидаги «юз», «зулф», «қад» сүзлари мұ-  
шаббиҳ булиб, кейинги мисрада ана шу аъзолар ўхшатилган нар-  
зор «гул», «сунбул», «нахли шамшод» тилга олиняпти.

Оғындининг

Олида ҳам сарву гул, ҳам ғунча бұлмишдуру ҳижил,  
Ул паридин ўзгага бұқтон қаду рухсору лаб


Байтилдиги биринчи мисрада мушаббиҳун биҳлар (сарв, гул, ғун-  
ба), иккинчисида эса мушаббиҳлар (қад, рухсор, лаб) саналған.  
Саккокий қаламига мансуб бўлган

Бую юзу лаъл эрну хату хаддина туш йўқ,  
Сарву гулу мул настарану ёсуман ичра

Байтилдиги биринчи мисрада мушаббиҳлар, иккинчисида мушаб-  
биҳун биҳлар келтирилған.

Алишер Навоийнинг

Андек жарнинди сабза орасинда долалар  
Ким сабоз хатлар илгизда ботин-пиёлалар



байтида ҳам шу хил ташбиҳ кўлланган. Диққат қилинса, бирни мисрадаги «сабза», «лолалар» сўзлари мушаббиҳ бўлиб, «ғоҳатлар илги», «олтин пиёлалар» сўзлари мушаббиҳун биҳ экинтигини аниқлаш қийин эмас.

Мазкур байтда шоир мушаббиҳун биҳлар тарзида танланти нарсаларни ўзаро муносабатга киритган ҳолда иккита айрик айрим ўхшатиш ўрнига яхлит ва такрорланмас бадиий манзур яратган.

Мумтоз адабиётимизда шоирларнинг бу хил ташбиҳга жуд кўп мурожаат этганини кўрамиз. Ҳусусан, Хоразмий, Лутфий Алишер Навоий, Оғаҳий, Фурқат, Комил Хоразмий каби йирий сўз усталарининг лирик ва эпик ижодида бу санъатга мурожаат қилиниб, кўплаб такрорланмас манзаралар яратилган. Масалан

Қўнубдур ҳол ул рухсор узра,  
Ки занги бачаси гулзор узра.

(Хоразмий)

Лаъян серобингиз узра бу зумуррад сабзалар  
Тўтии гўё қўнубдур қанду шаккар устина.

(Атоий)

Вўсма узра зарварақлик икки қошинг юз уза,  
Жилвагар бўлғон ики товус эрур гулзор аро.

(Навоий)

Ўтлуг узоринг узра ул турфа ҳоли жоду  
Ўтка тушуб қуобдур оташпараст ҳинду.

(Навоий)

Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари  
Икки ҳинду баччадурким ёндошиб ё тортадур.

(Фурқат)

Ташбиҳ санъатининг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар ташбиҳи мутлақ, ташбиҳи киноя, ташбиҳи машрут, ташбиҳи тасвия, ташбиҳи акс, ташбиҳи измор ва ташбиҳи тафзил номлари билан аталади.

**ТАШБИҲИ МУТЛАҚ.** «Аниқ ўхшатиш» маъносини ифодаловчи бу хил санъат гўё, сингари, - дай, - дек каби сўз ёки кўшимчалар (одоти ташбиҳ) кўлланган, шунингдек, шарт, киноя, тасвия, акс, измор ва тафзилдан ҳоли бўлган ташбиҳни англатади. Масалан, Хоразмий «Муҳаббатнома»сидаги

Бўюнг сарви санубартек, белинг — қил,  
Вафо қилғон кишиларга вафо қил

байтида маҳбуба бўйи сарв билан санобарга ўхшатилганлиги -тек

Зиҳи сарв устида юзунг қамардек,  
Қани бир шохи гул сен сиймбардек

Матшуқа юзи қамарга - дек қүшимчаси воситасида аниқ  
Фурқат қаламига мансуб

Оразинг эрур жаннат, чашм ҳуру ғулмонинг,  
Қоматинг эрур тўби, хатт — сабзрайхонинг

Ҳинди ўҳшатишлар ҳам шу тарздаги мутглақ ташбиҳдир.

**ТАШБИҲИ КИНОЯ.** Шеърий ижодда ташбиҳ қўлланилар  
кунинча ўҳшатилаётган нарса (мушаббих) номи тушириб  
сифтирили-да, ўҳшатилган нарса (мушаббихун биҳ) номигина  
аддигина. Аммо мушаббиҳни, яъни нима ўҳшатилаётганини  
аддигина аниқлаш мумкин. Масалан, Лутфий ўзининг

Ул лаъли лабинг бирла тишинг турфа тушибур,  
Ким кўргали бор шакли сурайё шафақ ичра

радарида ёр лабини лаълга ўҳшатади ва бу хил ташбиҳ «лаъ-  
ли лабинг» бирикмасида яқзол кўриниб туради: унда мушаббих  
мум, мушаббихун биҳ ҳам мавжуд. Энди Лутфийнинг мана бу  
диққати дикқат қиласайлик:

Лаълиға боқсан билурким, кўнглум ул ён тортадур,  
Ноз ила ўлтурғали айтур «Сени қон тортадур».

Биринчи мисрадаги «лаълиға» сўзи аслида «ёқутига» деб ту-  
ширилди. Аммо ўқувчи бу сўзда «лаъл лабига» маъносини анг-  
лийни «Лаб» сўзининг тушириб қолдирилиши байт маъносига  
бермаган, аксинча, уни янада кучайтирган.

Бу санъат мумтоз шеъриятимизда ҳам, замонавий адабиёти-  
чини ҳам кенг қўлланилади.

**ТАШБИҲИ МАШРУТ** (шартли ўҳшатиш). Бу хил ташбиҳда  
бир нарсанинг иккинчи бир нарсага ўҳшаши маълум шартга  
боглиқ қилиб қўйилади. Алишер Навоийнинг қуйидаги байтлари  
бу санъатга асосланиб ёзилган:

Қадингга сарв раъно ўҳшагай, лек ул замонким сарв  
Хиромон бўлгаю, гул бергай, ул гулдин самар бўлғай.  
Юзунг давриға ой даврини ташбиҳ этгамен, вақте  
Ки анда хол ила хат фитнаи даври қамар бўлғай.  
Кўзингга ўҳшагай нарғис, агар қўймоч улуб оқи,  
Мудаввар асфари ичра қаролигдин асар бўлгай.  
Хатингга қадр шоми ўҳшагай бу шарт бирланким,

Тажалли нуридин ул шом оросинда саҳар бўлгай.  
Чу минсанғ ашхабинг ул дам қўёш бўлгай санга монанд,  
Ки берса кўк юзин жавлон жаҳон зеру забар бўлгай.  
Манга ишқингда Мажнун бирла Фарҳод ўхшагай ул чог,  
Ки бу бўлгай жаҳон расвоси, ул мундин батар бўлгай.

Огаҳий қаламига мансуб бўлган:

Кўнгил бир баҳри заҳхор, ондадур покиза гавҳар сўз,  
Вале шарт улки, маъни шоҳидига бўлса зевар сўз,

шунингдек,

Эмас чарх офтоби, ул қўёшга ўхшамоқ мумкин,  
Магар бўлса онго сарву сиҳи қад, обиҳайвон лаб

байтларида ҳам ташбиҳи машрут қўлланган. Зоро, биринчи байтда сўз гавҳарга ўхшави учун унинг «маъни шоҳидига зевар бўлиши», яъни чуқур мазмунга эга бўлиши шарт қилиб қўйиляпти ана шундай талабга жавоб берсагина, сўз гавҳарга ўхшайди. Иккиминчи байтда эса офтобнинг тўғри ўсган сарвдек қадди, ҳаёс сувидек лаби бўлса қўёшимга, яъни севгили ёримга ўхшаш мумкин, деган фикр ифодаланган.

**ТАШБИҲИ ТАСВИЯ** (тengлаштирилган ўхшатиш). Бу хил ташбиҳда шоир ўзидағи бирон нарсани тасвириланаётган шахсадаги бирон нарсага ўхшатади-да, сўнг ундан бирон нарса билан ўзидағи нарсани қиёслайди. Масалан, Навоийнинг

Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,  
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоле тун била тонг.  
...Тонгим ёргу тунум тийрадурки, чирмашадур,  
Кўнгул аро юзу зулфунг хаёли тун била тонг.  
...Тунунг ҳужаста, тонгинг қутлуғ ўлсун, эй маҳваш,  
Ки икки банда санга бўлди холи тун била тонг

байтларининг биринчи мисрасида ташбиҳнинг ана шу тури ишлатилган. Шоир ушбу мисрада ўз фироқини ҳам, ёр висолини ҳам тун билан тонгга ўхшатади.

Бобурнинг

Сен гулсену мен ҳақир булбулдумрен,  
Сен шуъласен, ул шуълага мен қулдумрен

мисраларини ҳам ана шу ташбиҳга нисбат бериш мумкин.

**ТАШБИҲИ ИЗМОР** (яширин ўхшатиш). Бу хил ташбиҳда шоирнинг дикқати бошқа нарсага қаратилгандек туйилади, аммо унинг асл мақсади ўхшатиш бўлади. Масалан:

Юзинда ҳаймудур ё манглайидин қатра, ваҳ, кўргил,  
Ки гулдинми оқар шабнам, қўёшдинму оқар ахтар?

(Навоий)

**ТАШБИҲИ ТАФСИЛ.** Бу хил ташбиҳни құллар экан, шоир шоир бир нарсаны иккинчи бир нарсага үхшатадио, кейин үз шишишидан воз кечгандек, ундан қайтгандек бұлади. Бу воз шиши жиддий бұлмай, аксинча тасвирланаётган белгини янада шишириш мақсадини күзлайди. Масалан:

Саросар гүйё ул най гүхардир,  
Falat қилдим, лаболаб найшакардир.

(Навоий)

Зийнат аро равзай ризвондур ул,  
Равзани қўй, мулки Хурсондир ул.

(Навоий)

Тешуклар бурнида ваҳшат танури,  
Танури йўқки, нафт ўтига мўри.

(Навоий)

Муз айлаб ер юзин ойина ойин  
Falat қилдим, дегил оинаи Чин.

(Навоий)

Жамолингга қуёш үхшар, ва лекин онча ҳам кўп йўқ,  
Анга бўлғонча ой монанд ул бўлғай санга монанд.

(Навоий)

**ТАШБИҲИ АҚС** (тескари үхшатиш). Бу хил ташбиҳ қўллан-тида шоир бир нарсаны иккинчи бир нарсага үхшатиш билан иккисида шоир бир нарсаны яна биринчига қиёслайди, яъни аввал мушаббиҳни мушаббиҳун биҳга, сўнг аксинча, мушаббиҳун биҳни мушаббиҳга үхшатади. Масалан, Навоийнинг «Ҳайра-тул аббор» достонидан олинган мана бу байтни кўздан кечирийлик:

Дўзах ўлуб гулшани жаннат сиришт,  
Дўзах онинг қошида боғи беҳишт.

Шоир биринчи мисрада дўзахни жаннат гулшанига үхшатган бўлса, иккинчи мисрада аксинча жаннат боғини дўзахга қиёслайди.

### Бобурнинг

Сочинг белингчау белинг доғи сочинг киби ёринг  
Латофат ичра йўқ фарқи бу иккининг сари мўйи

байтида ҳам аввалига гўзал маҳбуба сочи унинг белига қиёсланса, кейин бели сочига үхшатилган. Яъни аввал мушаббиҳ ва мушаббиҳун биҳ келтирилган бўлса, кейин уларнинг ўрни алмаштирилган.

## Мисоллар:

Сочинг сунбул, юзинг сарви санувбар,  
Күзинг наргис, яноғинг арғуондир.

(Атоиій)

Әй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур?  
Әй бегим, ушбу сұз дегул, шаңд била шакармудур?

(Атоиій)

Олди күнглум бир юзи гул, қомати сарви равон,  
Сочи ялдо, күзи чүлпон, гамзаси соҳиб қирон.

(Гадоиій)

Әй юзи қамар, күзи қирон, қоши ҳилолим,  
Келгинки, фироқинг тунидин тутти малолим.

(Гадоиій)

Юзунгни күрса Саккокий күзи ёшин тия билмас,  
Бале, гул мавсуми бұлса тенгизлардин оқар сайле.

(Саккокий)

Ким күрүб наргис бикин күз бирла гулдек юзини  
Елга бериб ақлу фаҳмин маству ҳайрон қолмади.

(Саккокий)

Қошинг, ирнинг, юзунг, эй рашки ризвон,  
Хилолу кавсару боги жинондур.

(Лұтфий)

Малак ё ҳұр, билмон ё парисен,  
Бу рафтор ила ё қабки дарисен.

(Лұтфий)

Сени жамъики гулрухсор дерлар,  
Мени ҳам андалиби зор дерлар.

(Лұтфий)

Субҳи давлат юзунг, эй тавсани гардун сенга ашқаб,  
Бошиңг устидаги дур ўйлаки тонг бошида кавқаб.

(Навоиій)

Лоладек юзунг хаёлидин тұла қондур күзум,  
Балки лола жомидек қон ичра пинхондур күзум.

(Навоиій)

Эй юзи насрин, қомати шамшод,  
Неча қилурсен, жонима бедод.

(Бобур)

Сен гул киби то ғамзадасен ҳуснунга магрур,  
Булбул киби мен ғамзадамен ҳуснунга ҳайрон.

(Бобур)

Қади шоҳи гулдек нигорим қани?  
Лаби ғунчадек гул узорим қани?

(Бобур)

Ул қүёш меҳрини бир зарра манга кўргузмас,  
Кавкаби ашк тўкуб бўлсам агар гардунча.

(Бобур)

Куёшдек юзунгу дурдек тишиңгнинг ҳажрида, эй ой,  
Кўзумнинг ёшидур юз қатрау ҳар қатра дурдона.

(Бобур)

Эй юзунг буржи сабоҳат ахтари,  
Ҳар сўзунг дуржи фасоҳат гавҳари.

(Оғаҳий)

Олди кўнглумни менинг биргина дилбаргинаи,  
Тиши гуҳаргинаи, лаблари шаккаргинаи.

(Оғаҳий)

Оразинг эрур жаннат, чашм ҳуру ғулмонинг  
Қоматинг эрур тўби, хатт-сабзрайхонинг.

(Фурқат)

Орази гул, зулфи сунбул, қўйлаги барги суман,  
Хилъати раъно, бўйи зебо гулистоним менинг.

(Фурқат)

Лабинг гунча, юзинг икки қизил гул,  
Қадинг сарву сочинг гўёки сунбул.

(Фурқат)

Қошлири остида гўё икки фаттон кўзлари  
Икки ҳинду баччадурким, ёндашиб ё тортадур.

(Фурқат)

## ТАМСИЛ

Тамсил «мисол келтириш» маъносини билдириб, шеър байтнинг биринчи мисрасида ифодаланган фикрга далил сифати иккинчи мисрада ҳаётий бир ҳодисани мисол қилиб келтириш асосланган санъатдир. Биринчи мисрадаги фикр билан келтирилган мисол ўртасидаги муносабат — мантиқий алоқа кўпини қиёсий йўналишда бўлиб, ижодкор диққати ҳам бадиий тафакур билан ҳаётий воқелик орасидаги ўхшашликка қаратилти бўлади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи мисрада баён қилинган фикр ҳаётий ҳодисага ўхшатилади, шоир ифодалаётгич тимсоллар ҳаётий мисолдаги нарса ёки тушунчаларга гоятда мўни бўлиб тушади. Жумладан, Навоийнинг машҳур

Оразин ёпқач, кўзумдин сочишур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш

байтида қўлланган тамсил санъати юлдузлар пайдо бўлганидеги сўнг қуёш кўринмай қолиши ҳодисаси билан биринчи мисрада ифодаланган тимсолий ифода: маҳбуба юзини бекитгач, оши кўзидан ёш сочилиши ҳодисаси ўртасидаги ўхшашликка асосланган. Ёр орази билан қуёш, ошиқ кўз ёши билан юлдуз қиёсланиб, биринчи мисрадаги фикрнинг ёрқин бадиий тасвири эришилган.

Тамсил асосан биринчи мисрадаги ифодани ўхшатиш ётказиб далиллаш мақсадини кўзлайди. Юқоридаги байтда шоир диққати ўхшатишга қаратилгани аниқ кўриниб турибди.

Лутфийнинг

Эй кўнгул, жонни хаёли олида қил пешкаш,  
Ҳар нима бўлса азиз, элтур киши меҳмон сори

байтида эса иккинчи мисрада келтирилган ҳаётий ҳодиса — мебоннинг ўзи учун энг азиз бўлган нарсанни меҳмон олдига қўйиши биринчи мисрадаги фикр қиёси эмас, балки далили, тасдиқига хизмат қилади. Байтдаги «Ҳар нима азиз бўлса, киши мебоннига тутади, шунинг учун, эй кўнгул, сен ҳам жонингни, яъни энг азиз нарсангни ёр хаёлига пешкаш қил», — деган мазмуди ҳам тамсил моҳиятини кўрсатиб турибди.

Шуни таъкидлаш зарурки, ушбу байтда ҳам ҳар икки мисрадаги фикрлар, ифодалар ўртасида ўхшашлик мавжуд. Лекин шоир диққати ўхшашликни таъкидлашга эмас, далил келтиришга, биринчи мисрадаги фикрни асослашга қаратилган.

Тамсил санъати қўлланганда, биринчи мисрадаги тимсолий ифода мазмуни билан иккинчи мисрадан ўрин олган ҳаётий ҳодиса баёни орасида мантиқий мувофиқлик бўлиши шарт. Масалан, Навоийнинг

Совуғ оҳеким чекармен, гарм ўлур оқмоқча ашк,  
Чашмаларда сув бўлур иссиғ, ҳаво бўлгоч совуқ

лиққат қылсақ, ана шундай мұвоғиқликни күзатишимиз мүмкін. Ошиқнинг совуқ охи совуқ ҳавога, унинг күзидан иссиқ күз ёши ҳаво совуқ бұлғанда, қашмалардан илиқ өзіншігіңде қиёслаб далилланған. Қиёсдаги бирон нұқтада ҳам мантиқий номувоғиқлик сезилмайды. Лутфийнинг

Юзунгни буқун юзума қүй, эй тұлун ойим,  
Нұқсонға құяр юзни чу ой етса камола

байтіда әса нозик бир нұқтада мантиқий номувоғиқлик күзга анылады. Шоир ошиқ тилидан ёрга мурожаат қилиб: «Бугун ойнингни юзимга қүй, эй тұлун ойим (юзи тұлун ойдек севгилім), иш ҳам камолға етса нұқсонға юз тутадықу», — дейди. Ижодкор жаңырланаётған гүзілни тұлун ойга үхшатиб, бириңчи фикр да-шынында үчүн ҳәстий ҳодисаны көлтирган. Лекін тұлун ойнинг нұқ-сонға юз тутиши ижобий ҳодиса әмас, бинобарин ойнинг ҳарака-ттарын маҳбубага мұносиб күриш, ёр юзини үзининг нұқсонға анылады. Нұқсонға юз тутишини тилаш мұхаббат одобига хилофдир.

Байтда құлланған тамсил саңыати мазмұни ва моҳиятінін аңг-шындықтың учун бириңчи байтдаги образлы іфода билан ҳәстий мисол ўртасидаги мантиқий мұвоғиқлик даражасини тушуниб олар мұхимдір. Маълумки, ушбу мұвоғиқлик асосини бириңчи мисрадаги асосий образ билан унинг мисолдаги қиёсі ўртасидаги мұносабат ташкіл этади. Бу мұносабатни аниқлаш әса ҳамма жаңыт ҳам осон бұлғавермайды.

### Навоийнинг

Шұхлиқтін баъзи олса жону баъзи берса жон,  
Күнгли истар не қилур хұбеки, бұлса тифл шұх

байтіда тамсил замини шұх маҳбубанинг шұх бола билан қиёс-шыншыдір. Буни байт мазмұндан аниқлаб олиш қийин әмас. Аммо Навоий қаламига мансуб бұлған

Күнгулни қон ёшу ғоҳи юзум бирла овутурмен,  
Сориғ-қызил била андоққи халқ тифлин овутмиш

байтідаги мұносабатни илғаб олиш осон әмас. Нега шоир күз шыны билан болани қиёслаяпты: ташқи қиёфасидаги үхшашлик мисосидами? Албатта, йүқ, зеро күз ёши билан ёш бола орасыда қандай яқынлиғу қиёс бўлиши мумкин? Гап шундаки, Навоий шеъриятимиздаги анъанавий іфодани — «ёш» сўзининг маъно-лоши, жинсдошини, яъни «ёш бола» маъносини назарда тутиб, у билан көлтирилған мисолдаги «тифл» болани қиёслаган ва шу мисосда ўз күнглини ғоҳ қонли ёш, ғоҳ сариф юзи билан овутаёт-ған ошиқ ҳолати сариф ва қызил рангли нарсалар билан боласи-ни овутаётган халқ ҳәётига үхшатилған. Яна бир мисол. Навоийнинг

Ёр хаттидин Навоий хаста күнгли заъф этар,  
Заъфқа мужиб ўлур, чун кўп ўқур бемор хат

байтидаги муносабат ҳам мураккаб мазмунга эга. «Ёр хатти» деганда шоир маҳбуба лаби устидаги майин тукларни назарда тутяпти. У билан хат ўртасида қандай яқинлик мавжуд? Тамсил моҳиятини англаб етиш учун яна адабиётимиздаги адабий-бадиий анъаналарга мурожаат қилишга тӯри келади. Маълумки, шеъриятимизда маҳбуба лаби устидаги майин туклар шаклий хусусиятига кўра ёзувга, хатта ўхшатилади. Шу асосда шоир ёр хаттини (лаби устидаги тукларни) хатта қиёслаб, «Ёри лабидаги (хатта ўхшаган) майин туклардан Навоийнинг бетоб күнгли янада оғирлашяпти, зеро касал одам хатни кўп ўқиса, бетоблиги кучаяди», — деган мазмундаги байтни яратган.

Баъзан тамсил биринчи мисрадаги фикрга зид мазмунда бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда ҳам шоир мисол воситасида биринчи мисрадаги фикрни тасдиқлаш мақсадини кўзлайди.

Чунончи, Огаҳийнинг

Оқил эрсанг, бўлмагил ғарра жаҳон лаззатига,  
Ул сифатким, тифллар кўрса бўлур хурсанд қанд

байтида шу ҳолатни кўрамиз. Диққат қилсак, келтирилган «Болалар қандни кўрса, хурсанд бўлади» мисоли биринчи мисрадаги «Оқил бўлсанг, жаҳон лаззатига алданма» фикрига зид келади. Лекин шоир ҳаётий мисолни биринчи мисрадаги фикрга қарама-карши қўйиб, байтла «Оқил бўлсанг, жаҳон лаззатига, худди болалар қандни кўрса хурсанд бўлгани каби, алданмагин», — деган маънони ифодалаган.

Тамсил учун, асосан, табиат ҳодисалари, ижтимоий воқеалар, ҳалқ оммаси ҳаёти, болалар ўйинлари, тиббиёт олами, тарбия жараёни ва бошқаларга оид мисоллар танланади.

Айни вақтда тамсил санъати биринчи мисрада ифодаланган фикр далили ёки қиёси учун фақат ҳаётий ҳодисаларга эмас, балки афсонавий воқеалар, афсонавий тимсолларга ҳам мурожаат қилишни назарда тутади. Жумладан, Бобурнинг

Хати лабига тутош бўлса, эй кўнгул, не ажаб,  
Ки Хизр чашмаи ҳайвонга раҳнамойидур

байтининг иккинчи мисрасида қўлланган тамсил афсонавий Хизрнинг афсонавий ҳаёт булогига йўл бошловчилиги ҳақидаги афсонавий ҳикоятга асослангандир.

Мисоллар:

Гар ватан Лутфий кўзунда тутмадинг, йўқтур ажаб,  
Эв қўпормоқлиқ эрур душвор Жайхун устина.

(Лутфий)

Зулфунг чинига күнглум борди күзүм йүлидин,  
Дарё йулиндин осон борса бўлур Хитойға.

(Лутфий)

Чун улусқа ишқи ўт солди, ажаб йўқ куймаким,  
Бешага чун тушди ҳар ён шуъла, хас ҳам ўртанур.

(Навоий)

Ақлу сабру ҳуш итиб, күнглумда қолди додлар,  
Корвон кўчса, қолур ўтлар ери манзил аро.

(Навоий)

Титрабон сиймобдек, күнглум етар жон оғзима,  
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки дарё чайқалур.

(Навоий)

Тийғи кўксум чок этиб, күнглумни очса не ажаб,  
Ким равон судин ҳамиша халқ кўнгли очилур.

(Навоий)

Манга лаълинг зулоли берсанг, эй дилбар, муносибдур,  
Ки бермак ожиз ўлғон хастаға шаккар муносибдур.

(Оғаҳий)

Тоза либоси лутф ила қил мани шод ийдким,  
Хожа керакдур этса қул жомасини жадид ийд.

(Оғаҳий)

Ишқни пинҳон тутарга бўлма шайдо, эй кўнгул,  
Мушк пинҳон бўлса, бўйи ошкоро тортадур.

(Фурқат)

Зулвидин ёрим юзи ўлмас намоён, не ажаб,  
Расм эрур ой ёрими тунни қоронгу келтурур.

(Фурқат)

Чеҳраи зардим кўриб шод ўлса айб эрмаски ёр,  
Заъфароний бода ичган чогда кулгу келтирур.

(Фурқат)

## ҲУСНИ ТАЪЛИЛ

«Ҳусни таълил» арабча «чиroyли далиллаш» маъносини билдиради. Адабий асарларда тасвирланаётган бирор ҳодисага шоирона бирон сабаб кўрсатиш санъати шу ном билан аталади.

Масалан, мана бу байтда Навоий ҳусни таълил санъатидан фойдаланган ҳолда такрорланмас тимсолий ифода яратган:

Қатра қонларким томар кўксимга ургон тошдин,  
Заҳмдиндир демаким, қон йиглар аҳволимга тош.

Ҳижрон аламига чидай ошиқ ўз қўксига тош урад экан, ерга қон томмоқда. Шоир таърифика, бунинг сабаби тошнинг бадангага етқизган яраси эмас (қон ярадан оқаётгани йўқ). балки ошиқ қалбига урилган тош унинг багридаги фамнинг кучлилигига чидай олмасдан қонли ёш тўкиб йигламоқда. Кўрина-дик, бу хил таълил — сабаб образли фикрнинг кучайтирилишига хизмат қилган.

Шеърда келтирилган ҳусни таълил, Шарқ адабиётшунослигида таъкидланишича, қатъий бўлиши лозим. Агар гумон маъносида қўлланилса, у ҳолда бу хил сабаблар «шибҳи ҳусни таълил», яъни «шубҳали чиройли сабаб» деб аталади.

Такрор қилур васфи қадинг сарв, онинг учун  
Кўп тебранур андоқки кишилар сабақ ичра,

(Лутфий)

Чу гул қўрдики сув ҳар кун тегар қутлуқ юзингизга,  
Ёқилди шавқ ўтинда-ю бу ҳасраттин гулоб ўлди,

(Лутфий)

Бир тўя кўргаймумен деб талъатингни тўлин ой  
Тунглукунгда ўлтуур то субҳ мендек термулуб,

(Атоий)

Ростларга чарх агар ҳар лаҳза қилмас сарзаниш,  
Шамъ бас ҳар тун недин йиглаб куюб афғон қилур,

(Навоий)

Чарх тонг отқунча йиглар меҳрин элдин ёшуруб,  
Гуёйи ул саргаштанинг ҳам бир мусофири ёри бор,

(Навоий)

Хиромон қоматига гулшан ичра кўргузур таъзим,  
Дема ел бирла мойил ҳар тараф сарву санубардур,

(Оғаҳий)

каби байтлардаги ҳусни таълил намуналарида фикрлар қатъийлиги, табиий ҳодисаларнинг гайритабиий изоҳи айни ҳақиқатдек таъкидлангани кўриниб туради.

Алишер Навоийнинг

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,  
Ё юзингга тегди қонлар бизни қурбон айлагач

мисраларида эса шибҳи ҳусни таълил қўлланган. Чунки шоир маъшуқанинг юзи атрофидаги гулни қонга ўхшатган ҳолда унинг ёр чехрасига тегиш сабабини қатыйи қилиб эмас, балки гумон қилиб айтади.

Шеъриятда воқеаларнинг ҳақиқий сабаблари ҳам келтирилади, албатта. Фурқат ўзининг

Ул париваш ишқидинки телбадурман, гоҳ сог  
Чунки бордур орамизда гоҳ сулҳу, гоҳи жанг

дэя ўзининг гоҳ телбанамо, гоҳ сог эканлигига сабаб қилиб маъшуқа билан ўзи ўртасидаги муносабатни келтириар экан, бу ҳақиқий сабабдир. Бу хил таълил ҳусни (чиройли) таълил эмас, оддий таълил саналади.

Шеъриятимиздаги ҳусни таълил намуналари хилма-хил ҳаётӣ ҳолатлар, табиий ҳодисаларга асосланади.

Шоирлар кўпинча самовий мавжудотлар ҳолати ва ҳаракатини гайри табиий изоҳлаш йўли билан ҳусни таълил санъатига хос лавҳалар чизадилар. Масалан, қуёш ҳаракатини шу хил тасвирлаш воситасида кўплаб чиройли байтлар яратилган.

Куёш ойдек юзунгнинг ҳижлатидин  
Қочиб тўртинчи кўк узра чиқибтур.

(Лутфий)

Тушта кўрмиш оразингни зоҳиран, бир кун яна  
Они истаб кечаю кундуз юрур ҳайрон қуёш.

(Гадоий)

Ой юзунг наззорасидин қолур эрмиш бенасиб,  
Онинг учун кечқурун ҳар кунда йиглар қон қуёш.

(Гадоий)

Мехр юз кўрмай учашур, пардадин чиққач қуёш  
Олғали қўймас сориғ юзин қаро ердин ўёт.

(Навоий)

Фалак меҳри булутдин кўзга чекмиш пардаи мушкин,  
Магар боқиб қуёшим юзига кўзи қамошибдур.

(Оғаҳий)

Бениқоб ул маҳлиқони токи кўрди, ҳар кеча,  
Инфиолидин қуёш ер остида пинҳон эрур.

(Оғаҳий)

Келтирилган байтлар мазмунига диққат қилсак, қуёшнинг ҳолати, ҳаракати асосида бетакрор бадиий лавҳалар ифодаланга-

нини кўрамизки, уларнинг ҳар бири ҳусни таълил санъатинин гўзал намуналаридир.

Турли ҳаётий ҳодисалар, ўсимликлар, мевалар, ашёлар ҳолати заминида ҳам ҳусни таълил санъатининг чиройли намуналари яратилган. Масалан, Навоийнинг

Банд аёғида нединдур, бошида савдо ўти,  
Эй пари, ишқингда гар худ бўлмамиш девона шамъ?

байтида шамънинг қўринишини муҳаббат дардида девона бўлган одамга үхшатиб, табиий ҳолат файритабиий тарзда талқин қилинган. Ташибиҳ ва ташхис санъатларига асосланган бу хил тасвирда ҳусни таълил маҳбуба гўзаллиги, латофатини таъсирчан қилиб ифодалашга имкон берган. Лутфий қаламига мансуб бўлган

Ой юзунгнинг ҳижлатидан гул қизорди, ҳолиё,  
Ханда бирла ўткарур, чун инфиоли бордурур

байтида гулнинг қизариб очилиши хижолатдан юзи қизарган ва ўзининг ноқулай аҳволини яшириш учун зўрма-зўраки табассум қилаётган одамга қиёсланиб кишини лол қолдирувчи тасвир чизилган.

Шоирнинг:

Ҳайратда қолиб писта оғиз очтию қолди,  
Мажлисда чу оғзинг соридин кечти ҳикоят.  
... Қоматингнинг қуллуғинда ёш эди, улғайди сарв,  
Боши титрар, эмди ҳижлаттин ани озод қил.  
... Лаълининг шириналигин бир кун битар эрди қалам,  
Боши зону остида қолди чибинлар илкидин

каби байтларида ҳам писта, сарв, қалам ҳолатлари ҳусни таълил учун асос бўлган.

Баъзан ҳусни таълил санъати шеъриятимизда анъанага айланган бадиий талқинлар, тимсолларга асосланади. Ўқувчи ана шу хил талқин ва тимсоллардан хабардор бўлгандагина, ҳусни таълил моҳиятини англаб етади. Чунончи, Лутфий ғазалидаги

Оғзинг ўлтурди табассум бирла бизни, тонмагил,  
Гар киши ултурмаса, ул не учун пинҳон эрур

байтидаги ҳусни таълилга диққат қиласиган: шоир маҳбубага мурожаат қиласар экан, «Сенинг оғзинг табассум қилиб бизни ўлдирди, бундан тонмагин, агар одам ўлдирмаса, нега у яшириниб юрибди?» деган фикрни баён қиласади. Шеъриятимизда анъанавий ифодага айланган талқин «маъшуқа оғзи кичиклигидан кузга кўринмайди», — деган фикрни назарда тутгандагина ҳусни таълил мазмунини тушуниб этиш мумкин. Акс ҳолда «Нега оғиз

Күринмас экан, у маҳбуба юзида аниқ күриниб турадику», — деб Қарасак, хусни таълил ўз қимматини йўқотади, ўқувчи уни илғай олмайди.

Шеъриятимизда кўпинча хилма-хил диний ва тарихий афсоналарнинг қаҳрамонлари номлари, уларга нисбат берилган воқеалар заминида хусни таълил санъати қўлланган. Масалан, Лутфий қаламига мансуб

Исо фалакка ошти чун бўлди лабинг жон бергучи,  
Шармандаликдан кетмаса, кўкта анга не бор эрур

байтида Исо пайғамбарнинг осмонга чиқиб кетганлиги ҳақидаги афсонага ишора қилинади. «Сенинг лабинг ошиқларга жон бағишловчи бўлганидан сўнг, аввал шу ишни бажараётган Исо осмонга чиқиб кетди. Шармандаликдан кетмаса, осмонда унга нима бор эди?» — деган мазмун ифодаланган ушбу мисраларда машҳур афсона диний китобларга қараганда бошқача талқин қилинган. Афсонага кўра Исо душманлардан қочиб осмонга чиқиб кетган. Юқоридаги байтда эса Исо маъшуқадан уялганидан осмонга учган, деган фикр ифодаланган. Исонинг осмонга учшини шу хил тасвирилаш туфайли хусни таълил санъати воқеаъ бўлиб, ёр латофати, ширин сўзлилиги такрорланмас бир тарзда акс эттирилган. Бу каби мисолларни шеъриятимизда жуда кўп учратиш мумкин. Бу хил тасвиirlарда хусни таълил санъати талмex санъати билан қўшилиб қўлланади: аниқроғи унга асосланади.

### Гадоийнинг

Ул ҳаловатлик зулол ирнинг рамузин фаҳм этиб,  
Бош олиб зулматга кирди оби ҳайвон шармсор

байтидаги хусни таълил санъатидан завқ олиш учун оби ҳайвон (ҳаёт суви) ер остидаги зулматда бўлиши ҳақида афсоналар, масалан, Искандарнинг ҳаёт сувини ичиш мақсадида зулматга кириши ҳақидаги афсонавий ҳикоядан хабардор бўлиш талаб қилинади.

Хусни таълил санъати кўпинча ташхис (жонлантириш) санъати билан биргаликда қўлланади, яна тўғрироғи, унга асосланади. Алишер Навоий қаламига мансуб:

Ой юзунг бирла талашди, буки кўктур орази,  
Панжаси бирла қуёш гўё юзига урди кож

байтида «Ой сенинг юзинг билан гўзаллик талашган эди, мана энди ўзининг юзи кўкариб ётиди, унинг бемаъни, беодобона ҳаракатидан дарғазаб бўлган қуёш юзига шапалоқ қўйиб юборганга үхшайди», деган мазмун ифодаланган. Ойнинг осмонда кўкимтироқ бўлиб кўринишини назарда тутган шоир хусни таълил санъати асосида чиройли бир фикрни ифодалаган. Байтда

хусни таълил санъати ташхис асосига қурилган, шоир «қуёш ойнинг юзига урган» деб тасвирлаганда ҳам, ой юзининг кўкимтирилигини таърифлаганда ҳам, қўёш ва ойга инсонларга хос ҳолат, хусусият, ҳаракатларни кўчирган.

### Лутфийнинг

Занбури асал оғзи тўла шаҳд эканиндин,  
Эрнингни кўруб, бемаза деб бол тўкубдур

байтидаги хусни таълил ҳам ташхистга асосланган. Зеро, шоир: «Асаларининг оғзи тўла асал эди, сенинг лабинг ширинлигини кўргач, оғзидаги асални бемаза деб тўкиб ташлади», — тарзида тасвирлар экан, асаларига одамлар хусусиятини кўчиради.

Баъзан хусни таълил санъати ийҳом, тажоҳули ориф санъатлари билан бирга қўлланади. Масалан, Навоийнинг

Сариф қофазмудурким сўзи ҳажрим айлади таҳрир,  
Ва ёхуд шуъла тушти саҳфага ул сўз этиб таъсир?

байтида ўзини билмасликка солиб (тажоҳули ориф санъатини қўллаб) «Ҳажрим ҳақидаги сўзлар ёзилган қофознинг ўзи сарифими迪 ё бу сўзлар таъсир қилгач, у саҳифа (қофоз)га шуъла тушиб саргайиб кетдими?» деган ҳайратомуз мазмунни ифода қиласди. «Сўз» сўзи ҳар икки мисрада икки маънода: сўз ва ўт (чўғ) маъноларida қўлланганки, буни ийҳом санъати намунаси деб биламиз.

Хусни таълил санъатига хос фазилатлардан бири ўқувчи қўзи олдида ёрқин, ҳаётий манзара, лавҳани гавдалантиришdir. Таъкидлаганимиздек, бу санъат албатта ҳаётий лавҳалар, афсоналар, ҳикоятларга асосланади. Ижодкор бирон ҳолат ёки ҳодисани танлар экан, уни мантиққа мувофиқ қилиб, ҳаётий тасвirlайди, акс ҳолда хусни таълил ўз таъсирчанлигини йўқотади. Масалан, Лутфийнинг

Ою кун юлдуз киби ерга ўзин солмоқ тилар,  
Чиқса хирфаҳтин бирор ул моҳи тобоним менинг

байтида: «менинг ой юзли гўзалим чодиридан чиқиб қолса, ой билан кун юлдуз каби ерга тушишга интилади», — деган мазмун ифодаланган. Ушбу ўринда шоир юлдузнинг учиб ер томон йўналиши ҳодисасига асосланган. Хусни таълил ана шу ҳодисага ғайри табиий талқин беришдан иборатdir. Гўёки юлдуз маъшуқани кўриш учун осмондан ер томон учар эмиш. Ою қўёш ҳам унга эргашиб маҳбубани томошо қилиш учун ерга интилармиш. Кўрамизки, ҳаётий ҳодиса аниқ келтирилгани сабабли хусни таълил ўқувчи онгига, қалбига етиб бориб унинг кўз олдида юлдуз учиши лавҳасини жонлантиради, уни завқлантиради, шоир қўзлаган фоя ҳам унинг дилидан жой олади.

Хусни таълил санъатининг яна бир фазилати унинг енгил, ишқли кулги (юмор) билан сугорилганлигидир. Ҳаётий ҳодисашниг гайритабиий талқин қилиниши, ҳақиқий, ҳаётий ҳолат билан бадиий талқин орасидаги мантиқий номувофиқлик ўқувчидаги кулги уйғотмай қолмайди. Алишер Навоий қаламига мансуб бўлган

Дема лафзинким, тили эврулмагондиндур синук,  
Ким топар тоғ оғзидан чиққунча кўп озор лафз

байтига диққат қилсақ, унда: «Маҳбуба сўзлари унинг тили ихши айланмаётганидан чучук деб ўйлама, оғзи тор бўлгани учун ҳар бир сўз қийналиб, озор чекиб чиқади», — деган мазмун ифодаланганини қўрамиз. Тили чучуликнинг тиббиёт билан боғлиқ айрим сабаблари бор албатта, лекин шоир маҳбуба тилининг чучуклигини гайритабиий изоҳлаб, унинг оғзи тоятда кичиклигини сабаб қилиб қўрсатади. Ҳақиқат билан бадиий сабаб ўртасидаги номувофиқлик, мантиқиззлик енгил кулги уйғотади. Хусни таълил санъатининг ҳар бир намунаси худди шундай завқли кулги билан йўғилгандир. Кулгининг даражаси эса талқиннинг янгилиги, бетакрорлиги, ноёблиги билан белгиланади.

Хусни таълил санъатидан ҳозирги шеъриятимизда ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Айрим ижодкорлар бу усул воситасида ниҳоятда гўзал ва таъсирчан тасвиirlар чизганлар, бетакрор бадиий лавҳалар яратганлар. Эркин Воҳидов қаламига мансуб «Камтарлик ҳақида» шеъридаги:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам  
Пиёлага эгилар чойнак.  
Шундай экан, манманлик нечун,  
Кибру ҳаво нимага керак?  
Камтарин бўл, ҳатто ҳар қадам  
Ўтма гуур остонасидан.  
Пиёлани инсон шунинг-чун  
Ўпар доим пешонасидан

мисраларида хусни таълил санъатидан фойдаланиб, тоятда жозибадор лавҳалар чизилган. Шоир чойнакнинг тузилиши, чой қўйишда унинг пиёла томон йўналтирилиши, чой ичаётган одамнинг пиёлани лабига тегизиши ҳодисаларини гайритабиий, бадиий изоҳлаш асосида завқли манзара яратиб, унинг воситасида муҳим бир гояни ўқувчи онгига таъсир қиласидаган тарзда гўзал қилиб ифодалаган.

Шоирнинг «Ёшлик девони»дан ўрин олган «Узум», «Фунча», «Тун билан йиғлабди булбул», «Сурма», «Чашма», «Сарв», «Шоҳи гул», «Гуллар базми», «Қўзгу» каби қўплаб газалларидан хусни таълил санъатининг гўзал ва бетакрор намуналари ўрин олган.

Бу асарлардаги:

Тарк этиб күшкін саватга  
Құйди бош, излаб сени,  
Чарх уриб бозор ичіда  
Бұлды саргардон узум,

ёки

Севмоқ уят әмасдур,  
Хар кимда бор бу савдо,  
Қүй, күп қизорма, фунча,  
Бошиңгни әгма бунча,

ёки

Рост, қалам тимсоли шеър,  
Тимсоли тиғ, тимсоли ҳақ,  
Бошини минг кесдилар,  
Бош әгмади асло қалам

каби чиройли тасвирлар үқувчини ҳайраттаға солади, лол қолдиради.

Ха, хусни таълил санъати ҳозирғи шеъриятимиздан муносиб үрин олиши керак. Унинг воситасида муайян ижтимоий-аҳлоқий ғояларни жуда ёрқин бүеклар билан жилолантириш имконияти чексиздір.

Стадионда бұлған бир томоша пайтида қайсидир рус шоири-нинг ажайиб бир шеъри үқилган эди. Уни қүйидаги таржима қилиш мүмкін:

Яраланди солдат, ўз ҳузурида,  
Онасин күрмөқни қилди илтимос.  
Она келди, ўғил унинг бағрида  
Роса йигирма күн нафас олди соз.  
Йигирма күн она миңжа қоқмади,  
Йигирма биринчи түн чоғи мудроқ —  
Унинг күзларига инганды бир он,  
Қалбининг беором садоси ногоҳ,  
Она оромини бузмаслиги — чун  
Солдат ўз юрагин тұхтатди мутлоқ.

Диққат қилинса, солдат юрагининг тұхтаси билан боғлиқ табиий ҳодисаны файритабиий тарзда «Солдат ўз юрагини тұхтатди», — деб тасвирлаш хусни таълил санъати күренишидір. Бу хил тасвир туғайли асар мазмуни үқувчини ларзага соладиган даражада таъсирчан чиққан.

Мисоллар:

Нега итмишлар Масиху Ҳизр агар қилмайдурур  
Бирни руҳафзо лаби, бирни хати хузро хижил.

(Навоий)

Қоматинг сарвин агар шамшоди мискин күрмаса,  
Тутмагай эрди ўёттин бешаи Мозандарон.

(Атоиій)

Күр хаёли нозигинким, ўзига ёғлиқ атаб,  
Гоҳ оғзингни упар, гоҳи иликингни катон.

(Атоиій)

Элтти оғзингдин ўғурлаб писта торликни, анга  
Туз сувин қүйдилар онча, ондин иқрор айлади.

(Саккокий)

Гул ураг эрди юзунгни күрмаганда лофи хусн,  
Талъатинг күргач, равон бўлди ҳижолатдин гулоб.

(Гадоиій)

Юзунгдин лола ранг элтиб ўёттин шаҳрга кирмас,  
Анинг бўйнин киши боғлаб кетурмогунча саҳродин.

(Лутфий)

Билурмусенки кун тушта не учун сайдрин қолди?  
Юзунгни кўрди, соргориб илиқдин қолди сафрордин.

(Лутфий)

Тутмамиш рангин будут кўкники, оламни тутуб,  
Акс кўк миръотига солған сиришким қонидур.

(Навоиј)

Бу оқшом маҳвашим рухсори ой бирла талошибдур,  
Эмас анжум, фалак аҳли очиб кўзлар қарошибдур.

(Оғаҳий)

## ТАЖОҲУЛИ ОРИФ

«Билиб туриб билмасликка олиш» маъносини ифодаловчи ушбу шеърий санъат шоирнинг байтда акс эттирилаётган бирон образли иборани аниқ айтмасдан ўзини билиб билмасликка олгандек кўрсатишини назарда тутади. Тажоҳули ориф қўлланган байтларда кўпинча маҳбуба қиёфаси қиёсий ҳолда тасвирланади, бир ёки бир неча нарсага ўҳшатилади, лекин узил-кесил фикр билдирилмайди. Шоирнинг ўзини билиб билмасликка солиши шартли бўлиб, асл мақсад таъриф ёки тавсифдан, ёр қиёфасини муболагали тарзда гавдалантиришдан иборат бўлади. Масалан, Лутфийнинг

Малак ё ҳур, билмом ё парисан?  
Бу рафттор ила ё кабки дарийсан?

байтида шоир маъшуқани малак, ҳур, пари, кабки дарийларга ўхшатади-ю, аниқ қайси бири эканини таъкидламай, ўзини билмасликка солади. Аслида эса у маҳбубани шуларнинг барчасига қиёслаб, унинг бениҳоя гузаллигига дийққатимизни қаратяпти. Атоийнинг

Менгларинг мушки Хұтан ё нұқтаи жондур, бегим?  
Энгларинг варди Эрам ё боги ризвондур бегим?

байтида маҳбуба менглари мушки Хұтанга, жон нұқтасига, энглари эса Эрам атиргули, жаннат боғига қиёс қилинади-ю, лекин қайси бирига ўхшаши аниқ айтилмайды. Чунки мақсад ҳар иккисига ташбиҳ қилишдир. Шоир маҳбуба менгларининг қоралик, хушбүйлиқда Хұтан мушкига, гұзалликда жон нұқтасига, энгларининг эса ҳам Эрам атиргули, ҳам жаннат боғига ўхшаши-ни таъкидләяпти, халос.

Атоий ғазалидан олинган

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур?  
Эй бегим, ушбу сұз дегул, шаҳд била шакармудур?

байтида ҳам ёр юзи қуёш ва тұлин ойга, сұзи эса шаҳду шакарга ўхшатилған. Шоирнинг ўзини билмасликка солиши, маҳбуба чөхраси ва сузи аниқ қайси нарсага ўхшашини айтмаслиги шартли бадиий усул бўлиб, байт таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласиди.

Тажохул ориф санъати яширин ўхшатишнинг бир тури эканини англаб олиш қийин эмас, билиб билмасликка олиш ўхшатишни яширишдан бошқа нарса эмас. Лутфий ғазалидаги

Наргис күзунгнинг ўхшаши қайси чаманда бор?  
Юзунг таровати қачон, эй гул, суманда бор?

байтидан шоирнинг мақсади маъшуқа күзини чамандаги наргисга, юзини гулга, суманга ўхшатишидир. Ўзини билиб билмасликка солиши билан шоир ўхшатмасдан гүёки сұраётгандек бўлиб кўринмоқчи, халос. Алишер Навойнинг

Буки кўнглум ярасидан оқадур қонму экин?  
Ё қизориб эриган сув кеби пайконму экин?  
Ул хати лабки берур кўзга сафо, жонга ҳаёт,  
Сабзаи жаннат аро чашмаи ҳайвонму экин?  
Ҳусн хони ароким, ёйди қазо юзу лабинг,  
Курси хуршид била лаъли намакдонму экин?  
Фунча оғзигаму гулшанда ёғибдур жола,  
Ё жамолинг гули ичра лаби хандонму экин?

байтларининг ҳар бирида бирон ўхшатиш келтирилган бўлиб, шоирнинг ўзини билиб билмасликка солиши мисралар жозиба-

шортигини кучайтиради. Зеро, түгридан-түгри үхшатишга нисбатан бу хил яширин қиёслаш ўқувчига завқ бағишлиайды.

Юқоридаги мисоллардан күриниб турибдики, тажохули ориф сипати асосан савол күринишида ифодаланади, асарнинг лирик шұрхамони ўқувчига савол билан мурожаат қилаётгандек, ўзи ишкілай олмаган нарсани билиб олишга ёрдам беришни сұраётгандек бўлиб күринади. Лекин бу савол оддий эмас, унга жавоб топиш ҳам осон эмас. Бу савол ҳамиша ҳам үхшатиш мақсадини күйлайвермайди. Масалан, Атоийнинг

Хизматингда билмон, эй дилдор, тақсиrim недур?

Ким мени қилдинг мунунгдек зор, тақсиrim недур?

Олійтига дикқат қилсак, унда үхшатиш кўзга ташланмайди, аммо унини билмасликка солиш күриниб туради. «Эй дилдор, менинг шайбим нимада? Қайси гуноҳим учун мени бунингдек зор қилдинг?» — деб севгили ёрга мурожаат қиласи ошиқ. Бинобарин, билиб туриб билмасликка солиш ҳолати мавжуд. Шунга кўра байти мазкур санъатга нисбат бериш мумкин. Атоийнинг

Ким кўрди кўзунг ҳасратида мен киби бемор?

Жон гамзада, бағри тұла қон, күнгли гирифттор?

Байти ҳам шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Шоирнинг саволдан мақсади ошиқ ҳолати, унинг ички изтиробларини ўзини билмасликка солиш шаклида таъсирчан ифодалашдан иборатдир. Атоий

Бовужуди оразинг барги сумандин ким десун?

Лоладин ким сўзласун, ҳам настарандин ким десун?

байтидаги савол воситасида маҳбуба гўзаллигини таъсирчан тасвирлашни ният қилгани аниқ сезилиб турибди. Гадоийнинг

Юзунгни рашки гулу арғувон демай не дейин?

Қадинг ниҳолини сарви равон демай не дейин?

байтида ҳам билиб туриб билмасликка солиш ҳолати кўзга ташланиб туради. Шунга кўра, юқоридаги иккала байт ҳам тажохул ориф санъатига асосланиб яратилган, деб айта оламиз.

Фурқат қаламига мансуб

Асири чашминг охўйи биёбон ўлди, бир менму?

Кўруб ойина ҳам ҳуснунгни ҳайрон ўлди, бир менму?

...Ишқинг ўтида, жоно, жонлар кабоб эмасму?

Қилмас эсанг тараҳхум, ҳолим хароб эмасму?

...Эл ичра ишқ доғин ифшо қилиб бўлурму?

Монанди лола ўзни расво қилиб бўлурму?

каби байтлардаги саволлар ҳам жиддий бўлмай, билиб билмасликка солиш ифодасидир, бинобарин, ушбу мисраларнинг барчаси ҳам тажохул ориф санъати намунаси бўла олади.

## Фурқатнинг

Утмай нишот ул пари ўтру келармукин?  
Жон чекти кўб бу гуссада қайғу, келармукин?

байтидаги савол эса бошқача мазмунга, оддий савол маъносига эга, чунки бу ўринда шоир билиб туриб ўзини билмасликка солаётгани йўқ, маҳбубасининг келиш-келмаслиги чиндан ҳам унга номаълум. Бинобарин, бу байтни тажоҳул ориф санъатига нисбат бериб бўлмайди. Худди шунингдек, Муқимийнинг

Ол хабар ул сарви ноз ўйқусидин турганмикин?  
Ногаҳон турган эса, туш-муш сўранг, кўрганмукин?

байтида ҳам билиб-бilmасликка солиш ҳолати сезилмайди, шоир саволи жиддий бўлиб, мисраларнинг тажоҳул ориф санъатига алоқаси йўқ.

Демак, саволни ифодаловчи байтлардаги мазмун, савол мөҳиятидан келиб чиқиб шоир тажоҳул ориф санъатига мурожаат қилганми, йўқми, деган муаммони ҳал қилиш мумкин.

Бу хил санъат кўпинча фазалнинг матлаидан мақтасигача давом эттирилади, яъни барча байтлар шу санъат асосида ёзилади. Масалан, Лутфийнинг ушбу фазали шундай асарлардандир:

Эй одамилар жони, парига не бўлурсан?  
Бу жисм ила гулбарги тарига не бўлурсан?  
Сендин манга нazzора тегар, ул даги гаҳ-гаҳ,  
Сен чархи фалакнинг қамарига не бўлурсан?  
Рафтор ила бир йули мунунгдек доги ўхшаш  
Эй сарви сиҳи, кабки дарийға не бўлурсан?  
Юсуф киби ширин дурур асрү ҳаракотинг,  
Сен Миср наботу шакариға не бўлурсан?  
Сендек санаме кўрмади Лутфий Чигатойда,  
Чин сўйла, Хито ҳубларига не бўлурсан?

Тажоҳул ориф санъати шеъриятимизда кенг қўлланган бўлиб, унга мурожаат қилмаган шоир кам топилади.

## ТАШХИС

Ташхис («жонлантириш») ҳайвонлар, қушлар, жонсиз нарсаларга инсон хусусиятларини кўчириш санъатидир. Масалан, Лутфийнинг

Кун пардага кириб юзунг ойи ҳаёсидан  
Йиғлар ўзию, ораға тортар саҳобни

байтига диққат қилсак, қўёшга инсоннинг уялиш, йиглаш каби хусусиятлари кўчирилганини кўрамиз. Навоийнинг

Қатра қонларким томар күксумга урған тошдин,  
Захмдиндур демаким, қон йиғлар аҳволимға тош

байтида тош инсонга хос йиғлаш хусусиятини касб этган. Оганий битган

Гули рухсорини ногаң тамошо айласа булбул,  
Фиғонлар тортибон ұтлуғ ғули ахмарни ёд этмас

байтида эса булбул қиёфасида инсонга хос томошы қилиш хусусияти ифодаланған. Фурқат қаламига мансуб

Күрганда қоматингиз бүлгай ҳижил сановбар,  
Товус жилвасидин рафторингиз чиройли

байтида санобар ҳижил бүлади, товус жилва қиласы. Булар инсонның хусусияттар, албатта.

Бадий ижодда инсонга хос хусусияттар фақат ҳайвонлар, қушлар, аниқ нарсаларғагина эмас, мавхумий тушунчаларға ҳам күчирилади. Чунончы, Алишер Навоийнинг

Муғрайиб андоқ синуқ күнгелүм бузулурким, сипеҳр  
Булъажаб ҳолимға юз минг күз била ҳайрон бүлур

байтида мавхумий тушунча бүлгап сипеҳрга инсон ҳаракати күчирилған бүлса, Фурқатнинг

Агар келса кетар ҳолим күрүбон  
Ажал жонимни олмасдин ўелиб

байтида мавхумий тушунчани ифодаловчи ажал инсонга үхшаб ҳаракат қиласы.

Ҳайвонлар, қушлар, жонсиз ва мавхумий нарсаларни шу хилда тасвиrlаш воситасида шеърий асар муаллифи илгари сураёттеган муайян ғоялар аниқроқ ифодаланади, тасвиrlанаёттган лирик ёки эпик тимсоллар ёрқинлик, жонлилик, жозибадорлик касб этади.

Ташхис санъати ташбих, хусусан, хусни таълил санъатлари учун ҳам асос вазифасини бажаради. Масалан, Лутфийнинг

Юзидан лола ранг элтиб ўелиб шаҳрга кирмас,  
Кишиким бүйнидин боғлаб кетурмогунча саҳродин

байтида лолага инсоний хусусиятларни күчириш воситасида хусни таълил санъати құлланған.

Ташхис санъати лирик шеъриятда ҳам, лиро-эпик асарлар, хусусан, достонларда ҳам жуда кенг құлланади. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида боғдаги ранг-баранг гулларнинг бехуш ётган Қайс ҳолига ачинишлари тасвиrlанған:

Гул ҳолига чун назора айлаб,  
Гулгун ёқасини пора айлаб.  
Наргис шабнамдин ашк этиб фош,  
Аҳволиға юммайин түкүб ёш.  
Сунбул қилибон қаро узорин,  
Очиб қаро зулфи мушкборин.  
Сүгига оқар сув зор йиглаб,  
Ун тортибу сүтвөр йиглаб.  
Сабза қилиб ўзни сарбасар тил,  
Айтиб ғамидин фасона ҳар тил

каби бир-биридан латиф байтлар ташхис санъатининг ноёб дур  
доналаридан ҳисобланади.

### Мисоллар:

Жоми май үпти лабингни, ташна бўлдум қонина,  
Ҳақ текурсун ул ачиқни тортай эмди жомдин.

(Лутфий)

Писта онт ичтики торлиқ ул оғиздин олмайин,  
Ёрилибдур, ўзга қилмиш гүё савгандини.

(Лутфий)

Чарх тонг отқунча йиғлар меҳрин элдин ўшуруб,  
Гўй ул саргаштанинг ҳам бир мусофири ёри бор.

(Навоий)

Икки гавҳарким баногушунгдадур анжум киби,  
Ҳусн аро ойдек юзунг олида тутмишлар чаров.

(Навоий)

Бахтим уйғонмас бу нафхи сурдек фарёд ила,  
Менки марг уйқуси босқонларни дерман ўйғотай.

(Навоий)

Юз қуюб ҳар кун эшикинг ёстанур не важҳ ила,  
Гар санто қилмоқ ўзини истамас дарбон қуёш.

(Оғаҳий)

Ер узра тўшаб насрин яфроғларини ҳар ён,  
Ўпмакка кафи пойинг йўлунгда губор ўлмиш.

(Оғаҳий)

Ўлдууруга бир-бири бирла қошинг кенгаш этиб,  
Бош қўшуб анга ики наргис деган хунхор ҳам.

(Фурқат)

Юз ила кўзунг гами овора қилди нечаким,  
Сўзишимдин ўртаниб шамъи шабистон йиглади.

(Фурқат)

## ИНТОҚ

«Сұзлатиш», «гапиртириш» маъносидаги интоқ санъати балын асарда ҳайвонлар ёки жонсиз нарсаларни одамларга үхшатыб сұзлатишни назарда тутади. Жумладан, Алишер Навоййнинг «Лисонут тайр» достонида қушлар одамлар каби сұзлатилған. Масалан, товус:

Мен қүшеман қасру гулшан зийнати,  
Нақшу рангим аҳли олам ҳайрати.  
Суратим гулшанға оройиш дурур,  
Ҳайъатим күрганға осойиш дурур...

деса, Бургут:

Манга ҳолат үзға қүшлардек эмас,  
Құмрию булбулдек эл васфим демас.  
Савлатим муфритдуру қаҳрим ямон,  
Тоғ мулки ичра меммен қаҳрамон

дея фахрланади. Гулханийнинг «Тева билан Бұтaloқ», «Маймун билан Нажжор» масалларида ҳам ҳайвонлар одамлардек гапирадилар.

Ушбу санъат адабиётимизда күп асрли тарихга эга. Унинг ilk намуналарини «Девону лугатит түрк»даги қишиң ва ёз мунозарасыда учратамиз. XIV—XV асрлар адабиётидеги мунозараларда чөфир ва Банг (Юсуф Амирий), Үқ ва Ёй (Яқиний) үзаро туркий тиілда баҳлашсалар, Ахмадийнинг «Созлар мунозараси» асарыда мусиқа асбоблари, Ҳамзаниң «Мевалар можароси» асарыда мевалар тиілге кирадилар.

Интоқ санъати замонавий шеъриятимизда ҳам кенг құлланади. Құлпоннинг «Гүзәл» шеърида қүёш, ой, юлдуз, тонг шамоли одамлардек гапирадилар, Ҳамид Олимжоннинг «Үрик гуллаганда» шеърида еллар, қушлар «Бахтинг бор» деб хитоб қилишади. Эркін Воқидовнинг ғазалларыда эса гуллар сұзлайдилар.

Интоқ санъати ташхисга асосланса ҳам, ҳар қандай ташхисда интоқ құлланавермайди.

## ТАЛМИХ

Талмых («назар солмоқ») шеър ёки насрда машхур тарихий воқеалар, афсоналар, адабий асарлар ёки мақолларга ишора қылмоқ санъатидир.

Шоирлар мұхаббат мавзусидаги асарларыда күпинча Шарқда кенг тарқалған «Фарҳод ва Шириң», «Лайли ва Мажнун», «Вомиқ ва Үзро», «Тоҳир ва Зухро» каби құссалар, достонларнинг қаҳрамонлари номига ишора қиласылар. Үқувчи у ёки бу номга ишорани күрар экан, унинг күз олдида үша қисса, достон, афсона мазмуни, унинг қаҳрамонлари ҳаёти, севгиси, кураши, фожиали тақдирі жонланиб, шоир демоқчи бўлган гояни, фикрни, туйғуни ёрқинроқ тасаввур қиласы, чуқурроқ англаб етади. Зоро бу жараёнда үқувчи ўзи мutoала қилаётган асар қаҳрамони ҳаёти,

түйғулари, маңнавий қиёфасини ұша машхұр қисса, афсона қаҳрамони билан қиёслайды. Масалан, Лутфийнинг

Хұсни наслидин сенингдек ой пайдо бұлмади,  
Моҳи Кањоний даги ҳам мунча зебо бұлмади

байтидаги «Моҳи Кањоний»га ишорани күрар экан, дархол күз олдига машхұр «Юсуф ва Зулайҳо» достони, ундаги Юсуф қиёфасини келтиради. Маълумки, Юсуф жаҳондаги бор гүзаликнинг ўндан түққизини ўзида мужассамлантырган инсон. Ўқувчи энди Лутфий тасвирлаган маҳбубани Юсуф билан қиёслаб, унинг Юсуфдан ҳам гүзаллиги ҳақидаги тасаввурға эга бұлади.

Шеъриятимизда Шарқда кенг машхұр бұлган мұхаббат қиссалари, уларнинг қаҳрамонлари номларига ишора қилиш ҳам жуда күп учрайди. Алишер Навоийнинг

Сендин ўрганған киби Лайлоу Шириң зулму кин,  
Мендин ўрганмак керак Мажнун била, Фарҳод ишқ,

### Увайсийнинг

Жафо тегди бошимға Лайлию, Шириң Уздорин,  
Букун Вомиқ ила Мажнуну Фарҳодимни соғиндим

каби байтларидаги талмеҳлар шу хил ишоралардир.

Шоирлар күпинча Қуръон сураларида акс эттирилған афсоналар, ҳикоялар қаҳрамонлари: пайғамбарлар, фаришталар номларига ишора қиласылар. Атоийнинг

Сенға берсун илохи Нуҳ умрин,  
Манға ҳам фурқатингда сабри Айюб.  
... Бу ғам ким биздадур, бу ҳұсн сизда,  
Сени Юсуф десунлар, бизни Яъқуб,

### Гадоийнинг

Ғайбтин бұлғон ҳувайдо Хизри фаррухпаймудур,  
Ё магар Жабрийл қилди арши аязамдин нузул

каби байтларидаги талмеҳлар шулар жумласидандир.

## ЛАФФ ВА НАШР

«Йиғишиш ва ёйишиш» маңносини ифодаловчи ушбу санъат шеър байтида аввал бир неча нарса ёки тушунча номини кетма-кет келтириб, кейин улар ҳақидаги ҳукмларни кетма-кет баён қилишни назарда тутади. Бундан асосий мақсад эса номлари

келтирилган нарса ёки тушунчаларни бүрттириб, кучайтириб гасвирлашдир. Шоирлар ана шу мақсадни күпинча ташбиҳ ёки муболага воситасида амалга оширадилар. Шу жиҳатдан қараганда лафф ва нашрни аксар ҳолларда яширин ташбиҳ деб аташ мумкин. Чунки шоир нарсалар ва улар ҳақидаги ҳукмларни сапар экан, аниқ үхшатиш ё муболага құлламаётгандек бўлиб кўринади. Масалан, Атоий бир fazалида

Бу оразу зулфу қаду қоматки сенингдур,  
Рашки суману сунбулу аръар етилибсен

байтининг биринчи мисрасида маҳбуба орази, зулфи, қадду қоматини санаб келтиради-да, иккинчи мисрада улардан ҳар бири ҳақидаги фикрларни баён қиласди: оразни суманга, зулфни сунбулга, қадду қоматни эса аръарга қиёслайди, лекин мисра мазмунига кўра шоир «Рашки суману сунбулу аръар етилибсен» деб таърифлар экан, диққати бошқа нарсага — рашкка қаратилгандек туюлади. Ваҳоланки, унинг муддаоси ташбиҳдан бошқа нарса эмас.

Нашрдаги ҳукм фақат ташбиҳу тавсифдангина иборат бўлмай, биринчи мисрада саналган номлар ҳақидаги хилма-хил фикрлардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, Бобурнинг

Ҳадису лаълу рафттору жамолингдин эрур ҳардам  
Тилим гўё, сўзим рангин, кўнгул хуррам, қўзим равшан

байтидаги лафф ва нашрда маҳбуба ҳусни жамолининг васфи берилмай, унинг ошиқ кечинмалари, хулқу одобига кўрсатган ҳаётбахш таъсири ўз аксини топган. Оғаҳийнинг

Холи мушкинларки, ер тутмиш лаби ширинида,  
Хайли ҳиндудурки, ғавғо қилди шаккар устида

ёки

Икки мушкин кокили остида гулгун чехраси  
Ҳусн ганжидурки, ётмиш икки аждар устида

байтларидаги нашрлар нафис бир ҳаётий лавҳа кўринишини олган. Ушбу шоирнинг

Холу рухсори гамида ўйла ўздин бормишам,  
Ким тафовут фахм эта олмон қароу оқ аро

байтидаги нашр ранг ифодасида акс этади.

Лафф ва нашр бир мисранинг ўзида ҳам қўлланиши мумкин. Бу ҳолда мисранинг биринчи қисмида нарса ёки тушунчалар номи саналса, иккинчи қисмида улар ҳақидаги ҳукмлар баён қилинади. Масалан, Саккокий қаламига мансуб

Оғзингу тишиңгни күрди, фунчау дур деди рост,  
Қаддинга қылган назар сарви хиромон отади

байтиңнің бириңчи мисрасида аввалига маҳбуба оғзию тиши  
тилга олиниб, аниқроғи йиғилиб (лафф), сұнг уларнинг ташби-  
хий атамалари: фунча ва дур ифодаланган. Мазкур шоирнинг

Ул тишиңгу эрнингни күрүб бир куларингда  
Бу икки күзүм лаъту гүҳар баҳрию кони

байтида лафф ва нашрнинг янада мураккаброқ — силсилали бир  
тури құлланган. Чунки бириңчи мисрада маҳбуба тишию ирни  
(лаби) саналиб, иккінчи мисрада аввалига улар лаъл ва гүҳарга  
қиёсланади-да, сұнг кетма-кет ушбу сұзларнинг ҳам нашри бе-  
рилиб, лаъл баҳри ва гүҳар кони тушунчаси рүёбга чиқади.

Шеъриятимизда лафф билан нашр тартибининг ўзгариши  
ҳам учрайди. Аксар ҳолларда лафф аввал, күпинча, бириңчи  
мисрада, нашр кейин — иккінчи мисрада келтирілади, лекин  
бунинг акси, яғни аввал нашр, кейин лафф келган ҳолаттарға  
ҳам дуч келамиз. Чунончи, Гадойнинг

Сунбулу гул бутгусидур туфроғимдин бегумон,  
Зулфу юзунг ҳасратинда чунки қылғымдур вафот,

### Бобурнинг

Сабру ҳушу ақлу динимни олибдур, найлайнин,  
Сарв қадди, фул рухи, райхон хати, насрин бари

байтида шундай ҳолатни кузатамиз.

Лафф ва нашр бошқа санъатлар билан биргаликда ҳам құлла-  
наверади, хусусан, тажохул ориф усули билан битилған байтлар-  
да лафф ва нашр янада жозибалироқ оxaңг беради. Масалан,  
Оғажий қаламига мансуб

Юзида қатраи хўйму экан томар ёхуд,  
Нужум меҳр уза сайёрму экин оё

байтида құлланган номураттаб лафф ва нашр, Комил Хораз-  
мийнинг

Хатинг ичра гулфом лаълингмудур  
Ва ё барги гул тушди райхон аро?

байтидаги лафф ва нашр ҳам худди шундай тажохул ориф усули  
билан уйгундир. Унинг

Гулу сунбул шамими бар машоми ман намисозад,  
Юзу зулфинг исидин то димоги ман муаттар шуд

байтидаги лафф ва нашр талмиъ санъати билан биргалиқда құлланған. Комил Хоразмий битган

Күзу қошинг қалам қатлимға ёзғон насси қотиъдур,  
Нечук жондин умид айлай күрүб бу сод ила бу нун

байтидаги лаффу нашр эса китобот санъати билан бирга құлланған.

Аввал саналған («йигилған») номлар тартиби билан улар ҳақындағи ҳукмлар тартиби муносабатига күра лафф ва нашр «мураттаб» («тартибли») ва «номураттаб» ёки «ғайри мураттаб» («тартибли бўлмаган») турларга бўлинади. Масалан, Лутфийнинг

Қошинг, ирнинг, юзунг, эй рашки ризвон,  
Ҳилолу кавсару боғи жинондор

байтининг биринчи мисрасида лаффда аввал қош, сұнг ирн (лаб), кейин эса юз саналади, иккинчи мисрадаги «нашр», яъни маҳбуба аъзолари ҳақындағи ҳукмлар тартиби биринчи мисрадаги сўзларга мувофиқ келади, яъни биринчи турган «қош» сўзига иккинчи мисрада биринчи бўлиб турган «ҳилол» ташбиҳи, иккинчи турган ирн (лаб) сўзига иккинчи бўлиб келган кавсар ташбиҳи, учинчи турган «юзунг» сўзига эса учинчи — боғи жинон ташбиҳи мос бўлиб тушади.

Атоий қаламига мансуб

Ёд қилмас зулфу рухсору хатингни кўргали,  
Лолау насрину сунбул бирларайхондин кўнгул

байтидаги лафф ва нашр эса номураттаб саналади. Зеро, биринчи мисрадаги биринчи бўлиб турган зулф сўзига иккинчи мисрада биринчи бўлиб келган лола ташбиҳи мос келмайди, зулфга учинчи турган сунбул мувофиқдир. Биринчи мисрада иккинчи бўлиб турган рухсор сўзига эса иккинчи мисрада биринчи бўлиб турган «лолау насрин» мувофиқдир. Биринчи мисрадаги учинчи бўлиб турган ҳат сўзига иккинчи мисрада түртингчи бўлиб турганрайхон ташбиҳ мос келади. Қуриниб турибдики, лафф билан нашр тартиби мувофиқ эмас. Ҳудди шунингдек, Бобурнинг

Оғзию икки зулфию қади бўлмаса манга  
Райхону сарву фунча кўтарддин малолдор

байтидаги лафф ва нашр ҳам шу каби номураттабдир.

Номураттаблик бир мисрада келтирилган лафф ва нашрга ҳам хосдир. Масалан, Оғаҳийнинг

Сарв ила лолага назар айламасак ажаб эмас,  
Ким юзу қаддингиз эрур сарв ила лолазоримиз

байтининг иккинчи мисрасида шу ҳолни кузатамиз.

Лафф ва нашр ўз хусусиятига кўра жамъ ва тақсим, жамъ ва тафриқ санъатларига яқин туради. Лекин уларни бир-биридан фарқлаш унча қийин эмас. Гап шундаки, жамъ ва тақсим, жам ва тафриқ санъатлари қўлланганда биринчи мисрада жамланган номлар, тушунчаларни тақсимлаш ёки фарқлашни ифодаловчи «бири», «униси» каби сўзлар қўлланади. Масалан, Бобурнинг

Хатинг била юзунгу, кокилинг сенинг, эй жон,  
Бири бинафша, бири ёсуман, бири райхон

деб бошланган газали байтларининг ҳар қайсисида аввал турли нарсалар номи жамланган бўлса, ҳар иккинчи мисрада улар муайян жиҳатларига кўра «бири» сўзи воситасида тақсимланган.

Бобурнинг

Не навъ ўхшасун юзига офтобким,  
Онинг заволи бордиру бу безаволдор

байтидаги биринчи мисрада маҳбуба юзи ва офтоб сўзлари жамланган. Лекин кейинги мисрада улар ҳақидаги фикрлар икки тушунчани маълум жиҳатдан фарқлаш мақсадини қўзлади. Шунга кўра бу байтда ҳам лафф ва нашр санъати қўлланмай, жам ва тафриқ санъатидан фойдаланилганини таъкидлашимиз мумкин.

Лафф ва нашр қўлланганда тақсимлаш ёки фарқлаш мақсади эмас, балки белгиларини таъкидлаш шоирнинг диққат марказида туради.

Мисоллар:

Қўз эрнинг тушинг кўруб аввал назарни йигмади,  
Охир чиқорса лаълу дур не суд ўшал уммонима.

(Саккокий)

Бўю юзу лаъл эрну хати хаддина туш йўқ,  
Сарву гулу мўл настарану ёсуман ичра.

(Саккокий)

Белинг, оғзинг сўзи ҳар қайди бўлса,  
Хаёли нозуку рамзе ниҳондур.

(Атоий)

Энги менги ою доги, юзи сўзи гулу мул,  
Қади равону тани жону эрни маржондур.

(Бобур)

Орази олингиз уза зулфи сиёҳингиз эрур  
Боги муродимиз аро сунбули мушкборимиз.

(Оғаҳий)

Эрнию сүзи шавқи ичра күзларим ҳар дам  
Сочғуси аёқиға лаъл ила жавоҳирлар.

(Оғаҳий)

Лол андалибу қумри қадду юзингни кўргач,  
Сарв ҳижолат ичра гул инфиола душти.

(Фурқат)

Кимеки оразу зулфи хаёли бирла ўтмайдур,  
Паришонлиқда ўтсун ёраб онинг субҳ ила шоми.

(Фурқат)

Олида ҳам сарву гул, ҳам ғунча бўлмишдур ҳижил,  
Ул паридин ўзгага бўхтон қаду рухсору лаб.

(Оғаҳий)

Хушнамодур ўйла лаъли узра хатким гўиё,  
Ким зумуррад тутти ер ёқути ахмар устида.

(Оғаҳий)

Сориг юзга ариг ашким неча оқса эмастур суд  
Ки истигно камолидин зару ғавҳарни ёд этмас.

(Оғаҳий)

## РУЖУЬ

**Ружуь** — арабча «қайтиш» маъносини билдириб, шеъриятда шоирнинг олдинги мисра ёки байтда ифодалаган фикри, қўллаган бадиий тасвирий воситасидан қайтгандек бўлиб, кейинги мисра ёки байтда унга қараганда кучлироқ ифода, шеърий санъатни келтириш ёки олдинги фикри аниқлаштириш, тўлдириш усулидир. Мумтоз шеъриятимизда ружуь усули айниқса ташбиҳ қўлланган мисраларда кўпроқ учрайди.

I. Байтнинг биринчи мисраси ёхуд олдинги байтда ташбиҳ келтирилган бўлса, шоир ундан чекинар экан: келтирилган ташбиҳ белгисини янада кучайтирувчи иборалар қўшади ёки унинг хусусиятини янада ойдинлаштиради, тўлдиради. Масалан, Навоий Фарҳоднинг денгиз сафарини тасвиirlар экан, наҳангларни таърифлаб, ёзади:

Суда юз тоғу, йўқ бирига ором,  
Вале тоғики, бўлғай моҳи андом.

Шоир аввалига «Сувда тиним билмас, беором тоғлар сузид юрибди», — деб таъкидлар экан, «вале» («ва лекин») дея ўз тасвиридан чекингандек бўлади, шундан сўнг у ўз тасвирига яна қайтиб унга янги ифодалар билан бойитади, натижада ижодкор фикри энди яққол англашилади: у таърифлаган «беором» тоғлар

«моҳи андом» — «балиқ қиёфасида» экан, бинобарин энди ўқувчи гап наҳанглар, яъни китлар ҳақида кетаётганини тушуниб олади. Шоир тўғридан тўғри «моҳи андом тоғлар»ни тасвиrlаса, ушбу байт шунчалик таъсиrчан, жозибадор чиқмас эди. Навоий аввалга ўзи тасвиrlаётган ҳайвонни ўқувидан сир тутиб «беором тоғлар» ҳақида сўзлайди, ўқувчи бундай тасвиридан ҳайратланмай қолмайди, зеро дengиздаги юзлаб «беором тоғлар» унда қизиқиш уйғотиши табиий. Ўқувчини лол қолдирган шоир энди бу тоғлар наҳанг эканига ружуъ воситасида ишора қилади.

Шу достондаги

Муз айлаб ер юзин ойина ойин,  
Falat қилдим, дегил оинаи Чин

байтида шоир қиши тасвирини чизар экан, олдинига музлаган сувларни оинага ўхшатади, кейинги мисрада ўз тасвиридан чекингандек «хато қилдим» дейди-ю, лекин ундан бутунлай воз кечмай музларнинг оддий оинага эмас, Чин оинасига ўхшашини таъкидлаб, ўз тасвирини янада кучайтиради, аниқлаштиради.

Мисоллар:

Ҳар ён бўри посбон итидек,  
Йўқ, йўқ, не дедим, шубон итидек.  
(«Лайли ва Мажнун»)

Гуликим сепмиш эрди нўш дору,  
Falat шарҳ айладим, беҳуш дору.  
(«Фарҳод ва Ширин»)

Юзида хол ўлуб гулбарг уза зоғ,  
Ва ё тер остида сув ичраки боғ,  
Дема сувким, зилоли зиндагоний,  
Не Хизру, не Скандар топиб они.

(«Фарҳод ва Ширин»)

Уруб гулгун яқо чок айлагунча,  
Бўлуб зоҳир гул ичра икки фунча.  
Дема фунча, ики пайкон де они,  
Fam ўқи кўксидин ўткан нишони.

(«Фарҳод ва Ширин»)

Фалак раҳшида меҳри ховаридек,  
Не раҳшу меҳр, дев узра паридек.  
(«Фарҳод ва Ширин»)

2. Шоир олдинги мисрада қўлланган ташбиҳдан қайтгандек бўлади-да, ундан ҳам кучлироқ янги бир ташбиҳ келтиради. На-воийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги

Саҳройи латофат ичра лола,  
Не лолаки, мушкбү газола

байтида шу хил ружуъ қўлланганини кўрамиз. Шоир аввалига Лайлини саҳро лоласига ўхшатади, кейин ўз тасвиридан қайтиб, янги ташбиҳ қўллади: Лайлини энди мушк исли оҳуга қиёс қиласиди. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Вале ёдига бу келдиким ул ой,  
Демай ой, офтоби олам орой

байтида ҳам биринчи мисрада Ширин ойга ўхшатилган бўлса, сўнг шоир бу тасвиридан чекиниб, янада кучлироқ ташбиҳга мурожаат этади: энди қизни оламга безак бўлган офтобга қиёс қиласиди. Ҳар иккала ташбиҳга назар ташласак, уларнинг кетмакет қўлланишида муайян изчиллик сақланганини кузатамиз.

Мисоллар:

Шажар яфроги бўлди қаҳрабодек,  
Демаким қаҳрабо, меҳри самодек.  
(«Фарҳод ва Ширин»)

Кишига ўхшамас, гўё паридур,  
Пари йўқ, офтоби ҳоварийдур.  
(«Фарҳод ва Ширин»)

Дўзах манга эмду бу хабардур,  
Ким жонима ўтидан шаардур  
Йўқ, йўқ, **не шаарки**, барқи офат,  
Андин бари даҳр гарқи офат.  
(«Лайли ва Мажнун»)

Ул ўт аро бу заифи ғамнок,  
**Қайси ғамнок**, балки ҳошок.  
Ҳошок дема, шикаста мўре,  
Жони юкидин танига зўре.  
(«Лайли ва Мажнун»)

3. Баъзан юқорида таъкидланган икки ҳолат бир ёки икки байтда биргаликда қўлланади, яъни шоир аввал ўз тасвиридан чекиниб, янги ташбиҳ қўллади, кейин яна чекиниш қилиб янги ташбиҳни янада кучлироқ ифодалар билан бойитади. Масалан, Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида Лайли тасвирини чизар экан,

Нахлию **не нахл**, сарви озод  
Сарвию, **не сарв**, рашки шамшод

байтида Лайлини аввалига ниҳолга ўхшатади, кейин ундан қайтиб сарвга қиёслайди, сўнг ундан қайтгандек бўлади-ю, сарвнинг оддий эмас, шамшоднинг рашки келадиган сарв эканини таъкидлайди. Демак, байтда кетма-кет икки ружу ќўлланган, яъни шоир икки бора ўз тасвиридан чекинган. Унинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Хабар Бону сори еткурди ҳар хайл,  
Ки тутти барча Арман мулкини сайл.  
Қаю бир селиким, дарёи офат,  
Қаю дарёки, тӯфони маҳофат.

...Чу қўрғон даврига ёвуштилар бот,  
Сурон солиб ёнибон туштилар бот.  
Сурон йўқ, сурон савтнинг сафири,  
Қаю бир сурким, маҳшар нафири,

шунингдек,

Кўрдики келур нигори зебо,  
Боштин аёғига ҳаззу дебо.  
Йўқ, йўқ, не нигор, сарви гулчеҳр,  
Не сарв, не гулки, гайрати меҳр

байтларида ҳам худди шу хил ружуълар қўлланган.

4. Баъзида кетма-кет уч марта чекиниш юз беради: шоир ўзи қўллаган ташбиҳдан қайтиб, иккинчисини келтиради, ундан ҳам воз кечиб, учинчи ташбиҳга мурожаат этади. Бу хил силсилали (занжирли) ружуъга Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳоднинг ариқ қазиши тасвирланган:

Дами дуди била метини гарди  
Етурди кўзга чархи ложуварди.  
Не гарду дуд, миги дарду андуҳ,  
Тутуб Арман ҳудудин кўҳ то кўҳ.  
Дема миф, айтқил абри баҳорон  
Ёғин бирла тагарги сангборон

байтлари мисол бўла олади. Шоир аввало Фарҳод нафасини дудга (тутунга) ўхшатиб: «Дами тутуни билан метинининг чанги қўқ осмонни қўздан яширди», — деб тасвиirlар экан, иккинчи байтда бу ташбиҳдан қайтиб, дуду гардни қора булатга қиёс қиласди, сўнг ундан ҳам воз кечиб, баҳор булатига қиёслайди.

«Хамса» достонларида ушбу усулдан кенг фойдаланган Алишер Навоий баъзан бир неча марта чекиниш билан янги-янги тимсоллар, ифодалар яратади. Чунончи, «Садди Искандарий» достонининг кириш қисмида ўз ижоди хусусида сўз очар экан, шоир

Давотимки очтим дүкөни гүхар,  
Дүкөни гүхар йүқки. кони гүхар.  
Хамоноки юр чоңда лосин анинг  
Силоя қилурда қаросин анинг.  
Томизганда ҳар қатрае сув анга,  
Сув ўрнида томғондур инжу анга.  
Қаю қатра сув, балки дарёи жарф,  
Ки қылмиш анга хақ давотимни зарф.  
Давот эрмас, ул ўзга олам дегил,  
Не олам, ани чархи айзам дегил

деб ёзади. Диққат қылсак, беш байтли парчада шоир беш марта чекиниш қылганини, ҳар сафар олдингисига қараганда гүзалроқ, салоҳиятлироқ тасвирлар чизганининг гувоҳи бўламиз.

5. Баъзан шоир аввал ўзи тасвирлаётган нарсани бирон нимага қиёслайди, кейин ундан қайтиб, ўша нарсани ўз номи билан атайди. Масалан, Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод қўлга киритган Жамшид жомини тасвирлар экан:

Сафоу тоб аро андоқки хуршид,  
Дема хуршид, балки Жоми Жамшид

деб ёзади. Жом олдин қүёшга қиёсланса, кейин шоир ундан қайтиб, жомни ўз номи билан атаган.

Ружу санъати сифатлаш қўлланган мисраларда ҳам келиши мумкин. Бу ҳолда кўпинча шоир ўзи биринчи мисрада қўлланган сифатлашдан қайтиб, ундан кучлироқ бўлган янги бир сифатлаш келтиради. Чунончи, «Лайли ва Мажнун» достонидаги

Ким Навфалким Арабдадур тоқ,  
Йўқ, йўқ, не Араб, тоқи оғоқ

байтида шоир Навфални олдинига «Арабда ягона» деб таърифлаб, кейин ундан воз кечгандек бўлиб, «оламда ягона» сифатлашига мурожаат қиласди. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Ўзининг шакли бирла навжувоне,  
Демайким навжувоне, нотавоне.  
...Аларға шоҳу сарвар гулъузоре,  
Демайким гулъузоре — шаҳсуворе.  
...Тушурди ул латофат ҳуққасини,  
Латофат йўқки, офат ҳуққасини,

«Лайли ва Мажнун» достонидаги

Андоқ тани дарднок бирла,  
Йўқ, йўқки, бу жисми чок бирла.  
...Мискин мену зори пойбаста,  
Йўқ, йўқки, заифи по шикаста.  
...Ҳар бир монгишида юз латофат,  
Йўқ, йўқки, сочиб жаҳонга офат

каби байтларда шу хил ружуълар қўлланган.

Айрим ҳолларда ружуъ санъати у ёки бу нарсаны кетма-кет икки хил аташ учун хизмат қиласы, бундай ҳолларда ҳам иккинчи атама биринчисига қараганда күчлироқ бўлиши шарт. Жўмладан, «Лайли ва Мажнун» достонида Қайс оиласининг Каъбага кириб келишини тасвирловчи

Фурсатни бори билиб ғанимат,  
Каъба сори қилдилар азимат.  
Чун бўлдилар ул ҳарамға маҳрам,  
Йўқ, йўқ, не ҳарамки, арши аъзам

байтларида шу хил ружуъ қўлланган. Шоир Байтуллони ҳарам деб атаса, кейин ундан қайтгандек бўлиб, уни «арши аъзам» деб таърифлайди.

Баъзида ижодкор биринчи мисрадаги тасвирдан қайтиб, унга қараганда күчлироқ иккинчи хил тасвирга кўчади. Чунончи, «Лайли ва Мажнун» достонида Лайли билан Қайснинг дағн маросимини тасвирлар экан, Навоий

Кирди ики жисм бир кафанға,  
Йўқ, йўқ, ики руҳ бир баданға

байтини келтиради. Кўриниб турибдики, иккинчи мисрадаги тасвир биринчисига қараганда таъсирчанроқ. Шу достондаги

Бу бода бирини маст қилди,  
Ул бирини майпараст қилди.  
Йўқ, йўқки, икиси маст бўлди,  
Ҳам иккиси майпараст бўлди

байтларида ҳам шу хил санъат қўлланган.

Шоир баъзан ружуъ санъати воситасида биринчи мисрадаги тасвирга иккинчи мисрада аниқлик киритади, уни тўлдиради. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Далир ўлмиш эди май журъатидин,  
Не май, жоми паёпай журъатидин.  
...Улусни сурдилар ул сув бошидин,  
Не сув, Фарҳод ила Ширин қошидин

каби байтлар шу хил хусусиятга эга.

Анча мураккаб бўлган ушбу усул кўпроқ етук ижодкорларнинг лиро-эпик асарларида қўлланган. Чунончи, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ўз достонларида ружуъ усулидан жуда кенг фойдаланиб бири-биридан ёрқин, таъсирчан бадиий ифодалар, тимсоллар яратганки, юқорида келтирилган кўпгина мисоллар фикримизнинг далили бўла олади.

Ружуъ усулини ҳозирги шеъриятимизда ҳам муваффақият билан қўллаш мумкин. Эркин Воҳидовнинг «Шоҳи гул» фазалидан ўрин олган:

Оташин гул уздим, ол, бу  
Шоҳи гуллар **шоҳи гул**.  
Гул сочиқ йўлларда бўлсин  
Гул юзим ҳамроҳи гул.  
**Шоҳи гул эрмас**, бу ўтлуғ  
Юзларинг ҳижронида  
Интизор боғ кўксидан  
Чиққан фифону оҳи гул

Байтлари шундан далолат бериб турибди.

## ИСТИОРА

**Истиора** арабча сўз бўлиб, «бирон нарсани омонатга (вақтинча) олмоқ» деган маънони ифодалаб, адабий асарда сўзни ўз маъносидан бошқа бир маънода, аниқроги уни ҳақиқий маъносидан эмас, балки мажозий бир маънода қўллаш санъати саналали. Кўпинча бу икки маъно ўзаро ўхшашликка асосланади. Шу жиҳатдан истиора ташбиҳ санъатига яқин туради. Истиора аксар ҳолларда ташбиҳи кинояга, яъни мушаббиҳи туширилган ташбиҳга тенг келади. Масалан, Бобурнинг

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,  
Оёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим

байтидаги «гул» сўзи ўз маъносида қўлланаётгани йўқ, яъни шоир ҳақиқий гулга эмас, балки гул каби гўзал маҳбубага мурожаат қўлмоқда. Бинобарин, гул сўзи маҳбуба, инсон маъносида ишлатиляпти. Шунинг учун уни истиора деб ҳисоблаш мумкин.

Навоий қаламига мансуб

Сен лабинг сўрган сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб,  
Сен май ичгилким, манга хуни жигар бўлмиш насиб

байтидаги «қон ютарман» ибораси ҳам ўз маъносида қўлланмаган, балки «изтироб чекаман» маъносини англатади. Демак, у ҳам истиора бўла олади.

Адабиётшунослиқда истиора ташбиҳдан кучли саналади. Зеро «эй гул каби гўзал маҳбуба» ифодасига кўра «эй гул» ибораси кучлироқ, таъсиричанроқ жаранглайди.

Тузилишига кўра бир сўздан ёки иборадан ташкил топган истиора («гул» каби) **садда истиора**, бирикмали истиоралар эса **мураккаб истиора** саналади. Навоийнинг

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,  
Лолалар эрмаски, багримдин эрур парголалар

байтидаги «сариф юз» маъносидаги «заяфарон» сўзи содда истиора бўлса, «қонли ёш тўкаман» маъносидаги «тўкармен лолалар» ибораси мураккаб истиорадур.

Мураккаб истиоралар бир неча сўз, ҳатто бутун бир жумладан ҳам иборат бўлиши мумкин. Ҳалқ оғзаки ижодидаги кўчма маъноли мақоллар, масалан, «Кўрпангга қараб оёқ узат», «Бўлинганди бўри ер, айрилганни айик ер» кабилар ҳам мураккаб истиора саналади.

Ифодаланишига кўра отлардан ташкил топган истиоралар «истиорай аслийя», феъллардан тузилганлари эса «истиорай табия» дейилади. Чунончи Фурқатнинг

Жамолинг кўргали, эй дастай гул,  
Бўлубмен турфа шайдо, бир келиб кет

байтидаги «дастай гул» истиораси истиорай аслийя; Нодира-нинг

Вақти хиром, эй санам, дийдаларимга қўй қадам,  
Хоки раҳингга айларам чашми гўҳарфишон фидо

байтидаги «санам», «чашми гўҳарфишон» сўzlари истиорай аслийя, «дийдаларимга қўй қадам» — истиорай табия саналади.

Таркибига кўра ҳам истиоралар иккига бўлинади. Ўхшатилган нарса ё тушунча, яъни мушаббиҳ туширилган истиоралар «истиорай мусарраҳа», ўхшаган нарса, яъни мушаббиҳун биҳ туширилгани эса «истиорай макнийя» деб аталади.

### Истиоралар:

1. Аниқ бир тушунчани билдирувчи сўзни унинг муайян жиҳатларини ташбиҳий муносабатга кўра таъкидовчи сўз ёки сўз бирикмаси билан ифодалаш орқали рӯёбга чиқади. Мумтоз шеъриятда маҳбубани ифодаловчи гул, пари, нигор каби сўзларнинг қўлланиши бунга яққол мисол бўла олади. Жумладан, Оғаййининг

Фалак меҳри булутдин юзга чекмиш пардаи мушкин,  
Магар боқиб қўёшим юзига кўзи қамошибдур

байтидаги «қўёшим» сўзи,  
Фурқатнинг

Аё, эй қумрийи боги малоҳат,  
Аё эй қадди раъно, бир келиб кет

байтидаги «қумрийи боги малоҳат» ибораси шу тарзда юзага келган истиорадир.

2. Айрим сўзлар уларни ифодаловчи бадиий синонимлар билан алмаштирилади. Раз қизи (май), кўк ғазоли (қуёши), ҳазордостон (булбул) кабилар шулар жумласидандир.

3. Аниқ нарса, тушунчаларни ифодаловчи сўзларга у билан ташбиҳий муносабатда бўлган сўз қўшилиб истиоравий ифода ни ҳосил қиласди. Масалан, ҳаёт гулшани, гул дафтари, мижғон ўқи, хусн баҳори, дийдор давлати, кўнгул майдони, ораз офтоби, карашма тийри каби истиоралар шулар жумласидандир.

Мавхум тушунчаларни ифодаловчи сўзларга аниқ нарса номини англатувчи отлар қўшилиб истиора ҳосил қиласди. Ҳар иккни сўз ўртасида эса ташбиҳ маъносидаги муносабат мавжуд бўлади. Малоҳат мулки, ҳаёб бори, ишқ баҳори, ноз тахти, шавқ ўти, висол соҳили, ҳижрон баҳри, баҳт уйқуси тарзидаги истиоралар шулар жумласидандир

Мисоллар:

**Шарбати сабр** отини тутмангки, бир ой ҳажридин  
Оғзима ҳайвон зулолин айламиш айём талх.

(Навоий)

**Лаълинг** олса чоклик бемор кўнглумни не тонг,  
Эй малоҳат нахли, чунким хастасиз бўлмас рутаб.

(Навоий)

**Камол авжи** уза фаррух юзунг меҳри саодатдур,  
Латофат богида зебо қадинг сарви назокатдур.

(Оғаҳий)

Сендин айру талхком үлди дебон заҳри фироқ,  
Ёшурун дардимни ул лаъли шакарборимга айт.

(Нодира)

**Муҳаббат ўтини жисмимга ёқ, бағрим кабоб ўлсун,**  
Кўзим хуснингда сероб айла андоғким пуроб ўлсун.

(Увайсий)

Эй малоҳат гулшанида андалиби хуш наво,  
Вей фатонат иқтидорида Фалотундин расо.

(Фурқат)

**Висолинг соҳилига** раҳм этиб тезроқ етургилким,  
Ҳалок айлар яқин дарёи ҳижронингни гирдоби.

(Фурқат)

Варақларни очурман тозалаб **йилларни чангидин**,  
Бу дониш махзани сўзлар менга афсона янгидин.

(Э. Воҳидов)

## ТАНСИҚ АС-СИФАТ

Тансиқ ас-сифат санъати шеърда тасвиrlанаётган шахс ёки нарсага хос белгиларни кетма-кет келтириш, уларни бир неча жиҳатдан тасвиrlашни назарда тутади. Масалан, Муқимиининг

Хуш табассум, хуш калому, хуш равиш рафтор ҳам  
Андалиби бўстондек хуш наво дилдорсиз

байтида маҳбубага хос сифатлар, унинг хуш табассум, хуш калом, хуш рафтор ва хуш наволиги кетма-кет санаб кўрсатилган. Огаҳий қаламига мансуб

Жамолинг шавқида ёқти фалакни ўтлуг афгоним,  
Бори ер юзини тўфонға берди чашми гирёним,  
Эшит додимни энди дардинг ўлди қосиди жоним,  
Нигорим, меҳрибоним, макримат таҳтида султоним

бандининг охирги мисрасида маъшуқа турли жиҳатдан васф қилинган.

Баъзан маҳбуба сифатлари бутун асар давомида санаб ўтилган шеърлар ҳам яратилган. Муқимиининг

Нигоре маҳвашеким кам бўлур мундоғ парипайкар,  
Санавбаргўй, насринхўй, сунбулмўй, сийминбар.  
Зарифу зийраку дилҳоҳу дилжў, дилкашу маргуб,  
Расо табъу, салимулвазъу, базморо ажаб дилбар.  
Адофаҳму, сухансанжу шакаргуфтору, шўрангез,  
Сабиҳулважху некушаклу матбуу неку ахтар

байтлари билан бошланувчи фазали шулар жумласидандир.

Кетма-кет саналган белгилар, сифатлар тасвиrlанаётган тимсолни ўқувчи кўзи олдида ёрқинроқ, жозибадорроқ гавдалантиришга хизмат қилади. Масалан, Машраб мустаҳзодидаги

Кўрдимки бугун паривашу **дилбару ръяно**  
йўл узра шитобон,  
**Хуш суврату хуш хильлату хуш рафтори зебо,**  
чун кабки хиромон.  
**Пуришва-ю пур ғамза-ю сиймин зақандир,**  
Даҳр ичра пур ошуб,  
**Ҳам офати жон, жумлаи маҳвашлара якто,**  
Сарфитнаи даврон

каби байтларда маъшуқа қиёфаси муфассал тасвиrlаниб, унга хос фазилатлар бирма-бир санаб ўтилган, оқибатда ўқувчи кўзи олдида гўзal дилдор бутун баркамоллиги билан намоён бўлади.

Тансиқ ас-сифат санъати лирик қаҳрамонга хос хислатларни муфассал ифодалашда ҳам қўлланади. Жумладан, Машраб фазалидаги

Сенга рози дилим изҳор этиб сўйлар мажолим йўқ  
Паришонҳолу саргардону дил афгор йигларман

Байтидаги сифатлар ошиқ қиёфасини тасвирашга хизмат қилган.

## МУҚОБАЛА

**Муқобала** «қарши келиш» маъносини ифодалайди ва шеър байтларида бир-бирига зид тушунчаларни англатувчи сўзларни келтириб улар воситасида муайян бир фоя, фикрни таъсирчан ифодалаш санъати саналади.

Чунончи, Лутфийнинг

Нечаки жавр қилурсан, вафодин ортуқ эрур,  
Карамки ўзгага қилсанг, жафодин ортуқ эрур.

байтидаги вафо ва жафо, карам ва жавр сўzlари қарама-қарши маъноларни ифодалайди. Атоийнинг

Қароси кўзларингнинг оқи бирла  
Ажаб қуфредур, имон бирла ҳамроҳ

байтида қаро ва оқ, қуфр ва имон сўzlари шу тарзда бир-бирига зид тушунчаларни англатади.

Бобур қаламига мансуб

Висоли лаззатидин завқ топмоғлиқ эрур душвор,  
Фироқи шиддатинда йўқса жон бермоғлиқ осондур

байтида эса висол ва фироқ, лаззат ва шиддат, душвор ва осон сўzlари аниқ кўзга ташланиб турган зид сўзлардир. «Завқ топмоқ» ва «жон бермоқ» бирикмалари ҳам ўзаро зид мазмунга эга, зеро, «завқ топмоқ» — ором олмоқ бўлса, «жон бермоқ» изтироб, алам чекмоқ маъносида бир-бирига қарама-қарши маъноларни ифодалайди.

Адабиётшунослик илмида муқобаланинг бу турини, яъни зид маъноларни ифодаловчи сўзларни келтириш **тақобули тазод** деб аталади.

Муқобала санъати феълларнинг бўлишли ва бўлишсиз шаклларини келтириш билан ҳам юзага чиқиши мумкин. Навоийнинг

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимгау ул шўхи бадхў келмади

байтидаги «келди-келмади», Бобурнинг

Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,  
Сендин, эй гул, эмли Бобур бир замон айрилмагай.

байтидаги «айрилдим-айрилмагай» бўлишли-бўлишсиз феъллари муқобалани юзага чиқарган. Бундай муқобала **тақобули ижобу салб** деб юритилади.

Муқобаланинг ушбу тури турли феълларнинг маъно жиҳатдан қарама-қаршилигини ифодаловчи бошқа ўзакли сўзлардан ҳам юзага чиқиши мумкин. Масалан, Бобурнинг

Орази қаддингни таъриф этсалар юз йил ҳануз,  
Эй юзи гул сарвиноз, юздин бири айтилмағай

байтида «таъриф этсалар» сўзи «айтилса» маъносини ифодалагани учун «айтилмағай» феъли билан бирга тақобули ижобу салбни ҳосил қиласди.

Шеъриятда муқобаланинг ҳар икки тури бир байтнинг ўзида қўлланиш ҳолати ҳам анчагина учрайди. Жумладан, Бобурнинг

Ваъда айлаб васл кўрсатгай неча жонимга ҳажр,  
Неча кўнглумга жафо қилгай вафо кўрсатмагай

байтида эса васл-ҳажр, вафо-жафо сўzlари тақобули таъзодни, кўрсатгай-кўрсатмагай сўzlари тақобули ижобу салбни ҳосил қиласди. Муқобала иборалардан ҳамда жуфт сўзлардан ташкил топиши ҳам мумкин, жумладан Бобурнинг

Неча кўрсатсан вафоу меҳр этар жавру жафо,  
Нечаким мен зормен мендин ул ой безордур

байтидаги **вафоу меҳр** (меҳру вафо маъносида), **жавру жафо** сўzlари ана шундай жуфт сўzли муқобалани ҳосил қиласди. Ога-хийнинг

**Заҳри ҳажрини** берур ҳар дам манғау **васлининг**  
**Нўшини** инъом этар бисёр мендин ўзгага

байтидаги заҳри ҳажр ва нўши висол иборалари ўз таркибидаги заҳр-нўш, ҳажр-висол сўзларининг зиддияти асосида нафис бир муқобалани юзага чиқарган.

Муқобала турли бошқа хил санъатлар билан уйғунликда ҳам қўлланаверади. Чунончи, Огаҳий битган

Ваҳки айлаб лутфу эҳсон ёр мандин ўзгага  
Айламас зулму ситам изҳор мандин ўзгага

байтида лутф-зулм, эҳсон-ситам, ёр-ўзга муқобиллари лафф ва нашр кўринишида қўлланган, чунки биринчи мисрадаги лутф ва эҳсон, ёр сўзларига оид фикрлар зулм, ситам, ўзгага сўзлари иккинчи мисрада мураттаб тарзда берилган.

## КИНОЯ

Киноя «бир фикрни яширин ифода этмоқ» маъносидаги сўз бўлиб, баён илмида уни «Ҳам ҳақиқат, ҳам мажоз маъноси анг-

нашиладиган сүз», — деб изоҳланади. Чунончи, Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги

Кўк гулшани гуллари тўкилди,  
Гулларки тўкилди, гунча кулди.  
Кўк богида гуллар ўлди нобуд  
Ер боғида гуллар ўлди мавжуд

байтларидаги «гуллар тўкилди» сўзлари ўз маъносида «боғда гулларнинг тўкилиши»ни ифодалайди. Ушбу байтда эса «кўк гулшани гуллари тўкилди» ибораси «юлдузлар йўқолди» маъносини акс эттиради, бинобарин ўз маъносида эмас, кўчма, мажозий маънода қўлланмоқда. Шунга кўра у киноя ҳисобланади.

Киноя халқ оғзаки иходидаги асқия ва ибораларда ҳам кўп қўлланади. Масалан, «Тарвузи қўлтигидан тушиб кетди» жумласи аксар ҳолда кўчма, киноя маъносида қўлланиб «умидсизланди», «лол бўлиб қолди» каби мазмунни ифодалайди.

Киноя хусусан шеъриятда жуда кенг қўлланади. Э. Воҳидовнинг

Гарчи шунча мағрур турса ҳам  
Пиёлага эгилар чойнак

сатрларидаги «чойнак эгилар» ибораси ўз маъносини ҳам, мажозий мазмунини ҳам сақлаб қолган. Лекин шоирнинг мақсади мажозий маъно, яъни «таъзим қиласи» маъносидадир. Бинобарин, киноя очик кўзга ташланиб турибди.

## ИРСОЛИ МАСАЛ

**Ирсоли масал** «мақол киритиш» маъносини билдириб, шеърият ва насрда ифодаланаётган бирон фикрни исботлаш учун халқ мақолини келтириш санъати саналади. Масалан, Навоийнинг

Ўқларинг кўнглумга тушгач куйди ҳам кўз, ҳам бадан,  
Ким куяр улу қуруғ чун найситонға тушди ўт

байтининг иккинчи мисрасида келтирилган «қамишзор (найистон)га ўт тушса, ҳўлу қуруғ баравар ёнади» мақоли биринчи мисрада айтилаётган фикрни далиллаш воситасида янада чукурлаштиришга хизмат қилган. Шунингдек, шоирнинг

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра ёшурмоқ не суд,  
Мушк исин ёшурса бўлмас, бу масал машхур эрур

байтининг иккинчи мисрасида қўлланган «мушк исини яшириб бўлмайди» мақоли ҳам аввалги мисрадаги фикр — маъшуқа сочининг хушбўйлиги ҳақидаги фикрни таъкидлашга ёрдам беряпти.

Баъзан иккита мақол келтирилган байтлар ҳам учрайди. Масалан, Атоийнинг

Бўлди бағрим сув ғамингдин «Яхшилик қил, сол суга»,  
Охир эй гул хирмани албатта, «ҳар эккан ўпар»

байтида иккита мақолга мурожаат қилинган. Бу ҳолда шоир «ир-соли масалайн» (иккита мақол келтириш) санъатига асосланган.

Ўзбек мумтоз шеъриятида баъзан «ирсоли масал» санъати асосида ҳамма байтларида мақол ишлатилган шеърлар ҳам учраб туради. Масалан, Лутфийнинг мана бу ғазали шундай асарлардандир:

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,  
Масалдурким: «Чарог туби қоронғу».  
Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,  
Ки дерлар: «Оққан ариққа оқар сув».  
Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,  
«Кишининг қўзидир, оре, тарозу».  
Кўзунг қонимдин ийманмас, ажабтур, —  
Ки: «Қўрқар қайдаким қон кўрса ҳинду».  
Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,  
Ки айтурлар: «Тилаганни тилагу».

Шеърнинг ҳар қайси байтидаги иккинчи мисрада олдинги мисрадаги фикр билан боғлиқ бўлган, уни таъкидлаш, тасдиқлашга хизмат қилувчи мақол келтирилганини кўриш қийин эмас.

Шеъриятда қўлланган мақол ҳамма вақт ҳам айнан, ўзгаришсиз қўлланавермайди. Кўпинча мақоллар айрим таҳрирлар билан шеър мазмунига сингдириб юборилиши ҳам мумкин.

## ТАЗМИН

Тазмин («бир нарсани иккинчи бир нарса орасига қўймоқ») — шеърга ўзга бир шоир асаридан бирон мисра, бир ёки бир неча байт киритиш санъатидир. Шоирлар баъзан бошқа асарлардан танланган байт ёки мисраларни тури мақсад билан ўз шеърларида келтирганлар. Жумладан, Машраб ўзининг

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.  
Ғам шоми фироқингда кабоб этти фалакни,  
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма

тарзида бошланувчи ғазалида Лутфийнинг машҳур

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма

байтини айнан келтиради. Фурқат

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,  
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг

матлаъли ғазалини Фузулийнинг машҳур

Сурмадин гўзлар қаро, аллар ҳинодин лоларанг

мисраси билан бошлайди. Келтирилган байт ва мисра кенг оммага маълум бўлганлиги учун шоирларнинг бу усули айб саналмайди, аксинча, устозларга бўлган ҳурмат ифодаси ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, Машраб ва Фурқатлар Лутфий ва Фузулий байти, мисрасидаги фикрларни, туйгуларни чуқурлаштириб, уларнинг шеъридан илҳом олганликларини намойиш этадилар.

Тазмин усули ҳозирги шеъриятимизда ҳам қўлланиб келмоқда. Жумладан, Эркин Воҳидов «Тола соч» fazалидаги

Соч мени девона этгай, ё магар шоир қилур,  
«Ул пари авлодиданму, ё башар фарзандиму?»

байтининг иккинчи мисрасида шоир Ҳабибий сўзларини айнан келтиради.

## САВОЛУ ЖАВОБ

**Саволу жавоб** — шеър мисраларида икки шахс, кўпинча ошиқ билан маҳбуба ўртасидаги савол ва жавобни әкс эттириш усули. Масалан, Фурқатнинг машхур «Кашмирда» деб аталмиш fazалидаги

Айдим: «Эй жон офати, зулмингга бўлмишман асир!»

Айди: «Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда!»

«Нуқта лаб устида бежодур», — дедим, айди кулиб:

«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда».

Айди: «Эй бечора, қилдинг, на учун тарки ватан?»

Мен дедим: «Фурбатда фурқат бор экан тақдирда!»

байтлари «саволу жавоб» усулида яратилган.

Шеъриятимизда ушбу усулдан кенг фойдаланилган. Лирик асарларда савол-жавоб кўпинча бир-икки мисрада ифодаланади. Лекин бошдан аёқ шу усулда битилган лирик шеърлар ҳам учраб туради. Чунончи, Оғаҳийнинг

Дедим: «Лабинг шириклигин, эй шўх, билдур ўргатиб»,

Деди: «Била олмас киши то кўрмаса они тотиб».

Дедим: «Кўзингнинг заҳридин ман хаста еттим ўлгали»,

Деди: «Зулоли лаълима жон шарбатин бергум қотиб».

Дедим: «Масиҳога лабинг бўлгайму ташbih айламак?»

Деди: «Масиҳони қачон бўлгай ўлукка ўхшатиб?»

байтлари билан бошланувчи 11 байтли fazали охиригача шу усулда давом этади.

Саволу жавоб усулига лиро-эпик шеъриятда айниқса кенг мурожаат қилинганки, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод ва Хисрав мунозараси бунга яққол мисол бўла олади.

Ушбу услугуб ҳозирги шеъриятимиздан ҳам муносиб ўрин олган. Масалан, Эркин Воҳидовнинг «Лола» fazалидаги

Дейман: «Саҳар шафақдан  
Учқунму, лоласанму,  
Шодлик майига тұлған  
Гүлгүн пиёласанму?  
Дейди: «Қизиқ саволинг,  
Қайда, ажаб, хаёлинг,  
Еллар күриб бу ҳолинг  
Кулмоқда, боласанму?

каби қатор байтлар шу тарзда битилган

## ТАВШИХ

Тавших шеър мисраларининг бошида ё үртасида бир неча ҳарф ёки сўз келтиришни назарда тутувчи санъат номи бўлиб, у ҳарф ёки сўзларни қўшиб ўқилганда, киши номи, бирон сўз, бир ёки бир неча мисра ёки байт шеър ҳосил бўлади. Шундай шеърий асар эса **мувашиш** деб аталади. Масалан, Фурқатнинг

Терму тоби бодадин рухсори ахмар устида,  
Қатра-қатра ёки шабнамдур гули тар устида

деб бошланувчи ғазал байтларининг биринчи мисралари бошидаги ҳарфларни бир-бирига қўшсак, араб ёзувидаги «Тўйчин» исми ҳосил бўлади.

Бу усул айниқса XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари адабиётида кенг қўлланган. Жумладан, Муқимий, Фурқат, Завқий, Муҳаййир каби шоирлар яратган кўплаб ғазалларда ўнлаб номлар шу усулда яширин ифодаланган.

XV аср адабиётида тавшиҳнинг мисралар ичидаги қизил сиёҳ билан ажратиб ёзилган сўзларни жамланганда бир ёки бир неча байт шеър пайдо бўладиган туридан кенг фойдаланилган. Атоуллоҳ Ҳусайнин ўзининг «Баъдойиъ — ус санойиъ» асарида бу усулга доир қатор мисоллар келтиради.

Тавшиҳ усули замонавий шеъриятимизда ҳам баъзан учраб туради. Жумладан, Уйғуннинг «Жафо қилма» деб номланган ғазали мисраларининг бош ҳарфлари тизилганда, Турсуной номи ҳосил бўлади.

## ИҚТИБОС

«Илм ўзлаштиromoқ» маъносидаги бу сўз Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларини шеър ичидаги келтириш ёки уларнинг мазмунини шеърда ифодалаш санъати номидир. Мусулмон мамлақатларининг шоирлари бу усулга кенг мурожаат қилиб, ўзларининг лирик ва лиро-эпик асарларида оятлар ва ҳадисларни келтиргандар. Ҳадисларга бағишлаб ёзилган «Арбаин»лар ҳам иқтибос усулида яратилган. Масалан, Алишер Навоий «Арбаин»идаги

Оналарнинг оёғи остиладур  
Равзай жаннату жинон боғи

Равза бөгөн висолин истар эсанд  
Бул өнанинг оёги туфроғи

Қитъасида Мұхаммад Расууллоғының «Ал жаннату тақта ақдами уммақатикум», яғни «Жаннат оналар оёғи остидадир» деган ҳадис-тари келтирилген. Шу туфайли ушбу қитъани иқтибос саналади.

## ИЛТИФОТ

Илтифот «алангламоқ» маъносида бўлиб, лирик ва лиро-эпик шеъриятда сўзловчи шахснинг кўчиши (биринчи шахсдан иккинчи шахсга, иккинчидан биринчи ё учинчига, учинчидан биринчи ё иккинчига кўчиши)ни ифодалайди. Чунончи, Алишер Навоийнинг машхур «Келмади» радифли газалининг аксар байтларида лирик қаҳрамон ҳолати, туйғулари биринчи шахс номидан баён қилиниб келади-да, мақтаъда Навоийга мурожаат тарикасида иккинчи шахсга кўчиб

Эй Навоий, бода бирла хўррам эт кўнглинг уйин  
Не учунким бода келган уйга қайгу келмади

деб хитоб қиласди. Ана шу ҳолат, усул илтифот деб аталади.

Баъзан лирик қаҳрамон бир неча шахсга мурожаат қиласди. Масалан, Навоийнинг «Май мени қилди риёйи порсолиқдин ҳалос» газалининг дастлабки тўрт байтида ошиқнинг кечинмалари биринчи шахс номидан баён қилинса, охирги уч байтда

Эй жафогар, бир вафо қилким, иковлон бўлғабиз  
Мен жафо чекмакдин сен бевафолиқдин ҳалос.  
Соқиё, ҳажру хумор ичра етибмен жонима,  
Бир қадаҳ бирла мени қил бу оролиқдин ҳалос.  
Эй Навоий, не наво истаб сени дилдору сен,  
Гар наво истарсен ўлма бенаволиқдин ҳалос

байтларида маҳбубага, соқийга ҳамда Навоийга мурожаати тарзида давом этади.

## МУАММО

«Маъноси беркитилган сўз» деган мазмунни ифодаловчи бу санъат бир байтда ўёки бу исмни яшириб, уни топиш учун турлича имо-ишораларни баён қилишни назарда тутади. Шундай байтдан ташкил топган шеърий асар ҳам мазкур ном билан аталади.

Муаммоларда кўпинча яширилган исм кўрсатиб қўйилади. Ўқувчи байтдаги имо-ишораларга асосланиб турлича усуллар билан ўша исмни келтириб чиқариши керак бўлади.

Муаммоларда энг осон усул байтдаги бирон сўзниң таркибини имо-ишораларга кўра ўзгартириб яширилган исмни топишдир. Масалан, Алишер Навоийнинг «Саъд» исми яширилган

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулиға сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от

муаммосини ечмоқчи бўлган ўқувчи байтнинг араб ёзувида ёзилганини назарда тутган ҳолда аввало яширилган исмга шаклан ёки маъно жиҳатидан яқин бўлган сўзни — «саодат» сўзини белгилайди. Сунг имо-ишораларга диққат қиласди. Эътибор берилса, байтдаги «чиқса от» биримаси «ном чиқса» маъносидан ташқари, «о» ва «т» ҳарфлари чиқарилса» деган мазмунни ҳам ифодалашини кўриш мумкин. Бинобарин, «саодат» сўзи таркибида шу икки ҳарфни чиқарсак, араб ёзувидаги «Саъд» исми ҳосил бўлади ва муаммо ечилган саналади.

Навоийнинг «Муҳсин» исмига битган

Мажлисда шайх бу кеча кўп шайн бошлади,  
Синдири шамъу нуқлни ҳавз ичра ташлади

муаммосини ечиш учун шакл жиҳатидан «муҳсин» сўзига яқин бўлган «мажлис» сўзини танлаб, имо-ишорага кўра, «шамъни синдирамиз», яъни «мажлис» сўзи таркибидаги чўзиқ «алиф» ҳарфини қисқа қиласми, сунг «нуқл»ни — «мажлис» сўзи таркибидаги «ж» ҳарфи нуқтасини «ҳавзга ташлаймиз», яъни мазкур сўз охиридаги ҳарф устига ёзиб «н»га айлантирамиз, натижада «Муҳсин» сўзи ҳосил бўлади ва муаммо ҳал қилинган ҳисобланади.

Муаммоларнинг мураккаб тузилганлари ҳам кўп бўлиб, уларни ечиш учун хилма-хил фанлар, тилларни, ёзувларни билиш талаб қилинарди.

Муаммонавислик форсий ва туркий шеъриятда XV асрда кенг тараққий этган эди. Барча ижодкорлар, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк шоирлар ҳам муаммолар ёзиш билан фаол шугулланганлар, муаммо тузиш ва ечиш бўйича рисолалар яратганлар. Навоийгача муаммолар асосан форсий тилда битиб келинган бўлса, мутафаккир шоиримиз ўзининг юзлаб форсий муаммолари қатори 52 та туркий муаммо яратган<sup>1</sup>, муаммо илмига багишлаб «Муфрадот» асарини ёзган эди.

<sup>1</sup> Бу муаммолар Навоийнинг «Хазойинул маоний» асарида келтирилган. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар туплами. IV том. Хазойин-ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Ўзбекистон, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1989, 525—537-бетлар.

## II б о б

### ЛАФЗИЙ САНЬАТЛАР

#### ТАЖНИС

Тажнис (ёки жинос) шеър байтида маъно жиҳатидан ҳар хил, аммо шакли бир хил ёки шаклан бир-бирига яқин икки сўзни келтириб, улар воситасида муайян фикр, лавҳа ёки тимсолни таъсиричан ифодалаш санъатидир. Лутфийнинг

Улким кўнгул олди зулфи холи,  
Кўнглудин эмас хаёли холи

байтидаги қофиядош **холи** сўzlари шаклан бир хил бўлса-да, лекин икки хил маънони ифодалайди: биринчи мисрада маҳбуба юзидағи холни билдирса, иккинчи мисрада «холи эмас» ибора-сидаги маънони англатади.

Айни вақтда иккинчи мисрадаги «хаёли» ва «холи» сўzlари ҳам шаклан бир-бирига яқинлайди. Бу икки сўзни араб ёзувида ифодаласак, ўзаро яқинлик янада аниқроқ кўзга ташланади. «Хаёли» сўзи таркибидаги «ё» ҳарфини туширсак, бу сўз «холи» сўзи билан бир хил шаклга киради. Бундай шаклан бир-бирига яқин сўzlар ҳам шаклдош саналиб, уларни бир байтда қўллаш тажнис санъатини вужудга келтиради. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Деди Хоқонки: «Эй шамъи фарогим,  
Фарогу шамъ йўқ, равshan қарогим

байтидаги қофиядош «фарогим», «қарогим» сўzlари шаклан яқинлиги туфайли тажнис ҳосил қиласди. Чунки бу сўzlарни араб ёзувида ифодаласак, улар «ф» ва «қ» ҳарфлари устидаги нуқталар сони жиҳатидангина фарқланишини кўрамиз.

#### ТАЖНИСИ ТОММ

Тажнислар сўzlарнинг шаклан бир хиллиги ёхуд яқинлигига кўра икки турлидир. Икки сўз ҳам унли, ҳам ундошлари жиҳатидан (араб ёзувида эса нуқталари ва ҳаракатлари жиҳатидан ҳам) бир-бирига тўла мос бўлиб тушса, бу хил тажнисларни **тажниси томм**, яъни тулиқ тажнис деб юритилади. Бундай тажнислар бир хил ёки икки хил сўз туркуми билан ифодаланишига кўра мумосил ва муставфий тажнисларга бўлинади. Айнан шаклдош икки сўз бир хил сўз туркумига мансуб бўлса, **мумосил тажниси**, икки хил сўз туркумига мансуб бўлса, **муставфий тажниси** ҳосил қиласди. Хўжандий «Латофатнома»сидаги

Исирганг донаси чин Муштарийдур,  
Сочингға нофай чин муштарийдур

байтидаги «муштарий» сўзларининг иккови ҳам от туркумидан (биринчи мисрадаги «Муштарий» — Юпитер сайёраси номи, иккинчи мисрадагиси эса «харидор» маъносини ифодалайди) бўлгани учун **мумосил тажниси томм**, ҳар икки мисрадаги «чин» сўзлари сифат ва от туркумларига мансуб бўлгани учун **муставфий тажниси томм** ҳисобланади.

Мисоллар:

Сўзум бикрини кўргуз шаҳга ширин,  
Шаҳиким қилди Хисравларни Ширин.

(Хоразмий)

Манга сенсиз, бегим, кундуз кечадур,  
Дареғо, сенсизин умрум кечадур.

(Хужандий)

Кўнгулда гарчи ҳажринг доги бордур,  
Валекин васл умиди доги бордур.

(Сайид Аҳмад)

Гар қурутмас ул кўзумнинг ёшини,  
Ҳақ узун қилсан ул ойнинг ёшини.  
Йиғлама кўп, бу вужудинг ишқ ўти  
Не қуруғин қўйғуси, не ёшини.

(Лутфий)

Боқар охулайин ҳар ён ўшал икки қаро кўзлар,  
Ҳаданги ҳамзасин отмоғ учун гўё қаро кўзлар.

(Атоиӣ)

Холларнинг нуқтасидин топти зеб ул турфа хат,  
Гарчи хат узра бўлур бир нуқтаву бўлмас нуқат.

(Навоий)

Ё қошинг янглиг эгилган жисми зоримниму дей,  
Ё сочингдек тийра бўлғон рўзгоримъиму дей.

(Бобур)

Рахши ҳиммат мен тутуб маҳкам ёлин,  
Ёр изидин ет, карам қил, деб ёлин.  
Йўқу боримни ёқиб кул айлади,  
Ишқ ўтидин кўкка чирмошғон ёлин.

(Мунис)

Бўлди чун умринг кунининг вақти туш,  
Нафси саркаш отини куб чопма, туш.  
Хобгоҳ эткил қаноат манзилин,  
Йўқса ҳаргиз кўрмагунг роҳатни туш.

(Оғаҳий)

## ТАЖНИСИ МУРАККАБ

Томм (тұлиқ) тажнисларнинг бир тури мураккаб (таркибли) тажнис деб аталади. Бу хил тажнисларда шаклдош сўзларнинг бири бир сўздан, бошқаси икки сўздан иборат бўлиши мумкин. Масалан, Хўжандий «Латофатнома»сидаги

Юзунгни ҳақ жаҳон гулзори қилди,  
Юзунгни кўрди гул зори қилди

байтидаги «гулзори» ва «гул зори» сўzlари ўз таркибига кўра мураккаб тажниси томмни юзага келтирган. Шу достондаги

Лабинг лаъли Бадахшон, тишлигинг — дур,  
Садаф оғзингдек магар гулгунча бўлгай,

...Жамолингни кўруб гул гунча бўлгай,  
Тор оғзингдек магар гулгунча бўлгай,

...Фироқ ўтинда бағрим бўлди бирён,  
Қачон бўлгай фироқинг иши бир ён,

...Қошинг нуну, кўзинг айни балодур,  
Уған қилсун жамолингдин бало дур

каби байтларда ҳам шу хил тажнисларга дуч келамиз. «Латофатнома» достонидаги

Китобат қилмадим беҳуда сўзлар,  
Сўзумни билмаган беҳуда сўзлар

байтдаги «беҳуда сўзлар» тажниси мураккаб бўлмай қўш тажнис-дир. Зеро, бу сўзларнинг ҳар бири иккала мисрада иккитадан маънони: беҳуда (бемаъни) сўзлар, беҳуда (асоссиз) сўзлашади маъноларини англатади.

Мураккаб тажнис таркибидаги сўзлардан бири бир сўзнинг охирги қисми билан бошқа сўздан ташкил топиши ҳам мумкин. Чунончи, «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган

Жавоҳир ончаким фикрат дабири  
Ҳисоб айлаб топилмай мингда бири

байтидаги «дабири» сүзига иккинчи мисрадаги «мингда» сүзи охиридаги да қўшимчаси ва **бири** сўзи шаклдош бўлиб келиб, мурракаб тажниси томмни юзага келтирган. Бу хил шаклдошлик **марфуъ** (чатилган) **тажнис** деб юритилади.

Тажниси томмнинг ҳар икки кўриниши айниқса туюқ жанридаги асарларда кенг қўлланади. Масалан, Лутфийнинг

Чархи кажрафттор элидин **ёзамен**,  
Чиқмадим ҳижрон қишиндин **ёза мен**.

Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул,  
Ҳар неча ул шаҳфа қуллуқ **ёзамен**,

### Алишер Навоийнинг

Ё раб, ул шаҳду шакар **ё лабдуур**,  
Ё магар шаҳду шакар **ёлабдуур**.

Жонима пайваста новак отқоли  
Фамза ўқин қошига **ёлабдуур**,

### Бобурнинг

Мени беҳол айлаган **ёр ойдуур**,  
Ким анинг васли менга **ёрайдуур**.  
Гар висоли бўлмаса кетмоқ ерим  
Ё Хуросон, ё Хито, ё **Ройдуур**

каби кўплаб туюқлари фикримизга далил бўла олади.

Тажнис томм санъати ҳозирги шеъриятимизда ҳам қўлланиб келинмоқда. Собир Абдулланинг

Бог ичиди ёр олса **олмани**,  
Бош эгиб ношвоти ҳам дер: «**Ол мани**»,

### Эркин Воҳидовнинг

Аҳли шеър балки китобим назми ишқ деб очадир,  
Йўқ, китобим севгининг девонига дебочадир

каби байтларидаги тажнислар шулар жумласидандир.

## ТАЖНИСИ НОҚИС

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тажнис қўлланган байтдаги икки сўз шакл жиҳатидан ҳамиша ҳам бир-бири билан тўла мос келавермайди, уларда ўҳашашлик, яқинлик бўлгани ҳолда маълум

жиҳатларда бироз фарқланиши мумкин. Бу хил сўзлар тажниси томмни эмас, балки тажниснинг бошқа турларини ҳосил қиласди. Шулардан бири **тажниси ноқис** (нуқсонли тажнис) дир.

Тажниси ноқис кўлланган байтларда сўзлардаги ундош бир-бирига мувофиқ келади-ю, унлилар фарқланади: Масалан,

Вафо мухрин босур **мехри** жамолинг  
Жафо дурдин берур **дарди** фироқинг

байтидаги «муҳр» ва «мехр», «дурд» ва «дард» сўзлари таркибидаги унлилар жиҳатидан фарқланади. Шунга қарамай, улар шаклдош саналиб, тажниси ноқисни вужудга келтирган.

## ТАЖНИСИ ЗОЙИД

Тажниси зойид «орттирилган тажнис» маъносини билдиради. Бу хил тажнисларда шаклан ўзаро яқин сўзларнинг бирида бир-икки ҳарф ортиқча бўлади, шу ҳарфлар тушириб қолдирилса, сўзнинг қолган қисми иккинчи сўзга ҳар жиҳатдан мос тушиб тажниси томм ҳосил қилиши мумкин. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Топиб ул нуктадин озор йиглаб,  
Ўзин туфроққа солди зор йиглаб

байтидаги «озор» ва «зор» сўзлари тажниси зойидни юзага келтирган. «Озор» сўзи бошида «зор» сўзига нисбатан бир алиф («о» унлиси) ортиқчалиги кўриниб турибди, уни туширилса, ҳар икки сўз тўла шаклдошлик касб этади.

Тажниси зойидларда бир сўздаги ортиқча ҳарф ёки икки ҳарф сўз бошида, ўртасида ёхуд охирида келиши мумкин. Юқоридаги мисолда бир ортиқча ҳарф сўз бошида келган. Шу достондан олинган

Бу янглиг тийра ҳар бирнинг **саводи**,  
Саводи ичра ҳар ён тогу водий.

...Ҳакимикин нигор айлаб **тирозин**,  
Ёзib кейнида маҳфий барча **розин**

байтларида «саводи» сўзида «водий» сўзига нисбатан «с» ундоши, «тирозин» сўзида «розин» сўзига нисбатан «т» ундоши ортиқча (қисқа «а» ва «и» унлилари араб ёзувидаги ёзилмайди). Шунга қарамай, булар иккала байтга ҳам тажниси зойид ҳосил қиласди.

Тажниси зойид ташкил этган сўзлардан биридаги иккинчисига нисбатан ортиқча ҳарф сўз ўртасида ҳам келиши мумкин. Бу ҳолда ҳам ўша ҳарф туширилса, иккинчи сўз билан тажниси томм ҳосил бўлади. Масалан, Муниснинг

Жилва қилур ҳар қачон ул қаду қомат манга,  
Құзғолур охим уни бирла қиёмат манга

байтидаги «қиёмат» сүзи ўртасида «қомат» сүзига нисбатан ортиқча, «й» (қисқа и ёзилмайды) ундоши келган, уни туширилса, икки сүз тұла шаклдош бўлиб қолади. «Фарҳод ва Шириң» дос-тонидан олинган

Тилаб қилмоқ жаҳон онинг фидоси,  
Жаҳонни қўйки, жон онинг фидоси,  
шунингдек,

Ки чун шаҳзодага жаври ҳаводис,  
Мунунгдек мушкил амре қилди ҳодис

байтларида ҳам биринчи мисралардаги қофиядош «жаҳон» ва «ҳаводис» сўзлари ўртасида «жон» ва «ҳодис» сўзларига нисбатан ортиқча «ҳ» ва «в» ундошлари келган, улар туширилса, қофиядош сўзлар орасида тажниси томм ҳосил бўлур эди.

Тажниси зойидларда сўз боши, ўртаси ё охирида бир эмас, икки ҳарф ортиқча келиши ҳам мумкин. Чунончи, Навоийнинг

Қилғали юз тил кеби қўнглумни чок ул қотилим,  
Тийғи ишқи лаззатин айлар ҳикоят ҳар тилим

байтидаги «қотилим» сўзи бошида «тилим» сўзига нисбатан икки ҳарф ортиқча келган. Бу ҳол ҳар икки сўз асосида тажниси зойид ҳосил қилишга тўсиқ бўлолмайди. Навоийнинг

Хуршид тулуъ этса қўёшинг соғинурмен,  
Кўргач янги ой майлини қошинг соғинурмен

байтидаги қофиядошларнинг бирида — «қўёшинг» сўзида «қошинг» сўзига нисбатан «у» ва «й» ҳарфлари ортиқча келган. Бу икки сўз тажниси зойидни вужудга келтирган.

## ТАЖНИСИ МУЗОРИЙ

Тажниснинг бу тури қўлланганда шаклан яқин бўлган икки сўз боши, ўртаси ёки охиридаги бир, баъзан икки ҳарф бир-биридан фарқланиб, қолган қисми мос бўлади. «Фарҳод ва Шириң» достонидаги

Яна қирқ уй аро ажноси зебо,  
Ҳар уйда қирқ тунг иксуну дебо

байтидаги қофиядош сўзларга диққат қилсак, уларнинг шаклан яқинлиги, фақат биринчи ҳарфлардагина фарқ қилишини кўрамиз. Шу достондаги

Шоҳ олинда ҳамиша ҳозир ўлсам,  
Бу иш кайфиятидин нозир ўлсам.  
...Бу ишдин мезбонга ажз ғолиб,  
Анинг қўнгли тилар ашёға толиб.  
...Бўлуб тасвирида юз чехра пайдо,  
Ки аҳли кулл бўлуб ҳуснига шайдо.  
...Бўлур яшм юз минг булъажаб зарф,  
Ки ҳар бирга хирожи мулк ўлуб сарф.

каби байтлардаги қофиядош сўзлар ҳам биринчи ҳарфнинг ўзгачалиги билангина фарқланадилар. Бу хил сўзларни қўллаш **тажниси музориъ** санъати саналади.

Тажниси музориъ санъати сўзлардаги бир ҳарфнинг сўз ўртасида фарқланишини ҳам назарда тутади.

Масалан, шу достондаги:

Бўлуб юз ранг ипак бирла **мусаввар**,  
Биридек қурмайин чархи **мудаввар**.  
...Бу меҳнат шарҳин улким қилди **тахрир**,  
Бу янглиғ айлади афсона **тақрир**.  
...Ҳисори марказида бир **иборат**,  
Ки ожиз васифидин юз минг **иморат**

каби байтлардаги қофиядош сўзлар ўртадаги бир ҳарфнинг бошқачалиги билангина фарқланади. Шаклан яқин бўлган бу сўзларнинг байтларда қўлланиши ҳам тажниси музориъни ташкил қиласди.

Баъзан сўзлар боши ёки ўртасидаги **иккита ҳарф** бир-биридан фарқланганда ҳам тажниси музориъ юзага келади. Масалан, Атоийнинг

Эй ой, юзунг бандалари бахту **саодат**,  
Ҳуснинг киби меҳрим сенга ҳар лаҳза **зиёдат**

байтидаги қофиядош «саодат» ва «зиёдат» сўзлари аввалги икки ҳарфнинг ўзгачалиги билан фарқланади. Шунга қарамай улар ўзаро яқин бўлганлари туфайли ташбиҳи музориъ ҳосил қиласдилар.

Навоий қаламига мансуб

Нуқта холингки кўздин доимо **маъдум** эрур,  
Нуқтаи хол эрмас улким, нуқтаи **мавҳум** эрур

байтидаги қофиядош «маъдум» ва «мавҳум» сўзлари ўртадаги икки ҳарфнинг ўзгачалиги билан фарқланишига қарамай, тажниси музориъни вужудга келтирган. Икки ҳарф ўзгача бўлган сўзлардан ташкил топган шаклдошликни **тажниси мутаррад** деб ҳам атайдилар.

## ТАЖНИСИ АКС

«Тескари тажнис» маъносини англатувчи бу хил санъат бир байтда икки шаклдош сўзнинг бирини ёки унинг бир қисмини тескари қилиб келтиришга асосланади. Масалан, Бобурнинг

Қаддинг алифу, қошинг эрур ё,  
Десам не ажаб агар сени ой

байтидаги «ё» ва «ой» сўзлари бир-бирига нисбатан тескари шаклдошdir, яъни улардан бирини тескари қилса, икки сўз ўртасида тула шаклдошлик юзага келади.

Роз айтиб зор қилсан айламас ёр эътибор,  
Илтижо қилсан висол истаб этар ул интизор

байтидаги «роз» ва «зор» сўзлари ҳам шу хил шаклдошликка эга. Улардан исталган бирини тескари қилиб ёзсан, икки сўз тажниси томм ҳосил қиласди. Ана шундай шаклдошлик тажниси акс деб юритилади.

Ушбу санъат икки сўздан бирини бутунлай эмас, балки бир қисмини тескари қилишни ҳам назарда тутади. Аникрофи, келтирилган икки сўзнинг бир қисми бир-бирига нисбатан тескари бўлади. Масалан, Лутфийнинг

Гул қошинда хўб эмас, гарчи жамоли бор дурур,  
Шаҳ қошинда хоркашнинг не мажоли бор дурур

байтидаги қофиядош «жамоли» ва «мажоли» сўзларининг олдинги уч ҳарфи бошқасига нисбатан тескаридир. «Жам»ни «маж»га ёки «маж»ни «жам»га айлантиrsак, иккала сўз бир-бирига тұла мос бўлиб тушади. Бу хил шаклдошлик ҳам тажниси акс саналади.

Алишер Навоий қитъасидан олинган

Айни рифқ айла гумон фақрни, анинг бирдур  
Ҳарф ҳам иккисига яхши гар этсанг таҳқиқ.  
Жамъи ҳам бирдурур ипак фуқарову руфақо,  
Сийғай муфради ҳам айни фақир ўлди рафиқ

мисраларида рифқ ва факр, фуқаро ва руфақо, фақир ва рафиқ сўзларидан тажниси акс сифатида фойдаланилган. Уларнинг барчасида ҳам «р» ундошини сўз бошига ё охирига кучириб, қисман тескари қилсан, ўзаро ҳамшакллик юзага келади.

## ТАЖНИСИ МУКАРРАР

«Такрорланувчи тажнис» маъносини билдирувчи бу хил санъат бир хил шаклга эга бўлган, лекин турли маъноларни ифода-

ловчи икки сўзнинг мисра охирида ёнма-ён келишини назарда тутади. Бу хил икки сўз ўзаро тўла мос бўлмай, биридан иккинчиси бир ёки бир неча ҳарф ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Алишер Навоийнинг

Халқа-халқа буйнума солмиш таноби зулфини,  
Журми ишқимга магар ҳукм айлади дилдор дор

байтидаги «дилдор», «дор» сўзлари ёнма-ён келиб, ҳар иккиси икки хил маънони ифодалайди. «Дилдор» сўзи таркибидаги «дор» бўғини билан кейинги «дор» сўзи тажнис ҳосил қилиб, бу сўзлар такрорланаётгани учун мукаррар тажнис деб аталади.

Огаҳий қаламига мансуб

Дайр аро то тутди соқийи фараҳ фаржом жом,  
Бўлди бетоқат кўнгулга беҳжоту ором ром.  
Юз қарамдиндур ишорат ёрниг ҳар сўкмаки,  
Faflat аҳли билмайин қўймиш анга дашном ном.  
Жон қушиға йўқтурур бўлмоқ ҳалос имкониким,  
Зулфидин мундоқки курмиш ул кўзи бодом дом

каби байтлардан ташкил топган машҳур ғазалидаги барча қофиядош мисралар мукаррар тажнис ҳосил қилувчи сўзлар билан тугалланади.

## ТАЖНИСИ ХАТТИ

«Ёзув тажниси» маъносини ифодаловчи бу санъат араб ёзуви-даги сўзларнинг нуқталардан ташқари тўла мослигига асосланади, яъни икки сўз араб ёзуvida ёзилганида нуқталари жиҳатидангина фарқланади. Масалан, Алишер Навоийнинг

Барча хўбларнинг қаду руҳсору хатту ҳоли бор,  
Лек улким бизни беҳол айлар ўзга ҳоли бор

байтидаги қофиядош «ҳоли» ва «ҳоли» сўзлари бирида нуқтанинг борлиги, бирида йўқлиги билангина фарқ қиласди. Ана шундай сўзларни байтда келтириш санъати **хаттий тажнис** деб аталади.

Лутфийнинг

Жон мамлакатин ёқти ёнар ўтқа фироқинг,  
Жон танда қачон қўйди худ ул жоду қароқинг

байтидаги қофиядош «фироқинг» ва «қароқинг» сўзлари бир-биридан биринчи ҳарфлар устидаги нуқталар сони жиҳатидангина фарқланади. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Ики-уч ёшдин ўн бир, ўн ики ёш,  
Ўқумоқ фикрига солди қуий бош

байтидаги «бош» ва «ёш» сұzlари биринчи қарфлар остидаги нұқташар сонига күра бир-биридан ажралып туради, халос.

Атоуллох Ҳусайнининг ёзишича, бу хил санъат музораға, мушокала, тасқиғ номлари билан ҳам аталиб келган.

Мисоллар:

Олиб пандимни сен, эй марди оқил,  
Замоне бұлмағил хидматда ғоғил.

(Сайд Қосимий)

Таҳаммул күйлагини чок қилди,  
Үзини ғарқи хуну хок қилди.

(Сайд Қосимий)

Тилар бұлсанг жағон ичра иморат,  
Фақирлар күнглини қылғыл иморат.

(Хұжандий)

Киминг сентек ниғори бұлса, эй ёр,  
Рақиблар жавридін не қайғуси бор.

(Хұжандий)

Жону күнгүл кишварининг хонисиз,  
Хусну латофат танининг жонисиз.

(Лутфий)

Бұлмишам девона, сол бүйнумға зулғұнғ бандини,  
Үтти иш ондинки қылсам гүш носиҳ пандини.

(Лутфий)

Ул зулфи ҳалқа-ҳалқаки пур печу тоб әрүр,  
Сунбулдур аргувон уза ё мушки ноб әрүр.

(Гадоий)

Күксүмни тиги меңнат ила ёра айланғиз,  
Тортыб узунг күнгүлни юз пора айланғиз.

(Навоий)

## ИЙХОМ

«Ийхом» араб тилида «шубхага солиш» деган маңыноти ифода-лайди. Мұмтоз адабиётда эса ийхом ҳақиқияттың маңынотарга әга, ёхуд шаклан бир, маңын жиҳатидан қар хил бүлған (жинсдош) сұз ёки сұз бирикмасыны шеъриятда құллаган ҳолда бир байтда иккى хил маңыноти ифода этиш санъатидир. Масалан, Навоийнинг

Бош қўй дедим оёғи туфрогига, деди: «Қўй»,  
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум, эрса деди: «Ол»

мисраларининг биринчисидаги «қўй» сўзини икки маънода «майли қўя қол» ҳамда «қўй, керакмас» маъносида тушуниш мумкин. Шунга кўра мисра мазмуни ҳам мусбат, ҳам манфий маънода англашилади. Иккинчи мисрадаги «рангин» сўзи «рангини» ҳамда «қизил» маъносини, «ол» сўзи ҳам «ола қол» ва «қизил» маъносини англата олади. Бинобарин, мисрани «Бўса истаб, лаби рангини сўрасам, «қизил» деди ҳамда «бўса истаб, лаълдек қизил лабини тиласам, ола қол деди» маъносида тушунилиши мумкин.

### Навоийнинг

Лаъл эмас, ширин лабингким, жон топар андин ҳаёт,  
Ким сўруб билдим: ул эрмиш лаългун қилғон набот

байтининг иккинчи мисрасида ҳам ийҳом санъати қўлланилган. Ундаги «сўруб» сўзи икки маънони: «сўраб» ҳамда «сўриб» (лабни) маъносини ифодалайди. Шунга кўра мисрани бир ҳолда «Сўраб билдим: лабинг лаългун қилган, (қизориб пишган) новвот эмиш, иккинчи ҳолда эса «Лабингни сўриб билдимки, у қизилранг новвот экан» маъносини англатади. Бобурнинг

Бош қўттармон бодадин, чун ёр оёғи ўртада,  
Қўймон илгимдин оёқ, чун жилвагар соқий эрур

мисраларидағи «оёқ» сўзи ўз маъносида ҳамда «қадаҳ» маъносида қўллангани туфайли байт икки хил тарзда тушунилиши мумкин. Бобур яратган

**Қондин** элга ёйди тифли ашк сирримни менинг,  
Чунки мен ул ёшни ҳаргиз соҳиб асрор этмадим

мисраларидағи «қондин» сўзи ўз (қон билан) маъносидан ташқари «қаердан», «қандай қилиб» маъносини ҳам, шунингдек «ёш» сўзи «ёш гўзал» ҳамда «кўз ёши» маъноларини ифодалashi туфайли, байт икки хил англашилиши мумкин.

Ийҳом санъати ўз хусусиятлари жиҳатидан тажнис санъатига яқин туради. Фарқ шундаки, тажнис қўлланганда, байт ёки бандда икки шаклдош сўз келиб икки маънони ифодалайди. Масалан, Бобурнинг

Бобур деса ойини не тонг жавру жафолик,  
Ким хусн эли ойини, бале, жавру жафодур

байтидаги «ойини» жинсдош сўzlари икки ўринда келиб, биринчи мисрада «ойини» (ой юзлик гўзалини маъносида), иккинчи сида эса «одати» маъносида ишлатилган.

## Лутфий қаламига мансуб

Мунажжим қошу күзүнг күрғач айтур  
Ким: «Ушбу ой бошинда фитналар бор»

байтидаги «ой» ва «бош» сүзларининг ҳар бири икки маънода, бирикма тарзида эса «ойдек гузалнинг бошида» ва «шу ойнинг бошларида» деган мазмунларни ифодалаб, ийҳом ҳосил қиласди.

Ийҳом турлича ҳосил қилинади:

1. Ийҳом күпинча бир ёки икки сўз, шунингдек, сўз бирикмасини ўз ва кўчма маъноларида қўллашга асосланади. Ўқувчи дастлаб бу сўз ёки сўз бирикмасининг ўз маъносини англайди, диққат қисагина унинг яширилган кўчма маъносини илғай олади. Эҳуд, аксинча, кўчма маъно юзада бўлса, унга тушуниб етади-ю, ўз маъносини байт мазмунига чукурроқ кириб борсагина топа олади. Чунончи, Навоийнинг

Киши айбинг деса дам урмағилким, ул эрур кўзгу,  
Чу кўзғу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

фардида «дам урмағилким» сўз бирикмасининг кўчма маъносини англаб етиш осон, у ҳолда мисра «Бирон киши сенинг айбингни айтса, дағал сўз билан жавоб берма» тарзида тушунилади. Лекин шоир ушбу бирикмани фақат шу маънодагина ишлатгани йўқ. Иккинчи мисрадаги: «Кўзгу хира бўлиб қолса, бошқа айбингни кўрсатмай қўяди» маъносидан келиб чиқсан, шоир мазкур бирикмани ўз маъносида «нафас урмоқ, пулфамоқ» тарзида ҳам қўллагани маълум бўлади. Кўринадики, бирикманинг кўчма маъноси юзада сезилиб турса, ўз маъносини яширин ҳолда ифодаланган.

Навоий қаламига мансуб

Кўёшим ҳар сорига азм қисса, зарраи қолмон,  
Не учунким, агар айрилсам ондин кун кўра олмон

байтида «кун кўра олмон» бирикмасининг кўчма маъноси бўртиб туради. Ўқувчи байтни «Кўёшдек гузалим қаерга борса, орқасидан қолмайман, чунки ундан айрилсам кун кўра олмайман (яшай олмайман)» деган мазмунда англайди. Ваҳоланки, байтдаги ушбу бирикмани уз маъносида, яъни «кунни кўра олмай қоламан» тарзида ҳам қўллаган, у ҳолда иккинчи мисра мазмуни «чунки ундан (кўёшдан) айрилсам, кунни кўра олмай қоламан (кундан маҳрум бўламан)» тарзида тушунилади.

2. Кўпинча ийҳом санъати сўзларнинг икки ёки кўп маънолигига асосланади. Маълумки, тилимиздаги кўп сўзлар икки ёки ундан кўпроқ маънони ифодалashi мумкин. Шоир бир сўзнинг икки ёки уч маъносини назарда туттган ҳолда улардан бирини аниқ ифодалаб, иккинчисини ва учинчисини яширин қолдиради. Масалан, Оғаҳийнинг

Билмайин сүрғоч лабингдин шарбати кайфиятин,  
Онгладим: эркан фузун айдоду имкондин лазиз

байтидаги «сүрғоч» сүзини икки маңнода англасак, шоирнинг нозик бадий истеъоди күзга ташланади. Мазкур сўзни «сўрамоқ» тарзида тушунсан, байтдан «Лабингнинг шарбати қандай эканлигини билмасдан сўраган эдим, англадимки ададу имкондан ҳам ортиқ даражада ширин экан», — деган мазмунни ўқиймиз. Ёри лабининг қандайлигини билмаган ошиқ одамлардан сўраб билибдики, ҳаддан ташқари ширин экан. «Сўрмоқ» сўзининг ўз маъносини сақласак, у ҳолда байтни «Лабингни билмасдан сўриб қўйгач, унинг шарбати қандайлигини билиб олдим: беҳад даражада ширин экан», — тарзида талқин қиласмиз. Кўринадики, сўз маъносининг ўзгариши байтидаги бошқа бирё неча сўзниңг ҳам янгича маъно касб этишига сабаб бўлади.

### Лутфийнинг

Қонимни тўкар лаби ёзуқсиз,  
Андин нетайинки сўрса бўлмас

байтида «сўрмоқ» феълининг «сўрамоқ», «сўроқ қилмоқ» ва «сўрмоқ» маъноларидан фойдаланиб ийҳом санъати қўлланган. Диққат қилинса, бу сўзни «сўрамоқ» маъносида тушунсан, байтни «Лаби ҳеч бир гуноҳсиз менинг қонимни тўқаяпти, бунинг сабабини ундан сўраб бўлмайди-да» тарзида, «сўроқ қилмоқ» маъносида англасак, «Лаби гуноҳсиз ҳолда менинг қонимни тўкмоқла, шу айби учун уни (қозихонада) сўроқ қилса бўлмайди-да» тарзида, «сўрмоқ» маъносида эса «шу айби учун лабидан сўришнинг иложи йўқ-да» тарзида талқин қилиш мумкин.

### Огаҳийнинг

Фойиб ўлди ақл очғоч оразин не тонг сўрсам,  
Ким ики лаби эрди ул маҳалда ҳозирлар

байтида ҳам худди шундай уч маънони илғаш мумкин. Байтдан «Ёр юзини очганидан кейин ақл фойиб бўлди, икки лаби ўша маҳалда ўша ерда турган эди, шунинг учун улардан сўраб билсан бўлади», «Ёр юзини очгач, ақл фойиб бўлди, ёр юзи уни қаерга гум қилганини ўша ерда турган икки лаби билиши керак, бино-барин, уларни сўроқ қилишим мумкин», «Ёр юзини очганидан кейин ақлимни йўқотдим, ўша ерда ҳозир бўлиб менга ёрдам беролмаган икки лабни сўриб жазоласам, айб бўлмайди», — каби маъноларни уқиб олсан бўлади.

3. Баъзида бир аниқ маънони ифодаловчи сўз икки шахсга ёки нарсага тааллуқ қилиб олинади, бу шахслардан (нарсалардан) бири яққол билиниб туради-ю, иккинчисини илғаб олиш қийинроқ бўлади. Масалан, Лутфий фазалидаги

Адамдур ул оғиз фикринда Лутфий,  
Халойиқ билмай они бор дерлар

байтидаги «они» ва «бор» сұзларига дикқат қилайлик. «Они» сүзи юзаки қараганда Лутфий сүзини ифодаловчи олмошдир. Байтга дикқат қылсақ, шоир: «У оғизни ўйлайвериб Лутфий адо бүлди, одамлар билмасдан уни (Лутфийни) бор (тирик) дейишиади», — деган мазмунни тушунамиз. Лекин бу сүз «оғиз»га ҳам тегишли. У ҳолда байт: «Ёр оғзининг бор-йўқлигини ўйлайвериб Лутфий адо бүлди (охири йўқлигига ишонди), одамлар билмасдан у оғизни бор деб ўйлашади», — тарзида талқин қилинади. Бир байтидаги бир хил сұзлар воситасида бир-биридан кескин фарқланувчи икки мазмуннинг ифодаланиши чиндан ҳам шоирга хос юксак маҳоратдан дарак беради.

4. Баъзан шоир икки хил маъно ташувчи сүз еки сұзлар бирикмасидан фойдаланар экан, байтнинг сохта ва ҳақиқий (шоир назарда туттган) маъносини ифодаловчи мисралар майдонга келади. Ўқувчи байт юзасида турган сохта маънога алданиб қолмай, ҳақиқийсини топиб олиши зарур бўлади. Масалан, Бобур қаламига мансуб бўлган

Хўбларни кўз кўруб қон қилди Бобур бағрини,  
Эмди кўздин қон тўқармен, ким будур анга қасос

байтидаги «кўздан қон тўқармен» бирикмаси икки маънени ифодалайди. Кўзга аниқ ташланиб турган маъно «Гўзалларни кўз кўриб, Бобур бағрини қон қилди (кўзим туфайли бағрим қон бўлди), энди кўзимдан қон ёш тўқяпман, бу унга (кўзга) қасосдир», — тарзидадир, лекин бу ҳолда «бу унга қасосдир» ифодаси мантиқан мос келмайди, зеро бағирдан чиққан қон кўздан оқаётган экан, буни кўздан олинган қасос деб билиш жудаям тўғри бўлмайди. Дарҳақиқат, байтнинг иккинчи маъноси яширин ҳолда ифодаланган. Иккинчи мисрани «Кўзимнинг қонини тўқяпман (кўздан оқаётган қон бағирдан чиқаётгани йўқ, балки ошиқ ўз бағрини қон қилган кўздан қасос олиб унинг қонини тўқяпти: яраланган кўзнинг қони тўкиляпти)», — деган маънени англасак, мантиқ тикланади, демак Бобур «кўздан қон тўқармен» ифодасини асосан иккинчи маънода қўллаган бўлиб, биринчи хил ифода соҳтадир.

Алишер Навоийнинг

Кўнгул сўрғали келдинг, табибо, муни билким,  
Ул оворадин сендек менга ҳам хабар йўқтур

байтидаги «кўнгул сўрғали» бирикмаси ҳам юзаки қараганда «кўнглимни сўрашга (далда беришга)» маъносини ифодалайди, бинобарин, байтдан «Эй табиб, кўнглимнинг йўқолиб қолғанини билиб далда беришга келибсан, шуни билгилки, сенга ўҳшаб мен ҳам ундан ҳанузгача хабар тополмадим, қаерларда

овора бўлиб юрган экан», — деган мазмун англашилади. Шу бирикмани «кўнглимни сўроғлаб (излаб)» маъносида ҳам тушуниш мумкин, у чоғда мисралар «Эй табиб, кўнглимни даволаш учун қидириб келибсан, у оворани йўқотиб қўйдим, қаердалигидан сен каби менинг ҳам хабарим йўқ» деган мазмунга эга бўлади. Диққат қилинса, шоирнинг мақсади иккинчи ифодада акс этган бўлиб, биринчиси сохта эканини англашиб олиш мумкин.

5. Баъзан тажнис санъати қўлланган байтларда жинсдош (шаклан монанд) сўзларнинг бири қайси маънони англатиши яққол кўзга ташланмай, ийҳом ҳосил қилиб, ҳар икки маънони ифодалаши ҳам мумкин. Масалан, Бобур фазалидаги

Ҳажр аро ишрат оёғин борму нўш айлар чофим,  
Сенсизин юруб оёқ ичкунча синсун оёғим

байтида «оёқ» сўзи уч ўринда қўлланган. Биринчи мисрадаги ва иккинчи мисра аввалидаги «оёқ» сўзининг «қадаҳ» маъносида ишлатилганлиги аниқ кўзга ташланиб туради. Байт сўнгидаги «оёғим» сўзи эса икки маънода англашилиши, яъни «қадаҳим синсин» ва «оёғим синсин» маъноларини ифодалаши, бинобарин иккинчи мисра «Сенсиз юриб қадаҳ ичгунча оёғим синсин» ва «Сенсиз юриб қадаҳ ичгунча қадаҳим синсин» тарзида англашилиши мумкин.

Ийҳом санъати хусусиятларидан муаммолар тузишда кенг фойдаланилган. Масалан, Алишер Навоийнинг «Саъд» номига ёзилган:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от

муаммосида «чиқса... от» сўзлари бирикмасини икки маънода: «номи чиқса», шунингдек «о, т» (ҳарфлари) чиқиб кетса» тарзида англаш мумкин. Мисра мазмунини «о, т чиқиб кетса ажойиб саодат бўлади» тарзида тушуниб «саодат» сўзидағи «о» ва «т» ҳарфлари чиқариб ташланса, араб ёзувида «Саъд» сўзи ҳосил бўлади, бинобарин муаммо ечилади.

### Фурқатнинг

«Нуқта лаб устида бежодур» дедим, айди кулиб:  
«Саҳв қилмиш котиби тақдир магар таҳрирда»

байтидаги «нуқта лаб устида» сўзларини «лабинг устидаги хол», шунингдек, «лаб» сўзи устидаги нуқта (араб ёзувида «лаб» сўзи ёзилганда, нуқта «б» ҳарфининг остига қўйилади) маъноларида англаш мумкин. Бунинг натижасида байт икки маънода тушунилади:

1. «Лабинг устидаги хол бежо турибди» десам, маъшуқа кулиб

«Тақдир котиби таҳрир чоғида (яъни менинг юзумни чизаётганда) хато қилиб холни лабим устига қўйиб қўйган» маъносида, шунингдек, «Лаб» сўзи устидаги нуқта үринсиздир» (яъни «лаб» сўзи ёзилганда нуқта «б» ҳарфининг остига қўйилади-ку маъносида) десам, маъшуқа кулиб, «Тақдир котиби «лаб» сўзини ёзаётганда таҳрир чоги хато қилган-да», — деди» маъноларида англа-нади.

Мисоллар:

Жавҳари руҳи ким, аслин билмади аҳли қалом,  
Банда бир сўз бирла ногаҳ билди оғзингдин **сўруб**.

(*Атоий*)

Ишқинг ўтин гар Навоий десаким айлай рақам,  
**Сўзидин** куяр қалам, қурур қаро, эрир давот.

(*Навоий*)

Мени бемор ўлар ҳолатга етконда ики лаълин  
**Сўруб билдим** аларнинг бири шаккар, бири кавсадур.

(*Оғаҳий*)

Фойиб улди ақл очгоч оразин не тонг сўрсам,  
Ким ики лаби эрди ул маҳалда ҳозирлар.

(*Оғаҳий*)

Билмайин сурғоч лабингдин шарбати кайфиятин,  
Онгладим эркан фузун аъдоду имкондин лазиз.

(*Оғаҳий*)

## ТАНОСУБ

Шеър байтларида маъно жиҳатидан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларни қуллаб, улар воситасида образли ифодалар, лавҳалар яратиш санъати **таносуб** деб аталади. Масалан, Лутфий қаламига мансуб

Сен ҳусн ила бойсан, сенга чун фарз дурур ҳаж,  
Қил тенгри учун Каъба кунглумни зиёрат

байтида ҳаж воқеаси билан алоқадор тушунчаларни билдирувчи ҳаж, фарз, тенгри, Каъба, зиёрат сузларининг бир уринда келтирилиши шоирга ошиқ ва маҳбуба муносабатларини таъсирчан ифодалашга ёрдам берган. Оғаҳийнинг

Соз базмидин наво ушшоқга маҳсус улуб,  
Чангдек фарёдлар маҳзуну дилзоримга хос

байтида эса мусиқа санъатига оид **соз, наво, ушшоқ, чанг, базм** сұzlари жамланған. Улар воситасида шоир ошиқ ички кечинмаларини жозибали бир тарзда акс эттиришга эришган. Мазкур ижодкор томонидан битилган

Күйгил пиёда рух раҳи хизматға, эй құнғул,  
Гар шоҳдин йироқ тушубон бұлсанғ отсиз.  
Фарзин мисол юрма vale ҳар тарафға каж,  
То фил сургасен бу бисот ичра мотсиз

байтларыда шахмат ўйинига маҳсус пиёда, рух, шоҳ, от, фарзин, фил, мот сұzlарининг құлланиши муҳим бир ижтимоий фикрни ёрқин ифодалашга имконият яратған.

Мұмтоз шеъриятимизда күпинча икки хил маънога оид сұзлар жамланиб, ҳар икки гуруҳ орасида бадиий муносабат топилған, уларни бир-бирига қиёслаш, қарши қўйиш орқали таъсири-чан лавҳалар чизилған.

Лутфийнинг

Нур юзунг уза тор оғизу куз, доги ирнинг  
Писта била бодом, шакардур табақ ичра

байтида маҳбуба аъзоларини билдирувчи юз, оғиз, кўз, ирн (лаб), шунингдек, меҳмондорчиликка алоқадор писта, бодом, шакар, табақ (патнис) сұzlари жамланиб, ҳар икки гуруҳ тушунчалар ўртасида қиёсий муносабат танланиб, лирик тимсолнинг гўзал тасвири чизилған. Алишер Навоийнинг

Уртанурмен кечалар ҳажрингда андогким чароғ,  
Равшан айла: ришта жисмимдур, қўнгул — ўт, ашқ — ёғ

байтида эса тунни чироғ билан ёритиш воқеаси билан боғлиқ кеча, чароғ, ришта, ўт, ёғ ҳамда хижрон изтироблари билан алоқадор ҳажр, қўнгул, жисм, ашқ, ўртанмоқ сұzlари ўзаро боғланиб ошиқнинг ички олами foят таъсиричан ифодаланған.

Таносубнинг ушбу кўриниши шеъриятимизга хос кўплаб санъатлар учун асос бўлиб хизмат қилған. Икки гуруҳ тушунчалар ўртасидаги муносабатлар хилма-хиллиги шеърий санъатлар ранг-баранглигига замин яратған.

Масалан, Саккокий қаламига мансуб

Гул гунча бўлур кўрса юзини чаман ичра,  
Титрап қўруб ой энгини шамъ анжуман ичра

байтини кўздан кечирсак, маъно жиҳатидан бир-бирига яқин гул, фунча, чаман, шунингдек, ой, шамъ, анжуман сузлари ҳисни таълил санъатига асос бўлаётганини кўрамиз. Алишер Навоий газалидаги

Хаттининг васфин ёзармен ки:трику холи била,  
Хат ёзарда чун заруратдур қалам бирла мидод

байтида келтирилган маъно жиҳатдан яқин хатт, киприк, хол ҳамда хат, қалам, мидод сўзлари **тамсил санъати** учун замип бўлиб хизмат қилган. Бобур битган

Қаду хаттинг била кўзу юзунг, эй сарви сиймин тан,  
Бири сарву, бири райҳон, бири наргис, бири гулшан

байтининг биринчи мисрасидаги маъно жиҳатидан яқин қад, хатт, кўз, юз, тан, иккинчи мисрадаги сарв, райҳон, наргис, гулшан сўзлари **жамъ** ва **тақсим** санъатини вужудга келтирган. Оғаҳийнинг

Жаҳон боғига ҳаргиз келмамишдур ҳусн аро андоқ,  
Юзи гул, сочи сунбул, сарв қад, насрин лиқо ҳофиз

байтида боф билан алоқадор боф, гул, сунбул, сарв, насрин ҳамда ёр аъзоларини ифодаловчи юз, соч, қад, лиқо сўзлари асосидаги таносублар **ташбиҳ** санъати учун замин вазифасини бажарган.

Фурқат битган

Сендин ўргансун бугун Лайли-ю Ширин нозни,  
Ишқни мендин яна Мажнуну Фарҳод айланай

байтидаги афсонавий қаҳрамонларнинг номларига асосланган таносуб **талмех** санъатини рӯёбга чиқарган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Алишер Навоийнинг мана бу фазали эса бутунисича таносуб санъати асосига курилган:

**Кема оғзи** демаким ишқингда кўксум чокидур,  
**Баҳр мавжи** йўқки, ашким селининг кўлокидур.  
Сувда эрмас меҳр акси, балки **дарё** жонига  
Солгон ўтлар хаста жоним оҳи оташнокидур.  
**Хас** эмас **тирдоб** ораким, бошинга эврулгали  
Сув уза саргашта ошиқ жисмининг **хошокидур**.  
Ваҳки ул **киштида** **дарёкаш** манга худ йўқ ҳаёт,  
Эл дегондинким, фалоннинг кофири бебокидур.  
Ул **болиг** тутқонда солиб **шасту** онинг рашкидин  
Сувдин айрилғон балиғ янглиғ күнгул топокидур.  
Кўрма факр аҳли сиришки баҳрида ҳарён ҳубоб,  
Ким фано кавқаблари балки бало афлокидур.  
Эй Навоий, **кема тийри** кўксум ичра ҳажр ўқи,  
Кема оғзиғи ишқида кўксум чокидур.

Диққат қилинса, фазал байтларида денгиз мавзусидаги барча нарсалар: баҳр, баҳр мавжи, дарё, сув, ҳубоб, кема, кема тийри, кема оғзи, дарёкаш, балиғ, шаст, хас каби тушунчалар ва уларнинг ўзаро муносабатлари воситасида ошиқ кечинмаларининг таъсирчан ифодаси яратилганлигини кўриш қийин эмас.

## Мисоллар:

Ишқ үқина бу тани хокий **нишон** бўлсун деди  
Бошта қошини **камону** ғамзани тир айлаган.

(Лутфий)

**Шасти** ғамзанг бирла **баҳри** ашк аро тутқоч мени  
Кесма бошимким, **балиққа** сурмади **сайёд тиф**.

(Навоий)

Не тонг кўнглум **қуши** гар етса мақсад **ошёнига**,  
Ки, саъю шавқдин учмоқда **булу пар** қилур пайдо.

(Огаҳий)

Мени **масжидга** таклиф айлама **тоат** учун **зоҳид**,  
Бош индурмам кириб, то бўлмаса қошини **мехроби**.

(Фурқат)

## ТАЗОД

Тазод сўзи «зид қўйиш», «қаршилантириш» маъноларини ифодалайди. Шу сўз билан аталувчи шеърий санъат эса байтда маъно жиҳатидан ўзаро зид, қарама-қарши бўлган сўзларни қўллаб, таъсирчан бадиий тимсоллар, лавҳалар яратишни назарда тутади. Масалан, Лутфийнинг

Раҳм қилғил **бандага**, эй **шоҳ**, ул тенгри учун  
Ким этар бизни **гадо** ул сизни **султон** айлаган

байтини кўздан кечирсак, ундаги банда — шоҳ, гадо — султон сўзлари ўзаро зид маъноларни ифодалаши, шоир уларни қўллаш билан маҳбуба ва ошиқ муносабатларини ёрқин акс эттирганини кўрамиз. Огаҳийнинг

Захри ҳажрини берур ҳар дам **манга** бу, **васлининг**  
**Нўшини** инъом этар бисёр мандин ўзгага

байтида келтирилган зид маъноли заҳр — нўш, васл — ҳажр, манга — ўзгага сўзлари ҳам маҳбуба бевафолигини таъсирчан ифодалашга имкон берган.

Тазод санъатидан мумтоз шеъриятимизда жуда кенг фойдаланилган.

## ИШТИҚОҚ

Иштиқоқ («сўздан сўзни ажратмоқ») шеър байтларида ўзакдош сўзларни қўллаш санъатидир. Масалан, Навоийнинг

Қиласа зулм ул золим элни қилмагил, ё раб, забун,  
Чун тазаллумдур ишим, доим мени мазлум қил

байтидаги зулм, золим, тазаллум, мазлум сұzlари;

Дедилар: «Ахбоб дардига ҳабиб айлар даво,  
Ваҳки мен қүйдим муҳаббаттин, эмас воқиф ҳабиб

байтидаги аҳбоб, муҳаббат, ҳабиб сұzlари;

Толиб улким, топмасанғ дөғи бу баским айламас  
Бир нафас ғофил сени матлуб ёдидин талаб

байтидаги толиб, матлуб, талаб сұzlари ўзакдош бўлиб, иштиқоқ санъати асосида қўллангандир.

Баъзан ўзакдош бўлиб кўринган сұzlар аслида бошқа-бошқа маъноларни ифодалайди. Бу ҳолат **шибҳи иштиқоқ** («иштиқоққа ўхашалик») деб юритилади. Чунончи, Навоийнинг

**Нўши** васл, эйким тиласен, **неши** ҳижрон кўрмайин,  
Чун эмас бағринг жароҳатлиғ, не марҳам топқасен

байтидаги «**нўши**» ва «**неши**» сұzlари шибҳи иштиқоқ ҳосил қилган, чунки улар шакл жиҳатидан ўхашаш бўлса ҳам, нўш — «лаззат», неш эса «тикан» маъносини ифодалаётгани учун ўзакдош саналмайди.

Оғаҳий қаламига мансуб

Фам тунида мўя айлаб мўй янглиғ бўлғоним  
Мў-бамў шарҳ айлаб эткил мўя бунёд олида

байтидаги мўя ва мўй сұzlари ҳам икки хил — йиғи (фарёд) ва тук, соч толаси маъноларини ифодалаши туфайли иштиқоқ ҳосил қилмай, шибҳи иштиқоқ саналади.

Мисоллар:

Зуҳд аҳли ужб **тафриқасидин** ҳалос эрмас,  
Шарти фано **фироқлуур** ул **фариқдин**.

(Навоий)

Не турфа **суврате** бордурки ҳеч суврат ила  
Қазо **мусаввири** қилмади бўйла **тасвире**.

(Навоий)

Чучук сузингдуур андоғ **малиҳким** ҳарғиз  
Анинг **малоҳатидин** нашъа тузда топилмас.

(Мунис)

Сан на жавр этмак тиласан истагумдур они ман,  
Ким **муҳибға** ҳа на **маҳбуб** айласа **маҳбуб** эрур.

(Оғаҳий)

Туз ул тараб **нагамин**, эй **муганийи маккий**  
Писанди таъбим эмас **нагмаи «Ироқу»** Ҳижоз.  
(*Комил Хоразмий*)

## ТАЪДИЛ

«Тұғриламоқ» маъносидаги бу сүз шеърда содда отларни тартиб билан келтириш санъатини ифодалайды. Чунончи, Лутфийнинг

**Жину малаку ҳур** чаман ичра күрунмас,  
Юзунг ойидин барчаси шарманда дагулму?

ёки

Қилғали ойдек юзининг мусҳафина бир назар  
Кўрмадим дарсу **вазойиф нусхау** дафтари ҳеч

байтларида жин, малак, ҳур; дарс, вазойиф, нусха, дафтар сўзлари — содда отлар маълум тартиб билан келтирилган бўлиб, иккинчи мисрада уларга оид фикрлар ифодаланган.

Мисоллар:

Барча мискину **фақиру бекасу бехаш** учун  
Боқи тутсун тенгри сизни хоса мен дарвеш учун.  
(*Атоий*)

**Мехру Моҳу Муштарию Зуҳра** чун қилди тулуъ,  
Хеч наҳс ахтар тулуъи анда қатъо бўлмаса.

(*Навоий*)

**Сарфу наҳву мантиқ** ичра токи саъӣ этти аён,  
Себвайҳ руҳи қилур таҳсину ҳам имдод анга.

(*Оғаҳий*)

**Рангу рухсору** бу зулфу **холу хатким** сенладур,  
Курса ҳар ким боғда сунбул бирла райҳон хушламас.

(*Муқимий*)

## РАДД-УЛ-АЖУЗ АЛ-АС-САДР

Бир хил маънодаги ёки шаклдош икки сузни байтнинг турли уринларида келтириш санъатидир. Шарқ адабиётшунослигига кура байт бошидаги бўлак (рукн) садр деб, охиридаги бўлак (рукн) эса ажз деб аталади. Бинобарин, ушбу санъат номи «бир хил ёки шаклдош икки сузни байт боши ва охирида келтириш» деган маънони ифодалайди.

Такрорланувчи сұзларнинг үзаро муносабати ва ўрнига күра бу санъатнинг йигирмага яқин тuri мавжуд. Улардан энг мұхимлари қүйидагилардир:

1. Бир хил маңони ифодаловчи икки сұз байт боши ва охирида келади. Масалан, Навоийнинг

Гул чоги ёри сафар айлаб Навоий жонига,  
Хар бири бир тоза қонлиғ дөғи ҳижрон бұлды гул

байтида «Гул» сүзи бир хил маңнода байт боши ва охирида келтирилған.

2. Бир хил маңони ифодаловчи икки сұз биринчи мисра ўртаси ва байт охирида такрорланади. Масалан, Навоий қаламига мансуб

Нечаким бұлсун чучук шириң тақаллумлар сүзи,  
Лекин эрмас ул каломи шаккарағшондин чучук

байтидаги «чучук» сүzlари худди шу хил ўринларда жойлашган.

3. Шаклдош икки сұз байт боши ва охирида такрорланиб келади. Масалан, Бобурнинг

Үлтуруб эрди құпуб кетмакка чун азм айлади,  
Ёна тиргүзді мени, алқамдуиллох, үлтуруб

байти боши ва охиридаги «үлтуруб» сүzlари жинедеш бўлиб, биринчиси «ўлдириб», иккинчиси «ўтириб» маңносини ифодалайди.

4. Шаклдош икки сўзниң бири биринчи мисра ўртасида, иккинчиси байт охирида келади. Масалан, Навоийнинг

Ҳолим ўлмиш ўзгача ҳар дамким ул ой кўргузур,  
Лабда гуфтор ўзгача, қоматда рафтор ўзгача

байтидаги шаклдош «ўзгача» сүzlари худди шу хил жойлашган. Бобур ёзган

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошиға ёзгасиз,  
Токи бирдек бўлғай ул ой ишқида ичим, тошим

байтидаги шаклдош «тошиға» ва «тошим» сүzlари ҳам мисралардан шу тартибда ўрин олган.

5. Иштиқоқ санъатига мансуб ўзакдош сўзларнинг бири байт бошида, иккинчиси байт охирида келади. Масалан, Мунис ғазалидаги

Мұҳаббат расмидин огоҳ этиб миннат тутуб бергил  
Агар жон нақдина сендин құлурлар мултамас аҳбоб шунингдек,

**Илтимосим** буки, қылсанг итларингга ҳамсафол,  
Мен киму сендин шароби васл қилмоқ **мұлтамас**

байтларидаги «муҳаббат» ва «аҳбоб», «илтимосим» ва «мұлтамас» сүзлари байт боши ва охирида жойлашиб радду-ул-ажуз ал-ас-садр санъатини вужудга келтирған.

6. Худди шундай үзакдош сүзлардан бири биринчи мисра ўртасида, иккінчиси эса байт охирида келади. Жумладан, Атоий қаламига мансуб

На деб эй **раҳми** йүқ қаттиқ күнгуллук  
Мазорим бошида маржуму **мархұм**?

байтида үзакдош «раҳми» ва «мархұм» сүзларининг аввалгиси биринчи мисра ўртасида, кейингиси байт охирида келган.

7. Үзакдошга үшшаб күринса ҳам аслида бошқа-бошқа үзаклардан тузилған иккі сүз байт боши ва охирида келади. Масалан, Бобур ғазалидаги

**Итингдурмен**, сочинг занжирини бүйнумга мақкам қил,  
Ки водийи фироқинг ичра құрқорменки **йттәймен**

байтининг боши ва охирида жойлашған «итингдурмен» ва «йттәймен» сүзлари үзакдошга үшшаб күринса-да, асли ундей эмас. Бундай сүзларниң шу хил жойланиши ҳам радд-ул-ажуз ал-ас-садр санъатини ҳосил қилади.

8. Шу хил муносабатда бұлған иккі сүздан бири биринчи мисра ўртасида, иккінчиси байт охирида жойлашади. Масалан, Гадой ғазалидаги

Ҳар **кеча** зулфунг хаёлики, бу күнглумга тушар,  
Мен билурмен дөғи бу күнглумки мендин не **кечар**

байтидаги «кеча» ва «кечар» сүзлари юзаки жиҳатдан үзакдош бўлиб күринса-да, аслида ундей эмас. Шунга қарамай бу сүзлар радд-ул-ажуз ал-ас-садр санъатини юзага келтирған.

Юқоридагилардан күринадики, радд-ул-ажуз ал-ас-садр санъати асосан бир хил маънодаги иккі сүзниң, шаклдош иккі сүзниң, үзакдош иккі сүзниң ҳамда үзакдош бўлиб күринган, аслида бошқа-бошқа иккі сүзниң байт боши ва охирида, шунингдек, биринчи мисра ўртаси ва байт охирида келтиришидан иборатдир.

Шарқ адабиётшунослигига ана шундай муносабатдаги сүзларниң радиғлар ўрнида, иккінчи мисра боши ва охирида келтирилиши ҳам назарда тутилған. У ҳолда ушбу санъатнинг яна қуйидаги саккиз күриниши вужудга келади:

1. Бир хил маънодаги иккі сүз байтдаги радиғлар ўрнида келтириләди. Масалан, Бобурнинг

Ким күрүбдүр, эй күнгүл, аҳли жаҳондин **яхшилиғ**,  
Кимки, андин яхши йўқ, кўз тутма андин **яхшилиғ**

байтидаги «яхшилиғ» сўзи мисралар охирида радиф бўлиб келган.

2. Радиф ўрнида шаклдош сўзлар такрорланади. Чунончи, Саккокийнинг

Күёшқа таъналар урар букун юзунг **қамари**,  
Куюрди юзунга боқсам менинг кўзум **қамари**

байтида шаклдош «қамари» сўзлари радиф ўрнида келтирилган. Биринчи мисра охирида бу сўз «тўлин ой» маъносига ишлатилган бўлса, байт охирида у «қамашиши» маъносини ифодалайди. Атоийнинг

Юзунгни, эй малоҳат хони, бир **оч**,  
Тўя кўрсун сени бу мустаҳик **оч**

ҳамда

Аё сиймин баданлик, ол **менгизлар**,  
Агар жоним керак, олинг, **менгизлар**

байтлари охиридаги шаклдош сўзлар ҳам шулар жумласидандир.

3. Узакдош икки сўз радиф бўлиб келади. Жумладан, Навоийнинг

Уружинг ақшоми бўлмай тўқуз сипеҳр **ҳижоб**,  
Юзунг ҳижолатидин меҳр ўлуб vale **маҳжуб**

байтидаги радифлар шу тарздаги ўзакдош сўзлардир.

4. Ўзакдошга ўхшаб кўринган, аслида бир-бири билан алоқаси бўлмаган икки сўз радиф бўлиб келади. Буни Навоий қаламига мансуб

Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахти **тож**,  
Ким гадойингдур, анга йўқ тахт ила тож **эҳтиёж**

байтидаги радифлар мисолида қўришимиз мумкин.

5. Бир хил маънодаги икки сўз иккинчи мисрада такрорланиб келади. Масалан, Навоий ғазалидаги

Чиқти ов азмига жавлон айлаб ул чобуксувор,  
Жон **нисор** ул сайд учунким, жон анга қилғай **нисор**

байтидаги «нисор» сўzlари шу хилда такрорланган.

6. Икки шаклдош сўз иккинчи мисрада келтирилади. Жумладан, Саккокийнинг

Ол бирла солди олма янгоқинг күнгүлга нор,  
Бир бурқаң өл, күройин онинг нозук өлини

байтидаги «олмок» ва «қизиллик» маъноларидаги «ол» сўзининг такрорланиши шу тарздадир.

7. Икки ўзакдош сўз иккинчи мисрада келтирилади. Чунончи, Навоийнинг

Қути ботин истаким, зоҳир гизоси бирла табъ,  
Бир замон гар топса лаззат, бир замон кўрмас лазиз

байтидаги ўзакдош «лаззат» ва «лазиз» сўzlари шу тартибда жойлашган. Шоирнинг

Ё раб, охир кетгамен ул шўхи бадху бирлаким,  
Зулм этар қилсан **тазаллум**, ноз этар қилсан **ниёз**

байтида эса тўртта ўзакдош сўз келтирилган.

8. Ўзакдош бўлиб кўринган, лекин аслида бу хил муносабатда бўлмаган икки сўз иккинчи мисрада келтирилади. Масалан, Навоийнинг

Қон ёшимдин лаългун кирпик била айтур кўзум:  
**Оразин** наззорасин айларда юз тил бирла **роз**

байтидаги «оразин» ва «роз» сўzlари шу тарздадир.

Шундай қилиб, раддул ажуз санъатининг жами ўн олти куринишидан шеъриятимизда фойдаланиб келинган.

## ТАРДУ АКС

Тарду акс «тескари қилиб такрорлаш» маъносини ифодалаб, шеърнинг биринчи мисрасида келтирилган икки сўз ёки сўз бирикмаларини кейинги мисрада ўринни алмаштириб қайтаришдан иборат бўлган шеърий санъатdir. Бу хил қайтариш натижасида мазкур сўз ёки сўз бирикмалари яна бир бор таъкидланиб гина қолмай, уларнинг маъноси ҳам янгиланади, мисра мазмуни ҳам такомиллашади. Масалан, Бобур қаламига мансуб

Кўнгүлга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,  
Шикаста кўнглума эрмиш қаро бало сочинг

байтининг биринчи мисрасидаги «бало» сўзи мустақил ҳолда «офат» маъносини, «қаро» сўзи эса сочининг сифатини ифодалаган бўлса, иккинчи мисрада бу икки сўзниң ўни алмаштирилиши натижасида уларнинг мазмуни ҳам ўзгариб, «қаро» сўзи «бало» сўзининг сифатловчисига айланаб бу сўзниң маъносини

янада кучайтирган, ҳар икки сүз қофиядош бўлганлиги сабабли тақрор зулқофиятайн санъатини ҳосил қилган. Бобурнинг

**Ҳабиб** бўлса эди ё **ракиб** ўлса эди,  
**Ракиб** ўлса эди ё **ҳабиб** бўлса эди

байтида икки сүз бирикмасининг ўрни алмашиниб тақрорланган. Оқибатда шу бирикмалардаги фикр таъкидланиб, уларнинг аҳамияти кучайтирилган. Юқоридаги ҳар икки мисолда сүз ёки бирикмалар айнан, ўзгаришсиз тақрорланган.

Бобур яратган

Не ерда бўлсанг, эй гул, **андадур** чун **жони** Бобурнинг,  
Фарингга тараҳум айлагилким, **андижонийдур**

байтида биринчи мисрада келтирилган «андадур жони» сўzlари иккинчи мисрада бироз ўзгартирилиб «андижонийдур» тарзида тақрорланган. Кўриниб турибдики, бу хил қайтариқ бирикма маъносини кескин ўзгартириб юборган, сўз ўйини ҳосил қилган, байтга айрича бир латофат багишлаган.

Тарду акс санъатининг икки хил кўриниши мавжуд бўлиб, сўз ёки сўз бирикмалари иккинчи мисрада ҳеч қандай ўзгаришсиз айнан тақрорланса, «акси томм» («тўла акс») деб, ўзгартириб тақрорланса, «акси ноқис» («нуқсонли акс») деб аталади. Бобурнинг аввалги икки байти акси томмга, кейинги байти эса акси ноқисга мисол бўла олади.

Тақрорланувчи сўзлар мисралар бошида ва қофия ўрнида келиши мумкин. Масалан, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonидан олинган

**Неча** жонимга мундог **кеча** ўлгай,  
**Кеча** жонимга мундог **неча** ўлгай

байтидаги, Бобурнинг

**Фориг** эрдим қаноатим бор эди,  
**Кони** эрдим фарогатим бор эди

байтидаги тарду акс шу хилдадир.

Тақрорланувчи сўзлар мисралар ўртаси ва қофия ўрнида ҳам келади. Жумладан, Бобурнинг

**Нечаким қилдим вафо**, кўрдум **жафо**,  
**Нечаким** кўрдум **жафо**, қилдим **вафо**

байти шу хил тарду аксга мисол бўлади. Қофиядош сўзларнинг бу хил тақрори, юқорида ҳам кўрганимиздек, зулқофиятайн санъатини вужудга келтиради. Баъзан шу хил қайтариқ тарсий санъатини ҳам рӯёбга чиқариши мумкин. Чунончи, Бобурнинг

Ҳар нечук тавр қил, бу жавр этма,  
Ҳар нечук жавр қил, бу тавр этма

байтида «жавр» ва «тавр» қофиядош сўзларининг ўзгаришсиз тақорори тарсиъ ҳосил қилган.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёра» достонидаги

Дашт аро бир қаро кўрунмиш анга,  
Бир қаро дашт аро кўринмиш анга.  
...Мунча меҳнат аро бу фурсат ила,  
Мунча фурсат аро бу меҳнат ила,

«Садди Искандарий» достонидаги

Таку тоз эрди қишу ёз анга,  
Қишу ёз эрди таку тоз анга.

Хурросон бадандур, Ҳирий — жон анга,  
Ҳирий — жон, бадандур Хурросон анга

каби байтларда ҳам шу санъат қўлланиб, сўз бирикмалари ўрни алмаштирилиб тақорорланган.

Шеъриятда тарду акс санъатига асос бўлган сўзлар турлича ўзгартириб тақорорланади. Масалан, Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидан олинган

Ҳусн ичра аёғидин боши хўб,  
Бошдин аёғига тегру маҳбуб,

Бобурнинг

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлик асрү кўп,  
Эмди кўз тутмоқ не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ,

шунингдек,

Юзум бўсоганга сурсам не яхши айшдуурп,  
Иноят эт эшигингда бу айшни сурайн

байтларида тақорорланган сўзлар келишик, шахс-сон ва замон қўшимчалари билан ўзгартирилган.

Тарду акс санъати туркий шеъриятда XIV асрдан бошлаб кенг қўллана бошлаган эди. Буюк озарбайжон шоири Имомиддин Насими ўз газалларидан бирини бутунисича шу санъат асосида яратган эди.

Нўшин лабини лаъли лаъли лабини нўши,  
Ширин кўрурам жондин, жондин кўрурам ширин.  
Жоно, юзунгиз ойи, ойи юзунгиз, жоно,  
Рангин чу гули ахмар, ахмар чу гули рангин.  
Ҳар кимса сани кўрмаз, кўрмаз сани ҳар кимса,  
Қандин чекадир ҳижрон, ҳижрон чекадир қандин

байтлари билан бошланган бу ғазалда мисралардаги сүз бирикмалари тескари такрорланиб, уларда ифодаланган фикрлар таъкидига эришилган. Бу хил усулни Насимидан беш аср сўнг ўзбек шоири Ҳабибий янгича бир кўринишда такрорлади. Унинг

Жону жаҳоним узинг, ному нишоним узинг  
Ному нишоним узинг, жону жаҳоним узинг.  
Қоши камоним узинг, зийнати ҳусну жамол,  
Зийнату ҳусну жамол, қоши камоним узинг.  
Шавкату шоним ўзинг, баҳтим улуг давлатим,  
Баҳтим улуг давлатим, шавкату шоним ўзинг.

байтлари билан бошланган ғазали шундай асар эди. Ҳабибий ўзининг «Аввал баҳор» деб номланган ғазалида сўз бирикмаларини кейинги байтга ҳам кўчириб такрорлаш билан ўзига хос янги усул яратдики,

Меҳнаткаш элни шод этар авал баҳорини кўринг,  
Аввал баҳор иш бошлаган кенг паҳтазорини кўринг.  
Кенг паҳтазор майдонида бир-бирга ҳамкору рафиқ,  
Бир-бирга ҳамкору рафиқ ёри мадорини кўринг.  
Ёри мадори қаҳрамон меҳнатга моҳир соф юрак,  
Меҳнатга моҳир соф юрак расму шиорини кўринг

каби ажойиб мисралар фикримизнинг далили бўла олади. Бу хил тескари такрор байтларни бир-бирига жисп улаб, чиройли занжир ҳосил қилганлиги кўриниб турибди.

Мисоллар:

Турфа рухсорингки, ҳусн ичра эрур гулзордек,  
Турфароқ будурки гулзор эрмас ул рухсордек.

(Навоий)

Ҳусн ичра аёғидин боши хўб,  
Бошдин аёғига тегру маҳбуб.

(Навоий)

Неча жонимга мундоғ кечада булгай,  
Кечада жонимга мундоғ неча булгай.

(Навоий)

Нетиб ӯлмайки, сабрим оздин-озу, шавқ қўпдин-қўп,  
Ул ойнинг ҳусни қўпдин-қўп, вафоси оздин-оз эрмиш.

(Навоий)

Ё раб ул кун шум толеъдин манга бўлгаймуким,  
Жонима ором ул оромижондин кўргамен.

(Бобур)

Юзум бүсөгнөгө сурсам не яхши айшдуур,   
Иноят эт эшигингда бу айшни сурайн.

(Бобур)

Эй күнгүл, чун яхшидин күрдүнг ёмонлиқ асру күп,   
Эмди күз тутмоқ не яньи ҳар ёмондин яхшилиғ.

(Бобур)

Нечаким қилдим вафо күрдүм жафо,   
Нечаким күрдүм жафо қилдим вафо.

(Бобур)

Ҳар нечук тавр қил бу жавр этма,   
Ҳар нечук жавр қил бу тавр этма.

(Бобур)

Фориғ эрдим қаноатим бор эди,   
Қаниъ эрдим фарогатим бор эди.

(Бобур)

## ЖАМЬ

Жамъ нарса ва тушунчаларни бирон белги бүйича байтда жамлаб, улар ўртасидаги муносабат асосида бирон образли фикрни ифодалаш санъатидир. Мумтоз шеъриятимизда кенг қўлланиувчи ушбу санъат нарса ва тушунчаларнинг ҳақиқий ва мажозий, аниқ ва мавхумий маъноларини назарда тутади. Жамлаш учун асос бўлган белгилар **жоми** (тўпловчи) деб юритилади. Жоми шеър мисраларида аниқ қўриниб туриши ёки яширин ҳолда бўлиши мумкин. Навоийнинг

Гулу гулзор сенинг боғи жамолингга фидо,  
Сарву шамшод доғи тоза ниҳолингга фидо

байтидаги биринчи мисрада гул, гулзор, маъшуқанинг боғи жамоли (юзи) гўзаллик белгиси бўйича, иккинчи мисрада эса сарв, шамшод, маҳбубанинг тоза ниҳоли (қадди) тиклик белгиси бўйича жамланган бўлиб, жамлаш белгиси — жоми яширин ҳолдадир. Кейинги мисрада ёр қадди мажозий маънода (тоза ниҳол) қўлланган. Фурқат қаламига мансуб

Лаълинг фамида йиглаб ашк ўрнига нигоро,  
Токай ики кузумдин қонлар равона бўлсун

байтидаги лаълинг ва қонлар сўзлари ранг белгисига кўра жамланган. Шоир бу тушунчаларнинг ўхшашлик муносабати асосида чиройли тамсилий ифода яратган.

Шеър байтларида нарса ва тушунчалар бир ёки бир нечта белги асосида жамланиши мумкин. Фурқатнинг юқоридаги байтида биргина белги танланган бўлса, Оғаҳийнинг

**Сариф юзга ариғ ашким** неча оқса эмасдур суд,  
**Ки истиғно камолидин зару гавҳарни** ёд этмас

байтида тушунчалар икки белги: сариф юз ва зар ранг белгиси бўйича, ашк ва гавҳар шакл белгиси бўйича жамланиб, улар уртасида ўхашашлик муносабати асосида таъсирчан мазмунли бадиий фикр ифодаланган.

Навоийнинг

**Рухсоринг уза хайдин юз қатраки кўргуздунг,**  
**Гул баригга шабнамдин гавҳарми** экин оё?

байтида эса уч белги танланган, яъни ёр рухсори ва гул барги ранг белгиси, хай ва шабнам, қатра ва гавҳар тушунчалари шакл белгиси асосида жамланиб, уларнинг ўхашашлик муносабати шоирга жозибали мисралар яратиш имконини берган.

Юқорида келтирилган барча байтларда жамланиган нарсалар, тушунчалар аниқ, ҳәётий мазмунга эга, лекин шеъриятда мажозий ва шартли белгилар асосида мавхумий тушунчаларни тўплаш усули ҳам кенг қўлланади. Жумладан, Навоий қаламига мансуб

**Жаҳонни бузди ашким оҳ иланким,**  
**Эрур сарсар бу тӯфон** бирла мамзуж

байтида оҳ ва сарсар, ашк ва тӯфон тушунчалари шартли ўхашашлик белгиси бўйича жамланиган. Зеро, ошиқ оҳи билан кучли сарсар шамоли ҳамда ошиқ ашки билан тӯфон муболағали тарздагина қиёсланиши мумкин.

Шеъриятимизда қўлланувчи кўпгина санъатлар жамъга асосланади. Лутфийнинг

**Эй орази барги гулу, эй қомати сарву чаман,**  
**Равшан сенинг юзунг** бикин топмади бир шамъ анжуман

байтида турли нарсалар хилма-хил белгилар асосида жамланиган, чунончи маҳбуба орази билан гул барги ранг белгиси бўйича, қомати билан чаман сарви тиклик белгиси бўйича, юз билан шамъ нурлилик белгиси бўйича тўпланган бўлиб, улар бир-бирига (ораз гул баригига, қомат сарвга, юз шамъга) қиёслаб тенглаштирилган. Шу асосда ташбек санъати юзага келган.

Атоийнинг

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур?  
Эй бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд била шакармудур?

байтида юз, шамс, қамар сұzlари нурлилик белгиси асосида, сұз, шаҳд, шакар сұzlари ширинлик белгиси асосида жамланиб, юз билан шамс ва қамар, сұз билан шаҳд ва шакар үртасида қиёсий муносабатни билиб-бильмасликка олиш шаклида ифодалаш на-тижасида тажохули ориф санъати ҳосил қилинган.

Жамъ санъати күпинча тақсим ва тафриқ санъатлари билан бирга құлланиб, жамъ ва тақсим, жамъ ва тафриқ номлари билан аталувчи икки санъатни вужудға келтиради.

Мисоллар:

Эй сарви гул узор, янгоқларингдин үфтаниб  
Ёбонға шаҳрдин қочибон лола зор эрур.

(Лутфий)

Ойдек юзунгни құрди шараф ичра офтоб,  
Сендеқ жаҳонда дедики зоти шариф йүқ.

(Лутфий)

Сенинг ёйингни ҳеч ким торта олмас,  
Мунингдекким қошингни ё қилибсан.

(Лутфий)

Хилъатин айлабмудур ул шұхи сийминбар қаро,  
Тун саводи бирла кийгандек маҳи анвар қаро.

(Навоий)

Ул күзу бу лабға умрум боғи гулзориндаги  
Наргиси гул барғи, йүқким, боғу гулзорим фидо.

(Навоий)

Сен лабинг сұрғон сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб,  
Сен май ичгилким, манга хуни жигар бұлмиш насиб.

(Навоий)

Лолазор әрмаски, охымдин жаҳонга тушти ўт,  
Йүқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушти ўт.

(Навоий)

Хусни ортар юзда зулфин анбар афшон айлагач,  
Шамъ равшанроқ бұлур торин паришон айлагач.

(Навоий)

Юзининг меҳрини курган маҳи анварни ёд этмас,  
Лабининг шаҳдини сұрғон майи кавсарни ёд этмас.

(Оғаҳий)

Қүёшу ой фалак тоқидадур модом айлансун,  
Юзунгдин субҳ, икки кокулунгдин шом айлансун.

(Фурқат)

## ТАҚСИМ

Тақсим санъати байтнинг биринчи мисрасида турли белгига эга бўлган нарса ёки тушунчаларни тўплаб, кейинги мисради уларни муйайн белгиларига кўра тақсимлаш воситасида тимсол яратишни англатади. Масалан, Бобур ғазалидаги

Хатинг била юзунгу кокилунг сенинг, эй жон,  
Бири бинафша, бири ёсуман, бири райҳон

байтини кўздан кечирсак, биринчи мисрада тилга олингани маъшуқа хатти, юзи, кокили кейинги мисрада шаклий белгиси, ўхшашлигига кўра тақсимланганини кўрамиз. Шу ғазалнинг кейинги

Тану кўнгул била кўз васлу нозу ҳусни учун  
Бири ҳаробу бири волау бири ҳайрон

байтида тан, кўнгул, кўз сўзлари турли белгилар асосида тақсимланган. Дикқат қилинадиган жиҳати шундаки, байтларнинг биринчи мисрасидаги нарсалар, тушунчалар, уларни ифодаловчи сўзлар маълум бир белги асосида жамланмаган, бир белги остида тупланмаган, балки турли белгига эга бўлган нарсалар, тушунчалар, уларни ифодаловчи сўзлар бир мисрада келтирилган холос. Агар биринчи мисрада нарсалар, тушунчалар маълум бир белгига кўра жамланган, сўнг тақсимланган бўлса, бу хил санъат жам ва тақсим деб юритилади.

## ТАФРИҚ

Тафриқ (фарқлаш) тасвиrlанаётган нарсалар, тушунчаларни бир-биридан фарқлаш санъатидир. Масалан,

Кўзларингга оҳуи Чин, соchlаринга мушки Чин,  
Дур тишингга, лаълинга лаъли Бадахшон ўхшамас.

(Муқимиш)

Бу мисраларда шоир маъшуқанинг кўзларини Чин оҳусидан, соchlарини Чин мушкидан, тишини дурдан, лабини Бадахшон лаълидан ажратади — фарқлайди.

Мисоллар:

Наргис кўзунгнинг ўхшashi қайси чаманда бор?  
Юзунг таровати қачон, эй гул, суманда бор?

(Лутфий)

Буюнглек бутмади бустон аро сарви равон, эй жон,  
Юзунгдек ҳам очилмади чаманда гулситон, эй жон.

(Саккокий)

Янги ой эмасдур ҳилолингча хўб,  
Қўёш бўлмағандек жамолингча хўб,  
Қизил гулки ҳушрангу нозик эрур,  
Эмас тоза руҳсори олингча хўб.

(Мунис)

Қаддинг олдида сановбарда назокат қайдадур,  
Гулда руҳсорингни борида тароват қайдадур.

(Муқимий)

Юзинг гулдин мусаффодир, лабинг ранги хинодин ҳам,  
Хатинг хушбў чаман райхонидин, мушки Хитодин ҳам.

(Фурқат)

Мазкур санъат ҳозирги ўзбек шеъриятида, хусусан, арузчи шоирлар ижодида анча кенг қўлланиб келади.

Масалан:

Севгилим ҳуснини тўлган ойга нисбат бермангиз,  
Ҳеч вақт ширмой билан тент бўлмагай куйган патир.

(С. Абдулла)

Қўриб сунбулни тоғда, этма ташбиҳ ёр зулфига,  
Ёзиб соч, ер супурган дарбадар фаррошлардир у.

(С. Абдулла)

## ЖАМЪ ВА ТАҚСИМ

**Жамъ ва тақсим** (тўплаш ва тақсимлаш маъносида) адабий санъатлардан бири бўлиб, нарса ва тушунчаларни ифодаловчи сўзларни маълум белги асосида тўплаб, сўнг уларни бошқа бир белги асосида тақсимлаш демакдир. Масалан, Бобурнинг

Такаллум айларида тилию, тишию лаби  
Бири ақиқу, бири инжую, бири маржон

байтининг биринчи мисрасида маъшуқанинг тили, тиши, лаби такаллум айлаш — сўзлаш белгиси асосида тўпланган, кейин эса, иккинчи мисрада улар ранг белгисига кўра ажратилган. Бобурнинг

Қаду хатting била кўзу юзунг, эй сарви сиймин тан,  
Бири сарву, бири райҳон, бири наргис, бири гулшан

байтининг биринчи мисрасида маъшуқа аъзоларини ифодаловчи қад, сарв, кўз, юз гўзаллик белгиси бўйича тўпланиб, кейинги мисрада улар кўриниши, шакл хусусиятлари белгисига кўра тақсимланган. Навоийнинг

Икки ўтлуқ наргисингким қылдилар багрим кабоб,  
Биридуру айни хумор ичинда, бири масти хоб

байтида аввал маҳбубанинг наргизсимон икки күзи гүзаллик белгиси бўйича жамланган, кейин улар ҳолат белгиси бўйича иккига тақсимланган.

Жамъ ва тақсим санъати ҳам бошқа шеърий санъатлар учун асос бўлиб хизмат қиласи. Чунончи, Огаҳийнинг

Мане бемор ўлар ҳолатга етконда ики лаълин  
Сўруб билдим: оларнинг бири шаккар, бири кавсардур

байтида маъшуқа икки лаълини жамлаб, кейин уларни ширинлик белгиси бўйича тақсимлаш айни чоғда ийҳом санъати билан қўшиб юборилган, яъни «сўруб» сўзи «сўраб» ва «сўриб» маъноларини ифодалайди.

Шеъриятимизда бутунисича жамъ ва тақсим санъатига асосланган ғазаллар ҳам яратилган. Жумладан, Бобур қаламига мансуб қўйидаги ғазал шулар жумласидандир:

Хатинг била юзунгу кокулунг сенинг, эй жон,  
Бири бинафша, бири ёсуман, бири райҳон.  
Такаллум айларида тилию тишию лаби  
Бири ақиқу, бири инжую, бири маржон.  
Кўнгулни зору мени хору танни тор этган  
Бири жафоу бири гурбату бири ҳижрон.  
Тану кўнгул била кўз васлу нозу хусни учун  
Бири ҳаробу бири волау бири ҳайрон.  
Тамоми умрида Бобурға уч сўз айтибдур:  
Бири сўкунчу бири қаттиқу бири ёлғон.

Мисоллар:

Хатту юзунг ҳажрида кўзким булут монандидур,  
Чашмаи сабз ул бири, бу бир гулистон бандидур.

(Навоий)

Буки ҳар ён чоқилур барқу, гирев айлар булут,  
Кўнглума ул шуъла оҳу, бу бири афғон эрур.

(Навоий)

Оҳу ашкимдин хабарсиз бўлманг, эй олам эли,  
Ким берурлар ул бири сарсар, бу тўфондин хабар.

(Навоий)

Баҳру тоғ этманг гумонким, ул бири кўзумға ёш,  
Бу бири кўнглумга дарду меҳнати ҳижрон эрур.

(Навоий)

Шабистонингда анжум маҳраму кун бўлғали маҳрум,  
Бу гул-гул очилиб ҳар кеча, ул бир хорхор элтар.

(Навоий)

Ул кўзу қошдин агар қўзғолса олам, тонг эмас,  
Ким биридур офати даврон, бири — ошуби даҳр.

(Навоий)

Қошинг узра ики холинг биайниҳ Каъба тоқида,  
Билол осо биридир ҳам, бири Қамбарга ўҳшайдур.

(Оғаҳий)

## ЖАМЪ ВА ТАФРИҚ

Бу санъат бирон белги бўйича биринчи мисрада жамланган сўзлар — нарсалар, тушунчалар номларини кейинги мисрада бир-биридан фарқлаш, улардан ҳар бирининг фарқли жиҳатларини таъкидлаб кўрсатишни назарда тутади. Чунончи, Навоийнинг

Жамоли нурини чеккан тарозу ою қуёш,  
Магар бу бирда нур эрдию, ул бирисида тош

байтининг биринчи мисрасида ой ва қуёш нурлилик белгиси билан жамланган, кейинги мисрада эса уларнинг бир-бирисидан фарқли томонлари таъкидланиб ажратилган.

Бобур қаламига мансуб

Не навъ ўхшасун юзига офтобким,  
Онинг заволи бордуру бу безаволдур

байтида ҳам аввалига маҳбуба юзи билан офтоб гўзаллик белгиси билан жамланиб, кейин улар фарқланган: қуёш заволли бўлиб, ёр юзи безаволлиги таъкидлаб кўрсатилган.

Мисоллар:

Шамъ меҳру гулни нисбат қилса бўлмас сизгаким,  
Умри гул бир ҳафта, куннинг ҳам заволи бордуур.

(Лутфий)

Ой сенга ўхшар ва лекин ул совуғдур, сен — малиҳ,  
Фарқ қўлтур нечаким бўлса мушобиҳ тузу муз.

(Навоий)

Лаъли кўнглумни чекиб, ғамзаси қоним ичти,  
Негаким бу бири хунхор эрур, ул — дилкаш.

(Навоий)

Жабрингни торта-торта дарду ғамимдур андоқ,  
Ким йүқ бу бирга фоят, ул бирга йүқ шумора.

(Мунис)

## ТАКРИР

Такрир «такрорлаш» маъносини ифодаловчи лафзий санъат булиб, шеърда у ёки бу сўзни такрор қўллашни назарда тутади. Такрорлаш воситасида сўз маъносини, унинг моҳиятини таъкидлаб кўрсатиш ушбу санъатнинг асосий хусусияти саналади. Чунончи, Алишер Навоий фазалидаги

Дема, ишқим найладиким рўзгорингдур қаро,  
**Ўртади, эй қотили номеҳрибоним, ўртади**

байтининг иккинчи мисраси бошидаги «ўртади» сўзини байт охирида яна бир такрорлар экан, шоир шу сўз англатаетган маънони таъкидлаш мақсадини кўзлагани кўриниб турибди. Оғажий қаламига мансуб фазалдаги

Жоним олур, эй пари, ҳолимга боқ,  
**Иштиёқу иштиёқу иштиёқ.**  
То мани фурқатда қўйдинг нолишим  
**Ал фироку ал фироку ал фирок.**  
Айламишсан қатлима ағёр илиа  
**Иттифоку иттифоку иттифок.**  
Бовар этмассан десам юз ёлбориб  
**Кўнглум оқу кўнглум оқу кўнглум оқ**

каби байтларнинг иккинчи мисраларидағи такрорлар ҳам ушбу сўзларда ифодаланаётган маъноларни, фикрларни таъкидлашга хизмат қиласи, уларни кучайтиради, кечинмалар, туйғулар мавжини, эҳтирослар оламининг бениҳоялигини акс эттиради, бинобарин, асар қаҳрамони бўлган ошиқ қиёфасини ёрқинроқ гавдалантириш, унинг дил дардларини таъсирчанроқ мужассамлантириш вазифасини бажаради.

## МУКАРРАР

«Мукаррар» сўзи «қайта-қайта, уст-устига» маъноларини ифодалайди. Шу ном билан аталувчи лафзий санъат эса байтининг ҳар икки мисрасида жуфт сўз қўллашни назарда тутади. Атоуллоҳ Ҳусайнин ўзининг «Бадойиъус-санойиъ» асарида «Рашиди Ватвот дептурким, шуаро мукаррар деб андоқ шеърни айтурким, бир байтта бир лафзни келтирурлар ва ўзга байтта

анинг таъсирида ўшул лафзни яна келтирурлар<sup>1</sup>, — деб таъкидлайди ва Асжадий шеъридан мисол келтиради. Демак, алломанинг ёзишича, ушбу санъатда бир байтнинг икки мисрасида келтирилган икки жуфт сўз кейинги байт мисраларида ҳам такрорланиши керак. Аммо шеъриятимизда мукаррарнинг бошқа бир кўриниши, яъни бир байтнинг ҳар икки мисрасида жуфт сўз қўллаш санъатидан кўпроқ фойдаланилган.

Бу ҳақдаги маълумотни Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис» асарининг Ҳусайн Бойқаро ижодига бағишлиланган саккизинчи мажлисида учратамиз. Муаллиф ҳукмдор шоирнинг «Ре» ҳарфи билан тугалланувчи фазаллари, хусусан,

Бўлсан уй кунжида, ашким қатраси гулнор эрур,  
Азми гулзор айласам, гул кўзларимга хор эрур

матласи билан бошланувчи шеъри ҳақида фикр билдирап экан, «Фурқатда кўнгул қатра-қатра қон эрканин бурунги мисраъда айтиб, сўнгги мисраъда ўткон мукаррар лафз муқобаласида «Оллоҳ-оллоҳ» лафзи ҳам мукаррар ва асрุ муассир адо топибдурким:

Фурқатингдин хаста кўнглум қатра-қатра қон эрур,  
Оллоҳ-оллоҳ, бу не ҳажри беҳаду поён эрур»

деб ёзади. Демак, шоир фикрича, мукаррар лафз санъати байтнинг ҳар икки мисраъсида жуфт сўз қўллашни назарда тутади. Навоий таъкидлаётганидек, бу санъат байтдаги мусиқийликни кучайтиради, бинобарин, фазал жилоси, жозибадорлигини ортириади.

Алишер Навоий ушбу санъатнинг шеърдаги аҳамиятига алоҳида эътибор бергани туфайли ўз фазалларида ҳам, достонларида ҳам жуфт сўзларни кўп қўллади. Шоир фазалларини кузатар эканмиз, жуфт сўзлар:

Дам-бадам кўнглум бериб жон нақди истар васлини,  
Оллоҳ-оллоҳ, телба кўнглумнинг ажаб савдоси бор

байти мисралари бошида,

Тифл авроқ ичра **бир-бир** барги гул терган каби,  
Номайи ҳижрон аро **тим-тим** сиришким қонидур

байтидаги иккала мисра ўртасида,

Айшу ишрат жомидан бўлсун юзи гул-гул, валек  
Кўнглига ғам гулбунидин **хор-хоре** бўлмасун

<sup>1</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнний. Бадойиъус-санойиъ. Тошкент, F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 174-бет.

байти мисралари охирида,

**Тола-тола** най ўқунг күксумда гүё синдиким,  
Тевралуптур нотавон күнглумда **бир-бир** толалар

байтидаги биринчи мисра боши ва иккинчи мисра охирида,

**Үтарсен ўйнай-ўйнай** мен гадойи хаста йул узра,  
Қолурмэн бир қиё боқмоқ учун **ёлбора-ёлбора**

байтидаги биринчи мисра ўртаси ва иккинчи мисра охирида,

**Бодадин гул-гул** күруб ул юзни, онинг ҳажридин  
**Чок-чок** ўлган күнгулдек **таҳ-батаҳ** қон бўлди гул

байти мисраларининг уч рукнида,

**Етишса ишқ аро** юз меҳнату бало, қадаҳ ич,  
**Нафас-нафас** қуюбон май **тўла-тўла** қадаҳ ич

байтида эса иккинчи мисранинг икки рукнида моҳирона қўлланганини қўрамиз. Демак, мукаррар лафз раддул ажуз ал-асадр санъатига ўхшаб байт мисраларининг турли ўринларида қўлланиши мумкин.

Мукаррар лафз санъати XV асрдан кейинги ўзбек шеъриятида ҳам қўлланиб келди. Жумладан, Зокиржон Фурқат ижодида бу санъатнинг хилма-хил қўринишларини учратамиз. Чунончи, унинг

**Аввал-аввал** лутфингиз ҳаддин зиёд эрди менга,  
**Эмди-эмди** марҳамат камрингизга доғман

каби қўплаб байтлари фикримизнинг далилидир.

## ТАЗМИНИ МУЗДАВАЖ

Таркиби оҳангдош ва ўзаро қофиядош бўлган бир хил сўзларни ёнма-ён қўллаш санъатини Атоуллоҳ Ҳусайнин «тазмини муздаваж»<sup>1</sup> деб атайди<sup>2</sup>.

Бу санъат шеър мисраларида унли ёки ундош товушларни ёнма-ён ёки ўзаро яқин тарзда келтириш билан байт талаффузини кучайтириш, мусиқийликни оширишни назарда тутади. Но-диранинг машҳур fazалидаги

<sup>1</sup> «Тазмин» — «бир нимани бир ниманинг орасига қўймоқ», «муздаваж» эса «жуфтлашган» деган маънони ифодалайди.

<sup>2</sup> Қарант: Атоуллоҳ Ҳусайнин. Ўша асар, 104-бет.

Қилмагил зинҳор изҳор эҳтиёж,  
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж

байтида зинҳор ва изҳор сўзлари таркибидаги о унлиси, з, ҳ ва р ундошларининг ёнма-ён келиши мисра оҳангдорлигини ку-чайтирган.

Фурқатнинг

Айламай найлай хаёли кипригинг охир асо,  
Ким мени ёдида доим нотавон айлар кўзунг

байтидаги «айламай» ва «найлай» сўзлари таркибидаги «а» унлиси, «й» ва «л» ундошларининг ҳамоҳанглиги мисрага алоҳида майнинлик, мусиқийлик, жозиба бағишлаганини кўриш қийин эмас.

Ушбу санъатнинг моҳияти Бобурнинг

Куюнг ичра гар сақар бўлса мақар жаннатча бор  
Жаннат ўлса кирмаган сенсиз не имкон бўлгамен  
...Жафоу жавр тавридин эрурсен асрү қўп воқиф,  
Вафоу меҳр расмидин бўлурсен асрү қўп ғофил.

...Энги менги ою, доги, юзи сўзи гулу мул,  
Қади равону тани жону эрни маржондур

каби байтларида шоирнинг ушбу санъатдан моҳирона фойдаланиш салоҳияти кўзга ташланиб туради.

## КИТОБОТ

Шеъриятимизда кенг қўлланиб келинган ушбу санъат араб алифбоси ҳарфлари шаклидан лирик ва эпик тимсоллар чизишида фойдаланишни назарда тутади. Маълумки, араб алифбоси тўғри ва эгри, ёйсимон ва доирасимон шакллардаги ҳарфлардан ташкил топган. Шарқ шоирлари ана шу шаклларга қиёс усули билан ёндашиб муҳим ижтимоий-сиёсий, маърифий-ахлоқий гояларни ифодалашда маҳорат билан фойдаланганлар. Зокиржон Фурқат ғазалидаги

Ул алифдек қоматининг ҳасрати  
Дол янглиғ айлади қаддим дуто

байтидаги «алифдек» ва «дол янглиғ» қиёсларига диққат қилийлик. Шоир ўз маҳбубасининг тик қоматини араб алифбосидаги «алиф» ҳарфига ўхшатса, ўзининг букилган қаддини «дол» ҳарфига tengлаштиради. Чиндан ҳам, тик тўғри чизик кўринишидаги алиф ҳарфи шакл жиҳатидан инсон қоматига, букик «дол» ҳарфи эса эгилган қоматга ўхшайди. Шоир бу хил қиёс

туфайли маъшуқа билан ошиқ кўринишини ҳарфлар шакли во-  
ситасида аниқроқ ва таъсирчанроқ тасвирилашга эришган.

Мазкур санъатнинг шеъриятимиздаги илк намуналарини XIV  
аср охири — XV аср бошларидағи адабий обидаларда учратамиз.  
Чунончи, Лутфий яратган ғазалларнинг

Чун ўлармен ул **алифдек** қадду тор оғзинг учун,  
Сен ўтарда турбатимдин қўпфусидур оҳ-оҳ.  
...Ойдек юзунгда оғиз муважжаҳ тушуб турур,  
Ҳар қайдаким «**қамар**» ўла тушгай арова «**мим**»  
...Жон деди они Лутфи йироқтин чу кўринди,  
**«Жим»** сочи, **«алиф»** қадди била ул қоши **«нун»**

каби байтларда араб ёзувидаги «алиф», «жим», «нун», «мим»  
ҳарфлари шаклидан маҳбуба қиёфасини чизишда моҳирона  
фойдаланганини кузатамиз.

Ушбу таъсирчан санъатни Алишер Навоий ҳам кенг қўллаб,  
ажойиб, безавол лавҳалар яратган. Унинг

Жонимдағи **«жим»** икки **«дол»**ингга фидо.  
Андин сўнг **«алиф»** тоза ниҳолингга фидо.  
**«Нуни»** даги анбарин ҳилолингга фидо,  
Қолған ики **нуқта** икки холингга фидо

каби бетакрор байтлари фикримиз далилидир.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур шеъриятида ҳам мазкур санъат-  
нинг бир қатор нодир намуналари яратилган. Чунончи, унинг

Қаддинг **алифу** қошинг эрур ё,  
Десам не ажаб агар сени **ой**.  
...**Ё** қошинг янглиғ әгилган жисми зоримниму дей,  
Ё сочингдек тийра бўлғон рўзгоримниму дей

каби байтларида ушбу санъатдан унумли фойдаланилган эди.

Ўз ижодида мазкур санъатдан баҳраманд бўлмаган шоир ада-  
биётимизда топилмаса керак. Ижодкорларимиз унинг хилма-хил  
имкониятларини кашф этиб қўплаб ҳайратомуз байтлар яратган-  
лар. Масалан, Фурқатнинг

«Нуқта лаб устида бежодур», — дедим, айди кулиб:  
«Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда»,

### Оғаҳийнинг

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун «нас» келтурур «нун» элтибон «сад» устина

каби ажойиб мисралари шулар жумласидандир.

## ТАЛМИЙ

«Ранг-баранг қилмоқ» маъносини ифодаловчи бу сўз шеър мисраларини турли тилларда битишни назарда тутувчи санъат но- мини билдиради. Адабиётимиз саҳифаларини кўздан кечирсак, ижодкорларимиз араб ва ўзбек, форс-тожик ва ўзбек, рус ва ўзбек тилларида шундай асарлар яратганларининг гувоҳи бўламиз. Бу хил шеърлар муламмаъ деб аталган. Баъзан ушбу усулни «ширу шакар» усули деб ҳам ҳисоблаганлар. Жумладан, Бобораҳим Машрабнинг

Дилбари хуш адои ман мунча сучук бўлурмусан?  
Омади дар канори ман бир даме ўлтуурмусан?  
Пеши камон обрўят хаста кўнгул нишонадур,  
Сийнаи худ кушодаам гамза ўқин отурмусан?

шунингдек,

Мендин саломе ба сўйи жонон,  
Эй бод, еткур арзи гарибон.  
Ҳам дардмандам, бехонумонам,  
Жоно, ту буди дардимга дармон

байтлари билан бошланувчи муламмалари мисраларининг биринчи қисми форс-тожик тилида бўлса, иккинчи қисми ўзбек тилидадир.

## МУВОЗАНА

«Вазн (ўлчов) жиҳатидан тенгдошлиқ» маъносини ифодаловчи мувозана сўзи билан аталувчи ушбу санъат байт мисраларидағи барча сўзларнинг вазн (ўлчов) жиҳатидан ўзаро тенг бўлиши ни назарда тутади. Масалан, Атоийнинг

Менгиз ё равзай ризвонмудур бу?  
Оғиз ё ғунчай ҳандонмудур бу?

байтидаги биринчи мисрадан ўрин олган **менгиз** сўзи иккинчи мисрадаги **оғиз** сўзи билан, **равзай** — **ғунчай** сўзи билан, **rizvонмудур** — **ҳандонмудур** сўзи билан вазн (ўлчов) ва оҳангда тенглиги кўзга ташланиб туради.

Оғаҳий қаламига мансуб

Ишқинг гамида дийдаи гирёнима раҳм эт,  
Ҳажринг тунида нолай афғонима раҳм эт,

байтини кўздан кечирсак, мисралардаги ишқинг — ҳажринг, фамида — тунида, дийдаи — нолай, гирёнима — афғонима, раҳм

эт — раҳм эт сўзлари ўлчов ва оҳанг жиҳатидан ўзаро тенг эканини кўрамиз.

Мисралардаги барча сўзларнинг бу хил мувофиқлиги байт оҳангдорлигини, мусиқийликни кучайтиришга хизмат қиласди. Шу туфайли ҳам шоирларимиз ўз асарларида мувозана санъатидан кенг фойдаланганлар.

Ушбу санъат қўлланган байтларда зулқофиятайн усулига ҳам мурожаат қилиниб, мисралардаги иккитадан сўзни қофиядош қилинса, байт нафосати янада кучаяди. Алишер Навоийнинг

Мурувват барча бермакдир, емак йўқ,  
Футувват барча қилмакдур, демак йўқ

фарди мисраларидаги мурувват — футувват, емак — демак сўзлари қофиядош бўлиб келган, бермакдир — қилмакдур сўзлари ўлчов жиҳатидан тенг, барча ва йўқ сўзлари эса айнан такорла-нувчи ҳожиб ва радифдир. Иккитадан сўзнинг қофиядошлиги байтга нафис бир оҳанг бахш этгани кўзга ташланиб турибди. Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достонидан ўрин олган

Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,  
Етти фалак ахтарининг буржи ул.

...Ҳам тўкуб эл қонини тадбир ила,  
Ҳам олиб эл жонини тазвир ила.

...Сабзаси нон узра зумуррад бўлуб,  
Тарраси хон ичра забаржад бўлиб

каби кўплаб байтларда ҳам зулқофиятайнли мувозанадан фойдаланилган эди.

Мувозана санъатига асосланган байтларда зулқавофиъ усулини кўллаб, уч-тўрт сўзнинг қофиядошлиги эришилса, мусиқийлиги янада кучайиб, шеър янада гўзалроқ чиқади.

Огаҳий яратган

Юзунг авжи сабоҳатда маҳи анварға ўхшайдур,  
Сўзунг хони малоҳатда тузу шаккарга ўхшайдур.

...Эй меҳри анвар тобиши равшан юзинг сиймосидин,  
Юз рўзу маҳшар шўриши зоҳир кўзинг имосидин.

...Эй юзинг буржи сабоҳат ахтари,  
Ҳар сўзинг дуржи фасоҳат гавҳари

каби ажойиб байтларидан уч-тўрт сўзнинг қофиядошлиги мувозананинг янада нафисроқ чиқишига хизмат қиласди. Бу байтлар тарсиъга яқинлашиб борса ҳам, мисралардаги бир-икки сўзнинг

қоғиядош булмай, улчовдагина тенглиги туфайли уларни мувозана санъатигагина нисбат беришга асос булади.

Мувозана заминида яратилган байтларда тарду акс санъати құлланса, оқаңдорлик янада ортади. Буни Алишер Навоийнинг «Хайратул аброр» достонининг ўн иккінчи мақолатидан олин-ган

Барча хиёнатни диёнат билиб,  
Барча диёнатда хиёнат қилиб,

Бобур маснавиётидаги

Нечаким қылдым вафо күрдум жафо,  
Нечаким күрдум жафо, қылдым вафо

байтларида яққол күриш мумкин.

## ТАРИХ

Шеъриятимизда мұхым тарихий воқеалар санасини абжад ҳисоби билан ифодаловчи кичик лирик шеърлар яратиш анъанаси мавжуд бўлиб, ушбу санъат ҳам, шу усуlda битилган бадий асарлар ҳам тарих деб аталган. Жумладан, Алишер Навоий томонидан қурдирилган «Хусравия» мадрасасининг тугалланиш санаси кичик шеърда шу сўз (Хусравия) билан белгиланган бўлиб, ҳарфларининг сонли ифодасини жамласак, 881 рақами келиб чиқади. Маълум бўладики, ушбу илмгоҳ 881 ҳижрий (ёки 1476/77 милодий) йилда қуриб тугалланган экан.

Хондамирнинг таъкидлашича, Алишер Навоий Хожа Фахрилдин деган шахс қурдириган работга етиб келганида, шу бинонинг қурилиш тарихини сўраб қуйидагича тарих битган:

Банури сафо равшанаст ин мақом,  
Лақад соро анворуху бохира.  
Чу бониш фахрасту у фохираст,  
Лақад кона таърихиху «фохира».

(Таржимаси: «Бу жой сафо нури билан равшандир, унинг нурлари албатта порлаб туради. Унинг бониси (эгаси) фахрлидир. Ҳақиқатан, унинг тарихи «фохира» (шонли, фахрли) бўлди).)

«Фохира» сўзидағи «ф», «о», «х», «р», «а» ҳарфлари ифодалаган 80, 1, 600, 200, 5 сонларини қўшсак 866 рақами ҳосил бўлади, бинобарин, работ 866 ҳижрий (1462 милодий) йили қурилиб тугалланганлиги маълум бўлади.

Бу жанрдаги лирик шеърларни битиш учун шоир албатта абжад ҳисобини — араб алифбоси ҳарфларининг сон ифодасини яхши билиши лозим эди. Абжад ҳисоби бўйича ҳарфлар қуйидаги сонларни ифодалайди:

A (алиф)	— 1	И (ё)	— 10	Қ (қоф)	— 100
Б (бе)	— 2	К (коф)	— 20	Р (ре)	— 200
Ж (жим)	— 3	Л (лом)	— 30	Ш (шин)	— 300
Д (дол)	— 4	М (мим)	— 40	Т (те)	— 400
Ҳ (ҳои ҳаввоз)	— 5	Н (нун)	— 50	С (сад)	— 500
В (вов)	— 6	С (син)	— 60	Ҳ (ҳо)	— 600
З (зайн)	— 7	Ҷ (айн)	— 70	З (зол)	— 700
Ҳ (ҳе)	— 8	Ф (фо)	— 80	З (зод)	— 800
Т (то)	— 9	С (се)	90	З (зе)	— 900
				F (файн)	— 1000 <sup>1</sup>

Тарих жанрида лирик асар ёзмоқчи бўлган шоир кўрсатилиши керак бўлган сонни ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасини ўйлаб топади. Бу сўз ё бирикма таркибидаги ҳарфларнинг сон кўрсаткичлари қўшилганда назарда тутилган рақам келиб чиқиши керак. Аммо шоир ўйлаб топган сўз ёки сўзлар бирикмаси маъно жиҳатидан ҳам асар мазмунига мос келиши зарур. Масалан, Мавлоно Дарвешалининг Алишер Навоий вафотига бағишланган тарихи қуйидагича эди:

Дар мотами он қидваи арбоби вусул,  
Абнойи замон шоҳу гадо гашти малул.  
Хижрат ба расул кард он саййиди қавм,  
Тарихи вафоти уст «Хижрат ба расул».

(Таржимаси: «У ҳаққа етишганлар пешвоси мотами билан шоҳдан тортиб гадогача, барча одамлар қайфуга чўмди. У қавм саййиди пайғамбар олдига ҳижрат қилди. Шунинг учун «ҳижрат ба расул» вафоти тарихи бўлди»).

Шеърдаги «ҳижрат ба расул» сўзларини араб алифбосида ёзиб, ундаги ҳарфлар ифодалаган сонларни аниқлаб қўшиб чиқсанак, 906 рақами (Навоий 906 ҳижрийда вафот этган) ҳосил бўлади.

Тарих жанрида ёзилган лирик шеърларда муҳим тарихий воқеалар: улуф кишилар — подшолар, олимлар, саркардалар ва бошқаларнинг таваллуд ва вафот саналари, жанглардаги фалабалар, йирик биноларнинг қуриб тугалланиш йиллари, шунингдек, бошқа ҳодисаларнинг муддатлари абжад ҳисобида ифодалаб келинган. Саналарни бу хил кўрсатиш ана шу йилларни сўзлар воситасида осонгина ёдлаб олиш ва эслаб қолишга имкон берган.

Абжад ҳисобини қийналмай ўрганиш учун сон ифодаловчи ҳарфлардан қуйидаги саккиз сўз чиқарилган:

**Абжад ҳавваз ҳутти каламан  
саъфас қарашат саххаз вазағ.**

<sup>1</sup> Имконият бўлмагани туфайли араб ҳарфларининг айнан шаклларини куршишнинг иложи топилмади.

Ана шу сўзлардаги қисқа «а» унлисини ҳисобламаса, қолган ҳарфлар 1 дан 1000 гача бўлган сонларни билдиради. Албатта, «т», «с», «ҳ», «з» ҳарфлари турли шаклда бўлиб 2 тадан 4 тагача сонн ифодалашини ҳам унутмаслик керак.

Ушбу сўзларни ёд олиб, ҳарф шакллари эслаб қолинса, абжад ҳисобини осон ўзлаштириш мумкин. Уларни учга бўлиб ёдлаш маъқул.

**Абжад ҳавваз ҳутти** сўзлари 1—10 сонларини, **каلامан саъфас** сўзлари 20—90 сонларини, қолган **қарашат саххаз зазағ** сўзлари 100—1000 сонларини ифодаловчи ҳарфларни ўрганишга имкон беради.

## РАДДИ МАТЛАЬ

«Радди матлаъ» асосан «матлаъни такрорлаш» деган маънони ифодалайди. Лекин ушбу санъат қўпинча ғазалнинг биринчи мисрасини асар охирида такрорлашни назарда тутади. Жумладан, Навоийнинг

Соқиё, ҳижрон тунидур, бода тут,  
Ул қуёш бирла бу шомимни ёрут

деб бошланувчи ғазалининг биринчи мисраси асар мақтаъси — охирги байтида

Бўлди фурқатдин Навоий тийрарўз,  
Соқиё, ҳижрон тунидур, бода тут

тарзида қайтарилади. Огаҳийнинг

Бизки буқун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз,  
ёки

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай

деб бошланувчи ғазалларида ҳам дастлабки мисралар асарлар охирида такрорланиб, шоир ифодалаётган фояни яна бир бор таъкидлашга хизмат қиласди.

Албатта, бу хил қайтариқ асардаги асосий гояни яна бир бор таъкидлаш мақсадини кўзлади. Шу тарзда шеърнинг охирги байти биринчи байт билан узвий боғланади. Бу усул шеърияти-мизда анча кенг қўлланган.

Баъзан асар охирида биринчи мисра тўлиқ эмас, балки қисман қайтарилади. Жумладан, Навоий қаламига мансуб ғазал матласидаги

Ҳолима ёр тараҳҳум қилмас

мисраси асар охирида

тарзида такрорланишини кузатамиз.

## ИНШО

Шеърдаги ифода усулларини англатувчи бу санъат таманий, нидо, истифҳом, амр ва наҳий деган тўрт усулни ўз ичига олади.

## ТАМАНИЙ

«Орзу қилиш» маъносини ифодаловчи бу бадиий усул шеърда лирик қаҳрамоннинг ўёки бу тилаги — таманносини ифодалаши назарда тутади. Кўпинча бу орзу асарнинг дастлабки мисраларида баён қилиниб, кейинги байтларда унинг моҳияти чуқурроқ очилади, лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, мусаффо истаклари ёрқинроқ акс эттирилади. Алишер Навоийнинг

Очмагай эрдинг жамоли оламоро кошки,  
Солмагай эрди бори оламда гавго кошки,

### Бобурнинг

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,  
Не кун бўлгай висолингга мени дилхаста етгаймен,

### Нодиранинг

Нигори гулбаданимни тушумда кўрсам эди,  
Лаби шакаршиканимни тушумда кўрсам эди,

### Машрабнинг

Сориг садбарг ширин сўзлук юзунгни кунда бир кўрсам,  
Юзунгдин юз ўгирмасман агар юз минг бало кўрсам

каби гўзал байтлар билан бошланувчи ғазаллари шу усул асосида яратилган.

## НИДО

Шеъриятимизда жуда кенг қўлланган нидо усули лирик қаҳрамоннинг бошқа шахсларга, нарсаларга хитоб қилиши, уларга мурожаат этган ҳолда ўзининг ички кечинмалари, туйгулари, тилаклари, мулоҳазаларини баён қилишини назарда тутади. Бу хил тасвир асаддаги тимсолларнинг маънавий қиёфаларини

жонлироқ, таъсирчанроқ ифодалашга хизмат қилади. Алишер Навоийнинг

**Дўстлар**, мен телба аҳволига йиғланг, зор-зор,  
Ким соладур гаҳ-гаҳ ут кўнглумга тушкан хор-хор,

### Заҳириддин Бобурнинг

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,  
Не кун бўлғай висолингға мени дилхаста етгаймен,

### Огаҳийнинг

**Эй сабо**, бу кун бориб, албатта, жононим сари,  
Арз қил, юз дарду фам юз қўйғонин жоним сари,

### Машрабнинг

**Эй мени нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан,**  
Бу кўнгул бўstonида фунча даҳоним, қайдасан

каби байтлари шу усул асосида яратилган эди.

Нидо усули диний мазмундаги асарлар — ҳамд, наът, муножот ва бошқаларда Оллоҳга, найғамбарга илтижо тарзида қўлланса, ишқий шеъриятда маҳбубага, дўстларга, кўнгилга, сабога, бошқа жонли ва жонсиз нарсаларга хитоб, мурожаат қўринишида акс этади.

Нидо усулидан лиро-эпик шеъриятда, хусусан, достонларда кенг фойдаланилади. Асар қаҳрамонларининг хилма-хил шахс ва буюмларга нидоси кўпинча монологлар сифатида ифодаланади. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг ўлими олдида отаси, онаси, Баҳромга, тоққа, тешасига мурожаати, «Лайли ва Мажнун» достонида Қайснинг боғдаги хилма-хил гулларга, саҳродаги ҳайвонларга нидоси ушбу қаҳрамонларнинг ички олами, қалб тугёнларини фоят жозибали ифодалашга имкон берган.

Нидо усулидан замонавий шеъриятимизда ҳам кенг фойдаланилади. Шоирларимиз унинг асосида кўплаб нафис асарлар яратганлар. Чўлпоннинг

Бинафша, сенмисан, бинафша сенми —  
Кўчада ақчага сотилган?

Бинафша, менманми, бинафша, менми —  
Севингга, қайфингга тутилган?

Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,  
Гўзалдир, ёшдир ул гуллар — фақат алданма унларга.

...Эй, ҳар турли қулликларни сиғдирмаган ҳур ўлка,  
Нега сенинг бўғизингни бўғиб ётар куланка?...

...Эй қоронги узун қишининг хаёли,  
Кўклам чоғи кўзларимда ўйнама

каби кўплаб безавол мисралари ушбу усульнинг шоир учун кенг имкониятлар яратишидан далолат бериб туриди. Шунинг учун ҳам нидо усулидан ҳар қайси ижодкор баракали фойдаланиб, фоят сержило ва таъсирчан асарлар битган.

## ИСТИФҲОМ

«Сўрамоқ» маъносини ифодаловчи бу усул шеърий асарларда лирик қаҳрамоннинг ички олами, қалбида мавжланаётган туйгулари, покиза орзуларини кимгадир ёки нимагадир мурожаат этиб сўраш орқали, саволлар воситасида акс эттиришни назарда тутади. Шеъриятимизда бу усул қадимдан жуда кенг қўлланиб келади. Ҳофиз Хоразмийнинг

Жигарим боғлади қон ёр учун, ёр қани?  
Сирри ҳолимни билур маҳрами асрор қани?

### Атоийнинг

Кўнгул олдинг, бегим, ёшурмоғинг не?  
Жафони ҳаддидин ошурмоғинг не?

### Гадоийнинг

Ул жафочи бизга бир кун меҳрибон бўлғайму, оҳ?  
Васлидин бу қайгулуқ жон шодмон бўлғайму, оҳ?

### Лутфийнинг

Боқмас манға жонона, ажаб ҳолат эмасму?  
Бўлди яна бегона, ажаб ҳолат эмасму?

каби кўплаб байтлари шу усул заминида битилган эди.

Қўриниб турганидек, мазкур усулда лирик қаҳрамоннинг саволи аксар ҳолда бирон муаммони аниқлашни эмас, балки ўзининг дил изҳорини шу тарзда баён қилиш мақсадини кўзлайди. Бинобарин, бундай савол асосан ҳис-ҳаяжонни ифодалайди.

Етук ижодкорлар ушбу усульдан фойдаланиб фоят таъсирчан асарлар яратганлар. Уларнинг шеърларида саволлар ҳар қайси байтда такрорланиб, асар фоясини қайта-қайта таъкидлашга хизмат қиласди. Алишер Навоийнинг

Дилбаро, сендин бу ғамким, менда бордур, кимда бор?  
Фурқатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор?  
...Кўргузур ағёр юз туҳмат ниҳони, найлайин?  
Ёрким сўрмай инонур, бу балони, найлайин?

### Бобурнинг

Бу ғамда менки ишим фикрини не навъ этайин?  
Не ерда сокин улай, не қилай, қаён кетайин?

### Огаҳий қаламига мансуб

Нози карашма боғининг сарви равони сизмусиз?  
Ошиқи хаста жисмининг роҳати жони сизмусиз?

каби дилбар байтлари фикримизнинг далилидир.

Мазкур усул тажоҳули ориф санъати қўлланган байтларда яширин ташбиҳ яратишга хизмат қиласди. Буни Атоийнинг

Менгиз ё равзаи ризвонмудур бу?  
Оғиз ё гунчаи хандонмудур бу?

### Машрабнинг

Икки рухсоринг қизил гулдурму ё барги суман?  
Донаи райҳон — қаро холу хатинг — саҳни чаман,  
Сийм тан, гул пираҳон, ширин сухан, нозук бадан,  
Одамисан ё парисан бу назокат бирла сан?  
Ҳурмусан, ғилмонмусан, жаннатмусан, ризвонмусан?

каби латиф мисраларида яққол кузатишимиз мумкин.

## АМР ВА НАҲИЙ

Амр ва наҳий усули «буюриш ва манъ қилиш» маъносини ифодалаб, шеърда лирик қаҳрамоннинг кимгадир ёки нимагадир буюриш ёки бирон нарсадан қайтариш тарзида ўз ички кечин-маларини баён этишини назарда тутади. Навоийнинг машҳур

Қаро кўзум, келу мардумлиг эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил,  
Огаҳийнинг

Илоҳий, шоҳ одил муддати умрин фаровон эт,  
Баҳори адли файзидин жаҳон мулкин гулистон эт

каби байтларида лирик қаҳрамоннинг ижобий истаги акс этган бўлса, Нодиранинг

Килмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,  
Ким азиз әлни қилур хор эҳтиёж,

## Фурқатнинг

Яна, жоно, мени дилхастани ҳайрон қилиб кетманг,  
Фироқ андуҳидин куйган юракни қон қилиб кетманг

каби байтларида ниманидир манъ этиш мазмуни ўз ифодасини топган.

Юқорида кўриб ўтилган шеърий санъатлар аввало қадимий ва безавол шеъриятимизнинг юксак бадииятидан, буюк ижодкорларимизнинг бекиёс санъаткорлик даҳосидан далолат беради. Лирик ва лиро-эпик асарлардан танланган кўплаб дурдона байтлар мисолида кўрганимиздек, шоирларимиз XI асрдан бошлабоқ ўз асарларининг фақат ғоявий жиҳатдангина эмас, айни вақтда бадиият нуқтаи назаридан ҳам баркамол бўлишига алоҳида диққат қилиб хилма-хил шеърий санъатлардан баракали фойдаланиб, нафис ва сержило обидалар яратганлар. Асрлар ўтган сари шеъриятимизнинг бадиият хазинаси янги-янги санъатлар билан бойиб борган, бу эса ўз навбатида лирик ва лиро-эпик шеъриятимизнинг тобора сержило ва таъсирчан бўла боришига сезиларли таъсир кўрсатган.

Адабиётимизнинг бадиий нафосати, унда кенг қўлланган маънавий ва лафзий санъатлар, хилма-хил ифода усуллари тилимизнинг ғоятда бойлиги ва гўзаллигидан, нозик ва теран туйфулар, мураккаб кечинмалар, мунаққаш ҳаётий лавҳаларни ёрқин ва жонли ифодалашдаги ниҳоятда кенг имкониятларидан ҳам далолат беради.

Шеъриятимизнинг бадиият хазинасини, ранг-баранг шеърий ва қофия санъатларини атрофлича ўрганиш, улардан ҳар бирининг бадиийлик қўлами ва имкониятлари, нозик лирик кечинмалар ва ҳаётий эпик лавҳаларни сержило тасвиirlашдаги ўрни ва аҳамиятини пухта ўзлаштириш адабиётимиз тарихини чуқур ўрганишгагина хизмат қилиб қолмай, ҳозирги шеъриятимизда уларни моҳирлик билан қўллаб истиқдол моҳияти, замондошлирамизнинг янгича маънавий қиёфаларини ёрқин акс эттириш учун ҳам ғоят муҳимдир. Замондош шоирларимиз гўзал бадиий обидалар яратиш соҳасида мумтоз шоирларимиздан кўп нарсани ўрганишлари, уларнинг бадиий салоҳият сирларини кашф этиб, ўз ижодларида кенг қўллашлари замон талабидир. Мумтоз шеъриятимизни яхши биладиган ижодкорларимизнинг тажрибалари фикримизнинг далили бўла олади.

## ИККИНЧИ БҮЛİM

### АРУЗ ОҲАНГЛАРИ ЛАТОФАТИ

/VIII асрда яшаб ижод қилган араб адабиётшунос, мусиқашунос олими Халил ибн Аҳмад томонидан асос солинган «Аruz» шеърий ўлчов тизими қарийб бир минг уч юз йилдан бери араб, форсий ва туркий адабиётларнинг асосий шеърий мезони сифатида қўлланиб келади. Унинг бунчалик кенг кўлами, умрбочиёлиги арузга хос латиф мусиқийлик, оҳанглар ранг-баранглиги, ҳаёт воқёлиги ва инсоний ҳиссиётлар оламини сержило мисралар воситасида таъсирчан, жозибадор ифодалаш имкониятларининг бениҳоялиги билан белгиланади.

| Араб шеъриятига VIII асрдан татбиқ этилган мазкур ўлчов тизими IX аср бошлариданоқ форс-тожик адабиётида ҳам қўллана бошлади ҳамда Рудакий, Фирдавсий, Дақиқий, кейинроқ Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий каби буюк шоирлар ижодидан мустаҳкам урин эгаллади. Арузниң туркий шеъриятга кириб келишини ҳам шу даврга нисбат бериш мумкин.

| IX—X асрларда туркий халқлар орасидан етишиб чиқсан кўплаб шоирлар ўша давр анъаналарига мувофиқ ўз асарларини араб тилида битар эканлар, аруз ўлчовига асосландилар, хилмажил мусиқий ва жозибадор вазнлар заминида гоявий ва бадиий жиҳатдан баркамол қасида ва газаллар, рубойй ва қитъалар яратдилар. XI асрнинг машхур адабиётшунос олими Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Ятимат-уд-даҳр» китобида бундай ижодкорлардан кўлларининг номлари ва асарлари зикр қилинган. Бу даврда туркий тилда ҳам арузниң енгил ва ўйноқи ўлчовларида кўплаб лирик шеърлар ёзилганлиги шубҳасиз. Зоро, бу хил тажрибаларсиз XI асрда Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг»дек йирик достонининг майдонга келиши маҳол эди.

XII аср туркий адабиётининг намунаси сифатида бизгача етиб келган «Ҳибатул ҳақойик» достони аруз назарияси ва амалиётини ўзлаштириб, нафис бадиий асарлар яратиш анъанаси бу даврда ҳам давом этиб, ривожланиб борганидан далолат беради. XIII—XIV асрлар давомида аруз ўлчови Паҳлавон Маҳмуд, Бадридин Чочий каби мутафаккир шоирларнинг форсий шеъриятида ҳам, Носириддин Рабгузий, Хоразмий, Кутб, Сайфи Саройи каби соҳиби каломларнинг туркий асарларида ҳам кенг қўлланди ва ўзбек адабиётининг асосий шеърий мезони булиб қолди. Бу ижодкорлар томонидан кўплаб лирик шеърлар, «Қиссаси Рабгузий» китоби, «Мұҳаббатнома», «Хисрав ва Ширин», «Гулистон» таржималари каби ўлмас асарларни битишда моҳирона фойдаланилган ўттиздан ортиқ вазн аруз ўлчовининг адабиётимизга тобора чуқурроқ кириб борганини, шоирларимиз

ушбу мураккаб ўлчов тизими назариясини тобора пухтароқ эгал-лаб, хилма-хил вазнлар асосида гўзал шеърий бадиалар яратиш маҳоратини ҳам изчилик билан ўрганиб борганларини кўрсатиб турибди.

XV аср ўзбек арузи ривожида алоҳида босқич саналади. Чунки бу даврнинг биринчи ярмида Атоий, Саккокий, Дурбек, Гадойй, Лутфий сингари туркигўй ижодкорлар ўз асарларини арузнинг энг жозибали ўлчовлари асосида яратиб, кўплаб вазнларни шеъриятимизга олиб кирган бўлсалар, буюк Алишер Навоий ўзининг лирик шеърлари, достонларини яратиш жараёнида аruz ўлчовининг барча имкониятларини синовдан ўтказиб, юзга яқин вазнини қўллаб, бу соҳада энг яхши муваффақиятларга эришиди.

Алишер Навоийнинг мазкур соҳадаги анъаналарини давом эттирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек арузини янги тарақ-қиёт босқичига кўтарди.

Алишер Навоий ва Бобур изидан борган ўзбек шоирлари хилма-хил вазнларни ўз шеъриятларида санъаткорлик билан қўллаб бориб, ўзбек арузини камол топтиридилар, қатор-қатор янги ўлчовларни кашф этиб, уни янада такомиллаштиридилар. Бу соҳада Машраб ва Нодира, Мунис ва Оғаҳий, Муқимий ва Фурқат, Ҳамза ва Авлоний каби соҳиби каломларнинг хизмати катта бўлди.

Аruz 1917 йилдан кейинги даврда ҳам ўзбек шеъриятининг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилди. Чўлпон, Ҳамид Олимжон,Faфур Ғулом, Ойбек, Уйғун каби шоирларимиз асосан бармоқ вазни асосида ижод қилган бўлсалар ҳам, энг яхши лирик шеърларини яратишда аruzга ҳам мурожаат қилдилар. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий каби ижодкорларнинг аксар асарлари мана шу шеърий мезон асосида ёзилган эди.

60-йилларда иқтидорли ёш шоир Эркин Воҳидов ўзининг «Ёшлик девони» билан шеъриятимизда арузнинг қайта жонланишига кучли таъсир кўрсатди. Унинг қадимий, лекин foят мусиқий, замондошимизга хос лирик кечинмаларни ниҳоятда латиф ифодалашга имкон берувчи мазкур қадимий ўлчовдаги шеърлари аruz имкониятларини яна бир бор намойиш қилди, унинг ҳали ўз умрини тутатмаганини, бу ўлчов заминида ранг-баранг туйгулар мавжини энг дилрабо мисраларда жилолантириш мумкинлигини исботлаб берди. 60—80-йиллардаги ёшлар шеъриятида аruz мезонидаги кўплаб лирик асарлар бевосита мана шу девоннинг таъсири остида яратилди, десак хато бўлмас. Абдулла Орипов, Жамол Камол, Ойдин Ҳожиева, Эътибор Охунова каби кўплаб шоирлар ўз шеърлари билан ўзбек арузининг гўзаллигини, жозибали оҳантларга бойлигини яна бир бор далилладилар.

Хозирги адабиётимизда, 90-йиллар шеъриятида ҳам аruz мустақил Узбекистонимизнинг дилрабо тароналарини, замондошимиз қалбидаги нозик ва мураккаб туйгуларни шаффоф мисраларда акс этириш ишига муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Аruz тизими асрлар давомида араб, форс-тожик ва туркий шеъриятларда амалий жиҳатдан қўлланиб келиши билан бир вақтда ушбу адабиётшуносликларда назарий жиҳатдан ҳам такомиллашиб борди, аruz маҳсус илм сифатида мактаб ва мадрасаларда муттасил ўргатилди, мазкур шеърий мезон назарияси ва амалиётига доир кўплаб илмий тадқиқотлар яратилди, рисолалар битилди. Халил ибн Аҳмаддан сўнг Ибн Усмон Мазиний, Имом Аҳмад ибн Абдураббиҳ, Ибн ал-Хатиб ат-Табризий, Зиёвуддин Абул Жайш ал-Ҳазрәжий каби араб олимлари ушбу илмга доир асарлар яратиб, аruz тараққиётига ҳисса қўшдилар.

Аruz илми ҳақида, айниқса, форс-тожик адабиётшунослигида кўплаб асарлар битилди. Мавлоно Юсуф Нишобурий (Х аср) форсий тилда арузга оид илмий асар яратган олимларнинг биринчиси эди. Рашидиддин Ватвот (XIII аср)нинг «Ҳадойиқ ус-сехр», Шамс Қайс (XIII аср)нинг «Ал-мўжам фи меёр ашъор ал-ажам», Насриддин Тусий (XIV аср)нинг «Меёр-ул ашъор», Салмон Савохий (XIV аср)нинг «Қасидатун маснуот ал-аруз», Абдураҳмон Жомий (XV аср)нинг «Рисолай аruz» асарлари форс-тожик арузининг назарий ва амалий ривожида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Аruz илми ривожига туркий халқлар орасидан етишиб чиққан адабиётшунос олимлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Машҳур файласуф Абу Наср Форобий (Х аср), Абу Али ибн Сино (Х—XI асрлар), Абу Қосим Замаҳшарий (XI—XII асрлар), Абу Яқуб Юсуф ибн Абубакр Саккокий (XII—XIII асрлар)лар ўзларининг араб ва форсий тилда битган илмий асарлари билан фақат араб ва форсий арузларга эмас, айни вақтда туркий аruz тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатдилар.

Туркий арузининг назарий ва амалий жиҳатдан шаклланиши ва изчил ривожланиб боришида Алишер Навоийнинг ilk бор туркий тилда яратилган «Мезонул авзон» («Вазнлар ўлчови») асари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Улуғ мутафаккир шоир аruz қоидаларини, хилма-хил баҳрлари ҳамда вазнларини туркий тилда муфассал баён қилиш билан чекланиб қолмай, туркий халқларнинг оғзаки шеърияти мезони билан аruz вазнлари ҳамоҳанглигини атрофлича далиллади ҳамда туркий тил хусусиятларини назарда тутган ҳолда арузининг туркий адабиётларда, хусусан, ўзбек шеъриятида кенг қўлланиши мумкин бўлган кўплаб ўлчовларини ҳам белгилаб берди.

Ўзининг лирик шеърлари ва достонларини яратишда арузининг ранго-ранг вазнларини синковлик билан синовдан ўтказган Навоий туркий тилларда ҳам аruz ўлчовлари асосида турли-туман жанр ва шаклларда ғоят латиф лирик асарлар яратиш ва йирик достонларни битиш мумкинлигини амалда исбот ҳам қилиб берган эди. Бу билан шоир туркий тилнинг бекёёс бойлиги ва бетакрор гўзаллигини шеърий ўлчов жиҳатидан ҳам намойиш қилди.

Ўзбек арузининг назарий ва амалий жиҳатдан янада камол топишида Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг «Мұхтасар» деб номланган йирик илмий асарининг аҳамияти бекістір. Олим ва шоир Бобур арузининг назарий асосларини мұкаммал ёритади, аруз үлчовларининг форсий ва туркий шеъриятлардаги мавқеини, құламини ҳар икки адабиёттің үлмас намуналари билан далиллайди, айни вақтда ўзбек арузи үлчовлар доирасынинг ниҳоятда кенглигини таъкидлаш мақсадыда шеъриятимизда құлланылиши мүмкін бўлган 537 үлчовни (улардан 400 га яқини мутлақо янги, Бобур томонидан кашф қилинган вазнлар) санаб ўтиб, улардан ҳар бирига бир байтдан мисоллар келтиради. Бинобарин, «Мұхтасар» ўзбек арузининг илм сифатидаги тараққиётida алоҳида ўрин тутади.

XIX аср охирларидан Зокиржон Фурқат ҳам аруз илмиға доир рисола битган эди. Ҳалигача нашр қилинмаган бу асарни профессор Фулом Каримов Остроумов фондидан топган эди. 16 бетлик бу кичик рисолада шоир арузининг шеъриятимизда кенг құлланган 55 вазни ҳақида маълумот берган, ҳар қайси үлчовга форсий ва туркий адабиётлардан мисоллар келтирилган<sup>1</sup>.

Инқилобдан кейинги даврда ҳам ўзбек арузининг назарий ва амалий масалаларини илмий тадқиқ этиш давом этди.

1936 йил Фитрат қаламига мансуб «Аруз ҳақида» рисоласи нашр этилди. Олим унда аруз қонунларини соддалаштириб баён қиласы, шеъриятимизда құлланган әнг мусиқий үлчовларнинг оқанғ хусусиятларини таъкидлаб, уларга ўзбек адабиётидан мисоллар келтиради.

1948 йили адабиётшунос олим Содиқ Мирзаев «Навоий арузи» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёзиг тугаллади. Тадқиқтота арузининг назарий масалалари Навоий «Мезонул авзон»и асосида баён қилинган, Навоий шеъриятида құлланган баҳрлар таъкидлаб күрсатылган эди. Олимнинг улкан хизмати шунда бўлдики, у Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асаридаги 3132 шеърнинг вазн хусусиятларини илк бор аниқлаб чиқди, уларнинг рукнларини, чизмаларини белгилаб берди. Бу жадвалардан адабиётшуносларимиз ҳануз фойдаланиб келмоқдалар.

Ўзбек арузининг назарий ва амалий масалалари таниқли олим Алибек Рустамовнинг «Аруз ҳақида сұхбатлар»<sup>2</sup> рисоласида ҳам ўз ифодасини топган. Тадқиқотчи ўз асарида Фитрат рисоласидаги анъаналарни янада ривожлантириб, аруз қонунлари, хилма-хил баҳрлар, вазнларнинг оқанғ хусусиятларини осонлаштириб ифодалаш усулини құллади. А. Рустамовнинг Навоий ва Ҳабибий шеърларининг вазн хусусиятлари ҳақидағы тадиқтлары<sup>3</sup> ҳам ўзбек арузидаги бадий маҳорат мұаммоларини ҳал қилиш нүктай назаридан аҳамиятлидир.

<sup>1</sup> Қаранг: F. Каримов. Ҳалқ, тарих, адабиёт. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1977, 125—126-бетлар

<sup>2</sup> Алибек Рустамов. Аруз ҳақида сұхбатлар. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1972.

<sup>3</sup> А. Рустамов. Ҳабибий шеърларининг вазни. Адабий мерос. 2-сон, Тошкент, 1971; А. Рустамов. Навоийнинг бадий маҳорати, Тошкент, 1979.

Адабиётшунос С. Ҳасановнинг Бобур рисоласи тадқиқига бағышланган изланишлари ҳам<sup>1</sup> ўзбек аруzinинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишга, хусусан, мазкур рисоланинг илмий-амалий қимматини атрофлича ёритишга бағышланган эди.

Кейинги йилларда ўзбек аруzinинг назарий масалаларини ўрганиш устида заҳматкаш олим Уммат Тўйчиев жиддий илмий текширишлар олиб борди, унинг «Ўзбек поэзиясида аруз системаси»<sup>2</sup> сарлавҳали йирик илмий асарида ана шу тадқиқотларнинг натижалари ўз ифодасини топган.

Кўриниб турибдики, XV асрдан бери ўзбек арзининг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари изчиллик билан тадқиқ қилиниб келди, ушбу шеърий мезоннинг етакчи хусусиятлари, энг мақбул, мусиқий баҳрлари ҳамда вазнлари белгиланди, имкониятлар кўлами аниқланди, баъзи ижодкорларнинг аруздан фойдаланишдаги маҳорати муносиб баҳоланди.

Лекин ўзбек арузи тарихи, камолот хусусиятлари, ҳар қайси ўзбек шоири ижодидаги ўрни, ҳар бир соҳиби каломнинг оҳанг яратишдаги санъаткорлигини ўрганиш соҳасида кўпдан-кўп муаммолар адабиётшунослигимиз олдидағи долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун эса, аввало, иқтидорли арузшунос мутахассисларни тарбиялаб етиштириш, мактаб ва олий ўқув юртларида ўзбек арузи назарияси ва амалиётини чуқур ўрганиш лозим. Шубҳасиз, бу соҳадаги энг катта масъулият мактаблардаги тил ва адабиёт ўқитувчилари зиммасига тушади. Уларнинг аруз назарияси ва амалиёти соҳасидаги билим ва малакалари ушбу шеърий ўлчов тизимини мактабларда мубаффақиятли ўрганиб боришнинг асосий гаровидир.

\* \* \*

Халил ибн Аҳмад аruz илми ва амалиётига асос солар экан, араб тилининг хусусиятлари, араб адабиётининг азалий анъаналари, услубиёти, шеър турларидан келиб чиқсан эди. У белгилаб берган баҳрлар, вазнлар араб тили ва шеъриятига қойилмақом бўлиб тушган эди. Аруз бошқа ҳалқлар адабиётларига ўтиб борар экан, ҳар қайси тил, ҳар қайси адабиёт хусусиятларига мос келиши қийин эди, албаттта. Шунинг учун ҳам форс-тожик шеъриятига кириб борган аruz назарий жиҳатдан ҳам, амалий нуқтаи назардан ҳам қатор ўзгаришларга дуч келади: араб адабиётига мувофиқ келувчи қатор баҳр ҳамда вазнлар, хусусан, тавил, майдид, басит, муқтазаб, қариб, мушокил, гарип баҳрлари форс-тожик шеъриятига мос келмаганилиги туфайли тушиб қолди, бошқа баҳрларнинг вазнларида ҳам кўпгина ўзгаришлар — алма-

<sup>1</sup> Қаранг: С. Ҳасанов. Бобурнинг «Аruz рисоласи»асари, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1981.

<sup>2</sup> У. Тўйчиев. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1985.

шувлар рўй берди; булар оқибатида форс-тожик арузи деб аталган шеърий ўлчов тизими шаклланиб борди.

Аruz туркий адабиётларга кўчганида ҳам худди шу хил ҳолат юз берди, юқорида зикр этилган баҳрларнинг туркий шеъриятларга ҳам мос тушмаслиги маълум бўлди. Туркий тилларнин араб ва форс тилларига нисбатан камроқ қўлланиши, қисқа ҳижоларнинг кетма-кет келиши каби хусусиятлар туркий арузниң шаклланишига сабаб бўлди. Унинг узвий бир қисми бўлган ўзбек арузи ҳам бир қатор жиҳатлари билан араб ва форс-тожик арузидан ажralиб туради. Аruz фонетикаси—ҳижоларнинг тузилиши ва турлари, асл рукнларнинг ҳосил қилиниши ва хилма-хил кўринишлари, баҳрларнинг ташкил топиши, зиҳофлар—ўзгаришларнинг хусусиятлари ва турлари араб, форс-тожик арузи каби ўзбек арузига ҳам хосдир. Ўзбек арузига маҳсус жиҳатлар қўйидагилар:

1. Ўзбек арузида 19 баҳрдан 11 тасигина қўлланади. Улар ҳазаж, ражаз, рамал, мунсариҳ, музориъ, мужтасс, ҳафиғ, сариъ, мутақориб, мутадорик, комил баҳрлариdir. Араб шеъриятига хос бўлган вофир, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, фарид, муқтазаб баҳрлари ўзбек арузига қўлланмайди.

2. Ўзбек арузида қўлланадиган баҳрларнинг ўзбек тили хусусиятлари билан белгиланадиган вазнлар доираси мавжуд. Бинобарин, шеъриятимизда қўлланадиган вазнлар сони ва турлари жиҳатидан араб ва форс-тожик шеъриятидаги вазнлардан фарқланиши мумкин.

3. Ўзгаришларнинг барчаси ҳам ўзбек арузига мос келавермайди, шунинг учун араб ва форс-тожик арузига хос жами 44 хил ўзгаришнинг 23 туригина шеъриятимизда қўлланади.

Аслида аruz шеърий ўлчов тизими сифатида араб ва форс-тожик шеъриятларига хос жами 19 баҳр, уларнинг жами 200 дан ортиқ вазнларини ўрганиб, ўзлаштириб келинган. Аruz илмига багишланган рисолаларнинг ҳар бирида шу ҳолатни кўрамиз. Лекин ўзбек арузи учун хос бўлмаган қоидалар, баҳрлар, ўзгаришлар, вазнларни ўзлаштириш ортиқча вақт сарфлашдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун биз китобда ўзбек арузи қоидаларинигина, шеъриятимизда фойдаланилган ва фойдаланилаётган баҳрлар ҳамда вазнларнигина ўрганишни мақсадга мувофиқ деб билиб, ўзбек арузининг энг муҳим қоидаларинигина баён қилдик. Айни чоғда, ана шу қоидаларни ўзлаштириш учун қулай бўлган тартиб билан ёритишга интилдик.

## «АРУЗ» ШЕЪРИЙ ЎЛЧОВ ТИЗИМИ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ


Халил ибн Аҳмад ўзи асос соглан илмни «Аруз» номи билан атаган эди. Бу сўзниг маъносини арузшунослар турлича изоҳлаб келганлар. Алишер Навоий ўзининг «Мезонул авзон» асарида бу сўз маъносини қуидагича шарҳлаган эди: «Халил ибн Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возиидир, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишки, ани «Аруз» дерлар эрмиш ва ул водийда аъроб уйларин тикиб, жилва бериб, баҳога киурурлар эрмиш. Ва уйни араб «байт» дер. Чун байтларни бу фан ила мезон қилиб, мавзунини номавзунидин аюрурлар, гёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била «аруз» дебтурлар»<sup>1</sup>. Кўринадики, улуғ шоир «аруз» истилоҳи Халил ибн Аҳмад яшаган манзилга яқин бўлган водий номини билдиради, деган фикрни таъкидляяпти, бу водийда араблар чодир уйларни тикиб, уларни безатиб, баҳосини аниқлаб сотар эдилар.

XV асрнинг таниқли адабиётшуносларидан бўлган Воҳид Табризий ўзининг «Жамиъ ул-мухтасар» номли асарида: «Аруз арабларнинг чодир уйини ушлаб турувчи устуннинг номи, арузийлар ҳар қайси байтнинг биринчи мисраси охиридаги руқнни ҳам «аруз» деб атайдилар, мисранинг мана шу охирги бўлаги айтилганида, шеърнинг қандай вазнда ёзилганлиги маълум бўлади»<sup>2</sup>, деб изоҳ берган эди. Аксар адабиётшунос олимлар «аруз» истилоҳининг шу тарздаги икки хил шарҳини маъқуллайдилар.

Шарқ мумтоз адабиётида кент қўлланиб келган аруз вазни шеър мисраларида қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда гуруҳланиб тақрорланишига асосланади. Маълумки, ҳозирги шеъриятимизнинг асосий ўлчов тизими ҳисобланган бармоқ ҳам шеър мисраларида бир хил миқдордаги ҳижоларнинг муайян тартибда гуруҳланиб тақрорланишини тақозо этади. Аммо унинг учун ҳижоларнинг сифати, яъни қисқа ёки чўзиқлиги аҳамиятсизdir. Масалан, Ҳ.Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъридан олинган қуидаги мисраларни кўздан кечираильик:

Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиг ҳис бор эди менда,  
Дарёлардан куйлаб ўтардим,  
Кўшиқларга қулоқ тутардим.

Шу мисралардаги ҳижоларни аниқласак, қуидаги чизма пайдо бўлади:



<sup>1</sup> К а р а н г: Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 14-том.Faфур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1967, 137-бет.

<sup>2</sup> Воҳид Табризий. «Джам-и муҳтасар». ИВЛ, Москва, 1959, 26-бет.

Кўринадики, ҳар қайси мисрада 9 тадан ҳижо бўлиб, улар 4—5 тарзидаги туроқларга бўлинниб такрорланади. Лекин мисралардаги чўзиқ ва қисқа ҳижолар сони ҳам ҳар хил, ўрни ҳам муайян эмас, яъни улар истаган миқдорда ва исталган ўринда кела олади. Аруз тизимида эса ҳар қайси мисрадаги қисқа ва чўзиқ ҳижолар сони ҳам бир хил, ўрни ҳам муайян бўлади. Масалан, Навоийнинг бир фазали матлаини кўздан кечираильик:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрӯ келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Шу байтнинг чизмасини тузсак, қўйидаги манзара ҳосил бўлади:

— v — — v — — v — — v —  
— v — — v — — v — — v —

Диққат қилинса, ҳар қайси мисрада 15 тадан ҳижо бўлиб, уларнинг 11 таси чўзиқ, 4 таси қисқа эканини, ана шу чўзиқ ва қисқа ҳижолар мисраларда маълум ўринларда келаётганини кўриш мумкин.

Чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг шу гарздаги такрорланиши маъйин мусиқий ритм-оҳангни таъминлайди. Фурқатнинг «Сайдинг қўя бер, сайёд» мусаддасидан икки мисрани шу тарзда кўздан кечираильик:

Сайдинг қўя бер, сайёд сайёра экан мендек,  
Ол домини буйнидин, бечора экан мендек.

Бу мисраларнинг чизмасини шундай кўрсатиш мумкин:

— — v v — — — — v v — — —  
— — v v — — — — v v — — —

Бинобарин, мазкур байтнинг ҳар мисрасида 14 тадан ҳижо бўлиб, уларнинг 10 таси чўзиқ, 4 таси қисқа. Ана шу ҳижолар мисраларда қатъий бир тартибда барқарор бўлиб такрорланади. Аруз тизимиға мансуб қайси бир вазнни олиб қараманг, уларда ана шу қоиданинг қатъий сақланишини кўрасиз.

Юқоридаги парчаларда чўзиқ ва қисқа ҳижолар ҳар қайси мисрада муайян тарзда ритмик гуруҳларга уюшиб такрорланган. Бармоқ тизимидан фарқли ҳолда ҳар қайси гуруҳда сўз ёки сўз бирикмаси тугалланиши шарт эмас, сўзлар ёки бирикмалар бўлинниб қолиб, иккинчи гуруҳга ўтиб кетиши ҳам мумкин. Ҳамид Олимжон шеъридан олинган парчада ҳар қайси мисрадаги биринчи гуруҳ — олдинги туроқлар **водийларни**, **бир ажиб ҳис**, **дарёлардан**, **қўшиқларга** тарзида тугалланган. Бу — бармоқ тизимиға хос қонун. Арузда ёзилган шеърларни кўздан кечирсан, биринчи мисрадаги «кеча келгум» ритмик гуруҳидаги сўзлар кейинги гуруҳда давом этаётганини кузатамиз. Бинобарин, бу хусусият ҳам аруз тизимиға хос саналади. Шунинг учун ҳам бу гуруҳлар бармоқда қўлланадиган «туроқ» истилоҳи билан эмас, «рун» («устун») истилоҳи билан ифодаланади.

Аруз тизимининг назарий масалаларини пухта ўзлаштириш, бу тизим асосида яратилган асарларни тўғри ва ифодали ўқиш, уларни foявий-бадиий таҳлил қилиш учун ҳижолар ҳамда руқнларнинг хусусиятлари, турлари, шеър тузилишидаги ўрнини пухта билиб олиш зарур.

## ҚИСҚА, ЧЎЗИҚ ВА ЎТА ЧЎЗИҚ ҲИЖОЛАР

Маълумки, шеърий мисраларда мусиқий оҳанг унли ва ундош товушларнинг муайян тартибдаги такоридан ҳосил бўлади. Шу туфайли ҳам аруз назариясига оид илмий асарларда сокин (мустақил ундош ёки чўзиқ унли) ҳамда мутаҳаррик (ҳаракатланувчи, яъни қисқа унли олдидағи ундош) ҳарфлар вазн яратувчи энг кичик жузв ҳисобланган. Бундай ҳарфлар араб ёзуви гагина хос бўлиб, биз улар асосида иш кўролмаймиз. Бизда аруз тизимининг энг кичик бўлаги сифатида ҳижо қабул қилинган. Шеърий вазн уч хил — қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижога асосланади.

Қисқа талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тугаган очиқ ҳижолар қисқа ҳижо деб аталади. Ўзвизн чизмасида V ёки ∞ белгиси билан ифодаланади.

Чўзиқ талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тугаган очиқ ҳижолар, шунингдек, таркибида қисқа унли бўлган ёпиқ ҳижолар чўзиқ ҳижо саналади. Бундай ҳижолар вазн чизмасида— (чизиқча) белгиси билан ифодаланади. Шеър мисраларидағи ҳижоларнинг чўзиқ ёки қисқалиги уларнинг ёзилишига қараб эмас, вазнга мувофиқ ўқилишига кўра аниқланади. Масалан, Машраб ғазалидан қуйидаги парчани кўздан кечирайлик:

Кўрсат жамолинг мастоналарга,  
Ишқингда куйган парвоналарга.

Мисраларни вазнга мувофиқ ўқиб туриб ҳижоларга ажратсак, қуйидаги чизма ҳосил бўлади:

Кўр-сат	жа-мо-линг	мас-то	на-лар-фа,
— —	v — —	— —	v — —
Иш-қинг-	да куй-ган	пар-во	на-лар-фа.
— —	v — —	— —	v — —

Яъни **кўр**, **сат**, **линг**, **мас**, **лар**, **иш**, **қинг**, **куй**, **ган**, **пар**, **лар** ҳижолари таркибида қисқа унли бўлган ёпиқ ҳижо, **мо**, **то**, **га**, **во**, **фа** ҳижолари эса чўзиқ унли билан тугаган очиқ ҳижо сифатида чўзиқ ҳижо деб белгиланади. **Жа**, **на**, **да**, **на** ҳижоларидаги «а» унлиси қисқа ўқилади ва шу туфайли қисқа ҳижо саналади.

Шуни ҳам билиб қўйиш керакки, чўзиқ ҳижонинг ҳар икки тури бир хил белги билан ифодаланса-да, улар оҳанг яратиш жиҳатидан тенг эмас; очиқ чўзиқ ҳижо ёпиқ чўзиқ ҳижога қарангда ёқимлироқ оҳанг беради.

Ёпиқ чўзиқ ҳижко таркибида чўзиқ унли келса, у анча чўзиқ талаффуз этилади. Бундай ҳижолар ўта чўзиқ ҳижко саналади. Шунингдек, қўш ундош билан тугаган ҳижолар ҳам ўта чўзиқ ҳижко ҳисобланади. Бундай ҳижолар мисра ичида — V белгиси билан, мисра охирида эса ~ белгиси билан ифодаланади. Масалан, Бобурнинг машҳур бир ғазалидан олинган қўйидаги парчага эътибор беринг:

Сўрма ҳолимники, бўлдум бурноғидин зорроқ,  
Жисм жондин зору, жоним жисмдин ағорроқ.

Байтни вазнга мувофиқ ўқисак, биринчи мисрадаги зорроқ сўзининг ҳар икки ҳижоси, ағорроқ сўзининг кейинги икки ҳижоси таркибидаги «о» унлиснинг чўзиқ талаффуз қилиниши туфайли бошқа ёпиқ ҳижолардан фарқланаб туради. Чунки улар ўта чўзиқ ҳижолардир. Кейинги мисрадаги жисм сўзининг ҳижолари эса қўш ундош билан тугалланган. Шунга кўра улар ҳам ўта чўзиқ ҳижко ҳисобланади. Байтнинг вазн чизмаси қўйидагича тузилади:

Сур-ма-ҳо-лим	ни-ки,	бўл-дим	бур-но-ғи-дин	зор-роқ,
— v — —	— v — —	— v — —	— v —	— v ~
Жисм-жон-дин	зо-ру	жо-ним	жисм-дин	аф
— v — —	— v — —	— v — —	— v —	— v ~

Бобурнинг қўйидаги байтини ҳам кўриб ўтайлик:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ўқишига алоҳида диққат қилинмаса, мисралардаги мусиқий оҳанг чиқмайди. Ифодали ўқишига эришиш учун ёз, ёр, дўст, шеър, ишқ ҳижолари таркибидаги унлиларни чўзуб талаффуз қилиш лозим, чунки улар ўта чўзиқ ҳижолардир. Байтнинг вазн чизмаси эса қўйидагича:

Ёз-fas-ли,	ёр-вас-ли,	дўст-лар-нинг	суҳ-ба-ти,
— v — —	— v — —	— v — —	— v —
Шеър баҳ-си,	ишқ-дар-ди,	бо-да-нинг	кай-ғи-яти
— v — —	— v — —	— v — —	— v —

Аруз тизими қоидаларига мувофиқ ҳижолар бир-бирига қўшилиб кетаверади. Хусусан, ёпиқ ҳижко охиридаги ундош вазн талаби билан ўзидан кейинги унли билан қўшилиб ўқилиши мумкин. Бу — **васл** ҳодисаси дейилади. Бу ҳолда чўзиқ ҳижко қисқа ҳижко ёхуд ўта чўзиқ ҳижко очиқ чўзиқ ҳижога айланиб қолиши мумкин.

Кўриниб турибдики, ўта чўзиқ ҳижко ритм — оҳанг ҳосил қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳижолар ҳақидаги юқорида айтилган маълумотларни амалий жиҳатдан пухта ўзлаштирмай туриб, аруз назариясининг бошқа масалалариға киришиб бўлмайди. Шунинг учун арузда яратилган шеърий асарда ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалигини аниқлаш юзасидан мумкин қадар кўпроқ машқ қилиш лозим. Шундагина ўқиш давомида ҳижонинг тури осонлик билан белгиланади. Хусусан, ўта чўзиқ ҳижоларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Машқ учун мисоллар:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондир жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

(Лутфий)

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

(Навоий)

Кўрдум юзунгни, девона бўлдум,  
Ақли ҳушимдин бегона бўлдум.

(Машраб)

Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар.  
Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар, ўртоғлар.

(Муқимий)

Дўстлар, айшу тараб фасли баҳор истар кўнгул,  
Ҳар куни саҳрова сайри лолазор истар кўнгул.

(Фурқат)

## САБАБ, ВАТАД, ФОСИЛА

Қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг бирикувидан сабаб, ватад, фосила<sup>1</sup> деб аталган бўлаклар ташкил топади.

Сабаб бир чўзиқ ёхуд икки қисқа ҳижо демакдир. Бир чўзиқ ҳижодан иборат бўлган сабаб (чизмаси: —) сабаби ҳафиф (енгил сабаб), икки қисқа ҳижодан тузилган сабаб (чизмаси: V V) эса сабаби сақийл (оғир сабаб) дейилади.

Қисқа ва чўзиқ ҳижонинг бирикувидан ватад деб аталган бўлак тузилади. Бундай бирикмада қисқа ҳижо чўзиқ ҳижодан олдин ёки кейин келиши мумкин. Шунга кўра ватадлар икки хил бўлади:

1. Ватади мажмуть, яъни қўшилган ватад.
2. Ватади мафруқ, яъни ажратилган ватад.

<sup>1</sup> Аруз илмига асос соглан араб адабиётшуноси Халил ибн Аҳмад шеър бирлиги — байтни уйга—шеър уйига ўҳшатиб, атамаларни ҳам арабларнинг чодир уйи ашёлари номидан олган. Сабаб, ватад, фосилалар ҳам шу хил уйни тиклашда фойдаланиладиган арқонча, қозиқча, наматлар номини билдиради.

Ватали мажмұғ чүзиқ ҳижонинг ўзидан олдин келган қисқа ҳижо билан бирикувидан тузилади ва чизмада V — белгиси билан ифодаланади.

2 Ватади мафруқ эса, аксинча, чүзиқ ҳижонинг ўзидан кейин келған қисқа ҳижо билан бирикувидан тузилади ва чизмада — V белгиси билан күрсатилади.

11 Ватадлар таркибидаги чүзиқ ва қисқа ҳижо бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, қўшиб талаффуз қилинади. Масалан, «гўзал ватан» бирикмасидаги ҳар икки сўз ҳижоларининг тузилиши ватади мажмұғга мисол бўла олади. Унда биринчи ҳижо қисқа бўлиб, кейинги чүзиқ ҳижо билан бирикиб келади, бир-биридан ажралмаган ҳолда талаффуз қилинади. Шунингдек, китоб, ҳаёт, қуёш, баҳор каби сўзлар ҳам ватади мажмұъни ифодалайди.

Фурқатнинг «Гимназия» шеъридаги:

Дема гимназияким, бир гулистон,  
Эрур ҳарёнда гулчинлар хироми —

байтигининг вазн чизмаси қўйидагича бўлади:

v — — — v — — — v — —  
v — — — v — — — v — —

Бу мисралардаги 1—2, 5—6 ва 9—10 ҳижолар, яъни биринчи мисрадаги **дема**, **зия**, **гулис**, иккинчи мисрадаги **эрур**, да **гул**, **хиро** ҳижо бирикмалари ватади мажмұъдан ташкил топгандир. Қолган чүзиқ ҳижолар сабаб ҳисобланади. Юқоридаги мисраларнинг тузилишини қўйидагича кўрсатиш ҳам мумкин:

Ватад сабаб сабаб ватад сабаб сабаб ватад сабаб  
v — — — — v — — — — v — —

Навоийнинг «Ул шайхки» газалидан қўйидаги парчани қўрайлик:

Ул шайхки минбар уза афсунга берур тул,  
Шайтондир ўзи, мажлисининг аҳли сурук гул,

Бу байтигининг чизмаси қўйидагича:

— — v v — — v v — — v v — —  
— — v v — — v v — — v v — —

Демак, мисралар ватад ҳамда сабаблардан тузилган. Ҳар қайси мисрадаги 2—3, 6—7, 10—11 ҳижолар ватади мафруқ (чүзиқ ҳижодан кейин қисқа ҳижо келған)ни ташкил этган бўлса, 4—5, 8—9, 12—13 ҳижолар ватади мажмұъни ҳосил қилган. Биринчи ва охирги (14-) ҳижолар эса сабабдир. Яъни байтигинг ҳар қайси мисраси:

Сабаб ватади мафруқ (ватади мажмұъ ватади мафруқ)  
ватади мажмұъ ватади мафруқ (ватади мажмұъ) сабабдан  
ташкил топган.

**Фосила** эса икки ёки уч қисқа ҳижонинг ўзидан кейин келган бир чўзиқ ҳижо билан биришидан ҳосил бўлади. Агар икки қисқа ҳижо билан чўзиқ ҳижо бирикса, **кичик фосила** (фосилаи сурро) тузилади ва у чизмада V V — тарзида кўрсатилиди. Уч қисқа ҳижо билан бир чўзиқ ҳижо бирикиб, катта фосила (фосилаи кубро) ҳосил қиласи ва у чизмада VVV — тарзида кўрсатилиди. Катта фосила ўзбек шеъриятида дэярли қўлланмаган.

## РУКН, УНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТУРЛАРИ

Сабаб, ватад ва фосилаларнинг бирикувидан шеърий мисралар ҳосил қилувчи энг йирик булак — **рукн** майдонга келади.

Бир сабаб билан ватади мажмӯй бириғасидан **«фаулун»** ва **«фоилун»** рукнлари ҳосил бўлади. Агар ватаддан сўнг сабаб келса, **«фаулун»** рукни, аксинча, сабабдан сўнг ватад келса **«фоилун»** рукни тузилади. Фаулун рукни чизмада V — — тарзида, фоилун рукни эса — V — тарзида ифодаланади.

Икки сабаб билан бир ватаднинг бирикувидан тўртта тўрт ҳижоли рукн тузилади. Булар **мафоийлун**, **фоилотун**, **мустафъилюн** ва **мафъулоту** рукнлариидир.

Ватади мажмудан сўнг икки сабаб келса, **мафоийлун** рукни (чизмаси: V — — —), ватади мажмӯй икки сабаб ўртасида келса, **фоилотун** рукни (чизмаси: — V — —), ватади мажмӯй икки сабабдан сўнг келганда, **мустафъилюн** рукни (чизмаси: — — V —) ҳамда икки сабабдан сўнг ватади мафруқ келса, **мафъулоту** рукни (чизмаси: — — — V) ҳосил бўлади.

Ватад ҳамда фосиланинг бирикувидан ҳам икки рукн — **мутафоилун** ва **мафоилатун** рукнлари майдонга келади.

Ватади мажмӯй **кичик фосиладан** олдин келганда, **мафоилатун** рукни (чизмаси: V — V V —) ҳамда шу ватад **кичик фосила**дан кейин келганда, **мутафоилун** рукни (чизмаси: V V — V —) тузилади.

Шундай қилиб, сабаб, ватад ҳамда фосилалар бирикувидан аруз вазнининг асллар деб аталувчи қўйидаги рукнлари ҳосил бўлади:

Рукн номи	чизмаси	Рукн номи	чизмаси
фаулун	V — —	мустафъилюн	— — V —
фоилун	— V —	мафъулоту	— V —
мафоийлун	V — — —	мутафоилун	V V — V —
фоилотун	— V — —	мафоилатун	V — VV —

## БАҲРЛАР, УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТУРЛАРИ

Аруз вазnidаги шеър ўлчовларининг асосий турлари — баҳрлар юқоридаги 8 рукннинг турли тартибда бирикиб тақрорланишидан ҳосил бўлади. Уларни қўйидагича гурухлаш мумкин:

**1. Бир рукннинг айнан такроридан тузилган баҳрлар.** Бундай баҳрлар 7 та бўлиб, мағъюлоту рукнидан бўлак, юқоридаги етти рукннинг айнан такроридан ҳосил бўлади. Яъни **фаулун** рукни такроридан **мутақориб** баҳри, **фоилун** рукни такроридан **мутадорик** баҳри, **мафоийлун** рукни такроридан ҳазаж баҳри, **фоилотун** рукни такроридан **рамал** баҳри, **мустафъилун** рукни такроридан **ражаз** баҳри, **мутафоилун** рукни такроридан **комил** баҳри ҳамда **мафоилатун** рукни такроридан **вофир** баҳри ҳосил бўлади.

Бир байтда бу рукнлар тўрт марта такрорланса, бундай вазни **мураббабъ** (арабча «тўртлик» дегани), олти марта такрорланса, **мусаддас** (арабча «олтилик»), саккиз марта такрорланса, **мусамман** (арабча «саккизлик») деб юритилади. Мисоллар:

Замона кулфатидин бу кўнгул доф ўлди, доф ўлди,  
Бу чархи бемурувватдан кўнгул доф ўлди, доф ўлди.

(Увайсий)

Мазкур байтнинг рукнлари ва чизмаси қўйидагича:

За-мо-на-кул	фа-ти-дин-бу	кў-нгул-до-ғўл	ди-до-ғўл-ди,
мафоийлун	мафоийлун	мафоийлун	мафоийлун
Бу-чар-хи-бе	му-рув-ват-дин	кў-нгил-до-ғўл	ди-до-ғўл-ди.
мафоийлун	мафоийлун	мафоийлун	мафоийлун

Кўринадики, бу байтда **мафоийлун** рукни саккиз марта такрорланяпти. Демак, ушбу шеър ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган экан.

Кўздин тўкулди қон ёшим, мен мубтало қайга борай?  
Раҳм айламас ул маҳвашим, мен мубтало қайга борай?

(Муқимиий)

Бу мисраларнинг рукнлари ва чизмаси қўйидагича:

Кўз-дин-тў-кул	ди-қон-ё-шим	мен-муб-та-ло	қай-га-бо-рай?
мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун
Раҳ-май-ла-мас	ул-маҳ-ва шим	мен-муб-та-ло	қайга-бо-рай?
мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун

Байтда мустафъилун рукни 8 марта такрорланган. Демак, бу шеърнинг баҳри ражаз бўлиб, вазнининг номи ражази мусамман солимдир.

Не хаёл эди янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,  
Баданимга ҳар саридин ҳаданг урубон анга қафас айладинг.

(Навоий)

Ушбу байт рукнлари ва чизмасини қуидагича кўрсатиш мумкин:

Не-ха-ёл-э-ди я-на-ким кў-нгул қу-ши-сай-ди-ни ҳа-ва-сай-ла-динг  
v v — v — v v — v — v v — v — v v — v —  
мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун

Ба-да-ним-ға-ҳар са-ри-дин-ҳа-данг у-ру-боң а-нга қа-фа-сай-ла-динг  
v v — v — v v — v — v v — v — v v — v —  
мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун

Бу байтда **мутафоилун** рукни 8 марта тақорорланяпти. Шунга кўра, унинг баҳри комил саналиб, вазннинг номи комили мусаммани солимдир.

Юқорида кўриб ўтганимиз бир хил рукннинг айнан тақороридан тузиладиган мутақориб, ҳазаж, ражаз баҳрлари ўзбек адабиётида асосан саккиз рукнли вазнлар сифатида энг кўп қулланади. Айниқса, ҳазажи мусаммани солим ва ражази мусаммани солим вазнларида шоирлар кўплаб лирик шеърлар яратганлар. Масалан, Навоийнинг «Ҳазойинул маоний» китобига кирган 3132 шеърдан 259 таси, шу жумладан, 245 фазали ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган. Муқимийнинг икки жилдлик танланган асарларига кирган 48 шеъри шу вазнда битилган.

**II. Икки хил рукнли баҳрлар.** Аруз вазнига мансуб бир қатор баҳрлар икки хил рукннинг маълум тартибда тақорорланишидан юзага келади. Бундай бирикиб тақорорланиш икки турлидир:

**Биттадан олинган икки хил рукннинг тақорорланишидан ҳосил бўлган баҳрлар.** Бундай баҳрлар бизга маълум 8 рукннинг иккита-иккита бўлиб тақорорланишидан тузилади.

**Мафоийлун ва фоилотун** рукнларининг кетма-кет тақорорланишидан музореъ баҳри юзага келади. Улар бир байтда:

мафоийлун фоилотун  
мафоийлун фоилотун

тарзида тақорорланса, музореи мураббаи солим вазни,

мафоийлун фоилотун мафоийлун  
мафоийлун фоилотун мафоийлун

тарзида тақорорланса, музореи мусаддаси солим вазни,

мафоийлун фоилотун мафоийлун фоилотун  
мафоийлун фоилотун мафоийлун фоилотун

тарзида тақорорланса, музореи мусаммани солим вазни ҳосил бўлади.

**Фоилотун ва мустафъилун** рукнларининг бирикиб тақорола-

нишидан **хафиф** ва **мужтасс** баҳрлари тузилади. Фоилотун руқни мустағъилундан олдин келиб тақорорланса, хафиф баҳри ҳосил бўлади. Уларнинг ўрин алмашиниб тақорорланишидан эса мужтасс баҳри юзага келади.

**Мустағъилун** ва **мағъулоту** руқнлари тақороридан мунсариҳ ва муқтазаб баҳрлари тузилади. Агар мустағъилун руқни мағъулоту руқнидан аввал келиб тақорорланса, мунсариҳ баҳри ҳосил бўлади. Мағъулоту руқни мустағъилун руқнидан аввал келиб тақорорланганда эса, муқтазаб баҳри тузилади.

**Фаулун** ҳамда **мағоийлун** руқнларининг бирикib тақорорланишидан **тавил** баҳри тузилади.

**Фоилотун** ва **фоилун** руқнларининг кетма-кет келиб тақорорланишидан **мадид** баҳри, мустағъилун ва фоилун руқнларининг кетма-кет келиб тақорорланишидан **басиг** баҳри ҳосил бўлади.

**Икки бир хил ва битта бошқа хил руқнларининг тақорорланишидан тузилган баҳрлар.** Бундай баҳрлар ҳар бир мисрада уч руқннинг маълум тартибда тақорорланишидан ҳосил бўлади. Улардан иккита-си бир хил, учинчиси бошқа хил руқндан иборат бўлади. Бир мисрада уч, бир байтда эса олтига руқн иштирок этгани учун бундай баҳрлар олти руқнлик, яъни мусаддас шаклдагина намоён бўлади, улар мураббаъ ва мусамман кўринишларига эга бўлмайди.

1. **Қарип** баҳри. Бу баҳр иккита мағоийлун ва битта фоилотун руқни тақороридан тузилади. Шеър байтларида доимо:

мағоийлун мағоийлун фоилотун  
мағоийлун мағоийлун фоилотун

тарзида қўлланиб, **қарibi мусаддаси солим** вазнини ҳосил қила-ди.

2. **Мушокил** баҳри. Бу баҳр иккита мағоийлун ва битта фоилотун руқни тақороридан тузилади. Солим руқнларининг ҳар бир байтда:

фоилотун мағоийлун мағоийлун  
фоилотун мағоийлун мағоийлун

тарзида тақорорланишидан мушокил баҳрининг мушокили мусад-даси солим вазни ҳосил бўлади.

3. **Фарип** баҳри. Бу баҳр иккита фоилотун ва битта мустағъилун руқни тақороридан тузилади. Бу руқнлар ҳар қайси байтда солим ҳолда:

фоилотун фоилотун мустағъилун  
фоилотун фоилотун мустағъилун

тарзида тақорорланишидан фарипи мусаддаси солим вазни ҳосил бўлади.

4. **Сарп** баҳри. Бу баҳр икки мустағъилун ва бир мағъулоту руқни тақороридан тузилади. Бу руқнларинг шеър байтларида:

мустағъилун мустағъилун мағъулоту  
мустағъилун мустағъилун мағъулоту

тарзида тақорорланишидан сареъи мусаддаси солим вазни ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, арузнинг 19 баҳри билан танишдик. Ҳазаж, жаҳаз, рамал, мутақориб, хафиғ, мужтасс, сарий баҳрлари ўзбек шоирлари ижодида кенг қўлланган, мутадорик, комил, мунсариҳ баҳрларида яратилган шеърий асалар унча кўп эмас. Улардан саккизтаси, хусусан воғир, мақтазаб, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, фариб баҳрларидан шеъриятимизда фойдаланилмайди.

## ЗИҲОФЛАР

Аruz вазнининг мураккабликларидан бири шундаки, биз юқорида кўриб ўтган саккиз асосий руҳн шеър мисраларида, баҳрларда кўпинча турли ўзгаришлар билан қўлланади. Бу ўзгаришлар аruz илмида зиҳоф деб юритилади. Саккиз руҳн ҳаммаси бўлиб 45 хилгача зиҳофга учрайди. Бу ўзгаришлари уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Руҳнлар таркибидаги ҳижоларнинг сон жиҳатидан ўзгариши, яъни ҳижоларнинг туширилиши ёки орттирилиши.
  2. Руҳнлар таркибидаги ҳижоларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши; чўзиқ ҳижоларнинг қисқа ёхуд ўта чўзиқ, шунингдек, қисқа ҳижоларнинг чўзиқ ҳижоларга айлантирилиши.
  3. Юқоридаги икки хил ўзгаришнинг бир вақтда қўлланиши, яъни руҳнлар таркибидаги ҳижоларнинг бир вақтда ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгартерилиши.
- Аruz вазнининг асоси бўлган руҳнларнинг турли хил ўзгаришларга дуч келиши натижасида уларнинг ўзгарган кўринишлари, фуруълари, яъни тармоқ руҳнлар ҳосил бўлади. Бундай тармоқ руҳнлар сони ҳар бир асосий руҳнда ҳар хил миқдорга ва ҳар хил кўринишга эга.

## МАФОЙЛУН РУКНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Мафойлун руҳни юқоридаги зиҳофлардан 12 тасига учрайди, демак, бу руҳннинг 12 хил тармоқ кўриниши мавжуд.

### 1. Ҳижоларнинг сон жиҳатидан ўзгариши натижасида ҳосил бўлган тармоқ руҳнлар

1. **Мафъулун** — мафойлун руҳнининг «харм» («бурунни кесиш») зиҳофига дуч келиб, биринчи қисқа ҳижоси туширилишидан ҳосил бўлади: мафойлун руҳнининг биринчи ҳижоси «ма» туширилгач, қолган «фойилун» қисми ўзига тенг мафъулу руҳни билан алмаштирилади ва «буруни кесик» маъносида **ахрам** деб юритилади.

2. **Фаулун** — «ҳазф» («ташлаш») зиҳофига дуч келишдан ҳосил бўлади: мафойлун руҳнининг охирги ҳижоси «лун» туширилади ва қолган «мафой» қисми ўзига тенг бўлган фаулун руҳни билан алмаштирилади ва **маҳзуф** деб юритилади.

3. **Фаал** — «жабб» («бичиши») зиҳофига дуч келиб, кейинги

икки сабабнинг туширилишидан ҳосил бўлади: мафойлун рукнининг «ийлун» қисми туширилгач, қолган «мафо» қисми ўзига тенг фаал рукни билан алмаштирилиб, **ажабб** деб юритилади.

4. **Фаъ** — «батар» («илдиздан афдариш») зиҳофига дуч келишдан ҳосил бўлади: мафойлун рукнининг олдинги уч ҳижоси — «мафойй» қисми туширилгач, қолган «лун» қисми ўзига тенг фаъ рукни билан алмаштирилади ва **абтар** деб юритилади.

## **II. Ҳижоларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукилар**

Мафойлун рукни таркибидаги ҳижоларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши, яъни чўзиқ ҳижоларнинг қисқа ҳижоларга ва аксинча ўзгартирилиши натижасида қўйидаги тармоқ рукилар ҳосил бўлади:

1. **Мафойлун** — «қабз» (ушлаб қолиш) зиҳофига дуч келиб, учинчи, чўзиқ ҳижонинг қисқа ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади ва **мақбуз** деб юритилади.

2. **Мафойлу** — «кафф» (қайтариш) зиҳофига дуч келиб, тўртинчи, чўзиқ ҳижонинг қисқа ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади ва **макфуф** деб юритилади.

3. **Мафойлон** — «тасбиф» (тўлдириш) зиҳофига дуч келиб, охирги чўзиқ ҳижонинг ўта чўзиқ ҳижога айлантирилишидан юзага келади ва мусаббаф деб юритилади.

## **III. Ҳижоларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукилар**

Мафойлун рукни таркибининг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгариши, яъни ҳижоларнинг туширилиши, айни вақтда чўзиқ ҳижоларнинг қисқа ҳижога ёки ўта чўзиқ ҳижога айлантирилиши натижасида қўйидаги тармоқ рукилар ҳосил бўлади:

1. **Фоилун** — «шатар» (айбли қилиш) зиҳофига дуч келиши туфайли биринчи ҳижоси туширилиб, айни вақтда учинчи ҳижоси қисқа ҳижога айлантирилгач, қолган фоилун қисми **аштар** деб юритилади.

2. **Фаул** — «хатм» (тишни синдириш) зиҳофига дуч келиб, кейинги икки ҳижонинг туширилишидан, айни вақтда иккинчи, чўзиқ ҳижонинг ўта чўзиқ ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади ва **ахтам** деб юритилади.

3. **Мафойл** — «қаср» (қисқартириш) зиҳофига дуч келиб, охирги ҳижонинг туширилиши ва учинчи, чўзиқ ҳижонинг ўта чўзиқ ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади ва **мақсур** деб юритилади.

4. **Мафъулу** — «харб» (вайрон қилиш) зиҳофига дуч келиб, биринчи ҳижонинг туширилиши, айни вақтда тўртинчи ҳижонинг қисқа ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади. Бундай ўзгаришдан сўнг қолган «фоийлу» қисми ўзига тенг мафъулу рукни билан алмаштирилади ва **ахраб** деб юритилади.

5. **Фөъ** — мафоийлун рукнининг «залал» (соннинг гүштсиз бўлиб қолиши) зиҳофига дуч келиб, биринчи, учинчи ва тўртингчи ҳижоларнинг туширилиши, айни вақтда қолган иккинчи ҳижонинг ўта чўзиқ ҳижога айлантирилишидан юзага қелади ва изалл деб юритилади.

Демак, мафоийлун рукнининг турли зиҳофларга дуч келиши натижасида унинг қуидаги тармоқлари (фуруълари) ҳосил бўлади ва тубандагича аталади:

1. Мафоийлон (v — — ~) — мусаббағ
2. Мафоилун (v— v —) — мақбуз
3. Мафоийлу (v — — v) — макфуф
4. Мафоийл (v — ~) — мақсур
5. Мафъулун (— — —) — ахрам
6. Мафъулу (— — v) — ахраб
7. Фаулун (v — —) — маҳзуф
8. Фоилун (— v —) — аштар
9. Фаал (v —) — ажабб
10. Фаул (v ~) — ахтам
11. Фаъ (—) — абтар
12. Фөъ (~) — азалл

Мафоийлун рукнининг тармоқлари шу рукнинг такори асосига қурилган ҳазаж баҳри вазнларида, шунингдек, мафоийлун руки иштирокида тузиладиган музореъ баҳри вазнларида қўлланилади.

Маълумки, баҳр — аruz шеърий ўлчов тизимининг асосий турларидан бири. Ҳар қайси баҳр эса кўплаб вазнларни — шу баҳрнинг тармоқларини ўз ичига олади.

Вазнларни аниқлаш учун шеърий асар байтлари, аксарият биринчи байти — матлаи вазнга мувофиқ ўқилади. Сўнг ҳар қайси мисраъ бўлакларга — рукиларга ажратилиб, уларнинг биз кўриб ўтган қайси асл ёки тармоқ рукиларга тенг эканлиги оғзаки ёки ёзма тарзда — чизмасини чизиш йўли билан аниқланади. Тармоқ руки қайси аслдан ҳосил қилингани белгилангач, баҳр маълум бўлади.

Шундан кейин бир байтда шу руки неча марта такрорланганига кўра вазннинг 4, 6 ёки 8 рукилилиги, ёхуд мураббаъ, мусаддас ёки мусамман эканлигини билиб оламиз. Ҳар қайси рукининг номини белгилаб, шу байт мисраларида қайси рукилар иштирок этганини ҳисобга олиб, вазнни топамиз.

Байтлардаги ҳар қайси рукининг ўз ўрнига кўра номи бор. Олдинги мисранинг биринчи руки **садр**, охиргиси **аруз**, кейинги мисранинг биринчи руки **ибтидоъ**, охиргиси **зарб**, қолган рукилар эса **ҳашв** деб аталади. Жумладан, 8 рукили байтда улар қуидагича жойлашади:

садр ҳашв ҳашв аruz  
ибтидоъ ҳашв ҳашв зарб

6 рукили байтда эса улар

садр ҳашв аруз  
ибтидоъ ҳашв зарб

тарзида ўрин олади.

Масалан, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган:

Недур аҳволинг, эй зори гарибим,  
Висолим давлатидин бенасибим

байтининг, у орқали эса достоннинг вазнини аниқламоқчи бўлсак, аввало, байтни ифодали ўқиймиз, сўнг уни:

Недур аҳво линг эй зори гарибим,  
Висолим дав латидин бе насибим

тарзида ритмик бўлак — рукнларга ажратамиз. Ҳар қайси рукн биз ўзлаштирган рукнларнинг асл кўриниши ёхуд бирон тармоғига тенг келади, ўша асл ёхуд тармоқни оғзаки аниқлаймиз.

Кўриниб турибдики, мисраларнинг биринчи — садр ва ибтидоъ ҳамда ўртадаги — ҳашв рукнлари мафойлунга, мисралар охиридаги аруз ва зарб рукнлари фаулунга тенг.

Оғзаки аниқлаш мушкил туюлса, ҳар қайси мисраъ чизмаси ни белгилаб чиқиш мумкин. Байт рукнлари чизмасини чизсак, шундай манзара ҳосил бўлади:

Не-дур аҳ-во	ли-нғ эй-зо-ри	га-ри-бим,
в — — —	у — — —	в — — —
Ви-со-лим-дав	ла-ти-дин-бе	на-си-бим.
в — — —	у — — —	в — — —

Олдинги чизмалар мафойлун, охиргиси эса фаулунга тенглиги кўриниб турибди. Фаулун-мафойлун рукнининг маҳзуф тармоғи. Мисраларда мафойлун рукни такрорланаётган экан, демак, байт ҳазаж баҳрида ёзилгани маълум бўлди. Байтда б рукн қўлланган, демак, у мусаддас, яъни — олти рукнли вазнда ёзилган. Садр, ибтидоъ, ҳашвлар — солим, аруз ва зарб эса маҳзуф кўринишида. Бинобарин, байт вазни ҳазажи мусаддаси садр, ибтидоъ ва ҳашвлар — солим, аруз ва зарб маҳзуф тарзида ифодаланади. Лекин аруз илмида вазнларни қисқача, солим рукнларни қўрсатмай, фақат тармоқ рукнларнинг таъкидлаш қабул қилинган. Шунга кўра, мазкур вазнни ҳазажи мусаддаси маҳзуф деб ифодалаш мумкин. Демак, вазнни қисқа ифодалаш учун байт ёхуд шеърнинг қайси баҳрда ёзилганлити, рукнлар сони ҳамда мисраларда қандай тармоқ рукнлар қўлланганини кўрсатиш керак экан.

### ҲАЗАЖ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳазаж баҳри мафойлун рукнининг шеър мисраларида такрорланишига асосланади. Шу асл рукн ва унинг кўриб ўтилган тармоқлари (фуруълари) ҳазаж баҳрининг кўпгина вазнларини белгилаш имкониятини яратади.

Алабиетимизда ҳазаж баҳрининг мусаддас (олти рукнли), мусамман (саккиз рукнли) ҳамда мустаҳзод (орттирилган, 12 рукнли) вазнлари кўп қўлланилган. Шулардан энг муҳимлари билан танишиб ўтайлик.

## ОЛТИ РУКНЛИ ВАЗНЛАР

Ҳазиж баҳрининг бу хил вазнларидан тўрттаси шеъриятимизда кўп учрайди.

1. **Ҳазажи мусаддаси маҳзуф.** Номидан куриниб турибдики, бу вазнда мафоййуннинг маҳзуф куриниши — фаулун рукни иштирок этади.

Чиқиб кенг пахта майдонларни кўрдик,  
Алирда яшнаган донларни кўрдик.

(Ҳабибий)

Юқоридаги байтни рукнларга ажратиб, уларнинг чизмасини белгилаб, ҳар қайси бўлакнинг қайси солим ва тармоқ рукнларга мослигини белгиласак,

Чи-қиб-кенг-пах	та май-дон-лар	ни-кўр-дик
мафоййун	мафоййун	фаулун

куриниши ҳосил бўлади. Демак, байтнинг садр, ибтидоъ ҳашвла-ри — солим, аруз ва зарб эса маҳзуф рукнга тенг экан. Шунга кўра, унинг вазни ҳазажи мусаддаси маҳзуф деб кўрсатилади.

2. **Ҳазажи мусаддаси мақсур.** Бу вазнда байтлардаги олти рукннинг иккитаси — мисралар охиридаги аруз ва зарб рукнлари мафоййун рукнининг мақсур куринишида — мафойил шаклида бўлади.

Юқоридаги вазндан фарқи фақат шундаки, охирги рукнлар ўта чизиқ ҳижо билан тугалланади. Масалан:

Қилур пайконларинг кўнглум ўтин тез,  
Агарчи қатра бўлмас шуъла ангез.

(Навоий)

Мазкур байт чизмасини аниқлаб, рукнларга ажратсак, қуйидаги куриниш ҳосил бўлади:

Қи-лур-пай кон	ла-ринг кўнг-лум	ў-тин тез
А-гар-чи қат	ра-бўл-мас-шув	ла-ан-гез
мафоййун	мафоййун	мафойил

3. **Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф.** Бу вазнда мафоййуннинг уч фуруъи — мағъулу, мафоилун ва фаулун рукнлари иштирок этади. Масалан:

Ҳар дам манга юз жафо қилурсан,  
Минт дардға мубтало қилурсан

(Оғажий)

Мазкур байтнинг садр ва ибтидоъ руқнлари мағбъул (ахраб)га, ҳашвлари мафоилун (мақбуз)га, аруз ва зарб руқнлари эса фаулун (маҳзуф)га тенгдир. Байт чизмаси эса қуидагича:

Ҳар-дам-ма	нга юз-жа-фо	қи-лур сан
— — v	v — v —	v — —
мағбъул	мафоилун	фаулун
Минг-дар-д	ға-муб-та-ло	қи-лур-сан
— — v	v — v —	v — —
мағбъул	мафоилун	фаулун

4. **Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур.** Бу вазн юқоридагидан мисралардаги охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги, яъни охирги руқннинг фаулун (маҳзуф)га эмас, мафойл (мақсур)га тенглиги билангина фарқланади. Масалан:

Тутғил бу жаҳонни, эй дилафгор,  
Бир дилбари шўху ноз кирдор.

(Оғажий)

байтининг вазнини аниқласак, қуидаги чизма ҳосил бўлади:

Тут-гил-бу	жа-ҳон-ни-эй	ди-лаф-гор,
— — v	v — v —	v — ~
мағбъул	мафоилун	мафойл
Бир-дил-ба	ри-шў-ху-но	з-кир-дор
— — v	v — v —	v — ~

Юқоридаги тўрт вазннинг ҳаммаси ҳам ўйноқи, ёқимли оҳангга эга бўлиши туфайли ҳам лирик, ҳам лиро-эпик шеърията кенг қўлланилган. Ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва мақсур вазнларида Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Кутбнинг «Хисрав ва Ширина», Лутфийнинг «Гул ва Наврӯз», Навоийнинг «Фарҳод ва Ширина» достонлари битилган. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф ва мақсур вазнларида Навоий ва Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» достонлари яратилган.

## САККИЗ РУКНЛИ ВАЗНЛАР

1. **Ҳазажи мусаммани солим** вазни шеъриятимиздаги энг ёқимли ўлчовлардан бири саналади. Унинг руқнлари ва чизмаси бир мисрада

мафойлун	мафойлун	мафойлун	мафойлун
v — — —	v — — —	v — — —	v — — —

тарнидадир. Тұртта қисқа ҳамда 12 та ұзық ҳижонинг бу хилдаги мұтаносиб тақори жозибали ва мусиқий оқанғни вужудға келтирады. Мазкур үлчовни дастлаб Атоій, Саккокий, Лутфий, Галой, Ҳофиз Хоразмийлар лирикасіда учратамиз. Ҳазажи мұсаммани солим вазни бу шоирлар ижодида ұзаж баҳри үлчовлари ичидә иккінчи, учинчі үринларда тұрса, Алишер Навоий «Хазойинул маоний»сіда анча кенг құлланиб ушбу баҳр вазнлары ичидә бириңчи үринни әгалайди. Шоирнің ҳазаж баҳридан жами 305 шеъридан 143 таси, жумладан, 121 газали, 7 қитъаси, 13 фарди, биттадан чистон ва мұаммоси шу үлчовда битилған эди. Бу анъана кейинги давр шеъриятыда ҳам изчил давом тиди. Жумладан, Огаҳийнинг ҳазаж баҳрида ёзған 310 шеъридан 103 таси, хусусан, 77 газали ҳазажи мұсаммани солим вазни ассоциададир.

Мазкур вазн ҳозирғи замон шоирлари ижодида ҳам кенг фойдаланылған. Ушбу үлчовдаги шеърларнинг «Шашмақом» күйларининг 40 тасига мос тушиши аниқланған.

### **Мисоллар:**

Боқар охулайин ҳар ён үшал иккі қаро күзлар,  
Ҳаданги ғамзасин отмог учун гүё қаро күзлар.

(Атоій)

Мени мен истаган үз суҳбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг суҳбатин күнглум писанд этмас.

(Навоий)

Хазон япроги янглиг гул юзунг ҳажрида сарғардим,  
Күрүб раҳм айлагил, эй лоларух, бу өчхраи зардим.

(Бобур)

Бу гулшан соз экан, соз устига соз этгали келдик,  
Қадронларни шод айлаб, сарафroz этгали келдик.

(Ҳабибий)

Варақтарни очурман тозалаб йилларни чангидин,  
Бу дониш маҳзани сұzlар манга афсона янгидин.

(Ә. Воҳидов)

**2. Ҳазажи мұсаммани мұсаббағ.** Бу вазнда битилған мисралар-нинг олдинги уч рукни мағоййлун, охиргиси мағоййлон, яғни мағоййлуннинг мұсаббағ тармоғига тенг бўлади.

Қизил ёхуд қаро ё күк түнүнг ҳар бир эрур мавзун,  
Нечукким, ой либоси ҳам шафақ, ҳам кеча, ҳам гардун.

(Навоий)

байтини рукнларга ажратиб, уларнинг чизмасини аниқласак,

охирги ҳижо ўз таркибидаги «у» унлисинг чўзиқ талаффуз қилиниши туфайли ўта чизиқ ҳижо ҳосил қилаётгани, бинобарин, охирги руҳи мафоййонга тенг эканлигини кўрамиз. Байт чизмаси эса қуйидагича бўлади:

Қизил ёхуд	қаро ё кўк	тўнунг ҳар бир	эрур мавзун,
v — — —	v — — —	v — — —	v — — ~
Начукким ой	либоси ҳам	шафақ ҳам ке-	ча ҳам гардун
v — — —	v — — —	v — — —	v — — ~

Чизмани рукнлар билан алмаштирасак,

мафоййун	мафоййун	мафоййун	мафоййлон
мафоййун	мафоййун	мафоййун	мафоййлон

кўринишига эга бўлади.

3. **Ҳазажи мусаммани ахраб.** Бу вазнда ёзилган шеърларнинг ҳар бир байти 8 рукнли бўлиб, кўпинча мисраларнинг биринчи ва учинчи рукнлари ахраб кўринишида бўлади. Масалан:

Сайдинг кўя бер, сайёд, сайёра экан мендек,  
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.

(Фурқат)

Бу байтнинг чизма ва рукнларини аниқласак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади.

Сай-динг-кў	я-бер-сай-ёд,	сай-ё-ра	э-кан мен-дек,
— — v	v — — —	— — v	v — — —
мафъулу	мафоййун	мафъулу	мафоййун
Ол-до-ми	ни-бўй-ни-дин	бе-чо-ра	э-кан-мен-дек
— — v	v — — —	— — v	v — — —
мафъулу	мафоййун	мафъулу	мафоййун

Мисоллар:

Гул барғ уза қилмишсен то сабзай тар пайдо,  
Кун кўзгусида гўё занг этти асар пайдо.

(Навоий)

Ул дилбари раъноға мен ёр бўлай дерман,  
Май берса манга андин бир қатра totay дерман.

(Машраб)

4. **Ҳазажи мусаммани аштар.** Мазкур вазнда мисраларнинг биринчи ва учинчи рукнлари мафоййуннинг аштар тармоғи — фоилунга тенг бўлади. Масалан:

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,  
Парчалаб кишанларни, боғ ичида жавлон қил.

(Ҳамза)

Банти шу вазнда битилган. Унинг чизмаси эса қуйидагича:

Келди-о	чи-лур-чо-ғи	ўз-ли-гинг	на-мо-ён-қил,
v —	v — — —	v — —	v — — —
Фоилун	мафойилун	фоилун	мафойилун
Парча-лаб	ки-шан лар-ни	бо-ғ и-чи	да-жав-лон-қил,
v —	v — — —	v — —	v — — —
Фоилун	мафойилун	фоилун	мафойилун

Мисоллар:

- Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,  
Қайдадард эли бўлса, ошно Увайсийман

(Увайсий)

- Ҳолима назар ул ой қилдиму экин оё,  
Жонда доди ҳижроним билдиму экин оё.

(Оғаҳий)

- Дўстлар, бу маҳфилда бу кеча нигорим йўқ,  
Айб қилмангиз бўлса сабр ила қарорим йўқ.

(Оғаҳий)

- Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимиstonлар,  
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулиstonлар.

(Фурқат)

- Мехри ойжамолингга кўнглим ошён бўлди,  
Мехр эмас, вужудимга балки айни жон бўлди.

(Ҳабибий)

**5. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф.** Бундай вазнда мафойилуннинг ахраб, макфуф ва маҳзуф руқнлари иштирок этади.

Мисол:

Ул шайхки, минбар уза афсунга берур тул,  
Шайтондор ўзи, мажлисининг аҳли сурук гул.

(Навоий)

Бу байт руқнларининг чизмасини аниқласак.

Ул-шай-х	ки-мин-бар-у	за аф-сун-ға	бе-рур-тул,
v — v	v — — v	v — — v	v — —
Шай-то-ду	рў-зи-маж-ли	си-нинг-аҳ-ли	су-рук-гул,
v — v	v — — v	v — — v	v — —

Кўриниши ҳосил бўлади.

Ана шу чизмага мувофиқ, байт руқнларини қуйидагича кўрсатишимиш мумкин:

мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаулун
мафъулу	мафойилу	мафойилу	фаулун
v — v	v — — v	v — — v	v — —

Демак, мисраларнинг биринчи рукилари — садр ва ибтидоъ мафойлуннинг ахраб кўриниши — мафъулу рукнига, ҳашвлар мафойлуннинг макфуф кўриниши — мафойлу рукнига, охирни рукилар — аruz ва зарб эса мафойлуннинг маҳзуф кўриниши — фаулунга teng. Шунга кўра бу байтнинг вазни ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф тарзида эканини таъкидлашимиз мумкин.

Бу вазн энг ёқимли, жозибадор ўлчовлардан бири ҳисобланаб, мумтоз адабиётимизда қўп қўлланган. Ҳусусан, XV—XVI асрларда ўзбек шоирлари — Лутфий, Навоий, Бобур ва бошқалар ўзларининг қўп фазалларини ана шу вазнда битганлар. Мисоллар:

Ёз бўлди, керак ул бути айёр топилса,  
Барча топилур, бизга керак ёр топилса,

(Лутфий)

Сенсан севарим: хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим: хоҳ инон, хоҳ инонма.

(Лутфий)

Эй турфа пари, одамининг жоними дурсан?  
Ё икки ёруғ кўзлари инсоними дурсан?

(Лутфий)

Кўнглумга қилай чора дедингу неча бора,  
Жон борди сенинг дардинг ила эмди не чора?

(Лутфий)

Ёр бордию, кўнглумда анинг нози қолибтур,  
Андоқки, қулогим тўла овози қолибтур.

(Навоий)

Ул ойга не ғам тушса бу девонадин айру,  
Бўлмас зарари шамъга парвонадин айру.

(Навоий)

Жоним чиқадур ҳажр ила жонон керак эрди,  
Кўнглум куядур дард ила дармон керак эрди.

(Навоий)

То кийди қизил ўзини зебо қилайн деб,  
Үт ёқти жаҳон мулкина фавғо қилайн деб.

(Машраб)

Дилбар юзини кўргали девона келибдур,  
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

(Машраб)

Кўрмас мени ўз базмиға чун ёр муносиб,  
Бўлгайму анға суҳбати ағёр муносиб.

(Мунис)

6. Ҳазажи ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод. Маълумки, мустаҳзодда ҳар бир мисрадаги 4 руқнга яна икки - биринчи ва туртинчи руқнлар орттирилади. Масалан:

Ишқинг ўтидин ўртанадур жони низорим,

ул навъики машъал,

Хокистар ўлуб елга борур гарди губорим,

жисмим бўлубон ҳал.

(Мунис)

Бу байт чизмаси қуйидагича:

Иш-қинг ў	ти-дин ўр-та	на-дур жо-ни	ни-зо-рим
— — v	v — — v	v — — v	v — —
мағъулу	мафоийлу	мафоийлу	фаулун
		ул навъ и	ки-машъ-ал
		— — v	v — —
		мағъулу	фаулун
Хо-кис-та	рў-либ ел-га	бо-рур гар-ди	гу-бо-рим
— — v	v — — v	v — — v	v — —
мағъулу	мафоийлу	мафоийлу	фаулун
		жис-мим бў	лу-бон ҳал
		— — v	v — —
		мағъулу	фаулун

## РУБОИЙ ВАЗНЛАРИ

Шарқ адабиётининг кенг тарқалган анъанавий шаклларидан бири бўлган рубоийлар ҳам ҳазаж баҳрида ёзилади. Уларнинг вазнларини аниқлаш бошқа шаклдаги шеърий асарларга қараганда мураккаброқ. Бунинг сабаби шундаки, рубоийларда кўпроқ тармоқ руқнлар иштирок этади, унинг устига бошқа шеърий асарларда барча мисралар кўпинча бир ё икки вазнда ёзилса, рубоийларда ҳар бир мисралар алоҳида вазнда битилиши, ҳам мумкин. Шарқ адабиётидаги барча рубоийларда қўлланиладиган руқнлар ўнтагинча бўлиб, барчаси мафоийлуннинг солим ва тармоқ руқнлариdir:


- |                      |                     |                 |
|----------------------|---------------------|-----------------|
| 1. Мафоийлун — солим | 5. Мағъулун — ахрам | 8. Фаул — ахтам |
| v — — —              | — — —               | v ~             |
| 2. Мафоийлу — макфуф | 6. Фоилун — аштар   | 9. Фаъ — абтар  |
| v — — v              | — v —               | ~               |
| 3. Мафоилун — мақбуз | 7. Фа ал-ажабб      | 10. Фоъ — азалл |
| v — v —              | v —                 | ~               |
| 4. Мағъулу — ахраб   |                     |                 |
| — — v                |                     |                 |

Шарқ адабиётидаги барча рубоийлар иштирок этувчи руқнлар жиҳатидан ахраб ва ахрам гуруҳларига бўлинади.

## АХРАБ ШАЖАРАСИ ВАЗНЛАРИ

Ахраб шажараси рубоий вазнларидан 12 тасини ўз ичига олуучи туркүм бўлиб, уларнинг барчаси мафойлуннинг ахраб тармоғи мафъулу рукни билан бошлангани учун шу ном билан аталган. Ушбу ўлчовлардан тўртгасининг иккинчи рукнлари мафойлун аслининг мақбуз тармоғи мафойлунга, тўртгасининг иккинчи рукнлари шу аслининг макфуф тармоғи мафойлуга, яна тўртгасининг иккинчи рукнлари мафойлун аслининг солими-мафойлунга тенг бўлади. Иккинчи рукнлари мафойлун ва мафойлуга тенг вазнлардан тўртгасининг учинчи рукни мафойлунга, яна тўртгасининг учинчи рукни мафойлуга тенг бўлади. Иккинчи рукни мафойлун бўлган тўрт вазннинг учинчи рукни мафойлун аслининг ахрам тармоғи мафъулун ёки ахраб тармоғи мафъулудан ташкил топади. Учинчи рукнлар мафойлун ё мафъулун бўлганда, тўртинчи рукнлар мафойлун аслининг абтар тармоғи фаъ ёки азалл тармоғи фоъдан, учинчи рукнлар мафойлун ё мафъулун бўлганда, тўртинчи рукнлар мафойлун аслининг ажабб тармоғи фаал ёхуд ахтам тармоғи фаулдан иборат бўлади.

Ахраб тармоғининг юқоридаги таркибда тузилган ўн икки вазнини шундай кўрсатиш ҳам мумкин:



Юқоридаги вазнлар ўз тузилишига күра рутоийнавислигигиңде күп ё кам құлланған, айримлардан мутлақо фойдаланылады.

Шеъриятимизда яратылған рутоийларнинг аксарият мисравы иккинчи рукни мағолулун бұлған **аҳраби мақбұз шаҳобчасиги** мансуб тұрт үлчовга асосланади. Бунинг сабаби ушбу шеърията қисқа ва чүзиқ ҳижоларнинг жойлашиши туфайли ҳосил бўлувчи ёқимли, салоботли оҳангда, албатта. Бу тұрт вазн күшиннелілардир:

Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбұзи солими аблар.

Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбұзи солими азалл.

Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбұзи макфуфи  
ажабб.

Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбұзи макфуфи  
ахтам.

Ўзбек адабиётида (Навоий, Бобур, Мунис, Оғаҳий, Аваз ижоди) яратылған бир вазнли 150 рутоийдан 100 таси ушбу шаҳобчасига үлчовларидан битилган.

Иккинчи рукни мағолулуга тенг **аҳраби макфуф шаҳобчаси** таркибиға киругчы тұрт вазндан юқоридаги мақбұз шаҳобчаси үлчовларига нисбатан рутоийнавислигимизда нисбатан камроқ фойдаланилған. Булар:

Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи солими аблар.

Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи солими азалл.

Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи ажабб.

Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи ахтам

иазнларидир.

Иккинчи рукни мағолулунга тенг бұлған **аҳраби солим шаҳобчасига** мансуб тұрт вазн эса шеъриятимизда мутлақо құлланмаган. Бунинг сабаби ушбу үлчовлар үртасида, яни иккинчи ва үчинчи рукнларда беш ёки олти чүзиқ ҳижонинг ёнма-ён келиши туфайли оғир оҳанг ҳосил бўлишидир. Бу тұрт вазн:

Ҳазажи мусаммани аҳраби солими ахрами аблар.

Ҳазажи мусаммани аҳраби солими ахрами азалл.

Ҳазажи мусаммани аҳраби солими ажабб

Ҳазажи мусаммани аҳраби солими ахтам.

Ахраб шажараси вазнларидан ҳар бирига хос хусусиятлар ва уларнинг шеъриятимизда қўлланиш кўламини шу вазнлардан ҳар қайсиси ҳақидаги маълумотлардан билиб олишингиз мумкин.

### «АҲРАБИ МАҚБҰЗ» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АҲРАБИ МАҚБҰЗИ СОЛИМИ АБТАР** вазни рутоийнавис шоирлар ижодида бошқа рутоий үлчовларига нисбатан кўпроқ қўлланған. Уннинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу мафоилун мафойлун фаъ  
— — V V — V — — —

тарзидадир. Таркиби эса мафойлун аслининг ахраб тармоғи мафъулу, мақбуз тармоғи мафоилун, солим күриниши мафойлун ҳамда абтар тармоғи фаълардан ташкил топади. Ушбу ўлчов шеъриятимиздаги кўпчилик рубоийларнинг таркибида қатнашади.

Кўйидаги рубоийларнинг барча мисралари мазкур ўлчов асосида яратилган:

Чун ишқи кўнгулнинг ичра бунёд айлар,  
Фам бирла хароб мулкин обод айлар.  
Жон бирла анинг ғамига бўлсанмандан,  
Ул дамда мани гаминдин озод айлар.

(Ҳофиз Ҳоразмий)

Жонимға етибтуур ҳумор, эй соқий,  
Май тутқилу берма интизор, эй соқий.  
Аввал ўзунг айла ихтиёр, эй соқий,  
Тутқил менга сўнгра зинҳор, эй соқий.

(Навоий)

Аҳбоб, фироқингиз била эл нетгай,  
Сизларга киши не чора айлаб етгай.  
Жамъиятингизни жамъ тутқай тенгри,  
Бобурни доғи бу жамъда жамъ этгай.

(Бобур)

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАҚБУЗИ СОЛИМИ АЗАЛЛ** вазни олдинги, ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар ўлчовидан фақат охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланиб, руқнлари ва чизмаси ҳар мисрада

Мафъулу мафоилун мафойлун фоъ  
— — V V — V — — — ~

тарзидадир. Яъни олдинги уч руқн олдинги вазннаги каби бўлиб, охирги руқнгина мафойлун аслининг азалл тармоғи фоъга тенг бўлади.

Ушбу ўлчовда битилган рубоий мисраларини барча рубоийнавис шоирларнинг шу жанрдаги асарларида учратишимииз мумкин.

Ушбу рубоийларнинг барча мисралари мазкур ўлчовдадир:

Маҳбубдуур гулу висоли матлуб,  
Кўрмак ани гулбун узра билгил маҳсуб.  
Базм ичра узуб кетурган эрмас марғуб,  
Ул навъки, мажлис ичра ўлган маҳбуб.

(Навоий)

Қиши бўлдию бўлди барча тому тош қор,  
Жамъияти бор кишига бордур хуш қор.  
Бу қишида ёмон йўлу паришон ҳолим,  
Ё раб, мени яхшилиқ сорига бошқор.

(Бобур)

Мунис, менгадур дамеки жонон мунис,  
Бахтимдек ўлур сипехри гардон мунис.  
Чун борди қошимдин эҳтиroz айлаб ёр,  
Не толеъ эрур манга, не даврон мунис.

(Мунис)

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАҚБУЗИ МАҚФУФИ  
ЛЖАББ вазни шеъриятимизда кенг қўлланган рубоий ўлчовла-  
ридан саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

мағъулу мафоилун мафоийлу фаал  
— — v v — v — v — v —

тарзидадир. Бинобарин, унинг таркибини мафоийлун аслининг ахраб тармоги мағъулу (садр ва ибтидода), мақбуз тармоги мафоилун (олдинги ҳашвда), макфуф тармоги мафоийлу (кейинги ҳашвда) ҳамда ажабб тармоги фаал рукнлари ташкил этади. Унинг таркибидаги 6 та қисқа ва 7 чўзиқ ҳижонинг шу хилдаги такрори ёқимли ва салоботли оҳанг ҳосил қиласди. Шу туфайли ҳам ушбу ўлчовдан XIV асрдан бошлаб рубоийнавис шоирлар кенг фойдаланганлар. Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Мунис, Оғаҳий, Аваз каби рубоийнавислар ижодида мазкур ўлчов айниқса кенг қўлланган. Ушбу рубоийларнинг барча мисралари мазкур улчов асосида ёзилган:

Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,  
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур.  
Сўз ким десун улки ихтиёрида дурур,  
Сўз яхшилиги чу ихтисорида дурур

(Навоий)

Ишқинг нетай ихтиёrsиз қилди мени,  
Сабримни олиб қарорсиз қилди мени.  
Оlam эли ичра орсиз қилди мени,  
Зуҳд аҳлига эътиборсиз қилди мени.

(Бобур)

Қуйидаги рубоийларнинг 1,2 ва 4-мисралари ушбу ўлчовда:

Сўз дур сочибон сўзунгдин андоқки садаф,  
Даҳл аҳли қошида йўқ анга қадри хазаф.  
Доно ҳаргиз қилмади нодон била баҳс,  
Хомуш бўлу ҳағудга бўлма тараф.

(Мунис)

Гул бўлмогуси юзунг жамолига эваз,  
Сарв ўлмогуси қадинг ниҳолига эваз.  
Жон берса ўлукка нечаким оби ҳаёт,  
Бўлғуси қачон лабинг зулолига эваз.

(Огаҳий)

То бўлди бир ойни ишқига зор кўнгул,  
Андин бери субҳи шом бемор кўнгул.  
Ул навъ этиб ўзни гирифтори фироқ,  
Минг ҳасрат ила аламга дучор кўнгул.

(Аваз)

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАҚБУЗИ МАҚФУФИ  
АХТАМ вазни ҳам ахраб шажарасига мансуб рубоий ўлчовлари-  
дан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу мафоилун мафоийлу фаул  
— — v v — v — v — — v v~

тарзидадир. Мазкур ўлчов олдинги ҳазажи мусаммани ахраби  
мақбузи макфуфи маҳзуф вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқ-  
лиги билангина фарқланади. Яъни охирги руҳи мафоийлун ас-  
лининг ахтам тармоги **фаулга** тенг бўлади.

Ушбу ўлчов гарчи унча кўп бўлмаса-да, барча рубоийнавис-  
лар асарларида қўлланади.

Куйидаги рубоийларнинг барча мисралари шу ўлчовда битил-  
ган:

Ул дурри саминки, бор эди кўзума ёш,  
Айларда ажал анга жафо расмини фош.  
Фам тирноғидин қилиб қароғимни харош,  
Ёшурғой эдим они кўзум уйида кош.

(Навоий)

Эй қомати сарву лаблари обиҳаёт,  
Будур тилагимки етгамен васлинга бот.  
Ҳажрингда манга не сабр қолди, не сабот,  
Ё кел бу сорига, ё мени ўзунга қот.

(Бобур)

## «АХРАБИ МАҚФУФ» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАҚФУФИ СОЛИМИ  
АБТАР рубоийнавислигимизда кенг қўлланган ўлчовлардан бири  
бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу мафоийлу мафоийлун фаъ  
— — v v — — v v — — —

тарзиладир. Унинг таркибини мафоийлун аслининг **ахраб** тармо-  
ғи **мафъулу** (биринчи рукнларда), макфуф тармоги **мафоийлу**

(инициити руқнларда), солим кўриниши (учинчи руқнларда) ҳам-  
и ибтижир тармоғи **фаъ** (охирги руқнларда) ташкил этади. 4 қисқа  
на савқиз чўзиқ ҳижонинг ушбу тартибда жойлашиши рубоийга  
хос пазмий оҳанг ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам шоирларимиз  
иниши имкониятларидан ўз рубоийларини яратишда кенг фойда-  
лийб келганлар. Мазкур вазн Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Али-  
шер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Аваз каби рубоийнавислар  
бигина асарларнинг кўплаб мисраларини яратишда қўлланган.  
Кўнидаги рубоийлар эса бутунисича ушбу вазн асосида ёзилган:

Жонимга қилур жавру жафо ёр асру,  
Ким ёр ичидә жавру жафо бор асру.  
Бүлдүм чекибон жавру жафо зор асру,  
Мен жаврқашу ёр жафокор асру.

(Навоий)

Эй ёр, сенинг васлинга етмак мушкил,  
Фархунда ҳадисингни эшиитмак мушкил.  
Ишқингни доги бартараф этмак мушкил,  
Бошни олибон ҳар сори кетмак мушкил.

(Бобур)

Зарра учубон нойири аъзам булмас,  
Ер болиш этиб авжи фалак хам бўлмас.  
Инсон аро нодонни билинг ҳайвондур,  
Хайвон неча зўр айласа одам бўлмас.

(Огахий)

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАКФУФИ СОЛИМИ АЗАЛЛ вазни ахраб шажарасидаги рубойй ўлчовларидан бири булиб, юқоридаги ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими айттар вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқлашади. Унинг руқнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу мафоийлу мафоийлун фоль

шаклидадир. Яъни олдинги уч рукни юқоридаги вазн сингари бўлиб, охирги рукнигина мафойлун аслининг **азалл** тармоғи **фольга** тенг.

Ушбу ўлчов рубоийнавис шоирларнинг асарлари мисраларида кам бўлса-да қўлланган. Жумладан, Алишер Навоий қаламига мансуб:

Ёшимга багир қони чу эрди монанд,  
Күз асралы ёшдек булуб андин хурсанд.  
Турмоди күзүмда еткач ул сарви баланд,  
Бұлмас киши фарзанда кишиға фарзанд

рубойсидаги 1-, 2-, 4-мисралар шу хил ўлчовда битилган. Бобур яратган

Аҳбобға қылсанг гузар, эй ел, ногоҳ  
Ул жамъни бу сүзүмдин этғил оғоҳ:

Сиз күргандек эсон-саломаттур биз,  
Сиз доги эсон бұлғасиз иншооллоҳ.

рубойисининг биринчи ва түртінчи мисралари ушбу вазн асоси-  
да ёзилган. Муниснинг

Ҳар дамки хаёлингни қилурман, эй шұх,  
Үммиди висолингни қилурман, эй шұх.  
Үлган танима равон кирап ширин жон,  
Чун ёди зулолингни қилурман, эй шұх.

рубойисидаги барча қофиядош мисралар мазкур үлчовда ёзил-  
ган.

**ҲАЗАЖИ МУСАММАСИ АХРАБИ МАКФУФИ АЖАББ** ру-  
боийнавислигимизда әңг күп құлланған вазнлардан биридир.  
Рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу мафоийлу мафоийлу фаал  
— — v v — — v v — — v v —

тарзіда бұлған ушбу үлчов мафоийлун аслининг **ахраб** тармоги  
**мафъулу** (садр ва ибтидода), **макфуф** тармоги **мафоийлу** (ҳашв-  
ларда) ҳамда **ажабб** тармоги **фаал** (аруз ва зарбда) рукнларига  
асосланади. 5 та қисқа ва еттита чүзик ҳижонинг жуфт-жуфт  
бұлиб тақрорланиши ушбу вазнга енгил ва ёқимли, айни өзде  
рубойиларга хос салоботли оқанғ бағишлайды.

Ушбу үлчов асосида ёзилған мисраларни дастлаб Лутфий,  
Сайфи Саройи ва Ҳоғиз Хоразмий рубойиларида учратамиз.  
Алишер Навоий ва Бобур, Мунис ва Оғаҳий сингари етук  
шоирлар ижодида эса бу үлчов жуда кенг құлланған.

Күйидаги рубойиларнинг барча мисралари шу вазнда би-  
тилған:

Жохилки ҳасад бұлғай аниң жаҳлиға зам,  
Нур әл күзидин англаста үз күзіда кам,  
Күзларни алишмоққа чекиб тиғи ситам,  
Әл күзини ҳам үйгаю үз күзини ҳам.

(Навоий)

Золимки әрүр зулму жафо ҳосил анга,  
Зулм этгали-үқ хотир үлур мойил анга.  
Бұлмоқ күш әмас қылғонидин хушдил анга,  
Үз зулмидин-үқ үлғусидур қойил анга.

(Навоий)

Коғир күзи бедод аён айлади ло,  
Жавр үқига жонимни нишон айлади ло.  
Ҳар лаҳза ишим оху фигон айлади ло,  
Охир мени расвойи жаҳон айлади ло.

(Оғаҳий)

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАКФУФИ АХТАМ**  
иши ҳам ахраб шажарасига мансуб ўлчовлардан бўлиб, руқн-  
лари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу мафойилу мафойилу фаул  
— — v v — — v v — — v v ~

тэрзиладир. Бинобарин, мазкур ўлчов юқоридаги вазндан охирги  
жонопинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади: олдинги уч руқн  
оддиги вазндаги каби бўлиб, охирги, аruz ва зарб руқнлари  
**Урнида мафойилун аслининг ахтам тармоғи фаул** келади.

Ушбу ўлчов ҳам аксарият рубоийнавислар ижодида маълум  
ларажада қўлланиб келган.

Масалан, Алишер Навоийнинг

Чун ханжари хажринг манга қатъ этти ҳаёт,  
Бори фами дардинг ўқини тинмайин от.  
Ким, онча қовурсун пар ўлуб бутса қанот,  
Тойир бўлубон еткамен охир санга бот,


## Огаҳийнинг

Ҳам меҳри жаҳонтоб санга чеҳраи ол,  
Ҳам икки қошинг ҳайъат аро икки ҳилол.  
Ҳам обиҳаёт икки лабинг ичра зилол,  
Ҳам сабзаи хат онда эрур Хизр мисол

рубоийларининг барча мисралари ушбу вазнададир.

## АХРАМ ШАЖАРАСИ ВАЗНЛАРИ

**Ахрам шажараси** рубоий ўлчовлари гуруҳи бўлиб, ўз ичига  
мафойилун аслининг **ахрам** тармоғи бўлмиш **мафъулун** руқни  
билан бошланувчи 12 вазнни олади. Ушбу шажарага мансуб  
тўрт вазннинг иккинчи руқнлари мафойилун аслининг **аштар**  
тармоғи **фоилунга**, тўрттасиники шу аслнинг **ахрам** тармоғи  
**мафъулуга**, яна тўрттасиники шу аслнинг **ахрам** тармоғи  
**мафъулунлардан** бирига teng бўлади. Иккинчи руқнлари **фоилун** ёки **мафъулуга** teng вазнларнинг учинчи руқнлари ма-  
фойилун аслининг солимидан ёки шу аслнинг **макфуф** тармо-  
ғи **мафойилудан**, иккинчи руқнлари **мафъулунга** teng бўлган  
тўрт вазннинг учинчи руқнлари **мафъулун** ёки **мафъулудан**  
иборат бўлади. Учинчи руқн **мафойилун** ёки **мафъулун** бўлиб  
келганда, бундай вазнларнинг тўртинчи руқнлари **мафойилун**  
аслининг **абтар** тармоғи **фаъ** ёки **азалл** тармоғи **фоъга**, учинчи  
руқнлари **мафойилу** ёки **мафъулу** бўлиб келган вазнларнинг  
тўртинчи руқнлари **мафойилун** аслининг **ажабб** тармоғи **фаал**  
ёки **ахтам** тармоғи **фаулга** teng бўлади. Ахрам шажараси вазн-  
ларини қўйидагича кўрсатиш ҳам мумкин:



Юқоридаги 12 вазн үз хусусиятларига күра рубоийнавислиги-мизда турли даражада құлланған. Иккінчи руқни фоилун (аштар)га тенг бўлган тўрт вазндан ушбу шажаранинг бошқа ўлчовларига нисбатан енгилроқ бўлгани учун шеъриятимизда нисбатан кенгрок фойдаланилган. Бўлар:

Хазажи мусаммани ахрами аштари солими абтар.

**Хазажи мусаммани ахрами аштари солими азалл.**

Хазажи мусаммани ахрами аштари солими азаби. Хазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ажабб.

**Хазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ахтам**

үлчовларидир.

Ушбу шажаранинг иккинчи рукни мағъбулуға тенг бўлган яна тўрт вазн тузилишига кўра оғирроқ оҳангга эга, чунки уларнинг барчаси беш чўзиқ ҳижо билан бошланади. Шунга кўра улар рубоийнавислигимизда жуда кам қўлланган.

Булар қуидаги үлчовлардир:

Хазажи мусаммани ахрами ахраби солими абтар.

Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими азалл.

Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб.

Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ахтам.

Иккинчи рукни мағұлуңнан тенг бүлған түрт вазн эса жуда оғир өхәнгә зәға. Чунки бу ларда 9 ёки 10 құзық ҳижо кетма-кет келади. Шу туғайли ҳам улар асосида яратилиши мүмкін бүл-

ни мисралар ўқиши учун ноқулай. Ана шу хусусиятига күра ушбу тұрғындан шеъриятимизда мутлақо фойдаланилмаган. Булар:

Хазажи мусаммани ахрами айттар.  
Хазажи мусаммани ахрами азалл.  
Хазажи мусаммани ахрами ахраби ажабб.  
Хазажи мусаммани ахрами ахраби ахтам

Ұлчовлариidir.

Ахрам шажараси вазнларига хос хусусиятларни улардан ҳар бири ҳақидаги маълумотлардан билиб олишинингиз мумкин.

### «АХРАМИ АШТАР» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АШТАРИ СОЛИМИ АЛЬГАР** вазни ахрам шажарасига мансуб рубоий үлчовларидан бўлиб, руқнлари ва чизмаси бир мисрада

мағбъулун фоилун мафоийлун фарь

тәрзиадидир. Иккита қисқа ва тўққизта чўзиқ ҳижонинг ушбу тартибдаги такорори анча оғир оҳангни вужудга келтиради. Шунинг учун ушбу үлчовдан жуда кам ҳолатларда фойдаланилган. Мазкур вазнда битилган рубоий мисралари Алишер Навоийга қўйдар учрамайди. Шоир ушбу үлчов имкониятларини илк бор ўз рубоийларида синааб кўрган эди. Чунончи, унинг қаламига мансуб

Ҳажрингда менинг сабрима жуз нуқсон йўқ,  
Кўнглум аро ғайри нолау афгон йўқ.  
Жонимга ҳаёт умиди худ имкон йўқ,  
Йўқ, йўқ, йўқ, сабр йўқ, кўнгул йўқ, жон йўқ.

рубоийсининг охири мисраи

Ҳақдин эмин бўлубки жон топқайсен,  
Ғайридин хавфи бегарон топқайсен.  
Андинки рижойи жовидон топқайсен,  
Хавф айлаки, ғайридин амон топқайсен

рубоийсидаги аввалги икки мисра ушбу үлчов асосида ёзилган. Бобурнинг

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,  
Рўзи қилгай худой нусрат сизга.  
Мардоналиғинғизни бори эл билди,  
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга.

рубоийсининг иккинчи ва тўртинчи мисралари мазкур үлчовладидир.

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АШТАРИ СОЛИМИ АЗАЛЛ** вазни рубоийнавислигимизда энг кам қўлланган үлчов-

лардан саналади. Ахрам шажарасидаги ушбу вазн рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мағұулун фоилун мафойлун фоъ

— — — — v — v — — —

тарзидадир. Күриниб турганидек, мазкур үлчов таркибидаги олдинги уч рукн юқоридаги рубой вазни — ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими абтар билан айнан үхашаш бўлиб, охирги рукнгина фарқ қиласди: ушбу үлчов мафойлун аслининг азалл тармоги фоъ рукни билан тугалланади. Икки қисқа, саккиз чўзиқ ва бир ўта чўзиқ ҳижонинг шу тартибдаги таркибидан тузилган мазкур үлчов анча оғир оҳангга эга. Шунинг учун ҳам ундан шоирларимиз жуда кам фойдаланганлар. Алишер Навоийнинг икки рубоийсидаги биттадан мисра ҳамда Бобур рубоийсидаги ягона мисра шу үлчовда ёзилган. Навоийнинг

Ёш улғайса тоқи муқарнасдур дард,  
Балки мамлу сипеҳри атласдур дард,  
Қари кишига балки кам эрмасдур дард,  
Юз сиҳати бўлса, қарилиқ басдур дард.

рубоийсидаги иккинчи мисра ҳамда

Бекаслигу дард куйида гард үлмоқ,  
Хушроқки ямон била ҳамовард үлмоқ,  
Ёлғуз бўл, топма ранжпарвард үлмоқ,  
Хушроқ чу ямон рафиқдек фард үлмоқ.

рубоийсининг учинчи мисра мазкур үлчовда ёзилган. Бобур яратган

Келдим санга юз умид бирла, эй моҳ,  
Лекин ёндим юзингни кўрмай, юз оҳ.  
Ҳамсуҳбату ҳамроҳни нетай бу йўлда,  
Дардинг манга ҳамсуҳбату, ишқинг ҳамроҳ.

рубоийсидаги иккинчи мисра ҳам шу вазнададир.

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АШТАРИ МАКФУФИ  
АЖАББ** вазни ҳам ахрам шажарасига мансуб рубоий үлчовларидан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мағұулун фоилун мафойлун фаал

— — — — v — v — — v —

тарзидадир. Унинг таркибини мафойлун аслининг ахрам тармоғи мағұулун (садр ва ибтидода), аштар тармоғи фоилун (олдинги ҳашвда), макфуф тармоғи мафойлун (кеинги ҳашвда) ҳамда ажабб тармоғи фаал (аруз ва зарбда) рукнлари ташкил этади. Ушбу үлчовда 4 қисқа ва 8 чўзиқ ҳижонинг юқоридаги тарзда такрорланиши ахрам шажарасининг бошқа вазнларига нисбатан енгилроқ оҳангни ҳосил қиласди. Мазкур үлчов Алишер Навоийдан бошлиб Бобур, Оғаҳий каби шоирлар яратган ру-

бонайарда кам бўлса-да қўлланиб турган. Жумладан, Алишер Навоий қаламига мансуб

Хуштур бўлсоқ иковла ҳамдам сену мен,  
Бир-бирга десак етушса ҳар фам сену мен.  
Бўлсоқ бор эсак ҳарамга маҳрам сену мен,  
Муғ дайри аро бўлса ватан ҳам сену мен

рубоийсининг биринчи мисраи мазкур ўлчовда битилган. Бобур иши

Сен гулсену мен ҳақир булбулдумен,  
Сен шуъласен, ул шуълаға мен қулдумен.  
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,  
Шаҳмен элга vale санга қулдумен

рубоийсидаги учинчи мисра ҳам ушбу вазн асосида яратилган.  
Оғаҳий ёзган

То тушти фироқ ўтиға бемор кўнгул,  
Юз дарду фаму аламга дучор кўнгул.  
Даврон ситами тийғидин афгор кўнгул,  
Бўлмиш мандин малулу безор кўнгул!

рубоийсининг охирги мисраи ҳам мазкур ўлчовдадир.

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АШТАРИ МАКФУФУ АХТАМ** вазни ҳам ахрам шажарасига мансуб рубоий ўлчовларидан. Унинг руқнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун    фоилун    мафоийлу    фаул  
— — —            — v —            v — — v            v ~

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчов юқорида кўрганимиз **ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ажабб** вазнига яқин бўлиб, олдинги уч руқни у билан айнан бир хил, фақат охирги руқндагина мафоийлун аслининг **ажабб** тармоғи фаал ўрнига шу аслининг **ахтам** тармоғи **фаул** келган холос. Бу хил таркибдаги қисқа ва чўзиқ ҳижолар анча оғир оҳанг ҳосил қиласди. Шунга кўра ушбу ўлчовдан рубоийнавислигимизда фойдаланилмаган.

### «АХРАМИ АХРАБ» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АХРАБИ СОЛИМИ АБТАР** вазни ахрам шажарасидаги рубоий ўлчовларидан бўлиб, унинг руқнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун    мафъулу    мафоийлун    фаъ  
— — —            — — v            v — — —            —

тарзидадир. Унинг таркибини **мафоийлун** аслининг **ахрам** тармоғи **мафъулун** (садр ва ибтидода), **ахраб** тармоғи **мафъулу** (олдин-

ги ҳашвлар ўрнида), солим кўриниши **мафоийлун** (кейинги ҳашвларда) ҳамда **абтар** тармоғи **фаъ** рукнлари ташкил этади. Иккитагина қисқа ва тўққиз чўзиқ ҳижонинг бу хил такори оғир оҳанг ҳосил қиласи. Шу туфайли бу ўлчов рубоийнависли гимизда кам қўлланган. Мазкур вазнда ёзилган дастлабки мисраларни Ҳофиз Хоразмий рубоийларида кўрамиз. Чунончи, унинг

Ишқ ичра қачонки бенишон бўлгайман,  
Кул ҳам бўлсан шоҳи замон бўлгайман.  
Хоки қадамингга бош қўюб ер упсан,  
Оlamning ичинда комрон бўлгайман

рубоийсининг иккинчи мисраси шу ўлчов асосида яратилган эди.

### Алишер Навоийнинг

Олам тарки кишига ҳимматдин эрур,  
Ким кўп шиддат ул сори рағбатдин эрур.  
Нафсингга қаю аламки шиддатдин эрур,  
Махфий тутмоқ они мурувватдин эрур

рубоийсидаги иккинчи ва тўртинчи мисралар ушбу ўлчов асосида ёзилган. Бобурнинг

Бир зулфдин, эй кўнгул, паришон бўлма,  
Бир юзга ҳам асрү зору ҳайрон бўлма.  
Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин,  
Андоқ қилким, сўнгра пушаймон бўлма

рубоийсидаги охирги мисра ҳам шу ўлчовда.

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АҲРАМИ АҲРАБИ СОЛИМИ АЗАЛЛ** вазни ҳам аҳрам шажарасига мансуб рубоий ўлчовларидан биридир. У олдинги ҳазажи мусаммани аҳрами аҳраби солими абтар вазnidан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Шунга кўра унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун    мафъулу    мафоийлун    фоъ  
— — —    — — V    V — — —

тарзидадир. Мазкур ўлчовнинг аввалги уч рукни юқоридаги вазн каби бўлиб, охирги рукни **мафоийлуннинг ахтам** тармоги **фоъга** тенг.

Бу вазн ҳам рубоийнавислигимизда жуда кам қўлланган бўлиб, баъзи шоирлар яратган асарларнинг айrim мисраларигина унинг асосида ёзилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг

Эй жони ҳабибу кўнгли аҳбобқа лол,  
Мен ҳам қилдим жону кўнгулни ирсол,  
Кўнглумга бер аҳбоб била жоми висол,  
Жонимни ҳабиб аёғи туфроғига сол

рубоийсидаги иккинчи мисра ўлчовдадир.

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АХРАБИ МАКФУФИ**  
ААЛЫБ вазни рубоийнавислигимизда кам қўлланган ахрам  
шакараси ўлчовларидан бири бўлиб, таркибини **мафоийлун** ас-  
шини ахрам тармоғи **мафъулун** (садр ва ибтиода), ахраб  
тормоти **мафъулу** (олдинги ҳашвларда), **макфуф** тармоғи **ма-  
фоийлу** (кейинги ҳашвларда) ҳамда **ажабб** тармоғи **фаал** (аруз  
на трабда) ташкил этади. Шунга кўра унинг рукнлари ва чиз-  
маси бир мисрада

Мафъулун мафъулу мафоийлу фаал  
— — — — — v v — — v v —

тарниладир. Мазкур ўлчов шеъриятимизда битилган рубоийлар-  
нинг баъзи мисраларида қўлланган. Ушбу вазнда ёзилган мисра-  
тар дастлаб Алишер Навоий рубоийларида учрайди. Огаҳий ҳам  
баъзи рубоийларида бу ўлчовга мурожаат қилган. Жумладан,  
Алишер Навоий қаламига мансуб

Ҳар кимки тамаъдурур гирифторлиги,  
Не суд анга аҳли саҳо ёрлиги.  
Иzzат бермас нақду дирам борлиги,  
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиги

рубоийсидаги учинчи мисра шу ўлчовда ёзилган эди. Ога-  
ҳийнинг:

Борди кўнглум, келмади дилдор ҳануз,  
Васлиға магар топмади ул бор ҳануз.  
Ё васлиға еткач бўлубон маҳви жамол,  
Ҳолимни анға қилмади изҳор ҳануз

рубоийсидаги биринчи мисра ҳам мазкур вазн асосида яратил-  
ган.

**ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АХРАБИ МАКФУФИ**  
**АХТАМ** ҳам ахрам шажарасига мансуб рубоий ўлчовларидан бў-  
либ, олдинги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан  
фарқланади. Рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун мафъулу мафоийлу фаул  
— — — — — v v — — v v ~

тарниладир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчовда ёзилган рубоий  
мисраларининг олдинги уч рукни ҳазажи мусаммани ахрами ах-  
раби **макфуфи ажабб** вазнидаги каби бўлиб, охирги рукн **ма-  
фоийлун аслининг ахтам** тармоғи **фаулга** тенг бўлади.

Мазкур ўлчов шоирларимизнинг баъзи рубоийларидағи би-  
рон мисрада қўлланади. Масалан, Алишер Навоий битган:

Ул дамки қўёш айлади мағрибқа ружуъ,  
Гар сұхбат ўшул қўёш била топса вуқуъ,  
Хуштур қилмоқ жом қўёшига шуруъ,  
Ул дамғачаким, қилур қўёш жоми тулуъ

рубоийсидаги учинчи мисра, Бобурнинг

Ҳажрингда не қон қолдикى ютмайдурмен,  
Күз ёшини ҳар лаҳза қурутмайдурмен,  
Дийдорингнинг ҳаққини, эй юзи қүёш,  
Тенгри ҳақи, бир зарра унутмайдурмен

рубоийсининг учинчи мисраси ушбу ўлчовда яратилган эди.

Рубоийлар вазнига хос бир хусусият күпвазнлиликтир. Анъанага мувофиқ шеъриятимиздаги рубоийлар 1, 2, 3, 4 вазнли шеърлар сифатида яратилган. Бир вазн асосида ёзилган туркىй (ўзбекча) рубоийлар шу жандаги барча асарларнинг тахминан 19 фоизини, икки вазнлилари эса тахминан 59 фоизни. Уч вазнли рубоийлар 21, тўрт вазнли рубоийлар эса 1 фоизни ташкил этади. Чунончи, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Авазлар қаламига мансуб жами 801 рубоийнинг 150 таси бир вазнли, 474 таси икки вазнли, 167 таси уч вазнли, фақат 10 тагинаси тўрт вазнли асарлардир. Бир вазнли рубоийларнинг барчаси ахраб шажараси ўлчовларида битилган. Икки вазнли 474 рубоийнинг 436 таси ахраб шажараси ўлчовларида бўлиб, 38 тасидагина ахрам шажараси вазнлари иштирок этган. Уч вазнли 167 рубоийнинг 91 таси фақат ахраб шажарасига мансуб ўлчовларда бўлиб, 76 тасида ахрам шажараси вазнлари қатнашган.

Икки вазнли рубоийларнинг ўлчовлар таркиби қизиқарли. Бу хил 474 асарнинг 183 тасида икки мисра бир хил, яна икки мисра иккинчи хил вазнда ёзилган. 291 рубоийнинг уч мисраси бир хил, бир мисраси иккинчи хил вазнда. Улардан 123 тасида иккинчи вазн учинчи мисрага тўғри келади. Бу эса рубоийларга хос ихчам қурилиш билан, учинчи мисрада оҳангнинг кескин ўзгариши, ифодаланаётган фикрнинг алоҳида таъкидланishi билан изоҳланади.

Рубоийларимизда ахрам шажарасига мансуб вазнларнинг қўлланиш қўлами ҳам эътиборга лойиқ. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг қўрсатишича, ахрам шажараси вазнлари асосан ахраб шажараси ўлчовларида яратилган асарларнинг бир мисрасида (89 фоиз), баъзан икки мисрасида (7 фоиз), кам ҳолда 3 мисрасида (3 фоиз), ундан ҳам кам ҳолда 4 мисрасида (1 фоиз) иштирок этади. Чунончи, Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Авазлар яратган жами 801 рубоийнинг жами 119 тасида ахрам шажараси вазнлари қатнашган бўлиб, улар 136 мисрани ташкил қиласди. 106 рубоийда биттадан, 9 рубоийда иккитадан, 3 рубоийда 3 тадан ва 1 рубоийда 4та мисранинг барчаси ахрам шажараси вазнларидир:

### Мисоллар:

#### Навоий яратган

Гар ошиқ эсанғ меҳру вафо қилма ҳавас,  
Дард истау дафъига даво қилма ҳавас.  
Хижрону висол мутлақо қилма ҳавас,  
Дилдорингдин гайри ризо қилма ҳавас

рубойисининг 1—3 мисралари ахраб шажараси вазнларида бўлиб, туртинчиси ахрам шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани вазни ахраби макфуфи ажабб ўлчовидадир.

### Бобур ёзган

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,  
Рўзи қилғай худой нусрат сизга.

Мардоналиғингизни бори эл билди,  
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга

рубойисининг 1,3-мисралари ахраб шажараси вазнида бўлиб, 1,4-мисралари ахрам шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими абтар ўлчовидадир.

### Мунис қаламига мансуб

Мен кимман айламак иноятни тамаъ,  
Яъни сендин бирор китоботни тамаъ,  
Қилмоқ менга мунча басдурур гоҳ-гоҳи  
Мунис бандам, деган ҳикоятни тамаъ

рубойисининг учинчи мисрасигина ахраб шажараси вазни — ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб ўлчовида бўлиб, 1, 2, 4-мисралари ахрам шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ажабб ўлчовида битилган.

Рубой вазнларидан баъзи шоирлар ғазал, туюқ, қитъа, фард каби шакллардаги шеърий асарларни яратишда ҳам фойдаланганлар. Масалан, Сайфи Саройининг:

Эй лашкар ичинда белгили форис эр,  
Душманни кўруб заиф сен, қилма тараб.  
Бир киччи киши кечиб равон жониндан  
Арслонни уруб чиқарса жонин не ажаб

шеъри каби кўпгина қитъалари рубой вазнларида ёзилган эди.

### Машраб қаламига мансуб бўлган

Чиқсан кўчаларга шаҳсуворим келадур,  
Гул гунчасидек лола узорим келадур

матлаъли газалда, Увайсий битган

Мендин сўрасанг шўхи замондин гафурай,  
Изҳор этибон дарди ниҳондин гафурай

матлаъли ғазалида ахрам шажарасидаги рубой вазнлари ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазни билан биргаликда қўлланган.

Ушбу анъянани давом эттирган кекса арузшунос Ҳабибий ҳам баъзи ғазалларини мазкур вазнлар асосида битган эди. Жумладан, унинг

Бу фабриканинг кўксига чевар қизлар,  
Атлас тўқимоқ фанлари яксар қизлар

Корхона фазосига йиғилған чөгда  
Гүё күрінур ўртада ҳулкар қызлар

деб бошланувчи ғазали рубоий вазнларидан ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими айттар, ҳазажи мусаммани макфуфи соғлими азалл ва ҳазажи мусаммани макфуфи ажабб үлчовлариде ёзилған эди.

## РУБОИЙЛАР ВАЗНИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Рубоийлар вазнини аниқлаш учун аввало шеърнинг ҳар бир мисрасини ифодали ўқиши, бу жараёнда эса ўта чүзиқ ҳижоларнинг ўқилиши, васл ҳодисасига алоҳида аҳамият бериш, яхиси ўта чүзиқ ҳижолар ҳамда васл белгисини кечиктиримай, ўқиши чоғидаёт қўйиб қўйиш маъқул. Шундан сўнг ҳар қайси ҳижонинг чўзиқ ёки қисқалиги белгиланади.

Маълумки, рубоийлар бир, икки, уч, тўрт вазнли асарлар сифатида яратилади, яъни ҳар бир мисраш алоҳида бир вазнда ёзилиши мумкин. Шунга мувофиқ ҳар қайси мисраш вазни алоҳида белгиланади.

Вазнни аниқлаш учун аввало рубоий мисрасининг қайси ша жара вазнларида битилганини белгилаб олиш лозим. Бунинг учун олдинги уч ҳижо алоҳида руҳн (садр, ибтидоъ) қилиб ажратилади. Агар у мафоийлун аслининг — — в чизмасига эга бўлган ахраб тармоғи — мағъбулуға тенг бўлса, ахраб шажараси вазнларидан бирида ёзилгани маълум бўлади. Бу ҳолда ҳашвларни, яъни иккинчи ва учинчи руҳнларни тўрт ҳижоли қилиб ажратилида-да, чизмасига кўра руҳн тури аниқланади. Тўртинчи руҳн — аруз ва зарб эса бир ёки икки ҳижолидир.

Агар биринчи руҳн, яъни садр ёки ибтидоъ мафоийлуннинг — — чизмасига эга бўлган ахрам тармоғи мағъбулундан иборат бўлса, мисраш ахрам шажарасида ёзилгани маълум бўлади. Бу ҳолда иккинчи руҳн (олдинги ҳашв)ни уч ҳижоли, учинчи руҳн (кейинги ҳашв)ни тўрт ҳижоли қилиб ажратиласди ва чизмага кўра барча руҳнларнинг турлари, номлари аниқланаб, вазн белгиланади. Масалан, Бобурнинг

Сен гулсену мен ҳақир булбулдумен,  
Сен шуъласен, ул шуълаға мен қулдумен.  
Нисбат йўқтур деб ижтиоб айламаким,  
Шаҳмен элга, vale санга қулдумен

рубоийиси вазнини аниқлаб қўрайлик:

Биринчи мисрани ифодали ўқиб, чизмасини чизамиш.

Сен гулсе ну мен ҳақир булбулдумен  
— — v v — v — v — — —

Олдинги уч ҳижони биринчи руҳн қилиб ажратамиш. «Сен гулсе» руҳни чизмага кўра мағъбулу тармоқ руҳнига тенг. Бино-барин, мисра ахраб шажараси вазнларидан бирида ёзилған. Шуни ҳисобга олиб кейинги икки руҳн (ҳашвлар)ни тўрт ҳижоли

«ниб» «ну мен ҳақи», «р булбулдур» тарзида ажратамиз. Чизмалық күра олдинги руқн мағойлун (мақбұз)га, кейингиси эса мәғойлун (солим)га тенг. Тұртқынчи руқн бир ҳижоли бұлиб, аштар (абтар) тармоғидан ташкил топған. Барча руқнлар белгиланды, онын аниқтаймиз: ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими аштар.

Некинчи мисра ҳам ахраб шажарасидан бұлиб, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими аштар вазнида эканини белгілаймиз.

Учинчи мисра чизмасини чизсак,

Нисбат	йүқтүр	деб	ижтиоб	айламаким
— —	— —	v	— v —	— v v —

Биринши ҳосил бұлади. Биринчи уч ҳижони ажратсак, мисрасыннан мағылун (— — —) тармоқ руқни билан бошланувчи, яни ахрам шажараси вазнларидан бирида ёзилгани маълум бұлади. Шуни назарда тутиб иккінчи руқнни уч ҳижоли қилиб «тур деб иккя», учинчисини эса түрт ҳижоли қилиб «тиноб айла» тарзида ажратып, аввалгиси **фоилун** — (аштар), кейингиси **мағойлун** (макфуф)га, тұртқынчи руқн эса **фаал** (ажабб)га тенглигини аниқтаймиз. Натижада мисранинг ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб вазнида ёзилгани маълум бұлади.

Шу усул билан охирги мисранинг ҳазажи мусаммани ахрами аштары солими аштар вазнида эканлигини аниқтаймиз. Бинобарин, мазкур рубоий ахрам ва ахраб шажараларига мансуб түрт шиңда ёзилгани аён бұлади.

## ФОИЛОТУН РУКНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

**Фоилотун** руқни ўн хил үзгаришга учрайди, бунинг натижасыда ўн беш тармоқ руқн юзага келади.

I. Руқнлар таркибидаги ҳижоларнинг сон жиҳатидан үзгариши натижасыда ҳосил бұлған тармоқ руқнлар:

1. **Фоилун.** Бу руқн фоилотуннинг «ҳазф» (ташлаш) зихофига дуч келиб, охирги ҳижоннинг туширилиши натижасыда ҳосил бұлғали. Фоилотун руқнининг бундай үзгаришдан сұнг қолған «фоило» қисми үзиге тенг **фоилун** руқни билан алмаштирилади ва **маҳзуф** деб юритилади.

II. Фоилотун руқни таркибидаги ҳижоларнинг сифат жиҳатидан үзгариши натижасыда ҳосил бұлған тармоқ руқнлар:

1. **Файлутун.** Бу руқн фоилотуннинг «ҳаби» (қисқартыриш) зихофига дуч келиб, биринчи чүзиқ ҳижоннинг қисқа ҳижога айлантирилиши натижасыда ҳосил бұлғади ва **махбун** деб юритилади.

2. **Фоилоту.** Фоилотун руқнининг «кафф» (қайтариш) зихофига дуч келиб, охирги чүзиқ ҳижоннинг қисқа ҳижога айлантирилиши натижасыда ҳосил бұлғади ва **макфуф** деб юритилади.

3. **Файлуту.** Фоилотун руқнининг «шакл» («тушовлаш») зихофига дуч келиб, биринчи ва тұртқынчи ҳижоларнинг қисқа ҳижога

айлантирилиши натижасида ҳосил бұлади ва **машкул** деб юритилади.

4. **Фоилотон** ёки **фоилийён**. Фоилотун рукнининг «тасбиг» («тұлдириш») зиҳофига дуч келиб, охирги ҳижонинг ўта чүзиқ ҳижога айлантирилиши натижасида ҳосил бұлади ва **мусаббағ** деб юритилади.

III. Фоилотун рукнининг айни бир вақтда ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгартырилиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукнлар:

1. **Фоилот** ёки **фоилон**. Фоилотун рукнининг «қаср» (қисқартишиш) зиҳофига дуч келиб, охирги ҳижонинг туширилиши ҳамда учинчи ҳижонинг ўта чүзиқ ҳижога айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади ва **мақсур** деб юритилади.

2. **Фаълун**. Фоилотун рукнининг «қатъ» («кесиш») зиҳофига дуч келиб, кейинги иккى ҳижонинг туширилиши, айни вақтда иккинчи, қисқа ҳижонинг чүзиқ ҳижога айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади. Бундай ўзгаришдан сўнг қолган «фои» қисми ўзига тенг фаълун рукни билан алмаштирилади ва **мақтуъ** деб юритилади.

3. **Фаилон**. Фоилотуннинг мақсур кўриниши «фоилон»ни «хабн» зиҳофи билан ўзгартыриб, биринчи ҳижосини қисқа ҳижога айлантиришдан ҳосил бўлади ва **махбуни мақсур** деб юритилади.

4. **Фаилун**. Фоилотуннинг маҳзуф кўриниши «фоилун»ни «хабн» зиҳофи билан ўзгартыриб, биринчи ҳижосини қисқа ҳижога айлантириш натижасида ҳосил бўлади ва **махбуни маҳзуф** деб юритилади.

5. **Фаилийён**. Фоилотуннинг мусаббағ кўриниши «фоилийён» рукнини «хабн» зиҳофи билан ўзгартыриб, биринчи ҳижосини қисқа ҳижога айлантиришдан ҳосил бўлади ва **махбуни мусаббағ** деб юритилади.

6. **Фаълон**. Фоилотуннинг мақтуъ кўриниши — «фаълун» рукнини «тасбиг» зиҳофи билан ўзгартыриб, иккинчи ҳижосини ўта чүзиқ ҳижога айлантириш натижасида ҳосил бўлади ва **мақтуи мусаббағ** деб юритилади.

Шундай қилиб, фоилотун рукнининг турли ўзгаришларга дуч келиши натижасида унинг адабиётимизда қўлланадиган қўйидаги тармоқлари (фуруълари) юзага келади:

1. Фоилийён	— мусаббағ	7. Фоилон	— мақсур
	— v — ~		— v ~
2. Фаилотун	— маҳбун	8. Фаилун	— маҳбуни маҳзуф
v v — —		v v —	
3. Фаилийён	— маҳбуни мусаббағ	9. Фаилон	— маҳбуни мақсур
v v — ~		v v ~	
4. Фоилоту	— макфуф	10. Фаълун	— мақтуъ
— v — v		— —	
5. Фаилоту	— машкул	11. Фаълон	— мақтуи мусаб бағ
v v — v		— —	— ~
6. Фоилун	— маҳзуф		
— v —			

Юқоридаги тармоқ руқнларидан фоилоту фақат иккинчи, шаппету биринчи ва учинчи, фоилотун иккинчи ва учинчи руқндардың үрнида, қолғалнлари эса фақат охирги руқнлар үрнида құлланады. Шуны ҳам билиб олиш зарурки, мисраларнинг охирги руқндарда фаялун, файлон, фаялун, фаялон руқнлари үзаро алмашып құлланishi ҳам мумкин. Бу ҳолда күп вазнли шеърлар юзага келеди.

Фоилотун руқнининг солим ва тармоқ күринишлари рамал, мүнерсө, хафиғ ва мұжтасс баҳрларда күп құлланади.

## РАМАЛ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Рамал баҳри, умуман, Шарқ адабиётида, хусусан, ўзбек мұмтоз шеъриятида әнг күп құлланадиган үлчовдир. Үндандан, айниқса, ҳитма-хил жанрдаги лирик шеърлар битишда кенг фойдаланылады. Қуйида рамал баҳрининг ўзбек мұмтоз адабиётида кенг құлланып вазнларини күриб үтамиз.

## ОЛТИ РУКНЛИ ВАЗНЛАР

**1. Рамали мусаддаси маҳзуф.** Бу вазнда ҳар қайси мисранинг биринчи ва иккинчи руқнлари фоилотуннинг солим күриниши тарзда бұлиб, охирги руқнлар — аруз ва зарб унинг маҳзуф күринишида бұлади. Масалан:

Соқиे, ҳижрон тунидур, бода тут,  
Ул қүёш бирла бу шомимни ёрут.

(Навоий)

Бу байт чизмаси қуйидаги бўлади:

Со-қи-ё-ҳиж	роn-ту-ни-дур	бо-да-тут
— V — —	— V — —	— V —
фоилотун	фоилотун	фоилун
Ул қу-ёш-бир	ла-бу-шо-мим	ни-ё-рут
— V — —	— V — —	— V —
фоилотун	фоилотун	фоилун

Чизмадан күринадики, ҳар бир мисранинг биринчи ва иккинчи руқнлари ўз таркиби жиҳатидан фоилотунга тенг, учинчи руқнларда эса фоилотунга тенг бўлиш учун бир чўзиқ ҳижо етишмайди. Бу руқнлар фоилунга, яъни фоилотун руқнининг маҳзуф тармоқ руқнига тенг. Демак, байтнинг вазни рамали мусаддаси маҳзуфдан иборат.

Мазкур баҳр ҳам ўзбек шеъриятида анча кенг құлланади.

Мисоллар:

Жавр ўқин ҳоки танимға урма күп,  
Кўкка бу тупроғни совурма күп.

(Навоий)

Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

(Нодира)

Қоматингни сарви бўстон айладинг,  
Кумриларни зору нолон айладинг.

(Муқимий)

**2. Рамали мусаддаси мақсур.** Бу вазн ўз хусусияти жиҳатидан рамали мусаддаси маҳзуфга ўхшаб кетади, бу вазнда ёзилган шеърларнинг мисраларида биринчи ва иккинчи руқнлар фоилотунга, охирги руқнлар эса фоilon руқнига тенг келади. Бинобарин, олдинги вазндан руқн жиҳатидан, яна аникрофи, ана шу руқннинг охирги ҳижоси ўта чўзиқ ҳижога тенглиги билангина фарқ қиласди.

Масалан:

Қилмагил зинҳор изҳор эҳтиёж,  
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.

(Нодира)

Бу байт чизмаси қуйидагича бўлади:

Қил-ма-ғил-зин	ҳо-р-из-ҳор	эҳ-ти-ёж
— v — —	— v — —	— v ~
фоилотун	фоилотун	фоilon
Ким а-зиз-эл	ни қи-лур хор	эҳ-ти-ёж
— v — —	— v — —	— v ~
фоилотун	фоилотун	фоilon

Байтда олти руқн иштирок этяпти. Ҳар бир мисрадаги биринчи ва иккинчи руқнлар — солим, учинчи руқн эса фоилотун руқнининг мақсур фуруи — фоilonга тенг. Шунинг учун ҳам бу байт рамали мусаддаси мақсур вазнида ёзилган, деб ҳисобланади.

Қўриниб турибдики, юқоридаги икки вазн бир-биридан кам фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам улар кўпинча биргаликда қўлланади. Бирон шеърнинг матлаи у ёки бу вазнда бўлиши мумкин, шеърнинг қофияланувчи мисралари ҳам ўша вазнда келади. Айни вақтда қофияланмайдиган мисралар иккинчи вазнда бўлиши мумкин. Шундай қилиб, рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнлари кўп ҳолда биргаликда қўлланади.

**3. Рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф.** Бу вазнда ёзилган шеърларнинг ҳар мисрасидаги биринчи руқнлар фоилотунга, иккинчи руқнлар фоилотуннинг маҳбун тармоғи — фоилотунга, учинчи, охирги руқнлар эса фоилотуннинг маҳбуни маҳзуф тармоғи фоилунга тенг бўлади

Масалан:

Ваҳ, неча тортай ул ой дарду ғамин,  
Ёғаму дарди йўқ элнинг ситамин.

(Навоий)

Шу байтнинг чизмаси қуйидагича:

Ваҳ-не-ча-тор	та-й у-л ой-дар	ду-ға-мин,
— v — —	v v — —	v v —
фоилотун	фаилотун	фаилун

Ё-га-му-дар	ди-йў-қ эл-нинг	си-та-мин
— v — —	v v — —	v v —

Мисраларнинг биринчи рукни фоилотунга, иккинчи рукни фаилотунга, учинчи рукни эса фаилунга тенг, бу хил шеърлар рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф вазнида ёзилган бўлади.

**4. Рамали мусаддаси маҳбуни мақтуу.** Бу вазнда ёзилган шеърларнинг ҳам биринчи рукнлари фоилотунга, иккинчи рукнлари фаилотунга тенг бўлади, лекин охирги рукн фоилотуннинг мақтуу тармоғи — фаълунга тенг келади. Масалан:

Не кун ўлғайки нигорим келгай,  
Боги умримда нигорим келгай.

(Навоий)

Бу байтнинг чизмаси қуйидагича:

Не-кун ўл-ғай	ки-ни-го-рим	кел-ғай,
— v — —	v v — —	— —
фоилотун	фаилотун	фаълун
Бо-ғи-ум-рим	да-ни-го-рим	кел-ғай
— v — —	v v — —	— —
фоилотун	фаилотун	фаълун

Шеър мисраларининг биринчи рукнлари фоилотунга, иккинчи рукнлари фаилотунга, охирги рукнлари эса фоилотуннинг мақтуу мусаббағ тармоғи — фаълонга тенг бўлса, бу хил шеърлар рамали мусаддаси маҳбуни мақтуу мусаббағ вазнида ёзилган ҳисобланади.

## САККИЗ РУКНЛИ ВАЗНЛАР

Форс-тожик ва туркий адабиётларда, жумладан, ўзбек шеъриятида XIV асрдан бошлаб рамал баҳрининг саккиз рукнли вазнлари айниқса кенг қўлланиб келди. Ҳар бир шоир ижодини қўздан кечирсан, улар лирик шеърларининг катта қисми шу хил вазнларда яратилганини кўришимиз мумкин. Рамал баҳрининг саккиз рукнли вазнларини қўздан кечирайлик.

**1. Рамали мусаммани маҳзуф.** Рамал баҳрининг бу тармоғида

ёзилган шеър байтларининг аруз ва зарб рукнлари — ҳар бир мисранинг охирги, тўртингчи рукнлари фоилотун рукнининг маҳзуф кўриниши — фоилунга тенг бўлади. Масалан:

Ҳеч ким мендек илоҳи ёридин айрилмасун,  
Муниси ғамхор ўшал дилдоридин айрилмасун.

(Ҳамза)

Бу байтдаги рукнлар чизмасини аниқласак, қуйидаги кўришиниш ҳосил бўлади:

Ҳе-ч-ким-мен	дек-и-ло-ҳи	ё-ри-дин-ай	рил-ма-сун
— v — —	— v — —	— v — —	— v —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун
Му-ни-си-ғам	ҳо-р ў-шал-дил	до-ри-дин-ай	рил-ма-сун
— v — —	— v — —	— v — —	— v —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун

Кўриниб турибдики, бу байтдаги олти рукн — садр ва ибтидоъ, ҳашв рукнлари солим, яъни уларда фоилотун рукни ўзгаришсиз тақрорланяпти, тўғрироғи, бу рукнларни ташкил этган ҳижо гурӯҳларининг ҳар бири ўз таркиби жиҳатидан фоилотун рукнига тенг. Ҳар қайси мисра охиридаги рукнлар — «рилмасун» ҳижолари эса фоилунга тенгдир: «рилмасун» рукни уч ҳижодан иборат бўлиб, икки чўзиқ ҳижо ўртасида қисқа ҳижо келган. Чизмаси — V — бўлган бундай рукн фоилунга тенг.

Демак, бу байтнинг вазни рамали мусаммани маҳзуф бўлади.  
Яна бир мисол:

Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар, ўртоғлар.

(Муқимиий)

Бу байтдаги рукнлар чизмаси қуйидагича бўлади:

Нав-ба-ҳор-о	чил-ди-гул-лар	саб-за бўл-ди	бо-ғ-лар,
— v — —	— v — —	— v — —	— v —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун
Суҳ-ба-т ай-лай	лик-ке-линг-лар	жў-ра-лар-ўр	то-ғ-лар.
— v — —	— v — —	— v — —	— v —
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун

Бу мисраларнинг дастлабки уч рукни фоилотунга тенг бўлиб, охирги рукнларда бир ҳижо етишмайди, яъни «боғлар», «тоғлар» рукнлари ҳижоларининг таркиби, чўзиқ-қисқалиги жиҳатидан фоилун рукнига тенг. Шунинг учун ҳам улар маҳзуф саналади. Мазкур байт ўз рукнларига кўра рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилганлигини аниқлаш қийин эмас.

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, рамали мусаммани маҳзуф вазни ўзбек мумтоз адабиётидаги энг севимли вазн ҳисоб-

танин. Ҳар бир мумтоз шоир асарларини кўздан кечирсак, уларниң тирик шеърлари, айниқса, ғазалларининг катта қисми шу вазнда ёзилганлигини кўрамиз. Масалан, Алишер Навоийнинг «Хўйинул маоний» китобидаги 3132 шеърдан 1156 таси, жумлашири, 2600 газалдан 1089 таси, яъни 42 фоизи мана шу вазнда билдиган. Шу вазнда Бобурнинг 113 ғазалидан 42 таси, Муқимишнинг 226 лирик шеъридан 117 таси ёзилган. Бошқа шоирлар ижодида ҳам бу вазнда яратилган лирик шеърларни кўплаб учраганимиз. Бунинг сабаби мазкур вазннинг ўйноқилиги, жозибадорлила, инсоннинг ранг-баранг ички кечинмаларини ифодалаш учун қулайлигидадир.

Мисоллар:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯ келмади,  
Қўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

(Навоий)

Кел-кел, эй ороми жонимким, тилабдур жон сени,  
Чеҳра очким, қўрмак истар дийдаи гирён сени.

(Навоий)

Кўргагай эрдим жамолин олам оро, кошки,  
Бўлмагай эрдим бори оламга расво кошки.

(Бобур)

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним мени,  
Осмонни пора қилди тийги афғоним мени.

(Машраб)

Фам ҳалок этди мени ҳажрингда, эй жон, қайдасан,  
Сенсизин беморман, дардимға дармон қайдасан.

(Нодира)

Чун уйидин келгали мен сори жононим чиқар,  
Айлаб истиқбол анинг ўтрусиға жоним чиқар.

(Мунис)

Оҳким, афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толеим,  
Вожгундир имтиҳон қилдимки, аксар толеим.

(Муқимиш)

Оҳким, ҳамдард йўқ дард ошкор айлар десам,  
Ёзали шарҳи ғамимни ғамгусор айлай десам.

(Фурқат)

**2. Рамали мусаммани маҳсур.** Бу вазн кўп жиҳатдан рамали мусаммани маҳзуфга ўхшаб кетади, ҳатто ўқиши чоғида, уларни бир-биридан ажратиш ҳам алоҳида диққатни талаб этади. Гап шундаки, юқорида кўрганимиздек, фоилотун рукнининг маҳзуф

ва мақсур тармоқ рукнлари уч ҳижоли бўлиб, аввалги икки ҳижоси тенг, учинчи ҳижосидагина бир оз фарқ бор, холос. У ҳам бўлса, маҳзуф рукннинг учинчи ҳижоси бир чўзиқ ҳижога, мақсур рукнники эса ўта чўзиқ ҳижога тенг. Демак, мақсур рукннинг охирги ҳижоси таркибида чўзиб талаффуз қилинувчи унлиси бўлган ёпиқ ёки қўш ундош билан тугайдиган ёпиқ ҳижодан иборат:

Масалан:

Ҳар кун ўтган кечадин ошуфта кўнглум зорроқ,  
Ҳар тун ўтган кундин ашқафшон кўзум хунборроқ.

(Навоий)

Бу байт мисраларидаги охирги ҳижолар — «роқ» таркибидаги «о» унлиси анча чўзиқ талаффуз қилинади. Шу туфайли мазкур ҳижо ўта чўзиқ ҳижога тенг бўлади. Шу хусусиятни ҳисобга олиб, байт чизмасини тузсак, қўйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Ҳар ку-н-ўт-ған	ке-ча-дин-о	шуф-та-кўнг-лум	зо-р-роқ
— v — —	— v — —	— v — —	— v ~
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоilon
Ҳар ту-н ўт-ған	кун-ди-н аш-каф	шон-кў-зум хун	бо-р-роқ
— v — —	— v — —	— v — —	— v ~
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоilon

Бундай чизмали вазн эса рамали мусаммани мақсур деб атади.

Яна бир мисол:

Ёр келса, бас маҳалдурким, ичим қон этти шавқ,  
Сабру оромим бериб барбод түфён этти шавқ.

(Навоий)

Бу байт мисраларидаги охирги рукннинг учинчи ҳижоси таркибидаги унли чўзиқ талаффуз қилинмайди, аммо бу ҳижо қўш ундош билан тугаган. Юқорида қўш ундош билан тугаган ҳижоннинг мисра охирида ва ундош билан бошланган ҳижодан аввал келганда (мисра ичида) ўта чўзиқ ҳижога тенг саналишини таъкидлаган эдик. Шунга мувофиқ бу мисралардаги охирги ҳижо — «шавқ» сўзи ўта чўзиқ ҳижо ҳисобланади. Байт чизмаси эса қўйидагича тузилади:

Ё-р-кел-са	бас-ма-ҳал-дур	ким-и-чим-қон	эт-ти-шавқ,
— v — —	— v — —	— v — —	— v ~
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоilon
Саб-ру-о-ро	мим-бе-риб-бар	бо-д-туғ-ён	эт-ти-шавқ,
— v — —	— v — —	— v — —	— v ~
фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоilon

Демак, бу байтларнинг вазни ҳам рамали мусаммани мақсур бўлиди. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган шеърларда қофияланувчи мисраларнинггина мискур баҳрда булиши шарт булиб, қолган мисралар кўпинча мусаммани маҳзуф вазнида келади. Бошқача қилиб айтганда, қофияланмайдиган мисраларнинг охирги ҳижолари чўзиқ ҳижотга тенг булиши мумкин. Масалан, юқоридаги шеърнинг давомими кўздан кечирайлик:

Ёр келса, бас маҳалдурким, ичим қон этти шавқ,  
Сабру оромим бериб барбод туғён этти шавқ.

Озу кўп ҳар не деди қосид висолинг муждасин,  
Сабрим озу изтиробимни фаровон этти шавқ.

Шавқ ҳижрондин батар ошуб солди қўнглума,  
Кўнглум ошубини қўйким, горати жон этти шавқ.

(Навоий)

Шеърнинг қофияланмайдиган учинчи ва бешинчи мисралари охиридаги руқнлар маҳзуф руқн — фоилунга тенглигини, яъни бу мисралар рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилганини кўриш қийин эмас.

Рамали мусаммани мақсур вазни ҳам адабиётимизда кўп қўлланади. Навоийнинг «Хазойинул маоний» асаридағи 2600 фазалдан 334 таси, яъни 13 фоизи ана шу вазнда битилган. Бошқа шоирлар ҳам ўз лирик асарларини яратишда бу вазндан анча кенг фойдаланганлар.

Мисоллар:

Неча тортай васл учун мен зори маҳзун интизор,  
Ваҳки кўздин тўкти селоби жигархун интизор.

(Навоий)

Дўстлар, мен телба аҳволиға йиғланг зор-зор,  
Ким солодур гаҳ-гаҳ ўт қўнелумға тушган хор-хор.

(Навоий)

Эй жамолу, нозу ишванг бир-биридан хўброқ,  
Қоматинг марғубу андан пайқаринг марғуброқ.

(Навоий)

Ул парининг тифидин қўрқутма мени, эй рақиб,  
Ишқида бошимға менинг ҳар на келса, ё насиб.

(Бобур)

Фурқат ичра қон ютуб, ғам бирла чектим оҳи сард,  
Ким хазон авроқидек бўлди юзим ҳажрида зард.

(Нодира)

Фунчалар очилдию, күнглум очилмайдур ҳануз,  
Булбулосо хотирим гул майли қилмайдур ҳануз.

(Мунис)

Эй күнгүл, истар эсанг зулмат қулубингға чироғ,  
Ахли дониш суҳбатидин бўлмагил ҳарғиз йироф.

(Ҳамза)

**3. Рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф.** Бу ўлчовда фоило-туннинг солим кўринишидан ташқари, унинг маҳбун тармоқ рукни — фаилотун ҳамда маҳбуни маҳзуф тармоқ рукни — фаилун иштирок этади. Юқоридаги вазн каби, бу вазннинг ҳам мисраларидаги биринчи рукнлар солим бўлиб келади. Маҳбуни маҳзуф тармоқ рукни — фаилун, одатда, мисраларнинг охиридан ўрин олади. Маҳбун рукнлар эса ҳашвлар ўрнида келади. Масалан:

Сунбули шомида юз айлади гулрез яна,  
Бўлди ҳар учкунидин күнглум ўти тез яна.

(Навоий)

Бу мисралар чизмаси қўйидагича бўлади

Сун-бу-ли-шо	ми-да-юз-ай	ла-ди-гул-ре	з-я-на,
— v — —	v v — —	v v — —	v v —
фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун
Бўл-ди-ҳар-уч	қу-ни-дин-кўнғ	лу-м ў-ти-те	з-я-на.
— v — —	v v — —	v v — —	v v —
фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун

Бу вазнда ҳам адабиётимизда кўпгина шеърлар битилган. «Хазойинул маоний»да шу вазнда ёзилган 89 шеър, жумладан, 83 ғазал бор.

Мисоллар:

Қилди овоза мени хастани овора кўнгул,  
Хонумонимни қаро қилди юзи қора кўнгул.

(Навоий)

Қўзи ул юз ўтидин ҳалқ ичини дод этадур.  
Ёхуд икки қошининг ёларини чоғ эталур.

(Навоий)

**4. Рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ.** Бу вазн рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф вазнидан фақат охирги рукнининг таркиби — икки қисқа ва бир чўзиқ ҳижо ўрнига икки чўзиқ ҳижо келиши билан фарқ қиласи, яъни рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф вазнида охирги рукн чизмаси V V — тарзидаги фаулунга тенг бўлса, бу вазнда чизмаси — — бўлган фаълунга тенг келади. Масалан:

Ваҳ, бу не ҳусну, жамолу, не латофатдур бу,  
Дема ишқ ахлики, дин ахлига офатдур бу.

(Навоий)

Бу байт чизмасини тузиб чиқсак, қуйидаги күриниш ҳосил  
бұлады:

Иаҳ, бу не-хус	нү-жа-мо-лу	не-ла-то-фат	дур-бу
v — —	v v — —	V V — —	— —
фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаълун
Іе ми-ишқ-аҳ	ли-ки-дин-аҳ	ли-ға-о-фат	дур-бу.
v — —	v v — —	v v — —	— —
фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаълун

Мисоллар:

Манга ўлмақлик эрур ҳажрида осон сенсиз,  
Шайлан, лек даме бўлмайин, эй жон, сенсиз.

(Навоий)

Бўлди бехудлигима бодаи фулгун боис,  
Они нўш айлагали соқии мавзуи боис.

(Навоий)

**5. Рамали мусаммани мақтуни мусаббағ.** Бу вазн руқн-шар таркиби жиҳатидан рамали мусаммани мақбунни мақтуга иқин туради, хусусан, мисраларнинг аввалги уч рукни айнан Ҳинаш, кейинги рукндаригина бир оз фарқ бўлиб, у ҳам бўлса, мақту тармоқ рукни — **фаълун** ўрнида мақтуни мусаббағ тармоқ рукни — **фаълон** келади, бошқача қилиб айтганда, рамали мусаммани мақбунни мақтуни вазнидаги охирги ҳижко бир чўзиқ ҳижодан иборат бўлса, бу вазнда ана шу ҳижко ўта чўзиқ ҳижога тенғ бўлади.

Масалан:

Ул пари чехра чу кўргузса жамолин мақбул,  
Кўрган эрмастурур ўз ақлига қолмоқ маъқул.

(Навоий)

Бу байт руқнларининг чизмаси қуйидагича:

Ул па-ри-чех	ра-чу-кўр-гуз	са-жа-мо-лин	мақ-бул,
— v — —	v v — —	v v — —	— ~
фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаълон
Кўр-га-н	эр-мас	ту ру-р ўз-ақ	ли-ға-қол-моқ
— v — —	v v — —	v v — —	— ~
фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаълон

Шу мисралар охиридаги руқнлар фоилотуннинг мақтуни мусаббағ тармоқ рукни — фаълонга тенглигининг асосий белгиси шундаки «маъқул» сўзининг иккинчи ҳижоси таркибидаги «у»

унлиси анча чўзиб талаффуз қилинади, шу сабабли ўта чўзиқ ҳижога тенг ҳисобланади. Фаълон рукни таркибидаги «лон» қисми ҳам юқорида кўрганимиздек, ўта чўзиқ ҳижони ифодалайди.

**6. Рамали мусаммани машкул.** Бу вазнда фоилотун рукнинини солим кўринишидан ташқари унинг машкул тармоқ рукни — фаилоту ҳам қатнашади. Ўзбек адабиётида бу вазнда ёзилган лирик шеърларда машкул тармоқ рукни саккиз рукнли байт мисраларининг биринчи ва учинчи рукнлари ўрнида келади. Масалан:

Яна шуъвалиқ кўнгулни ғаминг этти пора-пора,  
Буки бутрашур эрур поралари эмас шарора.

(Навоий)

Бу байт чизмасини тузсак, қўйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Я-на шуъ-ла	лиқ-кў-нгул-ни	фа-ми-нг эт-ди	по-ра-по-ра
v v — v	— v — —	v v — v	— v — —
фаилоту	фоилотун	фаилоту	фоилотун
Бу-ки-бут-ра	шур-э-рур-по	ра-ла-ри-Э	мас-ша-ро-ра
v v — v	— v — —	v v — v	— v — —
фаилоту	фоилотун	фаилоту	фоилотун

Мисоллар:

Очилиб туман тароват била саҳни боф аро гул,  
Етуруб чаманга ҳар ён неча зеб ила сафо гул.

(Оғаҳий)

Кечалар эмас фалакни ёруг айлаган ситора,  
Чиқар оҳим оташидин бўлунуб неча шарора.

(Фурқат)

Нахуш ул гўзал қаро қўз ҳама эл фидоси бўлмиш,  
Магарам мусаххар этган кўзининг қароси бўлмиш.

(Ҳабибий)

Мазкур вазн таркибидаги қисқа ҳижоларнинг кўплиги унинг ўйноқилигини таъминлаган. Шунинг учун ҳам ўзбек шоирлари асрлар давомида ўзларининг анчагина шеърларини мана шу вазнда ёзганлар.

## МУЗОРЕН БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Юқорида кўрганимиздек, музореъ баҳрининг рукнлари ма-фойилун ва фоилотунлардан иборат бўлиб, бу икки рукн маълум тартибда такрорланиб келарди. Ўзбек адабиётида, асосан, бу баҳрнинг мусамман шакли, яъни ҳар байтда саккиз рукн иштироқ этадиган шакли қўлланиб келган. Музореи мусаммани солим вазнининг чизмаси қўйидагича эди:

Мафойлун	фоилотун	мафойлун	фоилотун
— — —	— — —	— — —	— — —

Бу вазн чизмасидан ҳам кўриниб турибдики, ҳар қайси мисралнинг биринчи ва учинчи рукни ўрнида мафойлун, иккинчи ва тўртингчи рукнлари ўрнида фоилотун рукнлари келади. Музореъ баҳрининг вазнларини аниқлашда рукнларнинг шу хил қўйланишини назарда тутиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, биринчи ва учинчи рукнлар мафойлун тармоқларидан, иккинчи ва тўртингчи рукнлар эса фоилотун рукнининг тармоқларидан иборат бўлади. Саккиз рукнли музореъ вазнларининг ўзбек адабиётида кўпроқ қўлланадиганлари қўйидагилар:

**I. Музореи мусаммани ахраб.** Бу вазнда мафойлун рукни биринчи — садр ва ибтидоъ рукнлари ҳамда учинчи — ҳашв рукнларида ахраб — мафъулу кўринишида, фоилотун рукнлари иш солим кўринишида иштирок этади. Масалан:

Хаттинг аро узоринг сабза ичиди лола,  
Ул чашми пур хуморинг лоладаги фазола.

(Бобур)

Бу байтнинг чизмасини қўйидагича тузиш мумкин:

Хат-тинг-а	ро-у-зо-ринг	саб-за-и	чи-да-ло-ла
— — v	— v — —	— — v	— v — —
мафъулу	фоилотун	мафъулу	фоилотун
Ул чаш-ми	пур-ху-мо-ринг	ло-ла-да	ғи-ға-зо-ла
— — v	— v — —	— — v	— v — —
мафъулу	фоилотун	мафъулу	фоилотун

Кўриниб турибдики, мисраларнинг биринчи ва учинчи рукнлари мафъулу рукнига, яъни мафойлуннинг ахраб кўринишига тенг. Фоилотун рукнлари эса ўзгаришсиз, яъни солим кўринишида қолган. Шунга кўра, бу байт вазнини музореи мусаммани ахраб деб кўрсатиш мумкин.

Бу баҳрдаги шеърларни ўқиганда, биринчи ва учинчи рукнларнинг охирги ҳижолари қисқа бўлгани учун улар иккинчи ва тўртингчи рукнларнинг биринчи чўзиқ ҳижоси билан қўшилиб ўқилиши лозимлигини унутмаслик керак. Чунончи, ҳозирги байт қўйидагича ўқилиши керак:

Хаттинг аро узоринг сабзи ичи далола,  
Ул чашми пур хуморинг лоладаги фазола.

Музореи мусаммани ахраб вазни адабиётимизда севимли вазнлардан бири бўлиб келган. XV—XX асрлар давомида шоирларимиз бу вазнда кўплаб лирик шеърлар яратганлар.

Мисоллар:

Кулбамға баски гардун ғам тоши ёғдуубудур,  
Сабрим үйидек ул ҳам емрулғали турубтур.

(Навоий)

Хуру пари юзидин рухсорингиз чиройлик,  
Жаннат гулидин, эй гул, гулзорингиз чиройлик.

(Фурқат)

Эй маҳваши замоним, эй ёр, хуш келибсиз,  
Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор хуш келибсиз.

(Ҳамза)

**2. Музореи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф.** Мазкур вазн ўз таркибидаги рукнлар нуқтаи назаридан анчагина мураккаб. Бу вазнда ёзиладиган шеърларнинг ҳар қайси мисрасида биринчи рукн мафойлуннинг ахраб тармоғи — мафъулуга, иккинчи рукн фоилотуннинг мақфуф тармоғи — фоилотуга, учинчи рукн мафойлуннинг мақфуф тармоғи — мафойлуга, охирги, тўртинчи рукн эса фоилотуннинг маҳзуф тармоғи — фоилунга тенг бўлади. Масалан:

Кўнглум эрур шикаставу жоним низор ҳам,  
Ошуфтадур замириму жисмим фигор ҳам.

(Мунис)

Бу байт чизмаси қуйидагича:

Кўнг-лум-э	пур-ши-кас-та	ву-жо-ним-ни	зо-р-ҳам,
— — v	— v — v	v — — v	— v —
мафъулу	фоилоту	мафойилу	фоилун
О-шув-та	дур-за-ми-ри	му-жис-мим-фи	го-р-ҳам.
— — v	— v — v	v — — v	— v —
мафъулу	фоилоту	мафойилу	фоилун

Ушбу вазн ўқиш учун қулай бўлмаса ҳам, мумтоз қўйларга жуда мос тушади. Хусусан, бу вазндаги ғазаллар, мухаммаслар «Дугоҳ» каби шашмақом қўйларида кенг фойдаланилган.

Мисоллар:

Боғи беҳишт равзай ҳуснунг кинояти,  
Обиҳаёт шаккари лаълинг ривояти.

(Атоий)

Сайд этди дилбарим мени ошуфта сочдин,  
Солди каманд бўйнума икки қулочдин.

(Лутфий)

Оҳим фамингда гунбази ахзарни қўйдирур,  
Ҳар учқуни фалакда бир ахтарни қўйдирур.

(Навоий)

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

(Бобур)

Хуштур баҳор мавсумининг айши чогида,  
Ўз ёри бирла бўлса киши васл богида.

(Оғаҳий)

**3. Музореи мусаммани ахраби макфуфи мақсур.** Бу вазн юқоридагидан охирги руқннинг фоилунга эмас, фоилотуннинг мақсур тармоғи — фоilonга тенглиги билангина фарқланади.  
Масалан:

То бўлмишам бу олам аро ошнойи умр,  
Чекмак дурур ишим кеча-кундуз жафойи умр.

(Оғаҳий)

Бу байт чизмаси қўйидагича:

То-бўл-ми	шам-бу-о-ла	ма-ро-о-ш	но-йи-умр,
— — v	— v — v	v — — v	— v ~
мафъулу	фоилоту	мафоийлу	фоилон
Чек-мак-ду	рур-и-шим-ке	ча-кун-дуз-жа	фо-йи-умр.
— — v	— v — v	v — — v	— v ~
мафъулу	фоилоту	мафоийлу	фоилон

Мисоллар:

Юз сеҳр қиласа кимгаки элликдин ўтти ёш,  
Атфол саҳраси қилур атфолдек маиш.

(Навоий)

Эй ҳурвашки, покдур асрү сенга сиришт,  
Ранг айлар иқтисоб юзунгdir гули биҳишт.

(Мунис)

Йўқ манда фақр қўйида гардунга эҳтиёж,  
Бўлмас қаноат аҳлида ҳар дунга эҳтиёж.

(Оғаҳий)

Ҳар сўзда ҳар биравга не ширин нукоти бор,  
Бол томди оғзидинки, тилинда наботи бор.

(Мужрим)

## МУСТАФЪИЛУН РУКНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Мустафъилун рукни жами 9 хил зиҳофга дуч келиши натижасида унинг 14 тармоги (фуруи) майдонга келади. Шулардан бизнинг шеъриятимизда қуидагилари қўлланади:

1. **Мафоилун.** Мустафъилуннинг «хабн» («этакни йиғиши») зиҳофига дуч келиб, биринчи чўзиқ ҳижосининг қисқа ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади ва **махбун** деб юритилади.

2. **Муфтаилун.** Мустафъилуннинг «тайй» («йигиши») зиҳофига дуч келиб, иккинчи чўзиқ ҳижосининг ўта чўзиқ ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади ва **матвий** деб юритилади.

3. **Мустафъилон.** Мустафъилуннинг «изола» («этакни қўйиши») зиҳофига дуч келиб, охирги ҳижосининг ўта чўзиқ ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади ва **музол** деб юритилади.

4. **Мафоилон.** Мустафъилуннинг маҳбун тармоғи — мафоилуннинг изола зиҳофи билан охирги ҳижосининг ўта чўзиқ ҳижога айлантирилиши натижасида ҳосил бўлади ва **махбуни музол** деб юритилади.

Шундай қилиб, мустафъилун рукнининг турли ўзгаришларга дуч келиши натижасида унинг адабиётимизда қўлланувчи қуидаги тармоқлари ҳосил бўлади ва қуидагича аталади:

1. Мафоилун — маҳбун

v — v —

2. Муфтаилун — матвий

— v v —

3. Мустафъилон — музол

— — v ~

4. Мафоилон — маҳбуни музол

v — v ~

Мустафъилун рукнининг юқоридаги тармоқлари шу рукнининг такроридан тузиладиган ражаз баҳри ҳамда мустафъилун иштирок этадиган хафиф ва мужтасс, мунсариҳ ва сарій баҳрлари вазнларида қўлланилади.

Биз қуида мустафъилун рукнининг солим ва тармоқ кўришилари иштирок этган ва адабиётимизда кенг фойдаланилайдиган баҳрлар ҳамда вазнларни кўриб ўтамиз.

### РАЖАЗ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

**Ражаз<sup>1</sup> баҳри** арузнинг асосий ўлчов турларидан бири бўлиб, унинг асосини мустафъилун аслининг айнан такрори ташкил этади. Чунончи, унинг мусаммани солим вазни руқнлари ва чизмаси бир мисрада

Мустафъилун    мустафъилун    мустафъилун    мустафъилун  
— — v —            — — v —            — — v —            — — v —

тарзидадир.

<sup>1</sup> «Ражаз» сўзи арабча булиб, «тезлик», «изтироб» маъноларини англатади.

Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида ушбу баҳрининг 13 вазни ҳақида фикр юритиб, уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиради. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида ражаз баҳрининг 63 вазни ўз ичига олиши ҳақида сўзлаб, улардан 32 таси муставмал, 31 таси муҳтараъ, ўн вазн мустаъмали матбуъ эканини тъкидлайди.

Шеъриятимизда ражаз баҳрининг саккиз руқни 4 вазнидан-гина фойдаланиб келинган. Улар ражази мусаммани солим, ражази мусаммани музол, ражази мусаммани матвийи маҳбун ва ражази мусаммани матвийи маҳбуни музол ўлчовларидир.

Ражаз баҳри дастлаб «Қисаси Рабғўзий»да қўлланган эди. Ушбу баҳрининг юқорида зикр этилган тўрт ўлчовидан Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоийлар ижодида ҳам анча кенг фойдаланилган. Мазкур тўрт вазндан Алишер Навоий ҳам унумли фойдаланиб, улар асосида ўзининг жами 24 асари, жумладан, 22 газали, 1 қитъя ва бир муаммосини яратган.

Мазкур ўлчовлар барча асрларда шоирларимизнинг лирик шеъриятида қўлланниб келган. Ушбу вазнларни замонавий шоирлар ижодида ҳам учратиш мумкин.

Ражаз баҳрида ёзилган фазал ва муҳаммаслар «Шашмақом»нинг «Ироқ» куйи тароналари, шунингдек, «Баёт IV», «Дугоҳ», «Хусайн V» каби қатор куйларга мос тушади.

Ражаз баҳрининг шеъриятимизда қўлланган вазнлари мустағъилун асли ҳамда унинг қуйидаги тармоқлари такорига асосланади:

№№	Руқн	Чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	Мустағъилун	— — v —	солим	Барча руқнларда
2.	Мустағъилон	— — v ~	музол	охирги руқнда (аруз ва зарбда)
3.	Муфтаилун	— v v —	матвий	1,3 руқнларда (садр, ибтидоъ ва кейинги ҳашвда)
4.	Мағоилун	v — v —	маҳбун	2,4-руқнларда (олдинги ҳашв, аruz ва зарбда)
5.	Мағоилон	v — v ~	маҳбуни музол	охирги руқнда (аруз ва зарбда)

**Ражази мураббаи солим шеъриятимизда қўлланниб келган ўлчовлардан бўлиб, руқнлари ва чизмаси бир мисрада**

мустағъилун      мустағъилун

— — v —      — — v —

тарзилади. Ушбу ўлчов дастлаб «Қисаси Рабғўзий»да қўлланган эди. Кейинчалик XIX асрнинг II ярми шеъриятида ушбу вазнга

мурожаат қилиниб, унинг асосида бир қатор «Саёҳатнома»лар яратилди. Муқимий, Завқий каби шиорлар битган «Саёҳатно ма»лар шулар жумласидандир.

### Мисоллар:

Ёши кичик, йўни улғ,  
Зоти ориғ бек Тўқбуға,  
Ул Носириддин куняти.

(Рабғўзий)

Қолмай шаҳарда тоқатим,  
Қишлоқ чиқардим одатим,  
Хоҳи яёв, бўлсун отим,  
Гоҳ сайдр ҳам даркор экан.

(Муқимий)

Олдим қўлимга хомани,  
Ёздим ажойиб номани,  
Тингланғ қизиқ ҳангомани,  
Жанжоли то алҳол экан.

(Завқий)

**Ражази мураббаи музол** вазни шеъриятимизда кам қўлланган ўлчовлардан саналади. Ушбу вазнда ёзилган шеърлар юқоридаги ражази мураббаи солим ўлчовидан мисра охиридаги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Бинобарин, мазкур вазннинг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

мустафъилун      мустафъилон  
— — v —      — — v ~

тарзидадир. Демак, ҳар қайси мисранинг биринчи рукни **мустафъилун** асли (солим)га, иккинчи рукни эса шу аслнинг **музол** тармоғи **мустафъилонга** тенг бўлади. Масалан, Муқимий қаламига мансуб «Саёҳатнома»нинг

Фарёдким, гардуни дун,  
Айлар юрак-бағримни хун,  
Кўрдики, бир аҳли фунун  
Чарх анга қажрафтор экан.

...Аммо назарда Рошидон,  
Фирдавс боғидин нишон,  
Ўйнаб оқар оби равон,  
Саҳни гулу гулзор экан.

...Бордим шаҳардин «Яккатут»,  
Баққоли дузду бадбурут,  
Бир танга сотқай бир қурут,  
Инсофи йўқ таррор экан

бандларидағи 1—3-мисралар мазкур ўлчов асосида яратилган.

Шеърий асарларда раЖази мураббаи солим ва раЖази мураббали музол вазнлари биргаликда құлланаверади.

**Ражази мусаммани солим шеъриятимизда** анча кенг құлланған вазнлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

Мустафъилун    мустафъилун    мустафъилун    мустафъилун  
— — v —            — — v —            — — v —            — — v —

травзидадир. Күриниб турганидек, ушбу ўлчов мустафъилун аслининг айнан такрорига асосланади. Чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг шу тарздаги такрори вазмин, салобатли оҳанг яратади. Мазкур ўлчов мусиқага ҳам осон тушади. Шу туфайли шеъриятимизда раЖази мусаммани солим вазнида кўпгина лирик шеърлар яратилган.

Ушбу ўлчовнинг адабиётимизда қачондан бошлаб құлланганини аниқ айтиш қийин. Шуни таъкидлаш лозимки, XIV аср II ярми, XV аср бошида яшаб ижод этган Атоий, Саккокий, Гадой, Лутфий каби шоирларнинг барчаси ўз асарларининг бир қисмини мана шу ўлчов асосида яратганлар. Алишер Навоий ўзининг 9 фазалини ушбу ўлчов асосида битган эди. Мазкур вазн ҳанузгача шеъриятимизда құлланиб келади.

### Мисоллар:

Эй кўнглум олган дилрабо, жоним фидо бўлсун санга,  
Оби ҳаёти Хизр ила умре бақо бўлсун санга

(Атоий)

Эй жондин ортуқ севганим, қасд этма охир жонима,  
Раҳм этгил, ўлтурма мени, ноҳақ қолурсан қонима.

(Саккокий)

Мен хаста қонина қамар соҳибжамоле боғламиш,  
Қасди фарибе айламиш, нозук хаёле боғламиш.

(Лутфий)

Бир кун мени ул қотиле мажнуншиор ўлтургуси,  
Усрук чиқиб жавлон уриб девонавор ўлтургуси.

(Навоий)

Эй шўх, кўзу қошинга олам гадо, ман ҳам гадо,  
ЛАъли лаби дурпошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

(Оғаҳий)

Меҳнаткаш элни шод этар аввал баҳорини куринг,  
Аввал баҳор иш бошлаган кенг пахтазорини куринг.

(Ҳабибий)

**Ражази мусаммани музол** вазни шеъриятимизда кам құлланған ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мустафъилун    мустафъилун    мустафъилун    мустафъилон

— — v —    — — v —    — — v —    — — v —

тарзидадир. Яъни бу ўлчовда ёзилган шеърий асарнинг садр, ибтидоъ, ҳашвлари мустафъилун аслига, аруз ва зарб рукнлари эса мустафъилун аслининг музол тармоғи мустафъилон рукнига тенг бўлади.

Мазкур вазн раЖази мусаммани солим ўлчовидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқ қиласди. Шунга кўра ҳар икки вазн бир шеърда қўлланаверади.

### Мисоллар:

Лутф айлаб, эй пайки сабо, ҳолимни султонимға айт,  
Яъники жоним дардини ишқида жононимга айт.

(Оғаҳий)

Гар истар эрсанг, эй кўнгул, қилмоқ сани масрур ганж,  
Тутғил қаноат кунжиниким, ул эрур мавфур ганж.

(Оғаҳий)

То қилмаса ўзни киши ботил  
тасаввурдидин халос,  
Бўлмоқ анга мумкин эмас ҳарғиз  
такаббурдин халос.

(Оғаҳий)

**Ражази мусаммани матвийи маҳбун.** Мустафъилун рукни-нинг такоридан тузиладиган раЖаз баҳрининг бу вазнида мустафъилуннинг маҳбун кўриниши — мафоилун ва матвий кўриниши — муфтаилун рукнлари иштирок этади. Бу вазнда ёзилган шеърларнинг байтларидаги садр ва ибтидоъ ҳамда учинчи руҳн ўрнидаги ҳашв рукнлари, яъни ҳар қайси мисранинг биринчи ва учинчи рукнлари муфтаилунга, иккинчи руҳн ўрнидаги ҳашв ҳамда аруз ва зарб рукнлари, яъни ҳар мисранинг иккинчи ва тўртинчи рукнлари **мафоилунга** тенг бўлади. Масалан:

Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай,  
Вар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.

(Навоий)

Мазкур байтнинг чизмаси қўйидагича:

Гар-а-ла-мим	га-чо-ра-йўқ	бўл-ма-са-бул	ма-сун-не-тай,
— v v —	v — v —	— v v —	v — v —
муфтаилун	мафоилун	муфтаилун	мафоилун
Вар-ға-ми-ма	шу-мо-ра-йўқ	бўл-ма-са-бул	ма-сун-не-тай
— v v —	v — v —	— v v —	v — v —
муфтаилун	мафоилун	муфтаилун	мафоилун

Бу вазн ҳам ўзбек шоирларининг севимли ўлчовларидан бўниб келган.

### Мисоллар:

Ваҳ, не бало эканким ул, чиқди самандин ўйнотиб,  
Қошлари ёсини чекиб, ғамзаси ёларин отиб.

(Навоий)

Куиди кўнгулни қолмади ашкда қонидин асар,  
Қон демайинки, кўзда ҳам ашки равонидин асар.

(Навоий)

Гулшани боги даҳр аро булбули нағмагар ўзум,  
Бир бути хушхиром учун ошиқи дарбадар ўзум.

(Машраб)

Қилма гурур, эй кўнгул, кимга жаҳон вафо қилур,  
Кимники сайд айлади, фусса била фано қилур.

(Нодира)

Ўтди нашот фурсати, келмади ёрдин хабар,  
Бўлди кўнгул сўрогида хастау зору дарбадар.

(Нодира)

Боғу баҳор аро нетонг бўлмаса гар қароримиз,  
Ким сари қўйингиз эрур богимизу баҳоримиз.

(Оғаҳий)

Ёр келур замона йўқ, келмаса-келмасун нетай,  
Сарф этара хазона йўқ, келмаса-келмасун нетай.

(Завқий)

### ХАФИФ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Хафиф баҳри фоилотун ва мустафъилун руқнларининг бирикниб тақрорланишидан ҳосил бўлишини юқорида кўриб ўтган эдик. Ўзбек адабиётида, асосан, бу баҳрнинг мусаддас шакли қўлланиб келган. Хафиф баҳрининг солим кўриниши чизмаси:

фоилотун	мустафъилун	фоилотун
— v — —	— — v —	— v — —
фоилотун	мустафъилун	фоилотун
— v — — —	— — v —	— v — —

эканлигини биласиз.

Хафиф баҳри вазнлари ана шу руқнларининг тармоқларидан ҳосил бўлади. Шу баҳрнинг энг муҳим, адабиётимизда кўп қўлланган вазнларини кўриб ўтайлик.

**1. Хафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъ.** Бу вазнда мустафъин-луннинг маҳбун тармоқ рукни — мафоилун ва фоилотуннинг мақтуъ тармоқ рукни — фаълун иштирок этади. Масалан:

Даҳрким ёр йўқ манго анда,  
Бор эса доги йўқ вафо анда.

(Навоий)

Мазкур байтнинг чизмаси қўйидагича:

Даҳ-р-ким-ё	р-йўқ-ма-нго	ан-да,
— v — —	v — v —	— —
фоилотун	мафоилун	фаълун
Бо-р э-са-до	ғи-йўқ-ва-фо	ан-да
— v — —	v — v —	— —
фоилотун	мафоилун	фаълун

Мисоллар:

Ҳар неча жавр қилса ноз аҳли,  
Тортмай найлагай ниёз аҳли.

(Навоий)

Лаб уза хатти анбар олуди,  
Оташин лаълининг эрур дуди.

(Навоий)

Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму,  
Ё оқар меҳр чашмасидин сув?

(Навоий)

**2. Хафифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф.** Бу вазннинг олдинги икки рукни юқоридаги хафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъга ўхшаш, яъни биринчи рукни фоилотунга, иккинчиси эса мафоилунга тенг. Учинчи рукни эса икки чўзиқ ҳижоли **фаълунга** эмас, балки икки чўзиқ ва бир қисқа ҳижоли **фаилун** рукнига тенг. Шу учинчи рукни жиҳатидангина бу икки вазн фарқ қиласди. Масалан:

Кимки маҳлуқ хизматига камар,  
Чуст этар — яхшироқ ушалса бели.

(Навоий)

Бу байт чизмаси қўйидагича бўлади:

Ким-ки-мах-лу	қ-хиз-ма-ти	ға-ка-мар,
— v — —	v — v —	v v —
фоилотун	мафоилун	фаилун
Чуст-э-тар-яҳ	ши-роқ-у-шал	са-бе-ли
— v — —	v — v —	v v —
фоилотун	мафоилун	фаилун

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, фаълун ва файлун рукнлари бир-бирига тенг ҳисобланиши мумкин, чунки агар қисқа ҳижопи ярим, чўзиқни эса бутун ҳижо ҳисобласак, ҳар икки рукнда иккитадан ҳижо мавжуд бўлади. Бу икки рукнни бир-бири билан шимаштириб бўлмайди, аммо бир шеърда, ҳатто бир байтда икки хил вазни қўллаш, яъни байтнинг бир мисрасини ҳафиши мусаддаси маҳбуни мақтуб вазнида, иккинчи мисрасини эса ҳафиши мусаддаси маҳбуни маҳзуф вазнида ёзиш мумкин. Бу тарзда шеър вазнига сезиларли путур етмайди. Масалан:

Назмим ичра ғариф маънилар,  
Фуробо хайлидин нишонадурур.

*(Навоий)*

Бу байт чизмаси қуйидагича:

Наз-ми-м ич-ра	fa-ри-б-маъ	ни-лар,
— v —	v — v —	— —
фоилотун	мафоилун	фаълун
Fu-ра-бо-хай	ли-дин-ни-шо	на-дур-рур
— v — —	v — v —	v v —
фоилотун	мафоилун	фаилун

Қўриниб турибдики, биринчи мисра фаълун рукни билан туғаган бўлса, иккинчиси фоилун рукни билан хотималанганди, яъни икки мисра икки хил вазнда ёзилган.

Биз юқорида кўриб ўтган икки вазн кўпроқ қитъаларни ёзишда қўлланган.

### МУЖТАСС БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Мустафъилун ва фоилотун рукнларининг биришиб такрорла-нишидан мужтасс баҳрининг тузилишини ҳам юқорида кўриб ўтган эдик. Фақат бу баҳрда биринчи ва учинчи рукнларда мустафъилун, иккинчи ва тўртинчи рукнларда фоилотун такрорла-нади. Ана шу икки рукннинг тармоқлари мужтасс баҳри вазнла-рини юзага келтиради.

Ўзбек адабиётида мужтасс баҳрининг, асосан, саккиз рукнли шаклидан фойдаланиб келинган. Бу шаклнинг чизмаси қуйидагича эди:

Мустафъилун	фоилотун	мустафъилун	фоилотун
— — v —	— v — —	— — v —	— v — —
Мустафъилун	фоилотун	мустафъилун	фоилотун
— — v —	— v — —	— — v —	— v — —

Куйида мужтасс баҳрининг ўзбек адабиётида кўп қўлланадиган баъзи вазнларини кўриб чиқамиш.

Адабиётимизда қўлланадиган мужтасс музасси баҳри вазнларининг деярли барчасида мисралардаги аввалги уч руҳи бир хил — «мафоилун файлутун мафоилун» тарзида такрорланади. Улар ўтасидаги фарқ фақат энг сўнгги руҳнагина боғлиқdir. Ҳар бир мисрадаги охирги, тўртинчи руҳи ўрнида келган фоилотуннинг турли хил ўзгариши, турли тармоқ руҳнларининг қўлланишига кўра вазн номлари ҳам ўзгариб боради.

**1. Мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф.** Мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф вазнида ана шу охирги руҳи фоилотуннинг маҳбуни маҳзуф кўриниши — файлун руҳнidan иборатdir. Масалан:

Менинг фироқуму онинг висоли тун била тонг,  
Бу навъи даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

(Навоий)

Бу вазннинг чизмасига диққат қилинг:

Ме-нинг-фи-ро	қи-му-о-нинг	ви-со-ли-тун	би-ла-тонг,
v — v —	v v — —	v — v —	v v —
мафоилун	файлутун	мафоилун	файлун
Бу-навъ-и-даҳ	р-да-йўқ-эҳ	ти-мо-ли-тун	би-ла-тонг
v — v —	v v — —	v — v —	v v —
мафоилун	файлутун	мафоилун	файлун

**2. Мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур.** Бу вазн адабиёти-мизда кўпроқ қўлланган. Унинг мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф вазnidан фарқи шундаки, ҳар қайси мисрадаги охирги руҳнлар бунда фоилотуннинг маҳбуни мақсур тармоғи — файлонга тенг бўлади. Масалан:

Эрур ҳамиша ҳазон баргидек бошимда шарор,  
Сенга не ғамки, бошинг узрадур ҳамиша баҳор.

(Навоий)

Мазкур байт чизмаси қўйидагича:

Э-рур-ҳа-ми	ша-ха-зон-бар	ги-дек-бо-шим	да-ша-рор,
v — v —	v v — —	v — v —	v v ~
Мафоилун	файлутун	мафоилун	файлон
Се-нга-не-ғам	ки-бо-шинг-уз	ра-дур-ҳа-ми	ша-ба-ҳор.
v — v —	v v — —	v — v —	v v ~
Мафоилун	файлутун	мафоилун	файлон

**3. Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ.** Бу вазнда юқорида-гилардан фарқли ўлароқ, ҳар қайси мисранинг охирги руҳнлари ўрнида фоилотуннинг мақтуъ тармоқ руҳни — **фаълон** келади. Ундан аввалги уч руҳи эса юқоридагича такрорланади. Масалан:

Лабинг ҳаёт сүйидинким зулол эмиш — билдим,  
Зулол нүктаси устида хол эмиш — билдим.

(Навоий)

Мазкур байт чизмасини қуйидагича түзиш мүмкін:

Ла-бинг-ҳа-ёт	су-и-и-дин-ки-м	зу-ло-л-э-ми-ш	би-л-ди-м,
v — v —	v v — —	v — v —	— —
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълун
Зу-ло-л-нуқ	та-си-ус-ти	да-хол-э-ми-ш	би-л-ди-м.
v — v —	v v — —	v — v —	— —
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълун

Бу вазн ҳам ёқимли бўлиб, адабиётимизда анча кенг қўллашиб келган.

Мисоллар:

Ажаб эмастур, агар бўлса дардим огоҳи,  
Менинг шаҳимким эрур дардманлар шоҳи.

(Навоий)

Ҳужуми хол эрур ул гули жамол узра,  
Начукки мушк сочилгай ҳарир ол узра.

(Навоий)

Тилаб юзунгни кўнгул ҳажрдин фароф истар,  
Қаронғу тунда нечукким киши чароф истар.

(Навоий)

Қаро қўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

(Навоий)

**4. Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуи мусаббаг.** Мазкур вазн ҳам юқоридагидан аruz ва зарб руқнлари жиҳатидангина фарқ қиласи, бунда ана шу руқнлар фоилотуннинг мақтуи мусаббаг тармоқ руқни — фаълондан иборат бўлади. Масалан:

Мени ҳавосида девона айлади ул шұх,  
Жунуни ишқ ила афсона айлади ул шұх.

(Навоий)

Бу байтнинг чизмаси қуйидагича:

Ме-ни-ҳа-во	си-да-де-во	на-ай-ла-ди	ул-шұх,
v — v —	v v — —	v — v —	— ~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълон

Жу-ну-ни-иш	қи-ла-аф-со	на-ай-ла-ди	ул-шұх
v — v —	v v — —	v — v —	— ~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаылон

Бу мисраларнинг охиридаги «шұх» ҳижоси таркибида бұлған «ұ» унлиси чүзіб талаффуз қилингани туфайли, бу ҳижо ұта чүзіқ ҳижо саналади, олдидаги чүзіқ ҳижо билан биргаликда **фаылон** рукнига тенг келади.

Бу вазндан ҳам шоирларимиз күп фойдаланғанлар.  
Мисоллар:

Күнгүлки ишқини жон ичра айлади мағфуз,  
Гүхарни нақди ниҳон ичра айлади мағфуз.

(Навоий)

Чу қилди ишқиға күнглумни мубтало ул шұх,  
Кетурди жонима ҳар лаңза юз бало ул шұх.

(Навоий)

Шуни күрсатиб үтиш лозимки, юқоридаги вазнлар рукнлар таркибининг бир-бирига яқынлиги туфайли биргаликда құлланиши ҳам мүмкін. Күргина шеър мисраларидаги олдинги уч рукн бир хил бўлиб, аruz ва зарб рукнларида фоилотуннинг маҳбуни мақсур, маҳбуни маҳзуф, мақтуъ ва мақтуи мусаббағ рукнлари алмашиниб туради. Масалан:

Тешилди хаста күнгүл, ишқ тийғи эткоч зұр,  
Кирап анга қора қайғу сипоҳи уйлаки мұр.

(Навоий)

Бу байт чизмаси қуйидагича:

Те-шил-ди-хас	та-кү-нгүл-и-ш	қ-тий-ғи-эт	ко-ч-зұр,
v — v —	v v — —	v — v —	— ~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаылон
Ки-рар-а-нга	қо-ра-қай-ғу	си-по-ҳи-үй	ла-ки-мұр
v — v —	v v — —	v — v —	v v ~
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаылон

Күриниб турибдики, биринчи мисра мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуи мусаббағ вазнида, иккинчиси эса мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур вазнида ёзилган.

Худди шунингдек, мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф ва мужтасси мусаммани маҳбуни мақту вазнлари ҳам бирлиқда құлланиши мүмкін.

Масалан:

Чу ҳұсн вақтида ул ойға зор ошиқ әдим,  
Күрүб жаҳон әли йигларлар әрди ҳолимга.

(Навоий)

## Мизкур байт чизмаси қўйидагича:

Чу ҳус-н-вақ	ти-да-ул-ой	ға-зо-р-о	ши-қ ә-дим,
в — в —	в в — —	в — в —	в в — —
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаилун
Ку руб-жа-ҳон	э-ли-йиғ-лар	ла-р эр-ди-ҳо	лим-ға
в — в —	в в — —	в — в —	— —
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълун

Шеърнинг чизмасига эътибор қилинса, биринчи мисранинг мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф вазнида, иккинчисининг иккни мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ вазнида эканини кўриш қийин эмас.

Умуман, шеъриятимизда юқоридаги тўрт вазн биргаликда қўлланиб келган, натижада 2-4 вазнли асарлар яратилган.

## МАФЪУЛОТУ РУКНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Мафъулоту рукни жами 9 хил ўзгаришга учрайди. Натижада унинг 13 тармоғи юзага келади. Шулардан айримларигина адабиётимизда қўлланиб келган. Жумладан:

**1. Фоилун.** Бу рукн **мафъулотунинг** макшуф тармоғи — мафъулуннинг «тайй» зиҳофи билан ўзгартирилиб, иккинчи чўзиқ ҳижосининг қисқа ҳижога айлантирилиши ҳамда қолган мафъулунни ўзига тенг бўлган **фоилун** рукни билан алмаштирилишидан ҳосил бўлади. Бу рукн **матвийи макшуф** деб юритилади.

**2. Фоilon.** Бу рукн мафъулотунинг мавқуф тармоғи бўлган мафъулонни «тайй» зиҳофи билан ўзгартириб, иккинчи чўзиқ ҳижосини қисқа ҳижога айлантириш ҳамда ҳосил бўлган «мафъулон» («у» унлиси қисқа)ни ўзига тенг фоilon рукни билан алмаштириш натижасида юзага келади. Бу рукн **матвийи мавқуф** деб юритилади.

Маълумки, мафъулоту рукнининг бир ўзи такрорланиб, бирор баҳрни ҳосил қилмайди, у, одатда, бошқа рукнлар, хусусан, мустафъилун рукни билан биргаликда такрорланиб, мунсариҳ, муқтазаб ва сарій баҳрларнинг тузилишида иштирок этади. Шу сабабли мафъулоту рукнининг тармоқлари бу баҳрларда қўлланганда, ана шу баҳрларнинг турли тармоқлари майдонга келади.

Ўзбек адабиётида сарій ва мунсариҳ баҳрлари қўлланиб, муқтазаб баҳри ишлатилмайди. Шу сабабли қўйида мафъулоту рукни иштирокидаги сарій, мунсариҳ баҳри вазнларидан баъзиларини — шоирларимиз ижодида фойдаланилганларини кўриб ўтайлик.

## МУНСАРИҲ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Маълумки, бу баҳр мустафъилун ва мафъулоту рукнларининг бирикиб такрорланишидан тузилади. Ўзбек адабиётида бу баҳрнинг мусамман шакли, яъни саккиз рукнли қўриниши кўпроқ

қўлланилади. Мунсариҳи мусаммани солим вазнининг бир мисрадаги чизмаси қўйидагича эди:

мустафъилун мафъулоту      мустафъилун мафъулоту  
— — V — — — V — — — V — — — V

Мунсариҳ баҳрининг тармоқларида бу рукнлар турли ўзга ришларга дуч келган ҳолда иштирок этади. Ўзбек адабиётида бу баҳрнинг қўйидаги вазнларидан фойдаланилган:

**1. Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф.** Мунсариҳ баҳрининг бу тармоғида мустафъилун рукнининг матвий тармоғи — муфтаилун ҳамда мафъулоту рукнининг матвийи макшуф тармоғи — фоилун қатнашади: ҳар бир мисранинг биринчи ва учинчи рукнлари муфтаилунга, иккинчи ва тўртинчи рукнлари эса фоилунга тент бўлади. Масалан:

Сурма биланму ул ой қўзни қаро айламиш,  
Йўқса Хўтан жайрани мушк ичиди ағнамиш.

(Навоий)

Бу байт чизмаси қўйидагича:

Сур-ма-би-лан	му-у-л ой	кўз-ни-Қа-ро	ай-ла-миш,
— v v —	— v —	— v v —	— v —
муфтаилун	фоилун	муф тайлун	фоилун
Йўқ-са-Хў-тан	жай-ра-ни	муш-к и-чи-да	ағ-на-миш.
— v v —	— u —	— v v —	— u —
муфтаилун	фоилун	муфтаилун	фоилун

Мисоллар:

Кўнглум очилмас даме бу бадани зордин,  
Ўйлаки маҳкам тутун инчкароқ тордин.

(Навоий)

Ваҳки чамандин яна эсли шамол ўзгача,  
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

(Навоий)

**2. Мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф.** Бу баҳр юқоридағидан шу билан фарқланадики, унинг олдинги уч рукнида ўзгариш бўлмаган ҳолда, охирги рукни ўрнида мафъулотунинг матвийи макшуф тармоғи — фоилун эмас, балки матвийи мавқуф тармоғи — фоilon келади.

Масалан:

Бода мени айлади зуҳду риёдин халос,  
Зуҳду риё йўқки минг ранжу анодин халос.

(Навоий)

Мазкур байт чизмаси қўйидагича:

бо-ла-ме-ни	ай-ла-ди	зух-ду-ри-ё	дин-ха-лос,
— v v —	— v —	— v v —	— v ~
Муфтаилун	фоилун	муфтаилун	фоilon
зух-ду-ри-ё	йўқ-ки-минг	ран-жу-а-но	дин-ха-лос
— v v —	— v —	— v v —	— v ~
Муфтаилун	фоилун	муфтаилун	фоilon

## САРИЙ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Маълумки, сарий мустафъилун ва мафъулоту руқнларининг бириниб тақрорланишидан тузилади. У, одатда, мусаддас шаклига, яъни олти руқнлик кўринишда қўлланади. Унинг солим ҳолдаги тўлиқ чизмаси қўйидагича эди (бир мисрада):

мустафъилун	мустафъилун	мафъулоту
— — v —	— — v —	— — — v

Ўзбек адабиётида сарий баҳрининг қўйидаги вазнларидан кўпроқ фойдаланилган:

**1. Сарий мусаддаси матвийи макшуф.** Бу вазнда мустафъилун руқнининг матвий тармоги — муфтаилун руқни ҳамда мафъулоту руқнининг матвийи макшуф тармоги — фоилун руқни иштирок этади. Муфтаилун биринчи ва иккинчи руқнлар ўрнида, фоилун эса учинчи руқн ўрнида келади.

Масалан:

Оҳки ишқ айлади шайдо мени,  
Солди жунун қўйига савдо мени.

*(Навоий)*

Бу байтнинг чизмаси қўйидагича бўлади:

О-ҳ-ки-иши	қай-ла-ди-шай	до-ме-ни,
— v v —	— v v —	— v —
Муфтаилун	муфтаилун	фоилун
Сол-ди-жу-нун	ку-йи-га-сав	до-ме-ни.
— v v —	— v v —	— v
Муфтаилун	муфтаилун	фоилун

Ўзбек шоирлари бу вазнда кўплаб лирик шеърлар, эпик достонлар битганлар. Номаълум шоирнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достонлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мисоллар:

Бор эди Магрибда шоҳи номвар,  
Ҳамроҳ эди чун анга фатху зафар.

*("Юсуф ва Зулайҳо")*

Эйки қавий айлади давлат құлунг,  
Зулм сори тушти ва лекин йүлинг.

(Навоий)

## 2. Сариын мусаддаси матвийи мавқұф.

Бу вазн юқоридаги үлчовдан охирги рукннинг фоилон (мағұалоту рукннинг матвийи мавқұф тармоги) тарзіда құллыниши билангина фарқланади.

Масалан:

Үн ики ойда келадур бир таноб,  
Үзгалара роҳату менга азоб.

(Муқимий)

Байт рукнлари ва чизмаси қўйидагича:

Ўн-и-ки-ой	да-ке-ла-дур	бир-та-ноб
муфтаилун	муфтаилун	фоилон.
Ўз-га-ла-ра	ро-ҳа-ту-мен	га-а-зоб
муфтаилун	муфтаилун	фоилон

## ФАУЛУН РУКНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Фаулун рукни таркибидаги ҳижоларнинг турли хил ўзгариши натижасида унинг қўйидаги тармоқлари майдонга келади:

1. **Фаълун.** Бу рукн фаулуннинг «салм» («бузилиш») зиҳофи билан ўзгартирилиб, биринчи қисқа ҳижосининг туширилиши ва қолган «улун» қисмининг ўзига teng бўлган фаълун рукни билан алмаштирилишидан ҳосил бўлади ва **аслам** деб юритилади.

2. **Фаал.** Бу рукн фаулуннинг «ҳазф» зиҳофи билан ўзгартирилиб, кейинги чўзиқ ҳижосининг туширилиши ва қолган «фау» қисмининг ўзига teng фаал рукни билан алмаштирилишидан ҳосил бўлади ва **маҳзуф** деб юритилади.

3. **Фаулу.** Бу рукн фаулуннинг «қабз» зиҳофи билан ўзгартирилиб, охирги чўзиқ ҳижосини қисқа ҳижога айлантиришдан ҳосил бўлади ва **мақбуз** деб юритилади.

4. **Фаълу.** Бу рукн фаулуннинг «сарам» («олдинги тишни синдириш») зиҳофи билан ўзгартирилиб, биринчи қисқа ҳижосининг туширилиши, айни вақтда охиридаги ҳижони қисқа ҳижога айлантириш ҳамда қолган «улу» қисмини ўзига teng **фаълу** рукни билан алмаштириш натижасида ҳосил бўлади ва **асрам** деб юритилади.

5. **Фаул.** Бу рукн фаулуннинг «қаср» зиҳофи билан ўзгартирилиб, охирги ҳижосининг туширилиши ва иккинчи ҳижосининг ўта чўзиқ ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади ва **мақсур** деб юритилади.

Шундай қилиб, фаулун рукннинг турли ўзгаришларга дучкелиши натижасида унинг адабиётимизда қўлланадиган қўйидаги тармоқлари ҳосил бўлади ва тубандагига аталади:

- |                    |       |
|--------------------|-------|
| 1. Фаулу — мақбуз  | v — v |
| 2. Фағулун — аслам | — —   |
| 3. Фаал — маҳзуф   | v —   |

- |                  |     |
|------------------|-----|
| 4. Фаул — мақсур | v ~ |
| 5. Фаълу — асрар | — v |

Фаулун рукнининг юқоридаги тармоқлари бу руқн такроғин асосланган мутақориб баҳри ҳамда унинг иштирокида туширадиган тавил баҳрининг тармоқларини келтириб чиқаради. Тавил баҳри адабиётимизда қўлланмаган. Қуйида мутақориб баҳрининг ўзбек адабиётида кўп қўлланадиган вазнларини кўриб ўтамиш.

### МУТАҚОРИБ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

**1. Мутақориби мусаммани мақсур.** Бу вазнда фаулуннинг мақсур тармоғи — фаул руқни иштирок этади. У, одатда, ҳар байтнинг аруз ва зарб руқнлари, яъни ҳар қайси мисранинг охирги руқнлари ўрнида келади. Масалан:

Зиҳи шаҳду нўшинг бағоят малиҳ,  
Мусалсал сўзинг бениҳоят малиҳ.

(Навоий)

Бу байт чизмасини шундай кўрсатиш мумкин:

Зи-ҳи-шаҳ	ду-ну-шинг	ба-ғо-ят	ма-лиҳ,
v — —	v — —	v — —	v ~
фаулун	фаулун	фаулун	фаул
Му-сал-сал	сў-зинг-бе	ни-ҳо-ят	ма-лиҳ.
v — —	v — —	v — —	v ~
фаулун	фаулун	фаулун	фаул

**2. Мутақориби мусаммани маҳзуф.** Бу вазнда фаулуннинг маҳзуф тармоқ руқни — фаал иштирок этади. У ҳам ҳар бир байтнинг аруз ва зарб руқни, яъни мисраларнинг охирги руқнлари ўрнида келади. Масалан:

Сенингдек буте йўқтурур Чин аро,  
Бути Чин сенинг банданг ойин аро.

(Навоий)

Бу байтнинг чизма ва руқнлари қўйидагича:

Се-нинг-дек	бу-те-йўқ	ту-рур-Чин	а-ро,
v — —	v — —	v — —	v —
фаулун	фаулун	фаулун	фаал
Бу-те-Чин	се-нинг-бан	да-нг о-йин	а-ро.
v — —	v — —	v — —	v —
фаулун	фаулун	фаулун	фаал

**3. Мутақориби мусаммани аслам.** Мутақориб баҳрининг бу тармоғида фаулуннинг аслам тармоғи — фаълун руқни иштирок этади. Бу руқн, одатда, мисраларнинг биринчи ва учинчи руқнлари ўрнида келади. Масалан:

Кўрсат жамолинг мастоналарга,  
Ишқингда куйган девоналарга.

(*Машраб*)

Бу байтнинг чизмаси қўйидагича:

Кўр-сат	жа-мо-линг	ма-то	на-лар-га,
— —	v — —	— —	v — —
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
Иш-қинг	да-куй-ган	де-во	на-лар-га.
— —	v — —	— —	v — —
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун

Мазкур вазнда адабиётимизда кўплаб ажойиб лирик шеърлар яратилган. Мисоллар:

Эй шўх зебо, эй сарв раъно,  
Бўлдум ғамингдин мажнуни шайдо.

(*Навоий*)

Арзимни айдим боди сабоға,  
Еткурса ҳолим ул дилрабоға.

(*Ҳувайдо*)

**4. Ўн олти руқни мутақориби аслам.** Мумтоз шеъриятимизда мутақориб баҳрининг кўп руқни вазнлари ҳам қўлланган. Айрим етук шоирлар, хусусан, 16 руқни мутақориби аслам вазнида лирик шеърлар битганлар.

Мазкур вазнда яратилган шеърларнинг ҳар байтида 16 та руқн иштирок этиб, мисраларда фаулун руқнининг аслам тармоғи — фаълун солим руқн — фаулун билан кетма-кет алмашиниб такрорланади. Масалан:

Сенсан латофат тахти уза шаҳ, ҳусн аҳлидурлар  
хайли сипоҳинг,  
Бўлсун илоҳи то рўзи маҳшар афзуну олий  
иқболи жоҳинг.

(*Оғаҳий*)

Мана шу байт чизмаси қўйидагича:

Сен-сан	ла-то-фат	тах-ти	у-за-шаҳ	ҳус-наҳ	ли-дур-лар
— —	v — —	— —	v — —	— —	v — —
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун	фаълун	фаулун

иүл-сун	и-ло-ҳи	то-рӯ	зи-маҳ-шар	аф-зу	ни-о-лий
—	v — —	—	v — —	—	v — —
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
			иқ-бо	ли-жо-ҳинг,	
			—	v — —	
			фаълун	фаулун	

**5. Ўн олти рукили мутақориби аслами мусаббаг.** Бу вазн юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги, яъни ҳар қиси қофияланувчи мисрадаги охирги рукининг фаулунга эмас, билки унинг мусаббаг тармоғи — фаулонга тенглиги билангина фирқланади. Масалан:

Ақлимни олди, ҳайратга солди бир турфа жонон,  
султони хўбон,  
Ул бир табассум айлаб такаллум чун моҳи тобон  
бўлди намоён.

*(Фурқат)*

Байт чизмаси қўйидагича:

Ақ-лим	ни-ол-ди,	ҳай-рат	га-сол-ди	бир-тур	фа-жо-нон
—	v — —	—	V — —	—	v — —
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
				сул-то	ни-хў-бон,
				—	v — ~
				фаълун	фаулон
Ул-бир	та-бас-сум	ай-лаб	та-кал-лум	чун-мо	ҳи-то-бон
—	v — —	—	V — —	—	v — —
фаълун	фаулун	фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
				бўл-ди	на-мо-ён
				—	v — ~
				фаълун	фаулон

**6. Ўн олти рукили мутақориби маҳбузи аслам.** Аруз вазнига биринчи марта Алишер Навоий томонидан олиб кирилган бу вазнда фаулун рукининг маҳбуз тармоғи — фаулу ҳамда аслам тармоғи — фаульун рукилари иштирок этади: фаулу тоқ рукиларда, фаульун эса жуфт рукилар ўрнида келади. Бу вазннинг рукилари ва чизмаси қўйидагичадир:

Фаулу	фаульун	фаулу	фаульун	фаулу	фаульун	фаулу	фаульун
v — v	—	v — v	—	v — v	—	v — v	—
фаулу	фаульун	фаулу	фаульун	фаулу	фаульун	фаулу	фаульун
v — v	—	v — v	—	v — v	—	v — v	—

Масалан:

Не пок мажнунки бир пари чехра пок ҳусниға зор бўлгай,  
Бу пок ишқ ичра пок жон тарки этса не ихтиёр бўлгай.

(Навоий)

Мазкур байтнинг чизмаси тузилса, қўйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Не-по-к	маж-нун	ки-бир-па	ри-чех	ра-по-к	ҳус-ни
v — v	— —	v — v	— —	v — v	— —
фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу	фаълун
				фа-зо-р	бўл-ғай
				v — v	— —
				фаулу	фаълун
Бу-по-к	иш-қ ич	ра-по-к	жон-тар	ки-эт-са	не-их
v — v	— —	v — v	— —	v — v	— —
фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу	фаълун
				ти-ё-р	бўл-ғай
				v — v	— —
				фаулу	фаълун

## ФОИЛУН РУКНИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Фоилун рукни таркибидаги ҳижоларнинг ўзгариши натижасида унинг адабиётимизда қўлланувчи қўйидаги тармоқлари майдонга келади:

1. **Фаилун.** Бу рукн фоилотуннинг «хабн» зиҳофиға дуч келиб, биринчи чўзиқ ҳижосининг қисқа ҳижога айлантирилишидан ҳосил бўлади ва **махбун** деб юритилади.

2. **Фаълун.** Бу рукн фоилотуннинг «қатъ» зиҳофиға дуч келиб, охирги ҳижосини тушириш ва қисқа ҳижосини чўзиқ ҳижога айлантириш натижасида ҳосил бўлади ва **мақтӯй** деб юритилади. Фоилун рукнининг шундай ўзгаришдан сунг юзага келган «фои» қисми ўзига тенг бўлган фаълун рукни билан алмаштирилади.

3. **Файлон.** Бу рукн фоилуннинг махбун тармоғи файлуннинг изола зиҳофи билан ўзgartирилиб, охирги чўзиқ ҳижони ўта чўзиқ ҳижога айлантириш натижасида ҳосил бўлади ва **махбуни музол** деб юритилади.

Фоилун рукнининг бу зиҳофлари унинг такороридан тузиладиган мутадорик баҳри, шунингдек, унинг иштирокида тузиладиган мадид ҳамда басит баҳри тармоқларини майдонга келтиради. Ўзбек адабиётида мадид ва басит баҳрларидан фойдаланилмаган. Шеъриятимизда мутадорик баҳрининг икки вазни қўлланган, холос.

## МУТАДОРИК БАХРИ ВАЗНЛАРИ

**I. Мутадорики мусаммани мақтуу.** Бу вазн шеър мисраларида фиқат чүзик ҳижоларнинггина келиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Ышр байтдаги саккизта руқннинг ҳар бири фоилун руқнининг мақтуу тармоги — фаълунга тенг бўлади. Масалан:

Боргил, эй ҳамдам, ҳар ёни,  
Кўнглум итмиш, топқил они.

(Навоий)

Мазкур байт қуйидаги чизмага эга:

Бор-гил	эй-ҳам	дам-ҳар	ё-ни,
— —	— —	— —	— —
фаълун	фаълун	фаълун	фаълун
Кўнг-лум	ит-миш,	топ-қил	о-ни.
— —	— —	— —	— —
фаълун	фаълун	фаълун	фаълун

**2. Ўн олти руқнили мутадорики маҳбун.** Бу вазн шеър мисраларида фоилун руқнининг маҳбун тармоги иштирок этишини тақозо қиласди. Адабиётимизда ана шу руқннинг бир байтда 16 марта такрорланишига асосланган кўриниши қўлланилган.

Масалан:

Туну кун караминг ўқини отасан ҳама олам  
элини нишона қилиб,  
Вале навбат агар манга етса, хато қиласан  
неча навъ баҳона қилиб.

(Оғаҳий)

Шу байт чизмасини қуйидагича тузиш мумкин:

Ту-ну-кун	ка-ра-минг	ў-қи-ни	о-та-сан	ҳа-ма-о
v v —	v v —	v v —	v v —	v v —
файлун	файлун	файлун	файлун	файлун
		ла-мэ-ли	ни-ни-шо	на-қи-либ,
		v v —	v v —	v —
		файлун	файлун	файлун
Ва-ле-нав	ба-т а-тар	ма-нга-ет	са-ха-то	қи-ла-сан
v v —	v v —	v —	v v —	V V —
файлун	файлун	файлун	файлун	файлун
		не-ча-нав	иъ-ба-ҳо	на-қи-либ,
		v v —	v v —	v v —
		файлун	файлун	файлун

Кўриниб турибдики, мазкур байтда фоилун руқнининг маҳбун фуруи — файлун 16 марта айнан такрорланган. Шунга кўра

шеър вазни 16 рукли мутадорики маҳбун эканини таъкидлаши миз мумкин.

Комил баҳри асосан араб арузига маҳсус бўлиб, туркӣ шеъриятда кам қўлланган. Ўзбек адабиётида ушбу ўлчовдаги ил (ягона) ғазални Алишер Навоий яратган. Ундан сўнг мазкур вазни Оғаҳий, Муқимий сингари ижодкорлар синааб кўрдилар. Кекса арузчи шоир Ҳабибий ҳам ўз ғазалларидан бирини ушбу ўлчов асосида яратган эди.

## КОМИЛ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

**Комили мусаммани солим** — шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ҳамда чизмаси бир мисрада

мутафоилун      мутафоилун      мутафоилун      мутафоилун  
    VV—V—      VV—V—      VV—V—      VV—V—

тарзидадир. Ушбу ўлчовни биринчи марта ўзбек шеъриятида Алишер Навоий қўллаб, ўзининг

Не хаёл эди янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас  
айладинг,  
Баданимға ҳар саридин ҳаданг отибон анга қафас  
айладинг

матлали ғазалини ёзган эди.

Навоий анъаналарининг давомчиси бўлган Шермуҳаммад Мунис ҳам ушбу вазнда

Санамо, фамингда ёқиб фалакни фифону нолау  
оҳимиз,  
Дили саҳтинга асар этмади нечук эрди баҳти  
сиёҳимиз.

### Мисоллар:

Не балоли чарх экан ушбу дун манга ҳажрдан ватан айлади,  
Ватан ичра бор на тириклигим яна дардидин кафан айлади.

(Увайсий)

Қаду оғзи ҳажрида дарду ғам етадур аламзода жонима,  
Етур, эй сабо, бу хабарни ул қади сарву фунча даҳонима.

(Оғаҳий)

Хирадимни горатин айлаган юзи ой-у соchlари ҳоладур,  
Бу чаман аро на санавбару на суман билан гули лоладур

(Муқимий)

Ҳаҳуш ўргилай қараминг била қарасанг кулиб  
Назар айласанг,  
Юрагингдаги гаразингни ҳам билайн надур,/ ҳабар айласанг.  
VV—V— V— V— V—

(Ҳабибий)

# УЧИНЧИ БҮЛИМ

## МУМТОЗ ҚОФИЯ НАЗОКАТИ

Мумтоз шеъриятимизда қофия бадииятнинг асосий қирралашидан бири саналиб келган. Ижодкорнинг салоҳияти шеърларда қўлланган қофияларнинг ғоялар моҳиятини, тимсоллар қиёфасини очишдаги аҳамияти, қофия учун танланган сўзларнинг маънавий теранлиги, оҳангдорлиги, жило ва жозибаси билан ҳам белгиланган. Қофиянинг хилма-хил турлари ва санъатларидан, шунинг ва қофия муносабатларидан ўринли фойдаланиш шоир маҳоратининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ҳар қайси ижодкор қофия илмини диққат-эътибор билан урганган, етук маликул қалом шоирларнинг бу соҳадаги санъаткорликларидан таълим олиб камол топган.

Маълумки, қофия шеърий асарларда ифодаланаётган ижтимоий-ахлоқий ғоялар, теран фалсафий мушоҳадаларни бадиий сўз воситасида жозибали ва таъсирчан акс эттиришнинг муҳим воситаларидан биридир. Ҳар қайси мисра, байт, банддаги қофияларда, қофиядош сўзларда шоирнинг ғоявий-бадиий нияти ўз тажассумини топади. Ижодкор қофия воситасида ўз ўқувчиси лиққатини шеърдаги энг муҳим фикрларга жалб қиласди. Қофиядош сўзлар асарда гавдалантирилаётган лирик ёки эпик тимсолнинг маънавий қиёфасини чизишга, уларнинг ахлоқий тамойиллари: тафаккур олами, туйғулари, орзу-армонларини ёрқин акс эттиришга хизмат қиласди.

Қофиялар шеърий асар мусиқийлиги, жозибадорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан саналади. Қофиядош сўзлар таркибидаги ҳар қайси товуш мисра, байт, бандга алоҳида жило, таъсирчанлик бағишлайди.

Қофиянинг шеърий асарда тутган ўрни ва аҳамиятини тұла-роқ, муфассалроқ англаб етиш учун қофия илми асослари: қофиянинг тузилиши ва турлари, шеърий жанрларнинг қофия хусусиятлари, қофия санъатлари ва хатолари, вазн ва қофия, радиф ва қофия муносабатлари мазмуни ва моҳиятини атрофлича билиш зарур.

## ҚОФИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

Қофия асосини **равий** ҳарфи ташкил қиласди. Равий сўзи арабча «риво» сўзидан олинган бўлиб, юкни туяга боғладиган аргамчи маъносини билдиради. Аргамчи түя устига ортилган юкларни маҳкам бирлаштириб турганидек, равий ҳам шеърнинг қофияланувчи барча мисраларини бириктириб, ўзаро боғлаб туради.

Равий ҳарфи қофияланувчи сўзлар таркибида айнан такрор ланиб келиши шарт.

Равий туб сўзларда ўзак охирида, ясама сўзларда эса негизи сўнгидаги келувчи чўзиқ унли ёхуд ундош ҳарфдир. Атоийнинг

Мени оғзинг учун **шайдо** қилибсан,  
Манга йўқ қайфуни **пайдо** қилибсан.  
Сенинг ёйингни ҳеч ким торта олмас,  
Мунингдекким қошингни ё қилибсан

мисраларидағи қофиядош «шайдо», «пайдо», «ё» сўзлари охиридаги чўзиқ «о» унлиси равийдир.

Бу хил чўзиқ унли қўшимчалардан олдин келиши ҳам мумкин. Чунончи, Алишер Навоийнинг

Кўз ёшим бўлди равон бир нарғиси **жоду** кўруб,  
Тифл янглигким юргургай ҳар тараф **оҳу** кўруб

байтида «жоду», «оҳу» сўзлари охиридаги чўзиқ «у» унлиси равий бўлиб ҳисобланади.

Чўзиқ унлилар ҳамиша сўз охирида келмай, қўшимчалар олдидаги туриши ҳам мумкин. Масалан, Навоийнинг

Жамолинг шавқидин ғам шоми қўймак **ибтилосидин**,  
Кўзум шамъи кул айлабтур аён қонлиқ **қаросидин**

байтидаги «ибтилосидин», «қаросидин» қофиядош сўзлари таркибидаги чўзиқ «о» унлиси равийдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қофиядош сўзлардаги такрорланувчи ундошлар охирида келган унлилар қисқа ёки чўзиқ бўлишидан қатъи назар равий бўла олмайди. Бундай ҳолларда ундан олдин турган ундош равий ҳисобланади. Чунончи,

Қани висолинга бир мендек **орзуманде**,  
Висол умиди била меҳнатингга **хурсанде**

байтида «орзуманде», «хурсанде» сўзлари охирида турган «е» (э) унлисини равий деб билиш хато бўлади. Бу сўзларда равий «д» ундошидир.

Бобур қаламига мансуб «Хаттинг аро узоринг...» деб бошлинувчи ғазалдаги

Хаттинг аро узоринг сабза ичидаги **лола**,  
Ул ҷашми пур хуморинг лоладаги **ғазола**

байтида равий «лола», «ғазола» сўзлари охиридаги «а» унлиси эмас, балки «л» ундошидир.

Машрабнинг

Эй гул баданим, гул юзунга **бандада** бўлойин  
Курбони шакар лаблари **пурханда** бўлойин

деб бошланувчи ғазалида ҳам **банда**, **пурханда**, **ноланда**, **гўянда**, **ширманда**, **ханда** каби қофиядош сўзлар охиридаги «а» унлиси эмас, балки «д» ундоши равий бўлиб ҳисобланади. Зеро бу сўзларининг барчасида қисқа «а» унлиси «д» ундошидан кейин келгипти.

### Хоразмий «Мұхаббатнома»сидаги

Кел, эй соқий, кетур паймона бизга,  
Иноятлар қилур жонона бизга

мисраларидағи қофилярда ҳам «а» унлиси эмас, балки «н» ундоши равий саналади.

Шеъриятилиздаги аксарият асарларда ундошлар равий бўлиб келади. Масалан, Оғаҳий ғазалидаги

Келди юз файзу тароват бирла айёми **баҳор**,  
Айлади рўйи замин жаннат сафосин **ошкор**

байтидаги «баҳор», «ошкор» сўзлари охиридаги «р» ундоши равий бўлиб келяпти. Аваз Утар ўғлининг

Мани ишқ ичра шайдо айлаган ороми **жонимсан**,  
Нигори гулжабину маҳваши шириң **забонимсан**

байтидаги «жонимсан», «забонимсан» сўзларидағи олдинги «н» ундоши равий ҳисобланади.

Қофия тузилишига кўра равийдан олдин ва ундан кейин турувчи унли ва ундош ҳарфлар ҳам турли номлар билан аталади. Ҳусусан, равийдан олдин келувчи ундошлар қайд, даҳил, чўзиқ унлилар эса ридф, таъсис деб, қисқа унлилар (ҳаракатлар) ҳазв, тавжиҳ ва ишбоъ деб юритилади. Равийдан кейин келувчи ундошлар ёки чўзиқ, шунингдек, араб ёзувида ҳарф тарзида ёзиладиган қисқа унлилар васл, ҳуруж, мазид, нойира, қисқа (ёзилмайдиган) унлилар (ҳаракатлар) мажро ва нафоз номлари билан юритилади.

Қофия равий билан тугалланса, **муқайяд қофия** деб, равийдан сўнг давом этса **мутлақ қофия** деб аталади.

Тузилишига кўра қофиляр тўрт турга бўлинади. Булар **мужаррад**, **мурдаф**, **муқайяд** ва **муассас** қофилярдир.

## ҚОФИЯ ТУРЛАРИ

### МУЖАРРАД ҚОФИЯ

Ўзбек шеъриятида кенг қўлланган қофия турларидан бири **мужаррад қофия** ҳисобланади. Бу хил қофиининг бир тури равий чўзиқ унлидан иборат бўлган қофия бўлиб, унда шу чўзиқ унлидан бошқа бирон ҳарф иштирок этмайди. Равий ўрнида эса

чүзиқ унлилардан исталгани кела олади. Масалан, Хоразмий «Мұхаббатнома» сидаги

Чечаксиз булбулинг иши **наводур**,  
Ошиқлар ҳар не ким қылса **раводур**

байтида наво — право қофиялари мужаррад бўлиб, равийси чўзиқ «о» унлиси дир.  
Гадоийнинг

Ул ғамза ўқи нечаки жонға **жафо** қилур,  
Кўнглум қушини, кўрки, ҳам ул ён **ҳаво** қилур,

Атоийнинг

Ҳусн боғинда юзунгдек варди **ҳамро** кўрмадук,  
Миср мулкинда лабингдек қанди зебо кўрмадук,

Лутфийнинг

Қайдин доги кўрдум мен ўшул кўзи **қарони**,  
Куч бирла кетурди бу кўнгул бошқа **балони**

байтиларида ҳам чўзиқ «о» унлиси равий бўлиб келиб, мужаррад қофияни ташкил этган.

Алишер Навоийнинг

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,  
Ким жонга қаро бало бўлубтур

байтидаги «қаро» ва «бало» қофиялари мужаррад бўлиб, бу сўзлар таркиби даги чўзиқ «о» унлиси равий бўлиб келган. Ҳар иккиси қофиядош қилиб турган мана шу унлидир.

Навоий қаламига мансуб

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади

байтида эса равий вазифасини чўзиқ «у» унлиси бажарган. У мана шу газалдаги бадхў, кулгу, қайфу, ўтру, су(в) каби сўзларни қофиядош қилиб келган.

Навоийнинг

Кўз ёшим галтон борур ул орази дилжў сори,  
Тифллекким, ағнабон майл айлагай кўзгу сори

байтида чўзиқ «ў» ва «у» унлилари равий вазифасини бажариб, мужаррад қофия ташкил қилган.

Мужаррад қофиянинг унли равий бўлиб келувчи бу тури ху-  
нияти қуйидаги шаклда аниқ кўриниб туради:

### равий

бал	о .
қар	о
гулр	ў
уйқ	у
дилж	ў
кўзг	у

Мужаррад қофиянинг иккинчи тури ундош билан тугалла-  
ниб, шу ундош равий бўлиб ҳисобланади, ундан олдин эса иста-  
ғаш қисқа унли келиши мумкин. Бу унли тавжиҳ деб юритилади.  
Цемак, мужаррад қофиянинг бу тури бир қисқа унли билан бир  
ундошдан ташкил топади. Алишер Навоийнинг

Ёр ҳолидин менга ваҳким **хабар** йўқтур букун,  
Бу жиҳатдин ақлу хушумдин **асар** йўқтур букун

байтида «хабар» ва «асар» сўzlари қофиядош бўлиб, «р» ундоши-  
равий, ундан олдинги «а» қисқа унлиси тавжиҳ бўлиб ҳисобланади.

### Бобурнинг

Шукрлиллоҳ, айш юзланди-ю **мехнат** қолмади,  
Етти айёми висоли, шоми **фурқат** қолмади

байтидаги «мехнат», «фурқат» қофиядош сўzlари таркибидаги  
«т» ундоши равий, улардан олдинги «а» унлиси тавжиҳ бўлиб  
келиб, мужаррад қофияни ҳосил қилган.

### Мунис қаламига мансуб

Ул навъ совуқ бўлди мушаддад бу **қиши**,  
Тутғоч отин эл оғзида тил булғуси **тиш**

байтидаги «қиши-тиш» қофиядаги сўzlаридаги «ш» ундоши —  
равий, олдинги қисқа «и» унлиси тавжиҳ саналади.

### Увайсий ғазалидаги

Таним захмига, дўстлар, новаки нозик **бадан** боис,  
Бўлубман хирқаи жўлийда ул гул **пираҳан** боис

байтида «бадан» ва «пираҳан» қофиядош сўzlари таркибидаги  
«н» ундоши — равий, «а» унлиси тавжиҳдир.

### Оғаҳийнинг

Ул гул юзи саҳбодин гул **гулму** экин, оё,  
Кўнглум анга зор ўлгон **булбулму** экин, оё

мисраларидаги «гулму», «булбулму» қофиядош сўзлари таркибидаги «л» ундоши — равий, ундан олдин турган қисқа «у» унлиси тавжих ҳисобланади.

Юқорида келтирилган қофиялар мисолида мужаррад қофиянинг бу тури хусусиятларини шундай кўрсатиш мумкин:

### тавжих равий

хаб	а	р
ас	а	р
мехн	а	т
фурқ	а	т
қ	и	ш
т	и	ш
бад	а	н
пираҳ	а	н
г	у	л
булб	у	л

## МУРДАФ (РИДФЛИ) ҚОФИЯ

Равий ҳарфидан олдин чўзиқ унлилардан бири келган қофия мурдаф (ридфли) қофия деб номланади. Чўзиқ унлиниң ўзи эса ридф деб аталади.

Шеъриятизмизда равийдан олдин «о» чўзиқ унлиси келган мурдаф қофия жуда кўп қўлланган.

Мисоллар:

Жамолинг равзаи боги **жинондур**,  
Лабинг сарчашмаи руҳи **равондур**.

(Атоиӣ)

Келгин, эй дилбарки, асли ҳаддин ошти **иштиёқ**,  
Дарду гам ўтина бағримни кабоб этти **фироқ**,

(Гадоиӣ)

Кўнглум тилар ул пистатек оғзинг етурган **жомни**,  
Бу нуқлу майнинг ҳасрати ўлтурди хосу **омни**.

(Саккокий)

Эй азалдин то абад кўнглум **гирифтординг** сенинг,  
Чора қилким, бўлди жоним асрү **аффоринг** сенинг.

(Лутфий)

Не янглиғ дей қошинда арзи **ҳолим**,  
Ки қолмас они кўргач дер **мажолим**.

(Навоий)

Қошию қадиу оғзин ул **моҳ**,  
Курсатмаса манга найлайнин, **оҳ**.

(Бобур)

Хуштур баҳор мавсумининг айши **чоғида**,  
Ўз ери бирла бўлса киши васл **боғида**.

(Оғаҳий)

Куйиб кул қилди жисмим ишқ ўти, мен кимга айлай **дод**,  
Кулум кўкка совурди ҳажр боди дод ила **бедод**.

(Увайсий)

Аввалда кўрмасамчи, багрим **кабоб** кўрмай,  
Бир лаҳза сабру тоқат йўқ қўзда **хоб** кўрмай.

(Муқимиј)

Қўриниб туриблики, «о» унлисидан кейинги равий ўрнида истаган ундош келиши мумкин. Лекин ўзбек шеъриятида қўпинча «н», «р», «д», «л», «б» каби ундошлар равий сифатида кенг қўлланган.

Баъзан чўзиқ унли билан равий орасида яна бир ундош тақрорланиб келиши мумкин. Бу хил ундош **ридфи зойид** деб, шу тарздаги қофия эса **ридфи зойидли мурдаф қофия** деб юритилади. Масалан, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида қўлланган шундай қофиялардан баъзиларини қўздан кечирайлик:

Чекиб бошига бу андолалиқ **гурз**,  
Ки гар ул текса туфроғ ўлғай **Албурз**.  
...Чиқорғач пардаларнинг кейнидин **чехр**,  
Нечукким тўрт бурқаъ остидин **мехр**.  
...Бирорким хилқатин қилди қазо **рост**,  
Қилур бовар неча сўз булса **норост**.  
Бўлуб бир бурж ичинда меҳрдек **гиран**,  
Ҳакими чарх анинг олинда **шогирд**.

Гурз-албурз қофияларидаги «у» чўзиқ унлиси ридфи аслий, «р» ундоши ридфи зойид, «з» ундоши равийдир. **Чехр-мехр** қофияларида е (э) чўзиқ унлиси ридфи аслий, «ҳ» — ридфи зойид, «р» — равий; **рост-норост** қофияларида «о» чўзиқ унлиси ридфи аслий, «с» — ридфи зойид, «т» — равий; **гиран-шогирд** қофияларида «и» чўзиқ ундоши — ридфи аслий, «р» — ридфи зойид, «д» — равийдир.

Кўп ҳолатларда «а» унлиси чўзиқ талаффуз қилинган ҳолда ридфи аслий бўлиб келиб, ридфи зойидли мурдаф қофия таркибида иштирок этиши мумкин. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Сени доно демак ёҳуд **хирадманд**,  
Демакдурким ачиғ майдур, чучук-қанд.  
...Силоҳи разм аро ул навъ ўлуб **фарқ**,  
Ки ондин то қуёш чарх айламай **фарқ**.

...Ҳамул қоғозки бўлди нақш пайванд,  
Чекиб тарҳи ҳамул кишварға монанд.  
...Ютурмакка улус баским қилиб майл,  
Йиқилиб бир-бири устида ҳар хайл

каби байтлардаги қофиялар шулар жумласидандир. Юқоридаги қофияларнинг барчасида «а» унлиси чўзиқ талаффуз қилингани учун ридфи аслий вазифасида қўлланган.

	Ридфи аслий	Ридфи зойид	Равий
Г	у	р	з
Алб	у	р	з
ч	е	ҳ	р
м	е	ҳ	р
р	о	с	т
нор	о	с	т
Г	и	р	д
шог	и	р	д

Ридфи зойидли мурдаф қофияни қайдли (**муқайяд**) қофиядан фарқлаш лозим.

### МУҚАЙЯД (ҚАЙДЛИ) ҚОФИЯ

Бу хил қофияларда қўш ундош қисқа унлидан сўнг келади. Қисқа унли ҳазв, равийдан олдинги ундош «қайд» деб аталади. Масалан,

Гаҳе Хотам уёлур **базм** ичинда,  
Гаҳе Рустам юпонур **разм** ичинда.

(Хоразмий)

Кел эй соқий, мени мажнунни **маст** эт,  
Сочинг занжири бирла **пойбаст** эт.

(Навоий)

Сафар айлади неча йил **даҳр** аро,  
Қилиб неча кун сайр ҳар **шахр** аро,

(Фурқат)

Насимиким юки **сийм** ўлгай охир  
Таҳаррукда анга **бийм** ўлгай охир.

(Навоий)

	ҳазв	қайд	равий
Ж	а	х	д
	а	х	д
МОН	а	н	д
Қ	а	н	д
Р	у	с	т
Ч	у	с	т
Б	а	х	р
З	а	х	р
Б	а	р	қ
Ғ	а	р	қ
М	а	с	т
пойб	а	с	т

## МУАССАС (ТАЪСИСЛИ) ҚОФИЯ

Чўзиқ «о» унлиси (фақат чўзиқ «о» унлиси) билан равий ўртасида бир ундош ва ундан кейин бир унли келадиган қофия **муассас (таъсисли) қофия** дейилади. Чўзиқ «о» унлиси **таъсис** деб, ундан кейинги ундош дахил деб, равий олдидағи қисқа унли эса **ишбоъ** деб аталади. Масалан, Алишер Навоий қаламига мансуб ғазалнинг

Гар етар агёрдин юз минг **жароҳат**, эй кўнгул,  
Чунки бордур ёр учун бор айшу **роҳат**, эй кўнгул

байтида жароҳат-роҳат қофиялари муассас бўлиб, чўзиқ «о» унлиси — таъсис, «ҳ» ундоши — дахил, «а» қисқа унлиси ишбоъ, «т» ундоши эса равийдир.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги баъзи муассас қофияларни кўздан кечирайлик:

...Табъида қуёш каби **ҳарорат**,  
Айшига солиб эди **марорат**.  
Ул дамки ароға кирса **хойил**,  
Бўлур эди дашт сори **мойил**.  
...Чун жазм қилиб бу ишни **тожир**,  
Суд истаю мулкидин **муҳожир**.  
Теграмда ҳужум қилиб **халойик**,  
Мен кимса тилаб ул ишга **лойик**.  
Шарҳ эттики фитнаи **ҳаводис**.  
Оқшом не иш этмиш эрди **ҳодис**.

Таъкидланган қофияларнинг барчасида чўзиқ «о» унлиси иштирок этиб, ундан кейин дахил, ишбоъ, сўнг равий келган. Юқоридаги қофияларни қуидагича кўрсатиш мумкин:

	таъсис	дахил	ишбо	равий
ҳар	о	р	а	т
мар	о	р	а	т
х	о	й	и	л
м	о	й	и	л
т	о	ж	и	р
муҳ	о	ж	и	р
хал	о	й	и	қ
л	о	й	и	қ
ҳав	о	д	и	с
Ҳ	о	д	и	с

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳар иккى мисрадаги дахил-нинг бир хил ундошдан иборат бўлиши шарт эмас, улар турлича бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги

Ҳароратлар этиб ул ҳасқа **мойил**,  
**Қилур ўт етгач ўрганмакка қобил**.  
...Ичинда неча дарё моя **тожир**,  
Гуҳар савдосига бўлғон **мусофири**.  
Кўруб кишли элига тушти **мотам**,  
Фузунроқ бўлди бу мотам дамодам.  
Тузотгунча ўқу ёйин **диловар**,  
Етишти ҳар ён ул хайли **жафогар**

каби ўнлаб қофияларда иккала мисрадаги дохиллар бир-биридан фарқланадилар. Буни қўйидаги шаклда янада яққолроқ кузатиш мумкин:

	таъсис	дохил	ишбо	равий
м	о	й	и	л
қ	о	б	и	л
т	о	ж	и	р
мус	о	ф	и	р
м	о	т	а	м
дам	о	д	а	м
дил	о	в	а	р
жаф	о	г	а	р

Шу ҳолат ҳам диққатга сазоворки, муассас қофиялар лирик шеъриятда жуда кам қўлланади. Шоирлар бу хил қофияга кўпроқ эпик шеъриятда мурожаат қилганлар. Шунда ҳам улар жами қофиянинг 3,5–7 фоизидан ошмайди.

## Мисоллар:

Улки дерлар жумлаи оламда **ғолиб** ҳусн эрур,  
Мунтаҳои восили матлубу **толиб** ҳусн эрур.

(Атоиӣ)

Тор оғзинг шаккар эрнинг шаҳди **фоиқ**,  
Сўзунгдин эл билур турлук **дақоийқ**.

(Хоразмий)

Гар етар ағёрдин юз минг **жароҳат**, эй кўнгул,  
Чунки бордур ёр учун бор айшу **роҳат**, эй кўнгул.

(Навоиӣ)

Кўнгул тоқида бир меҳроб абрў кўздадур **ғойиб**,  
Анингчун мастиғда ишқ элига саждадур **вожиб**.

(Увайсий)

Қаддинг олдида сановбарда **назокат** қайдадур,  
Гулда рухсорингни торида **тароват** қайдадур.

(Муқимий)

## МУТЛАҚ ҚОФИЯЛАР

Қофиялар равий ҳарфи билан тугалланиши ёки ундан кейин ҳам ҳарфлар келиши мумкин. Равий билан тугалланган қофияларни **муқайяд** деб, ундан кейин ҳарфлар келган қофияларни эса **мутлақ қофия** деб аташ қабул қилинган.

Мутлақ қофия таркибида равийдан кейин келувчи ҳарфлар турлича аталади. Чунончи, равийдан кейин турувчи ундош ёки чўзиқ унли **vasl** деб, иккинчи, яъни васлдан кейин турувчи ундош ёки чўзиқ унли **хуруж** деб, учинчи, яъни хуруждан кейинги ундош ёки чўзиқ унли **мазид** деб, тўртингчи, яъни мазиддан кейинги ундош ёки чўзиқ унли **нойира** деб юритилади. Ҳарфлар нойирадан кейин давом этса, ҳар қайси ундош ёки чўзиқ унли шу ном билан, яъни нойира деб аталаверади. Васл, хуруж, мазид, нойира эски ёзув бўйича ёзиладиган ҳарфлардир. Маълумки, эски ўзбек ёзувида қисқа унлилар (ҳаракатлар) ёзилмайди.

Равийдан сўнг шундай унлилар келса (улар ҳозирги ёзуви мизда қисқа унли бўлиб ёзилади албаттa), улар ҳам турлича аталади. Жумладан, равийдан кейинги қисқа унли (равийнинг ҳаракатини ифодаловчи ҳарф) **мажро** деб, васл, хуруж, мазид, нойирадан кейин турувчи қисқа унлилар (уларнинг ҳаракатини ифодаловчи ҳарфлар) **нафоз** деб юритилади.

Мутлақ қофиянинг тузилиши қуйидаги шаклда аниқ қуриниб туради:

равий	Мажро	васл	нафоз	хуруж	нафоз	Мазид	нафоз	нойира	нафоз	нойира
-------	-------	------	-------	-------	-------	-------	-------	--------	-------	--------

Мутлақ қофияларнинг равийгача бўлган қисми қофия тури билан боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни мужаррар қофия бўлса, равийдан олдин тавжиҳ — қисқа унлигина келади, мурдафи аслий қофия бўлса, равийдан олдин чўзиқ унли туради. Мурдафи зойид қофияда равийдан олдин ридфи аслий ва ридфи зойид ҳарфлари, муқайяд (қайдли) қофияда радифдан аввал ҳам ва қайд ҳарфлари, муассас қофия бўлса равийдан олдин таъсисе дахил, ишбоя ҳарфлари туради. Масалан, Навоийнинг

Неча йилда қилмади кўнглимга ишқи шиддати,  
Улча қилди хаста жонга неча кунлук фурқати

байтидаги «шиддати», «фурқати» қофиялари мужаррад бўлиб, «т» — равий, ундан олдинги «а» — тавжиҳ, охирги «и» чўзиқ унлиси эса (у эски ёзувимизда ҳам ёзилади) васлдир. Бу хил қофия **васлли мутлақ қофия** ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг

Ошиқ ўлдум неча жавр аҳли замондин тортайин,  
Улки ошуби замондур бори ондин тортайин

байтида замондин — ондин қофияларидаги «н» ундоши — равий, ундан кейинги «д» ундоши — васл, қисқа «и» унлиси (у эски ёзувда ёзилмайди) — нафоз, охирги «н» ундоши — ҳуруж ҳисобланади. Бу хил қофия **ҳуружли мутлақ қофия** саналади.

Бир паривашким кўнгул девонадур савдосидин,  
Гар эрур бандангки, озод ўлмон истиғносидин

байти қофияларида «о» унлиси — равий, «с» ундоши — васл, ундан кейинги «и» унлиси (эски ёзувда ёзилади) ҳуруж, «д» ундоши мазид, кейинги қисқа «и» унлиси (у эски ёзувда ёзилмайди) нафоз, охирги «н» ундоши эса нойирадир. Бу хил қофия **нойирали мутлақ қофия** саналади.

Алишер Навоийнинг

Ҳарорат жонима ул оташин лаъл ахгариндиндур,  
Анга таскин ҳам ул юз равзасининг кавсариндиндур

байтида бир неча нойира иштирок этади, яъни «ахгариндиндур — кавсариндиндур» қофиялари таркибида олдинги «р» — равий, ундан кейинги «и» — мажро, олдинги «н» ундоши — васл, «д»

ундоши — ҳуруж, ундан кейинги «и» — нафоз, кейинги «н» үндоши — мазид, кейинги «д» ундоши — нойира, чўзиқ «у» унлиси (икки ёзувда ёзилади) — нойира, охирги «р» ундоши — нойира ҳисобланади. Бу хил қофия бир неча нойирали мутлақ қофия саналади.

Юқорида таҳлил қилинган мутлақ қофияларнинг хусусияти-ни қуидагида кўреатиш мумкин:

	равий	мажро	васл	нафоз	хурж	нафоз	мазид	нафоз	нойира	нафоз	нойира	нафоз	нафоз	нойира
шидда	т	т	и	д	и	н	д	и	н					
фурқа	т	н	и	д	и	н	д	и	н					
замо	н	н		с	и	и	н	и	н					
о	н	о		с	и	и	и	и	н					
савд	о	о		с	и	и	и	и	н					
истигн	о	о		с	и	и	и	и	н					
ахга	р	и	и	и	и	и	и	и	и					
кавса	р	и	и	и	и	и	и	и	и	и	и	и	и	и

## ШЕЪР ШАКЛЛАРИНИНГ ҚОФИЯ ТУЗИЛИШИ

Шарқ адабиётида қофия шеър шакларини белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланган. Ҳар қайси шеър шакли муайян тартиб билан қофияланган.

Шеъриятимизда, араб ва форс-тоҷик адабиётларидағи каби, шеърий шакллар қофия тузилиши нуқтаи назаридан уч гуруҳга бўлинган. Булар ғазал, маснавий, мусаммат гуруҳларидир. Ҳар қайси гуруҳга мансуб шеър шаклари қофия жиҳатидан ўзаро яқинликка эга бўлиб, айрим томонлардангина бир-биридан фарқланган.

Ғазал усулида қофияланувчи лирик шеърлар гуруҳига фард, рубойй, туюқ, ғазал, қасида киради. Улардан ҳар бирининг қофия тузилиши билан батафсилроқ танишайлилек.

Фард шаклида шеърни ташкил қилаётган икки мисра аксар ҳолларда қофияланади. Баъзан улар қофиясиз бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг «Хазойинул маоний» асаридан ўрин олган 86 фардидан 83 таси қофияли, 3 тасигина қофиясиздир. Чунончи,

Андоқ кўрунди сабза орасинда лолалар,  
Ким, сабз ҳатлар илгига олтун пиёлалар.  
...Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кўзгу,  
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму.

...Муруват барча бермакдур, емак йўқ,  
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ

каби фардлар қофияли бўлса,

Ўқларинг эй тонгки, оттинг жонима вуслат куни,  
Бу жиҳатдин ёрума дермен сени ҳар субҳадам.  
...Белу оғзидин дедиларким, дегил афсонае,  
Бошладим филҳолким: «Бир бор эди, бир йўқ эди».  
...Сайл йўлида фано даштида мужгоним эмас,  
Кўз олочугларининг дўде еган угларидур

фардлари қофиясиздир.

Фард шаклида ёзиладиган муаммолар асосан қофияли шеър сифатида битилади. Жумладан, Навоий «Хазойинул маоний»сидан 52 муаммо, «Девони Фоний»даги (Навоийнинг 15 жилдлик асарларининг 5— жилдидаги) 17 муаммо қофиядош қилиб битилган.

Рубоий жанрига мансуб бўлган шеърий асарлар аксар ҳолда а а б а тарзида, яъни тўртликнинг 1, 2, 4 мисралари қофияланади. Баъзан шоирлар рубоийнинг тўрттала мисрасини ҳам қофиядош қилиб ёзганлар. Бундай рубоийлар тарона деб аталган. Масалан, Алишер Навоий қаламига мансуб

Кўзум учадур, магарки ёрим келадур,  
Эс ҳар дам озар, магар нигорим келадур.  
Ё бодияни фироқ сайрида қилиб,  
Юз марҳала қатъ шаҳсуворим келадур.

Фурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш,

каби рубоийлар а а б а тарзида қофияланган бўлса,

Ҳар лаҳза кўнгул ғамингда маҳзун бўладур,  
Маҳзунлиги лаҳза-лаҳза афзун бўладур.  
Савдо анга юз ончаки Мажнун бўладур,  
Юз мунча десам ҳам не ажаб чун бўладур.

Ким истаса салтанат, саҳодур анга шарт,  
Ким ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.  
Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,  
Оллига неким келса, ризодур анга шарт

рубоийлари ааа тарзида қофияланган тароналардир. Жумладан, Алишер Навоий «Хазойинул маоний»сидаги 133 рубоийдан 116 таси тарона шаклида, 17 тасигина а а б а тарзида қофиялан-

тан. Шоирнинг «Назмул жавоҳир» асаридан ўрин олган 268 рубоййнинг барчаси таронадир. Навоий ўзининг форсий тилдаги 73 рубоийсини ҳам тарона тарзида битган. Чунончи, шоир 15 жилдлик асарлари 5-жилдидан ўрин олган 51 рубоий тарона шаклида ёзилган. Бинобарин шоир яратган жами 474 рубоийдан 461 таси таронадир.

Заҳиридин Бобур қаламига мансуб 196 рубоийдан 17 таси тарона, қолган 179 таси оддий, **ааба** шаклида қофияланган. Оғаҳий эса 73 рубоийсидан 10 тасинигина тарона шаклида ёзган.

**Туюқ** шаклида битилган шеърий асарларнинг қофия хусусиятларини Бобур ўзининг «Мухтасар (аниқроғи «Муфассал») асарида мукаммал баён этган эди. У ёзади: «Туюқ неча навъдур? Бири улким ҳар уч қофияда тажнис риоят қилурлар... яна бири улким, қитъадек бурунғи байтнинг аввалғи мисраъида қофия риоят қилмай, байтларнинг қофиясида тажнис келтуурлар, нечукким:

Берма дерлар ул вафосизға күнгул,  
Ким аниңг кишига ортуқ ниши бор.  
Мен тамаъ узмасмен ўлсам лаълидин,  
Жон менинг жонимдур элнинг неши бор.

Навоий:

Бир пари ишқида мен девонани  
Эйки истарсен, келиб гулханда күр.  
Бир қадаҳ ул гулни хандон айлади,  
Эй күнгул, наzzора қил гул ханда күр.

Яна бири улким, **тажнис риоя қилмай** (таъкид бизники — А. Ҳ) уч қофия билан айтурлар, нечукким:

Экма қошу яхши парчамдур санга,  
Рост қадду зулфи пурхамдур санга.  
Чун бу янглиғдур санга хайлу ҳашам,  
Хўбулук мулки мусалламдур санга.

Яна бири улким, тажнис риоя қилмай икки қофия била айтурлар, нечукким:

Бу вилоятқа муқайяд булмагил,  
Кел Хурносон жонибига азм қил.  
Гар борур бўлсанг эрурман ҳамроҳинг,  
Вар турарсен, мен борурмен, жазм қил.

Туюқда яна бир неча навъ хотирга етибтур, ким, ҳеч ерда кўрулмайдур. Бири улким ҳар тўрт қофияда тажнис риоят қилинибтур, нечукким:

Васлдин сүз дерга йўқ, ёро манга,  
Ҳажр аро раҳм айла, кел, ёро манга.  
Ўқунг этти кўб ёмон ёро манга,  
Марҳами лутфунг била ёро манга.

Яна бири улким уч ерда тажнис радиф ўрнида бўлубтур, юқоридағи қоғия риоят қилинибтур, нечукким:

Меҳрким қўкка қилур оҳанг тонг,  
Оллида бўлса эмас беранг тонг.  
Холию икки лабидек бўлмағай  
Ҳинду ар келтурса шаккар бирла тонг.

Яна бир улким тажнисдан бурно уч ерда ҳожиб риоят қилинибтур, нечукким:

Не бало бийик туур давлат боғи,  
Кўҳи фамни не билур давлат боғи.  
Ҳиммате тут, доғи давлат истагил,  
Ҳимматинг бўлса бўлур давлат боғи»<sup>1</sup>.

Бинобарин, туюқлар **а а а а , а а ба** ва **б а в а** тарзида тажнисли ёки тажнисиз қоғияланиши мумкин.

Ўзбек шеъриятида яратилган туюқлар аксар ҳолларда **а а ба** ёки **б а в а** шаклида қоғияланган. Жумладан, Лутфий яратган 70 туюқдан<sup>2</sup> 60 таси **а а ба** тарзида қоғияланган, шулардан 19 таси тажнисли, 10 туюқ **б а в а** тарзида қоғияланган бўлиб барчаси тажнислидир.

Алишер Навоийнинг 13 туюғидан 11 таси **а а ба**, 2 таси **б а в а** тарзида қоғияланган бўлиб, ҳаммаси тажнислидир. Бобур 17 туюқ ёзган бўлиб, шулардан 14 таси **а а ба**, 3 таси **б а в а** тарзида қоғияланиб, барчаси тажнислидир. Огаҳий **а а ба** тарзида тажнисли қоғияланувчи 8 шеър ёзган. Ҳабибий яратган 9 туюқ ҳам **а а ба** шаклида қоғияланган.

Қитъа шаклида битилган шеърий асарлар, ҳажмидан қатъи назар, **б а в а** тарзида, яъни жуфт мисраларигина қоғияланади. Алишер Навоийнинг

Чун гараз сўздин эрур маъни анға,  
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.  
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини  
Кўрма ким дер они, кўргилким не дер,

<sup>1</sup> Бобур. Мухтасар. Тошкент. «Фан» нашриёти, 1971, 163—164-бетлар.

<sup>2</sup> Лутфий. «Сенсан севарим» китобида келтирилган ва туртлик, рубоий қитъа, туюққа нисбат берилган 72 асардан 2 тасигина рубоий бўлиб, 70 таси туюқдирип. Улардан 10 тасини қитъа-туюқ деб аташ ҳам мумкин.

Күнгүлни боғлама номард ваъдасиға дами,  
Ки ваъдасида анинг бўлмагай вафо ҳаргиз.  
Мулоим ўлма dame душмани қадимингга,  
Мулоимат била ул бўлмас ошно ҳаргиз.  
Тоши йилоннинг агар ҳар нечаки, нармдуур,  
Ва лек бўлмас ичи заҳрдин жудо ҳаргиз

қитъалари бу хил қофияга мисол бўла олади. Катта ҳажмдаги қитъалар ҳам худди шу тарзда қофияланаверади. Чистон, тарих битишда ҳам кўпинча шу хил қофиядан фойдаланилган. Чунончи, Навоийнинг 10 та чистонидан 8 таси, форсча 9 тарихдан 7 таси шу тарзда қофияланган.

Фазал шаклига мансуб асарларнинг мисралари **аабава...** тарзида, яъни биринчи байт — матланинг ҳар икки мисраси, кейинги байтларнинг жуфт мисралари бир хилда қофияланади. Бобурнинг

Қачон бўлгай мушарраф бўлгамен, жоно **жамолингга**,  
Кутулгаймен фироқингдин, етишгаймен **висолингга**.  
Кўз очғил боққаликим, бўлмишам бечора ул куздан,  
Лаб очғил сурғаликим, ташна булмишмен **зилолингга**.  
Ул ойнинг юзи бирла тўш булуб даъвойи ҳусн этсанг,  
Яқин бўлди буқунким, эй қуёш, еттинг **заволингга**.  
Кабутар, элтасен хаттим, не бўлғай гар қабул этсанг,  
Кўнгүлни боғласам ул нома янглиғ парру **болингга**.  
Белингдин ким хаёлидур, йироқдурмен мени ёд эт,  
Умидим борки Бобурдин етишгаймен **хаёлингга**

ғазали қофияси шу хил кўринишга эга.

Шеъриятилизда барча мисралари қофияланган fazallar ҳам битилган. Увайсийнинг қуйидаги шеъри шундай асарлардандир:

Деди бир кун менга ул маҳвашим: «Эй шўхи **бепарво**,  
Мен айдим: «Сен дема, мен дей, ки солдинг бошима **савдо**.  
Ато қилди худо менго сенингдек дилбари **барно**,  
Висолинг қатраидир, мавж урар ҳажринг бўлуб дарё.  
Қаноатда дегил кўнглум қушин то ул қуши **анқо**,  
На чун ким сен эрурсен баҳри дилда гавҳари **якто**.  
Табассум айлағил, нолам насимига гули **раъно**,  
Ки гулзори фироқ ичра мен эрдим булбули **гӯё**.  
Баногоҳ етса васлинг қилмағайсен ноз **истифо**,  
Дегайсен мен гадо мазмунига, эй шоҳ, **салламно**.  
Замонингда агар мавжуд бўлса Вомику **Узро**,  
Муҳаббатдин дам урмас эрди, ишқдин айламас **даъво**.  
Ажаб маъшуқлик расмин биларсен, кўзлари **шаҳло**,  
Топилмас икки оламда сенингдек шўх базм оро<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Увайсий. ЎзФАН нашриёти, Тошкент, 1959, 25-бет.

**Мустаҳзод** шеърий шаклиниң қофия тузилиши ғазалға үшаб кетса ҳам, баъзи хусусиятларига кўра ундан фарқланиб туради. Маълумки, мустаҳзод «орттирилган» деган маънони ифодалайди, яъни ғазалга монанд шеър мисраларидан ҳар бирiga яна ярим мисра орттирилади, оқибатда ҳар қатори бир ярим мисралик шеър ҳосил бўлади. Мустаҳзод қофиясининг асосий хусусияти шундаки, тўлиқ мисра ҳам, орттирилган ярим мисра ҳам ғазалға ўшаб а б а в а ... тарзида, лекин ҳар қайсиси мустаҳзод қофияланади. Машраб мустаҳзоди байтлари мисолида бу хил қофияни кузатиш мүмкін:

Ногоҳ күрунуб жилва қилиб үтти паризол

Бағримни килиб кон

Фурқат илағам даشتада дид айдади мешел

Ул ваъласи ёлғон

Ийглаб югурууб оркасидин эргаша кодим.

Бир рахм килур леб

Бираңм қылтур дең,  
Бераңм вафосизға қилиб умрни барбад

Сарғаштау хайрон

Сарлаштау ҳайрон

Мустаҳзоднинг кейинги байтлари ҳам шу тарзда қофияланади. Алишер Навоий, Мунис, Оғаҳий, Комил Хоразмий, Аваз, Ҳабибий каби шоирлар яратган мустаҳзодлар шу тарздаги қофия тузилишига эга.

Санъаткор шоир Огаҳий мустаҳзоднинг анъанавий қофия ту-  
зилишини такомиллаштириб, ҳар қайси ярим мисрадан сўнг яна  
ярим мисра ортириб, ҳар қайси қатордаги қофиялар сонини  
учтага еткизди. Мана шу мустаҳзоднинг дастлабки байтлари:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул

[Бир ошики хайвон](#)

бүршиңи ҳайран.  
дийдоринга шайдо

Бир шефтадур кокули мушкининга **сунбул**.

Хам холи паришон

**Хам бошида савдо**

Ҳам сарв қадинг жилвасини күргали күмри

ҳар дам чекибон ох

бүлкүл борур үзлиң

Хам гул юзунга маҳви жамол үлғали бұлбұл

ТУН-КУН чекар **афесон**

Тинмай дами аспо

**Қасида** жанрида битилган асарлар ҳам, ҳажмидан қатын на-  
зар, худди шу тарзда, яни **аабава**... шаклида коғияланады.

Сақкокийнинг Улуғбекка бағишилган қасидаси шундай бошланади:

Жаңондин кетти ташвишу мабодийи **амон** келди,  
Халойиқ, айш этинг, бу күн сурори **жовидон** келди.  
Тан эрди бу улус барча аниңдек жони бор ё йүк.  
Биҳамдиллоҳ, ўғон фазли била ул танга **жон** келди.

Бу мавқаб гарди сурмоси топилмас эрди, бериб жон,  
Күрүнг күз бирла ҳақ сунъинким ўш хуш ройгон келди.

Қасида шу тарзда давом этади. Келтирилган парчадан қасида  
нинг ғазалга үхшаб қофияланиши кўриниб турибди.

Маснавий тарзида ёзиладиган асарларда ҳар қайси байт мус-  
тақил қофияланади. Бу хил қофиялаш усули қулай бўлганлиги  
учун катта ҳажмдаги шеърий асарлар: ҳикоя — манзумалар, ҳаж-  
вий ҳикоялар, соқийномалар, достонлар шу тарзда қофияланган.  
Жумладан, Хоразмий «Мұхаббатнома»си, Хўжандий «Латофат-  
нома»сидаги мактублар, Кутбнинг «Хусрав ва Ширин» достони,  
«Юсуф ва Зулайҳо», «Гул ва Наврӯз» асари, Навоий, Муҳаммад  
Солих, Нишотий достонлари, Муқимиининг ҳажвий ҳикоялари,  
Фурқатнинг маърифат мавзусидаги манзумалари шу тарзда қо-  
фияланган. Жумладан, Оғаҳийнинг даҳр боғи таърифидағи мас-  
навийси шундай бошланади:

Даҳрки бир боғи мусаффодуур,  
Бошдин аёқ зеб ила ородуур.  
Лутфу назокат аро ҳар гулшани,  
Айш ила ишрат элининг маскани.  
Үйлаки фирдавс фазоси онинг,  
Руҳафзо обу ҳавоси онинг.  
Наҳрлари ўйлаки баҳрун најот,  
Балки азубат аро айнул ҳаёт.  
Сувлари ҳар сори намудор ўлуб,  
Ойнаи таҳтиҳол анҳор ўлуб.  
Ҳавзлари ичра мусаффо зулол,  
Хосияту таъм аро қавсар мисол.  
Очилибон юз ранг ила гуллари,  
Сочилибон гул уза сунбуллари...

**Мусаммат** (бандли шеърлар)нинг қофияси яна ўзгача хусу-  
сиятларга эга. Маълумки, мусаммат деганда, мураббаъ, мухам-  
мас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, муашшар шакллари англа-  
шилади. Уларнинг қофия тузилиши ниҳоятда үхшашдир.

Мураббаъ шаклидаги шеърнинг қофия тузилиши **а а а ,**  
**б б а , в в а ...** кўринишига эга. Яъни биринчи банддаги тўрт-  
тала мисраль ягона қофияга эга бўлиб, кейинги ҳар қайси банд-  
нинг олдинги уч мисраси мустақил қофияланади, тўртинчиси  
эса биринчи банд билан қофиядош бўлиб келади. Оғаҳий му-  
раббаларидан бирининг дастлабки икки банд қофияларини кўз-  
дан кечираильик:

Жамолинг шавқида ёқти фалакни ўтлуг **ағоним,**  
Бори ер юзини тўфонға берди чашми **гирёним,**  
Эшит додимни эмди дардинг ўлди қосиди **жоним,**  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида **султоним,**

Ўтубдур илтифотинг орзуси бирла ою **йил,**  
Кўзум гирён, таним ларzon, кўнгул нолону алкон **тил,**

Боқиб айни карамдин ушбу ҳолимға тараҳұм қил,  
Нигорим, мәхрибоним, макрамат тахтида **сұлтоним**.

Күпинча мураббаъларнинг биринчи бандидаги барча мисралар қофияланмай, шеър худди иккинчи мисрадагидек **б б б а** тарзидағи қофиялар билан бошланади, кейинги барча бандларнинг түртінчи мисралари биринчи банднинг охирги мисраси билан қофия дош бўлиб келади ёхуд айнан такрорланади. Машрабнинг

Булбулдайинким фарёд **этарман**,  
Ишқ дафтарини бунёд **этарман**,  
Күнгилларимни мен шод **этарман**,  
Ёрга етар кун борму, **ёронлар**?

Фам баҳри қилди мавжини бунёд,  
Ишқингда қилдим юз оху **фарёд**.  
Үтти нигорим чун сарви **озод**,  
Ёрга етар кун борму, **ёронлар**?

...Шамъи фироқинг күксумда **ёнди**  
**Күз** ёшим оқиб бағримға **томди**,  
Faflatда қолған Машраб **үёndи**,  
Ёрга етар кун борму, **ёронлар**

каби бандлардан ташкил топган мураббаъсида қофиянинг шухил тузилиши ўз аксини топган.

Мухаммас шаклида ёзилган шеърларда қофия **а а а а**, **б б б а**, **в в в в а** ... тарзида бўлади. Бинобарин, биринчи бандидаги беш мисранинг барчаси қофияланыб, кейинги бандларда олдинги түрт мисра мустақил қофияланади, бешинчи мисралар эса биринчи банд мисраларидаги қофия билан оҳангдош бўлиб келади. Машрабнинг бир мухаммасидаги биринчи ва учинчи бандлар қофиясини кузатайлик:

Дилрабо, ҳуснунгни **күргон** бормукин,  
Күрмайн ҳасратда **юргон** бормукин,  
Ҳасрату дардига **сұлгон** бормиқин,  
Васлига етмайму **ұлгон** бормукин,  
Фам била ҳасратга **тұлгон** бормукин?

Ҳасратимға тогу тузлар **йиглагай**,  
Қил дуо, шоядки ёрим **англагай**,  
Ҳеч ким йұқтұр сұзумни **tingлагай**,  
Зулфини бандига чирмаб **боғлагай**,  
Ман каби ҳайрона **бұлғон** бормукин?

Мусадлас шаклида ёзилган шеърларнинг биринчи бандидаги олти мисра ўзаро қофияланыб, кейинги бандларнинг охирги бир ёки икки мисраси ҳам уларга оҳангдош бўлиб келади. Күп ҳолларда эса биринчи банд охирида келган икки мисра барча бандларнинг 5—6- мисраларида такрорланиб келади. Ҳар бир банддаги олдинги түрт мисра эса мустақил қофияланаверади. Бу

хил қофия тузилиши **а а а а а**, **б б б б а**, **в в в в а**... шакли билан ифодаланади. Бу ҳолатни, масалан, Фурқат мусаддасида яққол күришимиз мумкин:

Сайдинг құя бер, сайдинг, **сайёра** экан мендек,  
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,  
Ўз ёрини топмасдин **овора** экан мендек.  
Иқболи нигун, баҳти ҳам **қора** экан мендек.  
Ҳижрон үқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри **садпора** экан мендек.

Кес риштани ким қилсун чаппаклар отиб **жаста**,  
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари **хаста**,  
Тоғларга чиқиб бўлсун ёри била **пайваста**,  
Кел, қўйма бало доми бирла они **побаста**,  
Ҳижрон үқидин жисми кўп ёра экан мендек,  
Куйган жигари-бағри **садпора** экан мендек.

**Мусаббаъ** — ҳар банди етти мисрадан ташкил топган шеър. Бу шаклдаги асар қофияси **а а а а а**, **б б б б а**, **в в в в а**... тарзида тузилади. Демак, биринчи банддаги етти мисра қофияланиб, кейинги бандларнинг 7-ёхуд 6—7-мисралари уларга оҳангдош бўлади. Ҳар банддаги 1—5-мисралар мустақил қофияланади.

**Мусамман** шаклидаги шеърларда биринчи банддаги саккиз мисра қофияланиб, кейинги бандларнинг 8- ёки 7—8-мисралари шу банд мисралари билан қофиядош бўлиб келади, қолган 1—6-мисралар мустақил қофияланади. Бу ҳолатни Огаҳий қаламига мансуб мусамманнинг биринчи ва иккинчи бандлари мисолида кузатайлик:

Оқим, айлаб сафар азмини **жонон**, эй кўнгул,  
Ноз якронин суруб бўлди **шитобон**, эй кўнгул,  
Қатъ этиб таъжил ила кўху **биёбон**, эй кўнгул,  
Етти ўзга кишвар ичра шоду **хандон**, эй кўнгул,  
Айлабон ағёр базмини **гулистан**, эй кўнгул,  
Қилди кулбамни манинг бир тийра **зиндан**, эй кўнгул,  
Йиғласам эмди не тонг бу ҳолима **қон**, эй кўнгул,  
Ким, бўлубман мутталойи дарди **ҳижрон**, эй кўнгул.

Ошнолигни узуб мандин туман **озор** ила,  
Қўйди юз бегоналарға шеваи **афтор** ила,  
Тузди айшу кому роҳат базмини **ағёр** ила,  
Ичди ишрат бодасини согари **саршор** ила,  
Сочди лаззат нуқлини лаъли шакар **гуфтор** ила,  
Маст ўлуб шўру алоло бошлади **ашрор** ила.  
Эмди ман кўкни неча йиқсан фигону зор ила,  
Ул маҳи сархуш эшитмак эрмас **имкон**, эй кўнгул.

Мумтоз адабиётимизда кам бұлса-да, ҳар банди ўн байткіш ташкил топувчи лирик шеър — **муашшарлар** ҳам яратилған. Бүн дай асарларда биринчи банддаги ўнта мисра қофияланиб кейинги бандларнинг олдинги 8 мисраси мустақил қофията ғана булади, охирғи, 9—10-мисралар эса биринчи банд билан қофияланади.

Баъзан муашшарларнинг бошдан оёқ барча бандларици ғана валғи саккиз мисра мустақил қофияланиб, бандлар охиріда бир байт айнан такрорланиб келади. Жумладан, Нодиранинг «Фиго роқнома» муашшари шу тарзда битилған. Шеърнинг дастлабки икки бандини келтирамиз:

Оҳқим беҳад менго жавру жафо айлар фалак,  
Фурқат ичра қисматим дарду бало айлар фалак,  
Ёрдин айру манго күп можаро айлар фалак,  
Фам била гулдек юзумни қаҳрабо айлар фалак,  
Бевафодур, оқибат кимға вафо айлар фалак,  
Ҳасрату дарду аламга мубтало айлар фалак,  
Ерни албатта ёридин жудо айлар фалак,  
Гул била булбулни бебаргу наво айлар фалак,  
Ҳеч ким ёраб жаҳонда ёридин айрилмасун,  
**Жондин ортиқ мәхрибон дилдоридин айрилмасун.**

Сабр қылсам ишқ дарди бекарор айлар мени,  
Касби хуш этсам жунун беихтиёр айлар мени,  
Дам-бадам фарёдим элдин шармсор айлар мени,  
Ҳажр дөғи дардманду дилфиғор айлар мени,  
Үйлаким жаври фалак зору низор айлар мени,  
Ёрсиз ҳижрон балосига дучор айлар мени,  
Чархи дун токай фироқ илгіда зор айлар мени,  
Оқибат бу дарду фам Мажнуншиор айлар мени,  
Ҳеч ким ёраб жаҳонда ёридин айрилмасун,  
**Жондин ортуқ мәхрибон дилдоридин айрилмасун.**

Таркиббанд тузилиш жиҳатидан анча мураккаб бўлган лирик шакл. Ҳар бири ҳажман газалга teng бўлган ҳамда ғазал сингари **а а б а в а ...** тарзида қофияланувчи бандлардан тузилган бу хил шеърда ҳар қайси банд охиридаги икки мисра шеър банд қофиясидан ажralиб турувчи мустақил оҳангдошлика эга булади. Таркиббанднинг қофия хусусиятини Навоий асари мисолида кўрайлик:

Даҳр боғики жафо шориидур ҳар чамани,  
Жуз жафо аҳлиға сончилмади онинг тикани.  
Кимдаким дөғи вафо кўрса, шаҳид айламаса,  
Лоласининг не учун қонға бўялмиш кафани.  
Поймол этмаса андинки келур меҳр иси,  
Оёғ остинда недин қолди гиёҳи дамани.  
Сафҳан хотири пок ўлмаса барбод андин,  
Бас, не соврулмоқ эрурким, кўрап онинг самани.

Ростлар бўлса анинг арсасида бархўрдор,  
Жаврдин, бас, нега бебарлик эрур сарви **фани**  
Гар яқин аҳлини Мансур кеби қатл этмас,  
Бас, нединдур шажару сунбули-дору **расани**?  
В-ар камол аҳли жалойи ватан эрмас андин  
Нега туфроғдур ул акмали даврон **ватани**?  
Баҳри урфон дури Сайид Ҳасан улким афлок  
Етти дуржи аро бир кўрмади андоқ дури пок.

Золи гардун кишига майли **вафо** айламади,  
Кимдаким кўрди вафо, файри **жафо** айламади,  
Қайси бир васл кунин меҳр ила қилди равшан,  
Ким, яна ҳажр туни бирла **қаро** айламади,  
Қайси давлат қўёшин чекти камол авжи уза,  
Ким, яна ер тубида маскан **анго** айламади.  
Қайси лабташнаға тутти қадаҳи соғ нишот,  
Ким, яна қисми анинг дурди **ано** айламади.  
Қайси дилхастага еткурди фарогат нўше  
Ким, насиби яна юз неши **бало** айламади.  
Ҳар дил озурдағаким новаки зулм этти күшод,  
Гарчи бор эрди хато, лек **хато** айламади,  
Чекти бу зулмин анинг барча ҳалойиқ, лекин,  
Чора бу дардга жуз аҳли **фано** айламади.  
**Хосса ул фонии давронки, бўлуб восили ҳақ,**  
**Кўймади кўнгли аро файри хаёлин мутлақ.**

Таржеъбанднинг қофия тузилиши таркибандниги ўхшаш.  
Фарқ шундаки, таркибандда бандлар охиридаги бир байт мустақил қофияланса, таржеъбанддаги ҳамма бандлар охирида бир хил байт такрорланиб келади. Аваз Ўтар ўғлининг бир таржеъбанди бандларини қўздан кечирсан, бу шакл асосида ёзиладиган шеърларнинг қофия хусусиятини аниқ тасаввур қилишимиз мумкин.

Воқиф ўл, эй ошиқи бехонумон,  
Бехуда кўп чекмагил оху **фигон**.  
Ёр висолини тилаб барҳо,  
Қилма фироқида ўзинг **нотавон**,  
Лаблари бўсими қилиб орзу,  
Фусса чекиб айлама бағрингни қон.  
Ҳар нечаким гарчи вафо айласанг,  
Лек жафолар сенга айлар **аён**.  
Ботинида душмани жонинг сенинг,  
Барчаси зоҳирда бўлуб **меҳрибон**.  
Чашмаи хунхор эканин билмадинг,  
Фаҳм қилиб лаълини **муъжизбаён**.  
Ўзни гами ишқига айлаб асир,  
Шому саҳар бўлмағил **озурдажон**.  
**Шўхи жаҳонким, бор эрур бевафо,**  
**Золими бедодгару пуржафо.**

Эй ўзини ишқ аро зор айлаган,  
Меҳр русумини **шиор** айлаган.  
Марҳамати ёрни истаб мудом,  
Қалбини ғам тифи **фигор** айлаган.  
Ўзни майи васл умиди била  
Ҳажрида шаб-рӯз **хумор** айлаган.  
Ганжи фуюз истабон ўз жонини  
Ранжи балиятга **дучор** айлаган.  
Лаъли таманносида жондин кечиб  
Майли ҳамул шўхи **нигор** айлаган.  
Тарк қилиб ор ила номусини,  
Ўзни онинг куйида **хор** айлаган.  
Дилбарининг мақдамиға нақди жон  
Садқа дили бирла **нисор** айлаган.  
**Шўхи жаҳонким, бор эрур бевафо,**  
Золими бедодгару пуржафо.

Шеъриятимизда мусамматнинг муаммо, мусаддас, мухаммас шакллари кенг қўлланган бўлиб, мусаббаъ, мусамман, таркибанд, таржеъбанд шаклларида бъязи етук шоирларгина асарлар битганлар.

## ҚОФИЯ САНЪАТЛАРИ

Жаҳон адабиётида қофиядан фойдаланиш бадиий маҳоратнинг муҳим қирраларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шарқ шоирлари азалдан бошлаб қофия воситасида шеърий асарларнинг оҳангдорлиги, сержилолиги, таъсиричанлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериб келганлар. Асрлар давомида хилма-хил қофия санъатлари шаклланган.

**ЗУЛҚОФИЯТАЙН.** Байт мисраларида икки сўзни қофиядош қилиб келтириш санъати **зулқофиятайн** (кўш қофия келтириш) санъати дейилади. Ҳар қайси байтдаги қофиядош икки сўз мисралар охирида кетма-кет келтирилиши ёхуд мисраларнинг турли ўринида келтирилиши мумкин.

Икки сўз мисра охирида келтирилса, бу хил қофия **мутакаррин қофия** деб юритилади.

Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достонидаги

Боғ анга бир саҳфаи гулшан мисол,  
Жадвали атрофида равшан зулол.  
...Шавқида қўксумни ишгоф айладим,  
Жилдига қўнглумни гилоф айлади.  
...Чунки фараҳ базмиға азм айладинг,  
Айшу тараб азмиға базм айладинг,

Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги

Кўнглига хаёлидин тафаккур,  
Жонига висолидин таҳайюр.

...Дардимға ҳәёлини табиб эт  
Жонимға висолини насиб эт  
Ҳам ҳужраи хилқатим бузулди,  
Ҳам риштаи тоқатим узулди

каби күплаб байтлардаги құш қофиялар мутакаррин қофия сана-  
лади.

Қофиядош икки сұз мисраларда ёнма-ён эмас, балки икки  
үринде келса, улар **махжұб қофия** дейилади. Бу хил қофияларда  
қофиядош сұзлар мисраларнинг боши ва охирида келиши мүмкін.  
Масалан, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достонидаги

Авж тутуб шуылаи **жабборлиқ**,  
Мавж уруб мужжай **қаҳҳорлиқ**,

«Сабъаи сайёра» достонидаги

Боқай деса дөғи **қуввати йүқ**,  
Боқмай деса дөғи **тоқати йүқ**,  
Ҳайратда вухуш **ваҳшатимдин**,  
Меҳнатда туор **меҳнатимдин**

байтлардаги қофиялар шу хилдадир.

Маҳжұб қофиялар мисралар ичида ҳам кела олади. Масалан,  
Огаҳий ғазалиётидаги

Қошларинг **имосидин** юз хуру **ғилмон** әврулур,  
Юзларинг **сиймосидин** минг бөғи **ризвон** әврулур.  
Юзунгни бөғ аро **құрдум**, гули **ахмар** ҳаёл этдім,  
Лабингни базм аро **сұрдум**, тунук **шаккар** ҳаёл этдім.  
Эй **сабоҳатлиғ** юзингга меҳри **раҳмондур** фидо,  
Бе **ҳаловатлиғ** лабингга оби **ҳайвондур** фидо

каби мисралардаги қофиялар шулар жумласидандыр.

Етуқ ижодкорлар құш қофияларни **тарду акс** санъати асосида  
тұзғанлар.

Навоий «Сабъаи сайёра» достонидаги

Дашт аро бир қаро **құринмиш** анга,  
Бир қаро дашт аро **құринмиш** анга.  
Мунча **меҳнат** аро бу **фұрсат** ила,  
Мунча **фұрсат** аро бу **меҳнат** ила

байтларида ҳам тарду акс санъатидан моҳирлик билан фойдалан-  
ған.

Огаҳий үзиннинг бир ғазалида «бало» ва «қаро» сұзларини

Ваҳ не **бало** қародур эй шүх. қаро **бало** **күзунг**,  
Гар худ эмас қаро **бало**, бас не **бало** қаро **күзунг**

тарзіда тақрорлаб тарду акс санъатининг нодир намунасини  
яратған зорлы.

Зулқофиятайн санъати фақат байтлардагина қулланмай, бүтун бир ғазални шу хил қофия санъати асосида ёзиш ҳам анын бұлған. Бундай мураккаб вазифа фақат етук шоирлар құлидан келган. Жумладан, Огаҳийнинг қуйидаги ғазали шу хил асарлар дандир:

Токи ул қотилғадур **сандон** күнгүл, **хунхор** күз,  
Жавру зулмидин манга **вайрон** күнгүл, **хунбор** күз.  
Күз юзин күргач күнгүл борди анга юз шавқ ила,  
Ишқ йұлида магар **султон** күнгүл, **сардор** күз.  
Келса ул шаҳ қылғуси бошу аёқига аниңт  
Жониму ашким дуриң **курбон**, күнгүл, **исор** күз.  
Дарди ишқимни на янглиг ёшурайким, халқ аро  
Тутса айлар нечаким **пинхон** күнгүл, **изхор** күз.  
Васл субхин тутмоғил күз, токи ишқ ичра санга  
Бұлмағунча ҳар кечә **нолон** күнгүл, **бедор** күз.  
Бұлма күп дилтант ўзинг дилдор қўйига етур,  
Ким, бұлур солса агар **шодон** күнгүл дилдор күз.  
Беадаб гом урма бу дашт узраким, осудадур,  
Ҳар қадам остида **бепоён** күнгүл, **бисёр** күз.  
Оқил эрсанг, қыл тааммұлким, жаҳон раъносига  
Бермаку олмоқ әрүр **осон** күнгүл, душвор күз.  
Очмади юз шоҳиди ком Огаҳийға нечаким,  
Бўлди тортиб интизорин **қон** күнгүл, **нокор** күз.

Огаҳий ўзининг бир ғазалини тажниси мұкаррир санъати асосидаги зулқофиятайн усулида битган эди. Мазкур ғазал:

Дайр аро то тутти соқийи фараҳ **фаржом** жом  
Бўлди бетоқат күнгулга беъжату **ором ром**.  
Юз карамдиндур ишорат ёрнинг ҳар сўқмаки,  
Faflat аҳли билмайин **қўймиш** анга **дашном ном**.  
Жон қушига йўқтурур бўлмоқ ҳалос имкониким,  
Зулфидин мундоқки қурмиш ул кўзи **бодом дом**

байтлари билан бошланади. Диққат қилинса, ҳар байтнинг қофияланувчи мисралари мұкаррар тажнисли икки қофиядош сўз билан тугалланётганини кўриш қийин эмас. Ҳар қайси мисрадаги икки қофия ўзаро ҳам оҳангдош, ҳам қофиядошdir.

Бу хил услуг баъзи замонавий, хусусан арузда ижод этган шоирлар шеъриятида ҳам қўлланган. Чунончи, шоир Ҳабибийнинг бир ғазали

Бормиким оламда сендеқ дилкашу **ҳушёр** ёр,  
Риштаи жон зулфинг ичра бўлгали **хуштор тор**.  
Сайр этиб кирсанг дамодам раста-раста гулларин  
Йўл уза баргин поёндоз этгали **гулзор зор**.  
Дилда меҳру иштиёқинг, тилда номинг то абад  
Тинмай ахтармоқ сўроғлаб мен учун **даркор кор**.  
...Арзи ҳолимни, Ҳабибий, ёздим ашъорим билан,  
Қилма ноз айлаб қўлингга тегса бу ашъор **ор**

каби дилбар байтлардан ташкил топган эди. Кекса арунавис ижодкор

Элга қилиб лутфини **инъом ом**,  
Айлади күп дилни **дилором ром**.  
Дона булур холи күнгил мурғига,  
Қора сочин қылса гуландом **дом**.  
Суратини, ишқ эли, бил иттифоқ,  
**Күйма күриб сарвари асном ном**.  
Чиқмагудек бүлди маҳим ноз этиб,  
Абр била келди бу **оқшом шом**

каби байтлар билан бошланувчи мукаррар тажнисли зулқофия-тайн қофияли fazalini ҳам шу усулда ёзганди.

Оғажий ҳар қайси байтда бир хилдағи икки қофия ва икки радииф құлланған ноёб бир fazal яратған эди. Ушбу асар

Бир ичрадур гул бир тараф, девона **булбул** бир тараф,  
Нозу **тагофул** бир тараф, фарёду **гулгул** бир тараф.  
Туз базми ишрат bog ароким, бас нишот афзодуур,  
Рұксорай гул бир тараф, гисүйи **сүнбул** бир тараф.  
Гулшанда ишрат қылғоли элга салойи ом эрур,  
Ағғони **булбул** бир тараф, ҳам хандаи гул бир тараф  
Базм ичра маст ўлсам не тонгким, еткусидир шишиадин  
Оханги **кулқұл** бир тараф, кайфияти **мұл** бир тараф

каби сержилва байтлар билан бошланған эди.

**ЗУЛҚАВОФИЙ.** Байт мисраларида уч ва ундан ортиқ сұзни қофиядош қилиш **зулқавофиъ** санъати саналади. Етук санъаткор шоирларгина бу санъатта мурожаат қилиб ҳайратомуз қофиялар яратғанлар. Чунончи,

Йұлдаса бу йұлда **Низомий** йўлум,  
**Құлдаса** Хисрав била **Жомий** қўлум.  
...Урди нафас нафҳан анбар насим,  
Етти варақ сафҳан абҳар шамим

(Алишер Навоий, «Ҳайратул аброр»)

Ҳам онинг руди иштиёқ ангез,  
Ҳам суруди келиб фироқ оmez.  
...Зебу зийнат фузун бурундин күп  
Айшу ишрат бурунғи кундин күп.

(Алишер Навоий, «Сабъаи сайёра»)

Эй мусаллам дилкүшолиғ ғунчай хандонинга  
Вай мужаззам жонгузолиғ нарғиси фаттонинга

(Оғажий)

...Юзинг күргач сабоҳатда маҳи тобон эмиш билдим,  
Лабинг сурғоч малоҳатда зуоли жон эмиш билдим.

(Оғаҳий)

Қофия санъатларидан яна бири **тарсиъдир**.

**ТАРСИЪ.** Байт мисраларидаги барча сўзларнинг қофиялари  
бўлишини шу истилоҳ билан атаганлар. Масалан, Навоийнинг  
«Ҳайратул аброр» достонидаги

Нома учун хома тарош айладим,  
Хома учун нома ҳарош айладим  
байтини кўздан кечирсак, улардаги барча сўзлар қофияланиб  
келаётганини кўрамиз.  
«Сабъаи сайёра» достонидаги

Ҳам юзи они бекарор этди,  
Ҳам сўзи они ашкбор этди  
Ҳам юзни сенинг юзунгга суртай,  
Ҳам кўзни сенинг кўзунгга суртай

байтларидаги барча сўзлар қофиядошdir.

**ТАЖНИСЛИ ҚОФИЯ.** Тажнисли қофияларни шеърий асарда  
қўллаш ҳам қофия санъатларидан ҳисобланади. Маълумки,  
тажниснинг ўн икки тури мавжуд бўлиб, шеъриятда шуларнинг  
аксариятидан фойдаланиб келинган.

Хўжандий «Латофатнома»сидаги

Карашманг бирла жонга ўт ёқарсен,  
Кўнгулга жондин ортуқроқ ёқарсен.  
...Қаро зулфунг ичинда чин кўрармен,  
Хато йўқдур бу сўзда, чин кўрармен.  
...Манга сенсиз бегим кундуз кечадур,  
Дарего, сенсизин умрим кечадур

каби, Навоийнинг «Сабъаи сайёра» достонидаги

Бодаким олса ихтиёр элдин,  
Не ажаб чиқса ҳар не бор элдин.  
...Чун азалдин маҳи жаҳон сизсиз,  
Бўлмасун бир нафас жаҳон сизсиз,

шунингдек, «Ҳайратул аброр» достонидаги

Саҳнида юз гул чиқориб бир йигоч,  
Ҳар гулининг атри бориб боир йигоч

Каби қофияларда тұлиқ (тomm) тажнис құлланған бұлса, Хұжан  
лий «Латофатнома» сидаги

Фироқ үтінда бағрим бұлди **бирён**,  
Қачон бұлғай фироқнинг иши бир ён.  
...Олур зулфунг насимидин **пари зод**,  
Эрам богида йұқ сенек **паризод**.  
...Жамолингни күрүб гул ғунча бұлғай,  
Тор оғзингтек магар ғулғунча бұлғай,

Сайд Аҳмаднинг «Таашшуқнома» достонидаги

Висолинг завқин истаб, эй дилором,  
Тан ичра топмади мискин **дил ором**,

Навоийнинг «Хайратул аброр» достонидаги

Зулм ўзунга фисқұр, эй **хүшёр**,  
Гүм қыл ани бұлса санга **хүш ёр**.  
...Ханжарининг барқидин **ұт чақилиб**,  
Рахшидаги тезлик **ұтча қилиб**

каби байтларда муракқаб тажнисдан моҳирона фойдаланилған.

Навоийнинг «Хайратул аброр» асаридаги

Холда асқоб дөғи **пирдек**,  
Бемазаликда бориси **бирдек**

байтларидаги «пирдек — бирдек» сұzlари ҳам тажнисли қофия саналади. Гап шундаки, бу сұzlарнинг шакли бир хил бўлиб, нуқталари жиҳатидангина фарқланади, яъни «пир» сұзи араб ёзувида бешта остки нуқта билан, «бир» сұзи учта остки нуқта билан ёзилади. Бу хил тажнислар **хатти тажнис** деб юритилади.

Тажнисли қофиялар, хусусан, туюқнависликда кенг құлланған. XIV асрдан бошлаб шеъриятимизда яратилған қўплаб туюқларда тажниснинг тұлиқ (тomm) ва муракқаб турларига кўпроқ мурожаат қилинған. Масалан, Лутфий қаламига мансуб бўлган

Күнглума ҳар ёнки боқсам, дөғи бор,  
Ҳар неча дардимни десам, дөғи бор.  
Қилча танга бори ишқинг ёр эди,  
Бир сори бұлди фироқнинг дөғи бор

туюғида «дөғи» сұзи уч мисра қофиясида тұла тажнис (тажниси томм) тарзидә құлланған бўлса,

Чархи қажрафттор элиндин ёзамен,  
Чиқмадим ҳижрон қишиндин ёза мен.

Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул.  
Хар неча ул шаҳқа қуллуқ ёзамен

туюғидаги «ёзамен» ва «ёза мен» қофиялари мураккаб тажнис сифатида ишлатилган. Чунки биринчи қофия бир сұздан иборат бўлса, иккинчиси икки сұздан ташкил топган. Бундай тажнис мураккаб тажнис деб саналиши маълум.

XIV—XV асрларда туюқлар икки ва уч мисрада тажнисли тажнисиз қофияланиб келган. Уч мисраси тажнисли қофияланган туюқларга юқорида келтирилган асарлар мисол бўла олади. Икки мисраси тажнисли қофияланган туюқса мисол қилиб Лутфийнинг

Эй қароқчи кўзли дилбар, ўйла бил,  
Жон аёман сен киби **жононадин**.  
Ҳусну лутфу сурату маъни била  
Тұфмаган сендеқ яна **жон онадин**.

Бермагил дерлар вафосизга күнгүл,  
Ким анинг нұшиндін ортуқ **неши** бор.  
Узмагаймен лаълидин ўлсан умид  
Жон менинг жоним, кишининг **неши** бор

туюқларини келтириш мумкин. Аввалги асарда «жононадин — жон онадин» сұzlари мураккаб тажнис сифатида қофияланган бўлса, кейинги шеърда «неши» сўзи икки мисрада икки маънода (тиканы ёки найзаси ва нима иши (бор) маъноларида) келиб тўла (тomm) тажнис ҳосил қилган.

Мисоллар:

Мен сенинг илкингдин, эй дил, бандамен,  
Ваҳ, қачон еткаймен ул дилбанда мен?  
Бевафоларға мени қилдинг асир,  
Сен менга султонсен, эй дил, банда-мен.

(Лутфий)

Зоти покингни кўруб айтур фалак  
«Ҳусн дарёсида йўқтур бўйла дур».  
Чун тишинг васфини дурга сўзладим,  
Бошини тебратти, дерким: «Бўйладур».

(Лутфий)

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдурур,  
Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур?  
Жонима пайваста новак отқали  
Фамза ўқин қошиға ёлабдурур.

(Алишер Навоий)

Ваҳ қачонга тегру ишқинг кожидин  
Кўзума ҳар лаҳза ўт чоқилғуси?

Басдуур қүнглумда ишқинг, ёқма ўт,  
Ким ҳарорат ул ҳам ўтча қилғуси.

(Алишер Навоий)

Қаддимни фироқ мөхнат ё қилди,  
Күнглум гаму андух ўтига ёқилди.  
Холимни сабога айтиб эрдим, эй гул,  
Билмон санга шарҳ қилмади ё қилди.

(Бобур)

Жонға солди даҳр ғурбат норини,  
Күз ёшим бўлди мӯгулнинг норини,  
Бу арова мен дегандек бўлмаса,  
Кўзлай Иссик кўлу, ундин норини.

(Бобур)

Шеъриятимизда бутун-бутун шеърий асарларни бутунисича тажнисли қофия асосида битиш анъанаси ҳам мавжуд эди. Иқтидорли шоир Сайд Аҳмад томонидан 1435—1436 йилларда ёзиг тугалланган «Таашшуқнома» асарининг иккинчи номаси шундай асарлар жумласидандир. Номани тўла келтирамиз:

Нигоро, олди кўнглум **юзунг оли**,  
Қиласди қасди жон ҳам **кўзунг оли**.  
Отиб ғамза ўқин **пайваста** қошинг,  
Юраким қон қилур **пайваста** қошинг.  
Жамолинг шамъиниким ёндирурсен,  
Қамуқ оламни ўтқа ёндирурсен.  
Энгингда менгларинг мушки хитодур,  
Қаро зулфунг сари бормоқ хатодур.  
Қуёшдур оразинг ё **Муштарийдур**,  
Ки жон бирла жаҳони **муштарийдур**.  
Висолинг завқин истаб, эй дилором,  
Тан ичра топмади мискин **дил ором**.  
Кўнгул қушини ишқинг қилди шунқор,  
Бу ғамдин муддаийлар бўлди шунқор.  
Карашма қилмоқ ичра қил ярорсен,  
Неким жонимга қилсанг қил, ёрорсен.  
Анингким ол юзинда **холи** бўлгай,  
Қачон фитна қилурдин **холи** бўлгай.  
Айтсалар сенго ғамзангдин ўқ от,  
Они узгага отма, бизга — ўқ от.  
Турубтурмен ўқунгнинг **қаринусина**,  
Отар бўлсанг тутармен **қаршу сийна**.  
Чу тортармен ҳамиша ҳажр **борин**,  
Сенга айтай кўнгулда ҳар не борин,  
Билурсенким қулунгдурмен **камина**,  
Карам қил, боқмагил қулнинг **камина**.  
Тўкар ҳар дам фироқинг дийда қони,  
Менингдек бор доғи **ғамдийда** қони?  
Кўнгулда гарчи ҳажринг **доғи** бордур,  
Валекин васл умиди **доғи** бордур.

Нечаким ғамдамен, эй қадди **шамшод**,  
Бўлурмен ҳар қачон кўрсам сени шод.  
Тараҳхум бу гадога қилғин **охир**.  
Йўқ эрса қайгудин бўлғуси **охир**.  
Уладур Сайди Аҳмад, қил **яроғин**,  
Инак бори бир ишига **яроғин**.  
Эшитгил бу ғазални чун **ироқи**.  
Ажам созин туруб айтай **ироқи**<sup>1</sup>.

Байтларда **ички қофияларни қўллаш — мусажжаъ** ҳам адабий санъатлардан ҳисобланади. Ички қофиялар байтлар оҳангдорлигини кучайтиради, жозибадорлигини оширади, шеърга алоҳида жило, жозиба бағишлайди.

**МУСАЖЖАЪ** «сажъли, қофияли» маъносида бўлиб, байтлари ички қофияли бўлган шеърий асарлар шундай аталади. Мусажжаъ шеърларда байтлардаги мисралар тўрт бўлакка бўлинниб олдинги уч бўлак мустақил ҳолда қофияланиб, тўртинчи бўлак эса шеърдаги асосий қофияга оҳангдош сўз билан тугалланади. Бу хил қофия усули тўртта тенг бўлакка бўлиниши мумкин бўлган саккиз руқни (мусамман) байтлардагина қўлланиши мумкин.

Туркий шеъриятда Навоий ижодига қадар ҳам ғазаллардаги айрим байтларни мусажжаъ усулида битиш усули қўлланган эди. Чунончи, Ҳофиз Ҳоразмийнинг бир ғазалида

Банди ғам ичра **ҳастаман**, зулфунг бикин **ишқастаман**,  
Ишқастаю ҳам бастаман, бу қулни кел озод қил

байти учрайди. Ғазалнинг бошқа байтлари одатдагича оддий, фақат байтлари охиридаги сўзларгина қофияланган.

Мусажжаъ усулини туркий шеъриятда илк бор Алишер Навоий қўллаганини таъкидлаш тўғрироқ бўлар. Буюк мутафаккир шоир «Хазойинул маоний» асаридағи қатор ғазалларни шу усулни қўллаган ҳолда яратган эди. Чунончи, унинг «Тун оқшом бўлди-ю...» деб бошланувчи ғазали ушбу усулдадир.

Тун оқшом бўлдию келмас мени шамъи шабистоним,  
Бу андуҳ үтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.  
Фамидин дурри **макнундек** сиришким оқти **Жайҳундек**,  
Музайян қилди **гардундек** жаҳонни ашки галтоним.  
Фалак ҳам тўлди **кавкабдин**, қуёш ҳам тушти **ашҳабдин**,  
Келиб тушмас бу **марқабдин** менинг хуршиди раҳшоним

байтлари билан бошланувчи ушбу ғазалда қўлланган мусажжаъ усули ғазал оҳангдорлигини фоятда кучайтириб, унга айрича жозиба ва латофат бағишлаган.

Алишер Навоийнинг ушбу ғазалларидағи матлаълар мусажжаъ эмас, оддий усулда битилган. Бобур ӯзининг «Мухтасар»

<sup>1</sup> Муборак мактублар. F. Ғулом номидаги адабист ва санъат нашристи. Тошкент, 1987, 126—127-бетлар.

асарида «мусажжаъ ғазалларнинг матлаъида сажъ камроқ риоят қилибтурлар. Агар риоя қилинса яхшироқ бўлгусидур, нечукким:

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,  
Юзунгнинг иштиёқинда не сабру не қарорим бор.  
Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,  
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор...»

дэя ўзининг ушбу мусажжаъ газалини тұла келтиради. Дарҳақи-қат, матлаъдаги тажзия усули қўлланган ички қофия асар лато-фатини оширган. Бобурнинг барча мусажжаъ ғазалларида мана шу усулга қатъий риоя қилинади. Ушбу янги анъана кейинги давр ўзбек шеъриятида изчили давом эттирилди. Огаҳий ушбу усулни янада такомиллаштириб, ички қофиянинг янги бир тури-ни кашиф этди. Унинг «олам гадо, мен ҳам гадо» радифли ғазали-да қофияланмайдиган мисралар икки бўлакка бўлинниб, мусаж-жаъ қилинади, қофияланувчи мисралар эса асосий қофия билан оҳангдош бўлиб келади.

Эй шўх, кўзу қошинга олам гадо, ман ҳам гадо,  
Лаъли лаби дурпошинга олам гадо, ман ҳам гадо.  
Қадду лабинг фошу ниҳон, элдин олур тобу тавон,  
Ушбу ниҳону фошинга олам гадо, ман ҳам гадо.  
Бошдин аёқинг жон эрур, жонлар санга қурбон эрур,  
Жоно оёку бошинга олам гадо, ман ҳам гадо

байтлари билан бошланувчи ушбу ғазал ҳам ўзгача бир жозибали оҳанг касб этган.

Фурқат ҳам мусажжаъ усулини қўллаш соҳасида ихтиро яра-тиб, газалдаги ҳар бир байтда эмас, балки ҳар қайси мисрани тўрт бўлакка бўлиб, уларда ички қофия ишлатилган ғазал битди. Унинг 16 руқни мутақориби аслам вазнидаги ғазал шу жиҳат-дан аҳамиятлидир. Ундаги

Ақлимни олди, ҳайратга солди, бир турфа жонон  
султони хубон,  
Ул бир табассум айлаб тақаллум чун моҳи тобон  
бўлди намоён  
Соқибе эрмиш, жонимга кирмиш, қонимни термиш  
пайкони тийри,  
Мадди нигоҳи, жавшан сиёҳи, икки сипоҳи  
тан этти вайрон  
Монандай гул, чун шохи сунбул, айлаб тазалзул  
келди нигорим,  
Очиб юзини, ташлаб ўзини қошу кўзини  
жавлон берибон

каби байтларини кўздан кечирсак, ушбу усул шеъриятимиз ри-вожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини кўрамиз.

Мусажжаъ ғазалларни муайян вазнлар асосидагина битиш

мумкин. Гап шундаки, байт бұлакларга бұлинганды, ҳар қайси бұлак фақат руқнлар, ҳижолар сони жиҳатиданғина әмас, балки уларнинг оқанги — ҳижоларнинг чүзиқ-қисқалиги ва уларнинг руқнлардаги үрни жиҳатидан ҳам мувофиқ бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг жами тўқиз мусажжаъ ғазалдан 5 таси ражаси мусаммани солим (руқнлари: мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун) ва тўрттаси ҳазажи мусаммани солим (руқнлари: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун) вазнларида битилган эди. Ушбу ўлчовларда ёзиладиган шеърларнинг мисралари тенг икки бўлакка ажралиши туфайли мусажжаъ асар яратишга қулайдир.

Бобур Навоийнинг мусажжаъ ғазал яратиш соҳасидаги анъясини давом эттирад экан, ўзининг шу усуздаги 5 ғазалидан иккитасини устози қўллаган икки вазнда ёзиш билан бирга, у қўлламаган уч ўлчовдан ҳам шу хил шеърлар яратишда унумли фойдаланиш мумкин эканлигини исботлади. Унинг

Хаттинг аро узоринг сабза ичида лола,  
Ул чашиби пур хуморинг лоладаги ғазола  
Барча парилар эй жон, гирдингда зору ҳайрон,  
Гўё эрур намоён ой теграсинда ҳола

байтлари билан бошланувчи мусажжаъ ғазали музореъи мусаммани ахраб (руқнлари: мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун) вазнида;

Фофил ўлма, эй соқий, гул чогин ғанимат тут,  
Вақти айш эрур боқий, ол чогир, кетур, бот тут.  
Бу насиҳатим англа, не билур киши ёнгла,  
Не бўлур экин тонгла, сен бугун ғанимат тут

байтлари билан бошланувчи ғазали ҳазажи мусаммани аштар (руқнлари: фоилун мафоийлун фоилун мафоийлун) вазнида;

Эй юзи насрин, қомати шамшод,  
Неча қилурсан жонима бедод  
Сен киби пуркор, шеваси бисёр,  
Билмади эй ёр, ҳеч киши ёд

тарзида бошланувчи ғазали эса мутақориби мусаммани асрами мусаббаг (руқнлари: фаълу фаулун фаълу фаулон) вазнида яратилди. Бинобарин, Бобур мусажжаъ ғазалларни вазмин, салоботли ўлчовлардагина әмас, енгил, ўйноқи вазнларда ҳам битиш мумкинлигини, бу ўлчовлардаги мусажжаъ шеърлар янада жозибалироқ оқанг касб этишини далиллади.

Ушбу анъанага содик қолган Бобораҳим Машраб мусажжаъ ғазал вазнларига ҳазажи мусаммани матвийи маҳбун (руқнлари: муфтаилун мафоийлун муфтаилун мафоийлун), ҳазажи мусаммани ахраб (руқнлари: мафъулу мафоийлун мафъулу мафоийлун,), му-

тақориби мусаммани аслам (рукнлари: фаълун фаулун фаълун фаулун) вазнларини қўшди.

Истеъдодли шоир Огаҳий эса бундай ғазалларни мутатаввал (кўп рукнли, чўзиқ) ўлчовларда ҳам яратиш мумкинлигини ўзининг

Туну кун караминг ўқини отасан ҳама олам  
элинини нишона қилиб  
Вале навбат агар манга етса хато қиласан  
неча навъ баҳона қилиб  
На тушар мани хаста сари гузаринг, на  
ғамимдин ўлур нафаси хабаринг,  
Чу эрур аламимга даво назаринг, ета олғаман  
охир анга на қилиб

байтлари билан бошланувчи ғазали билан исботлади. Ушбу асар 16 рукнли мутадорики мусаммани маҳбун (рукнлари ҳар мисрада 8 та фаилун) вазнида ёзилган эди.

Моҳир ижодкор Зокиржон Фурқат эса ўзининг икки мусажжаъ ғазалидан биттасини анъанавий ражази мусаммани солим вазнида битган бўлса, иккинчисини, Огаҳий изидан бориб, 16 рукнли янғи, мутақориби мусаммани аслам (рукнлари ҳар мисрада фаълун фаулун фаълун фаулун фаълун фаулун фаульун фаульун) ўлчовида яратди.

Мусажжаъ ғазаллар битиш анъанаси замонавий шеърияти-мизда ҳам давом эттирилди. Жумладан, шоир Ҳабибий ўзининг 5 та мусажжаъ ғазалидан тўрттасини анъанавий ҳазажи мусаммани солим (3 та), музореъи мусаммани ахраб (битта) ўлчовларида битиб, бир ғазалини янғи, мутадорики мусаммани солим (рукнлари: фоилун фоилун фоилун фоилун) вазнида ёзди. Ушбу ғазал

Яшнади ҳур диёр, бағри кенг пахтазор,  
Соф ҳаво бегубор, ҳалқимиз баҳтиёр.  
Ёш ўғлим ҳам қизим, юзлари қирмизим  
Порлаган юлдузим: илм эрур ихтиёр

байтлари билан бошланади.

**ТАЖЗИЯ** («бўлак-бўлак қилмоқ») илми бадеъ истилоҳларидан бўлиб, байт мисраларининг ҳар бирини икки бўлакка ажратиб, мисралардаги биринчи бўлакларни ҳам, иккинчи бўлакларни ҳам ўзаро қоғиялаш санъатидир. Чунончи, Бобурнинг

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор  
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор

...Хаттинг аро узоринг сабза ичидаги лола,  
Ул ҷашми пур хуморинг лоладаги газола,

## Огаҳийнинг

Олур ҳар лаҳза юз жон чашми **фаттонингга** салламно  
Тўкар ҳар дамда минг қон тийғи **мужгонингга** салламно,

## Машрабнинг

Кокулунг дурур **аибар** жон ичидан жонон қиз,  
Кўзларинг дурур **ахтар** юзи моҳи тобон қиз

байтлари ана шундай санъат асосида яратилган эди.

**Ички қофиянинг зулқофиятайн усули намуналарини Огаҳий яратган** эди. Унинг «Келур» радифли газалидаги:

Мехру **вафо расмин** тузуб, жавру **жафо таврин** бузуб,  
Ширин табассум **кўргузуб**, лаъли дурахшонинг келур.  
**Хинги саодат маркаби**, себи **латофат габаби**,  
Боги малоҳатда лаби **гулбарги** хандонинг келур.  
...Дарди **дилингни сўргали**, сариф **юзунгни кўргали**  
Дамсоз ўлиб **ўлтургали** ёри қадрдонинг келур

байтларидаги шу хил қофиялар ҳақиқатан ҳам адабий кашфиёт эди.

**Қофиянинг радиф билан ҳамоҳанглиги** ҳам ўзига хос санъат саналади. Огаҳийнинг «Ноз» радифли фазалида шундай санъат ифодасини кўрамиз. Фазалдаги:

Ваҳки манга **кўргузуб** ул бути **таниноз ноз**,  
Жонима ўт солғали айлади **оғоз ноз**.  
Гарчи кўруб ишқида ажзу ниёзимни куб  
Раҳм қилиб ҳолима айламади **оз ноз**.  
Нози тўкиб кўз ёшим ишқим этар элга фош,  
Айлади ёшларни бу розима **ғаммоз ноз**

каби байтларida қофия билан радифнинг ҳамоҳанглиги ўзига хос жозиба яратган.

## Шоирнинг «Қиши» радифли фазалидаги

Қотигроқ келмали ҳаргиз жаҳонға ушбу **қинидин қиши**,  
Ки, ақлу ҳисса яксар монеъ ўлди борча **ишдин қиши**.  
Агарчи асрарим ожиз таним қат-қат либос ичра,  
Совуқ ел бирла, лекин қолтиратди куб **қамишдин қиши**

каби байтлардаги қофия ва радиф ҳамоҳанглиги яна ўзгача нафосат касб этган.

Огаҳий иккинчи мисрада такрир санъатига асосланиб қофия дош сўзларни кетма-кет келтирас экан, оҳангдошлик янада кучайиб, шеърга ажиб бир латофат бағишлийдики, буни

Жоним олур, эй пари, ҳолимға бок,  
Иштиёқу иштиёқу иштиёқ.  
То мани фурқатда қўйдинг нолишим,  
Алфироқу алфироқу алфироқ.  
Айламишсан қатлима ағёр ила  
Иттифоқу иттифоқу иттифоқ,

ёки

Санго мандин эй дилбари хуш хиром,  
Салому салому салому салом.  
Агар ҳажр ўти қилди жисмим ёқиб  
Тамому тамому тамому тамом  
Вале шодлиг бирла сан соғ бўл  
Мудому мудому мудому мудом

каби кўнлаб байтлар мисолида кўриш мумкин.

Мусалсал «занжири» маъносидаги бу сўз барча мисралари қофияланган лирик шеърни ифодалайди. Форсий ва туркий адабиётларда барча мисралари қофияланган шеърлар кам бўлса-да яратилган.

Мусалсал қофияли ғазални шеъриятимизда биринчи бўлиб Алишер Навоий яратган эди. Унинг «Қоши ёсинму дейин...» деб бошланувчи ғазали адабиётимиздаги дастлабки мусалсал шеърлардан ҳисобланади:

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,  
Кўнглимга ҳар бирининг дарди балосинму дейин.  
Кўзи қаҳринму дейин, киприки заҳринму дейин,  
Бу кудурат ичра рухсори сафосинму дейин.  
Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,  
Бу қатиқ дард ора васлининг давосинму дейин.  
Зулфи доминму дейин, лаъли қаломинму дейин,  
Бирининг қаддин, яна бирнинг адосинму дейин.  
Турфа ҳолинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,  
Мовий кўнглак узра гулранги қабосинму дейин,  
Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин.  
Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини айт,  
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин.

Диққат қилинса, шоир ушбу ғазалда қофияларнинг чинакам силсиласини яратганини кўриш мумкин. Ҳар қайси байтнинг биринчи мисраларида келтирилган иккитадан қофия ғазалнинг асосий қофияси билан оҳангдош ҳолда шеърга айрича жило берган.

Буюк ижодкорнинг ушбу усулдан фойдаланиш анъанасини XIX асрда истеъододли шоира Увайсий давом эттириди. Унинг

«Деди бир кун менга ул маҳвашим...» деб бошланувчи ғазали ани шундай асар эди:

Деди бир кун менга ул маҳвашим: «Эй шұх бепарво»,  
Мен айдим сен дема, мен дей ки солдинг бошима савдо.  
Ато қилди худо менго сенингдек дилбари барно,  
Висолинг қатраидир, мавж урар ҳажринг бұлиб дарё.  
Қаноатда дегил қүнглим қушин то ул қуши анқо,  
Начун ким сен әүрүсенді баҳри дилда гавҳари якто.  
Табассум айлагил, нолам насимига гули раъно,  
Ки гулзори фироқ ичра мен әрдим булбули гүё.  
Баногоҳ етса васлинг құлмағайсен ноз истиғно,  
Дегайсен мен гадо мазмунига, эй шоҳ, салламно.  
Замонингда агар мавжуд бұлса Вомиқу Узро,  
Мұхаббатдин дам урмас әрди, ишқидиң айламас даъво.  
Ажаб маъшуқлик расмин билурсен, күзлари шаҳло,  
Топилмас икки оламда сенингдек шұх базм оро.

## ҚОФИЯ АЙБЛАРИ

Шарқ, хусусан, араб, форс-тожик ва туркий адабиётларда қофиянинг муайян қоидаларига амал қилиш одат бұлған. Қофия асар ғояси билан боғлиқ ҳолда мазмундор, айни вақтда сержозиба, оқанғдор, мусиқий сұзлардан танланишидан ташқари, тузилишига құра ҳам маълум талабларға жавоб беріши керак эди.

Әнг аввало, қофиялардаги равий ҳарфлари бир-бирига мувоғиқ булиши, уларнинг олдидә келувчи ридф (чүзиқ унлилар) ҳам, тавжих, ҳазв ва ишбөй (мужаррад, муқайяд ҳамда муассас қофиялардаги равий ва қайд ҳарфлари олдидә түрувчи қисқа унлилар) ҳам товуш жиҳатидан ўзаро мос ёки жуда яқин бұлиши талаб қилинади. Ана шу асосий талаблардан ташқари қофиянинг юқорида таъкидланған қисмларидан бұлак бошқа ҳарфлари ҳам қофияларда бир-бирига ҳамоғанғ булишига ҳаракат қилинган. Шоирлар қофияларнинг мүмкін қадар тажнисли булишига интилғанлар, құш қофия, зулқавоғиъ, тарсель, ички қофия, жуфт қофия санъатларини құллашта ҳаракат қиласынан.

Қофия тузилишининг таъкидланған талабларига жавоб бермаган шеърлар танқид қилинган. Шуни айтиши керакки, қофия тузилишидеги қатор нұқсонлар XV асрғача бұлған ўзбек шеъриятыда учраб туради. Бунинг сабаби ўша даврда вазн ва қофия тузилишига қатыый амал қилиш шарт қилиб қойилмаганлиги, туркона услуг деб аталған әркін услугнинг құлланишида эди. XV асрдан кейинги давр ўзбек шеъриятыда қофия соҳасидеги хатолар жуда кам учрайди. Араб, форс-тожик ва туркий шеъриятларда қофия соҳасыда юз беріши мүмкін бұлған хатолар алоқида номлар билан аталиб келған. Улардан асосийлары икфо, синод, иқво ва ийто деб аталади.

Икфо қофиядош сұзлардаги равийларнинг товуш жиҳатидан

тұла мос келмаслигидир. Масалан, Хоразмийнинг «Мұхаббатнома» достонидаги

Нечук меҳрингни жонимдин бүйин,  
Күнгүл сиздин олиб кимга беройин

байтидаги **бүйин-беройин** қофияларини құздан кечирсак, равийларнинг мос келмаслиги аён бұлади. Чунки **беройин** сұзига үзагидаги «р» ундоши равий бұлса, **бүйин** сұзида унга мос үринде «й» ундоши (ё сұзи таркибидаги) келган. Натижада равийлар номувофиқлиги юзага келиб, икфо деб аталған қофия хатоси юз берган. Шу достондаги

Рақыбингдур тикан сиз тоза **гулсиз**,  
Чечак чимган аро бұлмас **тикансиз**

байтидаги **гулсиз** — **тикансиз** сұzlаридаги равийларда ҳам товуш номувофиқлиги сезилиб турибди. Шунингдек,

Муни ким ишқ бирла бир **ұкуғай**,  
Хақиқат оламини мунда **бұлғай**

байтида ҳам икфо хатоси күзга ташланади.

Сайид Аҳмад қаламига мансуб «Таашшуқнома» достонидаги

Қиёмингдин қиёмат **құпқусидур**,  
Үтурсанг фитна ҳам **ұлтурғусидир**

байтидаги **құпқусидир** — **ұлтурғусидир** қофиялари равийлари ҳам мос келмайди.

Сайид Қосимийнинг «Хақиқатнома» достонидаги

Нетайин нимайимни **білмас** эрдим,  
Замоне йиғламоқдин **турмас** эрдим

байтидаги **білмас** — **турмас** қофияларыда ҳам равийнинг мос келмаслиги күриниб турибди.

Сайид Қосимийнинг «Садоқатнома» достонидаги

Үзиндин бор эди кичик **ұбаси**,  
Ки бор эди ота бирла **онаси**

байтида ҳам **ұбаси** — **онаси** қофияларидаги равийларнинг номувофиқлиги аниқ билиниб туради.

Синод ҳам қофия нұқсонларидан бўлиб, мурдаф қофияларда ридф ҳарфининг ўзаро мос келмаслиги, яъни чўзиқ ҳижолардан бирига иккинчисининг номувофиқлигини назарда тутади. Маълумки, ридфларнинг қофияларда айнан бўлиши оҳангдорликни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Акс ҳолда қофия жозибасига жиддий путур етади. Масалан, қофиядош сұзининг

бирида ридф чўзиқ «о» унлиси экан, иккинчисида унинг ўрнига чўзиқ «у» унлиси келса, синодга йўл қўйилган бўлади. Қофия илмидан яхши хабардор шоирлар албатта бундай хатога йўл қўймайдилар.

Шарқ шеъриятида чўзиқ «у» билан «ў», «и» билан «э»нинг ридф ўрнида алмашиниб келишига йўл қўйилган. Уларнинг араб ёзувида бир хил ёзилиши ҳам бунга шароит яратган. Масалан, Саид Аҳмаднинг «Таашшуқнома» достонидаги

Аё хиргоҳнишин моҳи қасабпўш,  
Бўлубтур олами ҳуснингга мадхуш

байтидаги «қасабпўш — мадхуш» қофияларида чўзиқ «ў» ва «у»ларнинг келиши оҳангдорликка жиддий таъсир кўрсатмайди деб қаралиб, хато ҳисобланмайди.

### Сайид Қосимий «Ҳақиқатнома»сидаги

Ҳақиқат оламиға урса ул қўс,  
Замоне бўлмас эрди банди номус

байтидаги «қўс — номус» қофияларидаги «ў» ва «у» унлиларининг мос келмаслиги ҳам айб саналмайди.

Қофия илми қонунларига кўра равийдан олдин келувчи қисқа унлилар, яъни мужаррад қофияда ундош-равийдан олдин турувчи қисқа унли — тавжих, шунингдек, муқайяд қофияда қайддан олдин турувчи қисқа унли — ҳазвнинг ҳам товуш жиҳатидан ҳар икки мисрада мувофиқ бўлиши талаб қилинади. Бу ҳолда қофиялардаги оҳангдорлик, жозиба таъминланади. Алишер Навоийнинг

Чехра гулгун сафҳасиға қилдинг афшон зарварақ,  
Ё магар раҳшон кавокиб зоҳир айлабтур шафақ

байтини кўздан кечирсан, мужаррад қофиялардаги «қ» равийси олдидаги тавжих — қисқа унлиниңг мувофиқлиги оҳангга алоҳида равонлик багишлаши кўриниб туради. Шу мослик бузилиб, «а» қисқа унлиси ўрнига «ў», «у» ёки «и», «э» қисқа унлиларидан бири келса, товуш, оҳанг мувофиқлигига нуқсон етиши шубҳасиз. Бу хил қофия хатоси **иқво** дейилади.

Масалан, Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» достонидаги

Учунч раҳтинг шаҳ ул деҳқонға берди,  
Ўзунг ул ишда розиликда турди

байтида «берди — турди» мужаррад қофиялари таркибидаги равийдан олдинги «е(э)» ва «у» қисқа унлилари ўзаро мос бўлмагани туфайли **иқво** хатоси келиб чиқсан. Шу достондаги

Яна тўртингчи жонинг сабр қилди,  
Ким ул парда ичра мутриб жанг солди

байтида «қилди — солди» қофиялари таркибидаги «и» ва «о» қисқа унлилари — тавжихлар номувофиқлиги туфайли оҳангга путур етгани кўринади. «Хисрав ва Ширин» достонидаги

Тамом бармоқлари бармоқ **шакартек**,  
Билаки ож янглиғ, тани **қортек**

байтидаги «шакартек — қортек» қофияларида «р» равийиси олдидаги «а» ва «о» унлиларининг мос эмаслиги кўзга ташланади.

Достондаги

Агар мум янглиғ ул бу **мехр** нақшин  
Тутар бўлса равон ул **муҳр** нақшин

байтида «мехр — муҳр» муқайяд қофияларида ҳазв — «е(э)» — «у» қисқа унлиларининг ўзаро мос эмаслиги оҳангга маълум дарражада салбий таъсир кўрсатган. Шу асадраги

Етайн кўкка ўвкада **ё билмиш**,  
Фалакни етти майдан артқа **солмиш**.

Тўшанмиш текма бир тоғ **устинда**,  
Зумуррад натъ азақлар **остинда**.

Қатиг боқдиса шоҳ, Ширин **уялди**,  
Не қилғу эмди теб андиша **қилди**

каби байтларда ҳам **икво** юз берганини кузатиш мумкин.

Форс-тожик ва туркий адабиётлардаги қофия илми қонунларига кўра қофиялардаги турли, масалан, келишик, кўплик, шахс-сон, замон ва бошқа хил қўшимчаларни тушириб қолдирганда ҳам уларнинг ўзак-негизлари қофиядошлигига путур етмаслиги, товушлар ҳамоҳанглиги сақланиши лозим. Масалан, Машрабнинг

Кўрсат жамолинг **мастоналарға**,  
Ишқинғда куйган **парвоналарға**

байтидаги қофиялардан «-ларға» қўшимчаларини соқит қилгандага, мастона-парвона ўзаклари қофиядош бўлгани учун оҳангга путур етмайди. Огаҳий ғазалидаги

Жилвалар манга бу кун неча **дилрабодурлар**,  
Бир-бирисидин афзун нозу ҳусн ародурлар

байти қофияларидаги «-дурлар» қўшимчасини туширгандага ҳам «дилрабо-аро» қофиялари мувофиқлиги учун оҳанг бузилмайди.

Демак, шоир қўшимчалардан фойдаланар экан, ўзак-негиз қофиядошлигига ҳам тўла риоя қилишни унугмаслиги лозим.

Агар шеър қофияларида ўзак-негизлар қофиядош бўлмаган ҳолда турли қўшимчалар воситасида сўзларнинг нисбий оҳангдошлигига эришилмоқчи бўлса, бу — қофия хатоси саналади. Ана шу хилдаги хато ийто деб аталади.

**Ийто** мутлақ қофияларгагина тааллуқли бўлиб, сўз ўзак—негизига кўплик, шахс-сон, замон ва бошқа қўшимчалар қўшилган қофияларда қўзга ташланади. Баъзан шоир турли хил қўшимчалар қўшилганда равий, унинг олдидағи ҳарфлар мувофиқлигига эътибор қилмай, шу хил хатога йўл қўяди. Қўшимчалар қофияни таъминлагандек кўринса ҳам, уларни шу сўзлардан соқий қиладиган бўлсан, номувофиқлик аниқ қўзга ташланиб қолади. Масалан, Кутбнинг «Хусрав ва Ширин» достонидаги

Тилин тебратса ул эл кўнглин **овлар**,  
Сўзи афсун менгиз тилларни **боғлар**

байтида «овлар — боғлар» қофияларида ҳамоҳанглик бордек туялса ҳам, «лар» қўшимчасини олиб қўйсак, қолган «ов» ва «боғ» сўзлари қофиядош эмаслиги аниқ бўлиб қолади. Бундай хато ийто номи билан юритилади. Шу достондаги

Келур шаҳзода ҳоли терлар эрди,  
Согингайсанким ўт олмоққа **келди**

байтидаги қофиялардан «ди» шахс-сон ва замон қўшимчасини соқит қилсак, қолган «эр» ва «кел» сўзларининг товушлар жиҳатидан мутлақо номувофиқлиги, яъни қофиядош эмаслиги аён бўлади.

Баъзи ўринда ана шу нуқсон сезилар-сезилмас бўлади. Чунончи, мазкур достондаги

Қамуғ элларга ул ярмоқни ёйди,  
Яна бўлди пушаймон, ўзи **куйди**

байтидаги ёйди-куйди қофиялари ўзагидаги номувофиқлик юқоридаги ҳолатларга нисбатан сезилар-сезилмаслик даражасидадир.

Ийто деб аталган хато ҳам шу нуқтаи назардан иккига бўлиниади. Аниқ қўзга ташланиб турган хато **ийтойи ҳафий** (очиқ, аниқ ийто), сезилар-сезилмас хато **ийтойи жалий** (яширин ийто) деб аталади.

## **ҚОФИЯ ВА РАДИФ**

Мумтоз шеъриятимиздаги қофия анчагина ҳолатларда радиф билан биргаликда қўлланиб келган. **Радиф** «изма-из қелувчи» маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, адабиётшуносликда қофиядан сўнг келиб айнан такрорланувчи сўз ёки сўзлар бирикмасини англатади. Радифлар шеърда ифодаланаётган етакчи фикрни таъкидлаш, ўқувчи эътиборини асосий foяга жалб этиб шоир foявий ниятини ўқувчи қалбига тўлароқ, чуқурроқ етказиш мақсадига хизмат қиласиди. Жумладан, Бобурнинг

Ким күрүбдүр, эй күнгүл, ахли жаҳондин яхшилиф,  
Кимки андин яхши йўқ, кўз тутма андин яхшилиф

деб бошланувчи газалидаги «яхшилиф» радифи матлаъ ва ҳар қайси байт охирида такрорланар экан, диққатимизни қайта-қайта асардаги яхшиликни улуғлаш ғоясига жалб қилиб боради ва ушбу фикрнинг дилимиздан мустаҳкам ўрин олишига ёрдам беради.

Буюк ижодкорлар радифларнинг ҳар қайси байтда янгича мазмунни ифодалашига интилганлар. Масалан, Алишер Навоийнинг

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориф, яшил,  
Шуylайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориф, яшил

матлаъи билан бошланувчи газалидаги «қизил, сориф, яшил» радифи ҳар қайси байтдаги сўзлар билан бирикиб, ҳар сафар янги-ча маънони англатади.

Жуфт сўзлардан танланган радифлар ҳам шеърларга айрича латофат ва жозиба бағишлайди. Жумладан, Фурқатнинг

Тушуб бошимға кулфат лаҳза-лаҳза,  
Чекармен ранжу ҳасрат лаҳза-лаҳза

деб бошланувчи газалидаги «лаҳза-лаҳза» радифи шу хил хусусиятга эгадир.

Радифлар икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши ҳам мумкин. Баъзан фақат қоғия ва радифданғина иборат бўлган байтлар ҳам учрайди. Масалан, Бобурнинг

Шоҳим санға маълум эмастур — не қилай,  
Оҳим санға маълум эмастур — не қилай,  
Мен юзу қошинг дермену сен бадру ҳилол,  
Моҳим санға маълум эмастур — не қилай

рубоийсидаги 1, 2, 4-мисралар фақат қоғия билан радифдан ташкил топган, яъни улардаги **шоҳим**, **оҳим**, **моҳим** сўзлари қоғия бўлиб, улардан кейин келган «санға маълум эмастур — не қилай» сўзлари радиф саналади.

Шеър байтларида бир хил такрорланувчи сўзлар қоғиялардан олдин ҳам келиши мумкин. Бундай сўзлар шеър илмида **ҳожиб** деб аталади.

Ҳожиб «пардали» маъносини ифодалаб, зулқоғиятайн (икки қоғияли), зулқавоғиъ (уч ва ундан ортиқ қоғияли), шунингдек мувозана (вазндош) сўзлардан таркиб топган байтларда қоғиялар ёки мувозана сўзлар билан қоғия орасида келади. Масалан, Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги

Кун юзини **айладинг** мушаккал  
Тун кўзини **айладинг** мукаҳҳал

байтида уч қоғия: кун-тун, юзини-кўзини, мушаккал-мукаҳҳал сўзлари зулқавоғиъ санъатини вужудга келтирган бўлиб, «айладинг» сўзи ҳожиб бўлиб келган.

## МУНДАРИЖА

Муаллифдан . . . . .	3
Биринчи бүлім	
<b>ШЕҮРІЙ САНЬАТЛАР НАФОСАТИ</b>	
<b>I б о б. Маңнавий санъатлар</b>	
Муболага . . . . .	9
Ташбих . . . . .	14
Тамсил . . . . .	24
Хусни тәътил . . . . .	27
Тажохули ориф . . . . .	35
Ташхис . . . . .	38
Интоқ . . . . .	41
Талмиҳ . . . . .	41
Лафф ва нашр . . . . .	42
Ружұй . . . . .	47
Истиора . . . . .	53
Тансиқ ас-сифат . . . . .	56
Муқобала . . . . .	57
Киноя . . . . .	58
Ирсоли масал . . . . .	59
Тазмин . . . . .	60
Саволу жағоб . . . . .	61
Тавшиҳ . . . . .	62
Иқтибос . . . . .	62
Илтифот . . . . .	63
Муаммо . . . . .	63
<b>II б о б. Лағзий санъатлар</b>	
Тажнис . . . . .	65
Ийхом . . . . .	74
Таносуб . . . . .	80
Иштиқоқ . . . . .	83
Тазод . . . . .	84
Таъдил . . . . .	85
Раддул ажуз . . . . .	85
Тарду акс . . . . .	89
Жамъ . . . . .	95
Тақсим . . . . .	96
Тафриқ . . . . .	96
Жамъ ва тақсим . . . . .	97
Жамъ ва тафриқ . . . . .	99
Такрир . . . . .	100
Мукаррап . . . . .	100
Тазмини муздаваж . . . . .	102
Китобот . . . . .	103
Талмиъ . . . . .	105
Мувозана . . . . .	105
Тарих . . . . .	107
Радди матлаъ . . . . .	109
Иншо . . . . .	110
Иккинчи бүлім	
<b>АРУЗ ОҲАНГЛАРИ ЛАТОФАТИ</b>	
«Аruz» шеърий улчов тизими назарияси асослари . . . . .	120
Қисқа, чузик ва ута чўзиқ ҳижо- лар . . . . .	123
Сабаб, ватад, фосила . . . . .	125
Руқн, унинг тузилиши ва тур- лари . . . . .	127
Баҳрлар, уларнинг тузилиши ва турлари . . . . .	127
Зиҳофлар . . . . .	131
Мафойлун рукнининг тармоқ- лари . . . . .	131
Ҳазаж баҳри вазнлари . . . . .	134
Олти рукнли вазнлар . . . . .	134
Саккиз рукнли вазнлар . . . . .	135
Рубоий вазнлари . . . . .	136
Ахраб шажараси вазнлари . . . . .	141
«Ахраби макбуз» шаҳобчаси вазн- лари . . . . .	143
«Ахраби макфуф» шаҳобчаси вазнлари . . . . .	146
Ахрам шажараси вазнлари . . . . .	149
«Ахрами аштар» шаҳобчаси вазн- лари . . . . .	151
«Ахрами ахраб» шаҳобчаси вазн- лари . . . . .	153
Рубоийлар вазнини аниқлаш усуллари . . . . .	158
Фоилотун рукнининг тармоқ- лари . . . . .	159

Рамал баҳри вазнлари . . . . .	161	Учинчи булим	
Олти руқишли вазнлар . . . . .	161	<b>МУМТОЗ ҚОФИЯ НАЗОКАТИ</b>	
Саккиз руқишли вазнлар . . . . .	163		
Музореъ баҳри вазнлари . . . . .	170		
Мустафъилун рукнининг тармоқ-			
лари . . . . .	174	Қоғиянинг тузилиши . . . . .	195
Ражаз баҳри вазнлари . . . . .	174	Қоғия турлари . . . . .	197
Хафиф баҳри вазнлари . . . . .	179	Шеър шаклларининг қоғия тузи-	
Мұжтасс баҳри вазнлари . . . . .	181	лиш . . . . .	207
Мағбұлотова рукнининг тармоқ-		Қоғия санъатлари . . . . .	218
лари . . . . .	185	Зулқофияттайн . . . . .	218
Мунсарих баҳри вазнлари . . . . .	185	Зулқавоғиъ . . . . .	221
Сарыъ баҳри вазнлари . . . . .	187	Тарсиъ . . . . .	222
Фаулун рукнининг тармоқлари . .	188	Тажнисли қоғия . . . . .	222
Мугақориб баҳри вазнлари . . . .	189	Мұсажжаъ . . . . .	226
Фоилун рукнининг тармоқлари . .	192	Тажзия . . . . .	229
Мугадорик баҳри вазнлари . . . .	193	Қоғия айблари . . . . .	232
Комил баҳри вазнлари . . . . .	194	Қоғия ва радиф . . . . .	236

✓ A.I.N.  
Укегекова

## А. ҲОЖИАҲМЕДОВ

### МУМТОЗ БАДИИЯТ МАЛОҲАТИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1999

Муҳаррир *И. Шоймардонов*

Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*

Рассом *Т. Гришина*

Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*

Мусаҳҳиҳ *Ж. Тоиррова*

Теришга берилди 8.02.99. Босишга рухсат этилди 2.03.99. Бичими 60Х90  $\frac{1}{16}$ .  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 15,0. Нашриёт ҳисоб  
табоги 14,4. Адади 5000. Буюртма № 3639.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.  
Тошкент—700083, Буюк Турон кӯчаси, 41.